

Тошкент
Ғафур Ғулом
номидаги
Адабиёт ва санъат
нашриёти
1988





**НОРТЎХТА
ҚИЛИЧЕВ**

ЦИФИРИК

ҚИССА ВА ҲИКОЯЛАР

Уз2
Қ42

*Ушбу китобимни
отам Нусрат ҚИЛИЧ ўғлига,
онам Дилбар ХОЖИ қизига
эҳтиром билан бағишладим.*

К 4702570200—105
М352(04)—88—14—88 © Гафур Ғулом номидаги Адабиёт
ва санъат нашриёти, 1988 й.

ISBN 5—635—00088—5

Қисса



ЧИГИРИҚ

Сувларинг-эй дурга дўнсин, далли дарё,
Бир ҳиммат қил, қийналганга ҳиммат раво,
Қалқиб-қалқиб оқайтган бечорага.

Иўлдош Эшбек

Палуба... Уртада балаанд д о р... Чиғириқ устида ў з и.

Дор тагида Т е ш а. Бўйнига каттакон дўмбира осиб олган. Қўлида иккита ногорачўп.

Чеккароқда о н а с и. Негадир ясаниб-безаниб олган. Қўлида доира. Чордана қуриб ўтирибди. Ёнида А н в а р ж о н. Унинг қўлида сурнай. Иккаласи доирага жўр бўлишмоқчи.

Атрофда самарқандлик хушмўйлов йигит, малласоч жувон, тагин аллақанча танишу нотаниш томошабинлар.

Теша шитоб ногорачўпларни юқори кўтариб:

— Ўзимнинг шириним, Севаргул!— деб наъра тортади.— Қани, осмону фалакда туриб, азиз томошабинларимизга алвон каптар ҳавода қандай чаппор уриб ўйнашини бир кўрсатиб қўй!

Шу пайт... елкасига шол рўмол ташлаб олган С а и д а М и р з а е в н а гулхандек ловуллаб, оломон орасидан югуриб чиқади. Тешанинг қаршисида тўхтаб:

— Бундай қилишга ҳаққингиз йўқ!— дейди газаб билан.— Севаргул аввал оёғидан ипга ўзини боғлаб қўйиши керак. Ана ундан кейин томошасини кўрсатсин. Айтинг, боғласин!

— Опажон, дорбозлик — жонбозлик, деб қўйибдилар. Дорбозликда ҳийлагарлик кетмайди... Ҳа, қани, ўзимнинг шириним!

Бирдан дўмбира, доира ҳамда сурнайнинг айқашуйқаш садолари гумбурлаб тарала бошлайди.

Муסיқий садоларга ҳамоҳанг чарх ураётиб, бехос қўлларидан чиғириқ пояси чиқиб кетадию...

...Севаргул сесканиб уйғонди. Назарида, ҳамон тубеиз, қопқоронғи бир жар сари учиб бораётгандек эди. Пешонасидаги реза терларни сийираётиб, ланг очиқ деразалар оша, ҳовлига хомуш нигоҳ ташлади: сароб

живирлайди... Ошкона томондан онасининг нимадир тўғраётгани эшитилади... Жимжитлик.

Севаргул таажжубланиб ўйга толди: қизиқ, бирпас кўзи уйқуга илинар-илинмас, ғалати... қўрқинчли туш кўрди-ёв! Бунинг таъбири нима бўлсайкин-а?.. Ана, дабдуруст тили очилиб, яна бийрон-бийрон гапирворадигандек... Тавба, балаанд дормиш... Ажаб, Саида Мирзаевна худди гулхандек ловуллаб кўриндими?.. Бечорагина!..

Бейхтиёр Севаргулнинг хаёли тагин кечмишга оғиб, тасавурида Саида Мирзаевна бутун борлиғи билан аниқ-тиниқ намоён бўлди.

* * *

— Яхшиямки, сезиб қолишган-а, Севаржон!— деди Саида Мирзаевна бош чайқаб.— Агар... ишқилиб умрингиз узоқ бўлсину, ўлиб кетсангиз, норасида қизчангизнинг ҳоли не кечарди — буёғини сира ўйлаб кўрганмидингиз?

— Айтдим-ку, чидаёлмаганман-да, опажон!— деди Севаргул.— Нима қилай, яшашдан безиб кетганман ахир?

— Ҳай-ҳай!.. Омон қолганингизга шукр қилсангизчи!— Саида Мирзаевна койиш оҳангида таскин берди.— Энди йигирма тўққизга кирибсиз, ҳали гулдек жувонсиз, Севаржон. Қўйинг, кўп ноумид бўлманг. Бирор муносиброғи топилиб қолса, яна турмушга чиқасиз, ҳаммаси унутилиб кетади.

Бирдан Севаргул афтини бужмайтириб:

— Эрнинг оти ўчсин-э, опажон!— деди.— Яхши кўриб чиққаним кун кўрсатмагандан кейин, эндигиси кун кўрсатармиди. Кечдим!..

Хиёл сукутдан сўнг:

— Эрсиз хотин — элсиз хотин, унутманг: суюқ-саёқнинг аччиқ-чучук гап отари бор!— деди Саида Мирзаевна.— Гапимга ишонинг, қизчангизга қўриқвон, ўзингизга меҳрибон бир эркак жудаям лозим, Севаржон. Биларсиз, кўча-кўйда болангизни бирортаси билиб-билмай ранжитиб қўйган кунлари тунлар шунақаям чўзилиб кетадики!..

Севаргул бейхтиёр юз буриб, пешонасини муздек иллюминаторга босди, денгизга тикилиб қаради: Қора денгиз аллатовур мавжланиб-жимирлаб кўринар,

сийрак юлдузлар эса, ўз бағрига чорлаётганден, сирли жавдирар эди.

Опанинг гаплари ҳақ, деб ўйлади Севаргул, кўкси шилингандек куйишиб: лекин на чора, чала тақдиру шўр қисмат экан! Энди умрининг буёғида қизчасини ўкинтирмаса... Наҳотки бунинг иложи бўлмаса-я?!

Аттанг, бир амаллаб, Бахтигулниям олиб келса бўларкан!.. Қизчасини уйда қолдириб, денгиз саёҳатига чиққанига ўн кундан ошяпти. Мана, энди соғинч ҳисси тобора сим-сим бир оғриққа айланмоқда... Кеча Ялтанинг сўлим, сайилгоҳ гўшаларида, харидорлар билан гавжум дўконларида кезган эдилар. Эртага Со-чида бўлишлари керак.

Шу тобда Севаргул, нохуш суҳбатдан безиллаган кўйи, Сочи... дафъатан сеҳрли бир маъводек туюлажани ўйламоқда эди; лекин савқи табиийи билан англаяптики, эрта кириб борганларидан сўнг, етти иқлимга машҳур Содидан ҳам ҳафсаласи пир бўлади: аллазамонлардан бери бениҳоя қўмсаб юргани — сирли бир ниманидир истаб боради, аммо ёнёққа жавдираб қарасаки, ўша — н и м а д и р йўқ!..

Кема хуфтон маҳали Новороссийск бандаргоҳида лангар кўтарган эди. Суза бошлаганларига ҳали... ярим соат бўлганича йўқ. Аллақачон кема ҳам, поёнсиздек туюлаётган денгиз ҳам қуюқ тун қўйнида. Нохуш гурунг таъсириданмикан, Севаргулнинг кўнгли бир қадар ғаш. Назарида, йўқлик сари шитоб сузиб кетиш-ётгандек, қачон қайтишлари ҳам гўё номаълум...

Таассуфки, олдинда тағин денгиз саёҳатининг узундан-узоқ беш куни чўзилиб ётибди. Севаргул эса, алам билан, армон билан қўмсаётган нарсасини бу ёқларда... бу яқин кунларда зинҳор-базинҳор тополмаслигига ишонч ҳосил қилгандек, тезроқ уйга қайтгиси келяпти: Бахтигулгинасиниям роса соғинган бўлса керак.

Ногоҳ Саида Мирзаевна тағин беозор дашном оҳангида:

— У ярамаснинг оиласи борлигини билармидингиз ўзи, Севаржон? — деб сўради.

Севаргул, пешонаси тиришганча, унга юзланиб:

— Ҳа, билардим, — деди. Сўнг, унинг ижикилаб суриштираётгани малол кела бошлагани учунми, аста қўшиб қўйди. — Майли, устимдан кулишингиз мумкин, опажон.

— Қўйинг-э, латифа айтаётганингиз йўқ-ку! — Саида Мирзаевна хижолатангиз қизариб, Севаргулнинг

қўли устига кафтини босди.— Ишонинг, қисматингизнинг бу қадар чигаллиги... Сизга қандай ёрдам беришни ўйлаяпман, Севаржон. Бир пайтлар ўзим ҳам маломатли кунларни бошимдан кечирганман. Аёлнинг шўри курсин экан. Қизиқаётганлигимни кўнглингизга олманг, Севаржон.

Хиёл муддат ўйчанликдан сўнг, Севаргул секин қўлини тортиб:

— Касалманд хотини, бир қизи, бир ўгли, ёсуман камбирдек онаси борлигини ўзидан эшитган эдим,— деди.— Лекин барибир шундаям... Кўз очиб кўрганам ахир! Мени тўғри тушунинг, опажон. Умрингизни тиккан одамингиздан тирик туриб айрилиш... Кейин, ҳалиги хўрликлар... Хуллас, чидаёлмаганман-да!

Саида Мирзаевна унинг ғусса тўла кўзларига хаёлчан, ҳамдард бир назар билан тикилиб ўтирарди:

— Саёҳатдан қайтганимиздан кейин Рустам Шариповичга айтиб, у ярамасни савдо базасидан қувдираман,— деди қатъий оҳангда.— Пули кўпайиб, кўёларини ёғ босиб кетган.

Севаргул паришон бош чайқаб:

— Йўқ, айтманг, керак эмас,— деди.

Саида Мирзаевна таажжуб билан лабларини чўччайтириб:

— Йй-э, нега ахир?— деди.

— Ўзим кўпроқ айбдор бўлсам керак-да,— деб Севаргул хокисоргина жилмайди.

— Ана холос,— деди Саида Мирзаевна баттар ҳайрон қолиб.— Ҳаммасидан ҳам бу гапингиз қизиқ бўлди-ку, Севаржон!

Севаргул дув қизариб, шафқат тилаётгандек, аянчли кулимсиради. Сўнг чой қуйиб узатаркан, оғзибўшлик қилиб қўйганига кўнглида пушаймон бўлди: ахир, бировларга айтадиган сирмиди бу? Опанинг дилкашлигига маҳлиё бўлиб айтди-қўйди-я!..

Севаргул безовта алфоз яна пешонасини иллюминаторга босиб, беҳудуд денгизга тикилиб қаради: аллатовур қорайиб... мавжланиб кўринади. Соҳил олисларда қолиб кетган — йилт этган чироқ нури кўзга илганмайди.

* * *

Севаргул ўтмиш манзараларни кўз ўнгида бир-бир гаудалантираркан, лолу маълул алфозда шифтга тикилиб ётибди. Сихати бугун хийла дуруст, лекин аввалги

кунлардаги каби руҳиятига эзгин бир титроқ солиб, қулоқлари остида бетиним денгиз шовқинию ўтакаси ёрилган одамларнинг оҳу фарёдлари тўхтовсиз эшитилмоқда. Юраги, — нақ икки марта ажал чангалига тушгани учунми ёки боёқиш қизини ота дийдоридан бенасиб қилганигами, ёхуд соқовлик алами ўртаётгани боисми, — бот-бот жизиллаб куйишяпти. Эс-ҳуши яна тобора тиниқлашиб, кечмиш воқеалар эса уч-тўрт кундан бери ором бермай қўйди.

Ана... тағин Саида Мирзаевнанинг чехраси хаёлида намоён бўлиб, дардкаш овози майин эшитилаётгандек туюляпти: ишонинг, Севаржон, қисматингизнинг бу қадар чигаллиги!..

Ҳа, бениҳоя чигал эканки, ўз жонига қасд қилиб, ўломай қолганидан сўнг, руссаю ғашликлардан халос бўлиш илинжида ноилож денгиз саёҳатига жўнаган эди. Камбағални туянинг устида ҳам ит қопгандек, саёҳати бурнидан чиқди.

Мана, ётибди — на ўлигу на тирик. Аммо, юраги тўла дард, алам. Эртага нима бўлади, ундан кейинчи — билолмайди.

Эҳтимол, ажал такрор-такрор бежиз четлаб ўтмагандир. Ҳали тортар жафолари кўпдир.

Маيلي, ҳар неки азоб-уқубатга чидайди. Ишқилиб, ёлғизгина қизи бахтли бўлса... Бўлармикан-а?..

Тавба, ўзи нега бу қадар нотавон бўлиб қолди — қайси хатолари, қайси гуноҳлари учун ахир?!

«Оталарнинг гуноҳлари учун болалари жавоб бергай». Бу ажабтовур ҳикматни Шавкат Исломовичдан эшитган эди шекилли.

Аммо, айб... ўзида. Қисмати қаролигида раҳматли отасининг зигирча ҳам гуноҳи йўқ. Бунда фақат ўзи айбдор. Шавкат Исломович эса бошқа бир жиҳатдан ҳақ!..

Энди эслаб қараса, бир-бирига уланиб-чирмашиб кетган ҳамма кўргиликлари лаънати «Сангам»дан бошланган экан. Шунга ҳам салкам тўққиз йил бўпти. Эсиз, умри сувдек оқиб ўтяпти-я!

Аслида, ўша кеча кинога бормаса...

Аммо, дугонаси Малика «Баҳор» кинотеатри ёнида кутмоқчи эди.

Борса, дугонаси келмаган экан. Патта олиб, кино бошланар пайтигача уни бетоқат кутди. Лекин негадир у келмади. Кейин, битта ўзи кинога кирди. Кинодан эса ичкикиб-ичкикиб йиғлаб чиқди.

Ойдин баҳор кечаси эди. Хиёбондаги чироқлар чарақлаб ёниб турарди.

Аёзли шабадада жунжикиб, ижарахонаси томон хомуш кетаверди.

Бир маҳал, йўлни кесиб ўтаётганида, оппоқ «ГАЗ — 24» ёнида таққа тўхтади, эшиги очилиб, таниш... қандайдир танишдек бир ўктам овоз эшитилди: ў т и р!

Амирона овоз эшитилган заҳоти, аллатовур танишдек туюлгани учунмикан, юраги бехос жиз этиб кетди. Ва, парвона ёниб турган шамга ўзини ургандек, итоаткорлик билан, очиқ эшикдан ичкари кирди. Кирдию... димоғига ўткир атир ҳиди урилиб, беихтиёр дилида таажжуб аралаш пушаймон ҳиссини туйди.

Бироқ, кечиккан — аллақачон «Волга» жойидан жилган эди.

Ҳали-ҳануз нега у н и н г ҳукмига бўйсунганига, нима учун шартта машинадан тушиб кетмаганига ҳайрон: сабабини ҳеч тушунолмади.

Аммо-лекиң ўша тобда хаёлини банд этган ишқий кино таъсирими, илк лаҳзалардаёқ у н и н г... нимасигадир мафтун бўлиб қолгандек эди. У н и н г кўзлари меҳрчан чақнаб турарди. Сочлари хиёл жингала, ёйдек қошлари қуюқ, қиррабурун; ёши... афтидан ҳали йигирма бешга ҳам кирмаганга ўхшарди. Қалта ёнгли оппоқ кўйлаги эса уни янаям жозибали кўрсатарди.

У бир қараб кўйиб, кўнгилчанлик билан:

— Ким сени хафа қилди? — деб сўради. — Бирортаси гап отдимми?

— Йўқ, — деди Севаргул қимтинибгина. — «Сангам»га кирган эдим.

— Ҳм-м, — деди у. — Студентмисан?

— Пединститутни битиряпман, — деди Севаргул.

— Э, адашибсан! — деди у кулимсираб. — О-ш-ош... О-л-ол... Одамнинг юраги сиқилиб кетади-е! Отинг ким?

Севаргул исмини айтди.

— Яхши! — деди у қош қоқиб. Сўнг: — Севаргул, — деб жилмайди. — Зўр экан. Менинг отим — Теша... Ёмон-а?

Туйқус икки ўртада ҳали-вери ҳукм суриши лозим бўлган ётсираш барҳам топгандек, Севаргул алланечун ёнги тортиб:

— Отнинг яхши-ёмони бўлмайди, — деди. — Маънили-маънисизи бўлади.

Теша тагин илкис синчков назар ташлаб:

— Вобкентликмисан дейман?— деди.— Гапларинг бунча ширингина.

— Йўқ, галасиёликман,— деди Севаргул жилмайиб.

— Вобкентнинг ширинлариданмисан, деб ўйлабман.

— Галасиёнинг қапталидаги қишлоқданман...

Кейин, Лабиҳовузга яқинлашаётганларида, Теша машина тезлигини пасайтириб, қаерда туришини сўради.

Севаргул манзилга етиб келганлигини айтиб:

— Раҳмат,— деди.— Шу ерда тушаман.

Теша машинани секин жилдириб борарди:

— Йўқ, тушмайсан,— деди.— Кеч бўлиб қолди. Элтиб қўяман. Кимникида ижарадасан?

— Мулла Мирбайзо бобоникида,— деди Севаргул унга саволчан қараб.

— Яхши хонадонда тураркансан,— деди Теша бош ирғаб.— Мулла бобо кўп аломат одам.

— Мулла бобони танийсизми сиз?

— Мулла бобо менинг ота қадрдоним бўладилар,— деди Теша.— Жуда диёнатли одам у киши.

— Мулла биби ҳам!..

Дарвоза рўпарасидаги симёғоч ёнида Теша машинани тўхтатди, Севаргулнинг сумкачадан ҳамён чиқараётганини кўриб:

— Э-э, қапчиғингни жойига солиб қўй-да!— деди.— Қулоқ сол, Севаргул... Ажойиб қиз экансан, кечалари ёлғиз юрма, «бўрилар» еб кетади.

— Емайди.— Севаргул навозишли кулимсиради.— Вуёғи оз қолди энди.

Бирдан Теша:

— Ҳа-а!— деди бўйнини чўзиб. Сўнг кулди.— Ана, қўрқдинг-ку?

— Хай ўзингиз қўрқитманг-да,— деб, Севаргул ундан уялинқирабгина сўради.— Қаерда ишлайсиз, Теша ака?

— «Лолазор» деган магазинни биласанми?

Севаргул бош ирғаб:

— Виламан,— деди.

— Ана ўша магазиннинг мудириман,— деди Теша.— Йўлинг тушганда кириб тургин, хайми?

— Раҳмат. Кирарман.

— Майли... Севаргул. Мулло бобога салом айтиб қўй!..

Севаргул секин қоматини тиклади. Қаршисидаги очиқ дераза оша пешайвонга, ундан ҳовур жимирлаётган ҳовлига паришон назар ташларкан, аста кўксини уқалади.

Каравот ёнбошидаги қути ғаладонида ҳар хил дорилар қалашиб ётарди. Тугмачадек иккита дармондорини илимсиқ чой билан устма-уст ичди. Сўнг тағин тўшакка чўзилиб, ёстиғи ёнидаги очиқ китобни қўлига олди, лекин ўқимай, кўкрагига босиб, кўзларини юмди: э тавба! Бу қанақа дард ўзи — соқовдек лолу маълул ётса-ю, хотиралар азобидан қутулолмасая!..

Уша кеча дабдурустдан Маликани қучиб, мен бир йигитни яхши кўриб қолдим, дугонажон, деди. Лекин йигитнинг қайси фазилати манзурлигини ҳали аниқ билмас эди. Малика ҳайратланиб, бахай, ким экан у бахтиёр йигит, дугон, деб сўраганида, унинг кимлигини айтмади. Кейинроқ эса, уялдими ёки бошқа бирор жиддий сабаб туфайлими — айтолмади. Агар ёқтирган йигитни кимлигини вақтида сир сақламай, рўйроост ошкор қилганида, қақажон Малика кўзларини мошдек очиб қўярмиди.

Аммо, билиб-билмай кўнгил кўйига тушган эди, ҳар гал уни ўйлай бошлаган заҳоти унинг дили дардга тўлаю ҳамдардга муштоқдек, ажойиб қиз экансан, Севаргул, деганини эслаб, ҳаяжондан энтикиб кетарди.

Ногаҳоний учрашув чоғида у фақат яхшиликни раво кўрган, ҳеч нарса тиламаган; лекин, — кўзларининг меҳрчан чақнашими, эҳтиросланиб гапиришим, — нимаси биландир ўзига ром қилган экан.

Дарвоқе, бунинг бошқа бир сабаби ҳам бор эди, яқин-яқинларгача ўша — ўтмиш воқеа ёдига тушса, нимадир нашъа қилгандек, кинояли кулиб қўярди. Энди... энди эса ўкинч ҳиссидан мулзам тортади.

У пайтда иккинчи курсда ўқишарди.

Пахта ҳашарида эдилар.

Ҳамиша юмушларига кўмаклашиб, атрофида гирдикапалак бўлиб юрадиган Анваржон, бир пешин чоғи пайкалда тивчўкиб, Севаргулжон, мен сизни севаман, деди.

Анваржон сал китобийроқ йигит эди.

Унга жавобан меровсираб, нима қилай, муччи берайми, Анваржон, деди кулиб. У, ялинчоқлик билан

жавдираб, йўқ-йўқ, сиз менинг маҳбубам бўлинг, Севаргулжон, деди эланиб.

Дафъатан маҳбубаси нималигини тушунолмай, мен — сизга хотин бўлолмайман, сиз — менга эр бўлолмайсиз, Анваржон, деди яна кулиб. Ҳеч қачон!..

Кейин, Анваржон багтар энсани қотириб, юм-юм йиғлаган эди.

Нимадир хонанинг аллақайси бурчагида қирт... қирт... қила бошлади.

Севаргул китобни тўшак устига қўйиб, эринчоқлик билан ёнверига қаранди.

Қиртиллаёган товуш тиндими — бирдан эшитилмай қолди.

Севаргул аччиқ кулимсираб, беихтиёр уф тортди: Анваржондек ювош йигитнинг уволи тутган экан, деб ўйлади сўнг: мана, ўттизингга кирмай, давринг ўтди. Улар эса... Қандай яхши, Анваржон ҳам, Малика ҳам — ҳамма собиқ курсдошлар даврон суриб юришибди. Ёлғизгина сен... Кўнгил кўйида бечора бир маъшуқа бўлиб қолганлигини билмаган экансан-а, Севар!..

Орадан уч кун ўтгач, институтдан қайтаётиб, «Лолазор» бекатида автобусдан тушди. Кеча ҳам, ундан аввал ҳам магазинга кирмоқчи бўлганлигини, лекин негадир ҳаяжонланганини ўйлаганча, хиёл фурсат ҳайронсираб турди. Сўнгра, алланимадир харид қилишга чоғлангандек, вужудини ёқимли бир туйғу чулғаб олаётганлигини ҳис этган кўйи, секин қўшқаватли дўкон сари яқинлашди. Кейин, зоҳиран бамайлихотир сиёқда эшикдан ўтиб, ўйинчоқлар растаси томон бурилди.

Шу пайтда қулоғига таниш овоз рўпарадан гулдиргандек эшитилди:

— Э, хуш кўрдик, Севаргул!..

Севаргул ногоҳ юрагида нозик бир титроқ билан ялт ўгирилиб, унинг шодон чақнаётган кўзларига нигоҳи тушаркан, ҳаёданми-ҳаяжонданми — юзлари ловуллаб кетганлигини сизди.

Теша, бармоқларига қўша-қўша ёнартошли узуклар таққан, гажак зулфли сотувчи жувонга ниманидир уқтираётган эди чамаси, дарҳол гапни қисқа қилиб, хушҳол яқинлашди:

— Яхшимисан, Севаргул,— дея қўл сиқиб сўрашди.— Нега кўринмайсан?..

Унинг меҳрчан боқиб, ўшандан бери мен сени ҳар кун кутяпман, дегандек гина-гузора қилаётганидан Севаргул руҳиятида бир ҳаловат туяркан, давлат имтиҳонларига тайёргарлик бошланиб кетганлигини айтди. Вақти тигизлигидан нолиди. Ва шу аснода бехос хаёлидан кечган фикрдан дадилланиб:

— Яхшироқ этикча олмоқчи эдим, Теша ака,— деди.— Топилармикан?

Севаргул нима учундир унинг рад жавобини кутган эди.

Аммо, Теша ўша заҳотиёқ:

— Топилади, Севаргул!— деди. Сўнг шартта магавин ичкариси томон йўл бошлади.— Юр бу ёққа. Ҳовир топтирамиз!..

Севаргул ҳамёнида неча сўми борлигини хавотирланиб ҳисоблаганча, унинг ёнида бораркан, сотувчи жувонларнинг, ҳатто сотувчи йигитларнинг ҳам бўзрайган назари аъзойи баданига сонсиз-саноқсиз игналардек қадалаётганини ҳис этган кўйи, пинҳона ғашлакаётгани баробарида, негадир бепарво кўринишга уринар эди. Четлари кирланган қизил бахмал парда билан тўсиглиқ, нимқоронғи йўлак адоғидаги чоғроқина қабулхонадан ўтиб, муҳташам кабинетга кирганларидан сўнг янаям безовталанаётгандек бўлди. Пастак стол ёнидаги юмшоқ курсига омонатгина ўтирди.

Теша эса хушнуд эди. Кўнгирилчан сухандонлик билан унга чой қуйиб узатди. Кейин, этикчанинг қанақа хилидан хоҳлашини сўраб-суруштиргач, дарров кимгадир қўнғироқ қилди.

Орадан ҳаял-замон ўтмай, кўкиш халат кийган, новча бир йигит эшик очиб:

— Мумкинми, ака Теша?— деб, ичкари кирди-да, қўлтиғидаги қоғоз қутини узун стол устига қўйди.— Бунақасидан битта қолган экан, ака Теша. Олиб келардим.

Теша, новча йигитнинг гапига парво қилмай:

— Қара-чи, Севаргул,— деди қош қоқиб.— Тўғри келмаса, бошқасини топтирамиз.

Севаргул тортинибгина қутини очди, беихтиёр кўзларини яшнатворган қўнғирранг, хорижий этикни қўлига олиб:

— Яхши экан,— деди. Сўнг тагин юмшоқ курсида

чўнқайиб, этикни кийиб кўраркан, яна дилғашланиб, ўйлай бошлади: бугун сўнгги икки ойлик степендиясини қўшиб олди, аввалдан ёнида уч-тўрт сўми бор эди, лекин Маликага ўн сўм қарз берди — қолгани етармикан-а?.. — Неча сўм бу, Теша ака?

— Етмиш икки сўм, опача, — деди новча йигит, ундан олдинроқ жавоб бериб. — Оёгингизни қисмаёптими?

— Билмасам, — деди Севаргул, ҳиёл пеёнаси тиришиб. Этиқ оёқларида ёпишиб-ярашиб турарди. — Ҳойиқ келди шекилли.

— Жуда ярашди, опача, — деди новча йигит, алла-нечук ишшайиб.

Теша илкис унга бир чимирилиб:

— Майли, ука, энди сенга жавоб! — деди. — Ишингга боравер.

Йигит қўл қовуштириб:

— Хўп бўлади, ака Теша, — деди, сўнг хонадан чиқди.

Севаргул этикни ечиб, қутига солди. Сумкачасидан ҳамёнини чиқариб, сабрсизланиб пулни санади. Санадию... синиққина жилмайди:

— Теша ака, — деб, лабларини қимтиди. — Этикчани эрта консультациядан қайтаётганимда олиб кетсам майлими?

— Э, қизиқмисан, Севаргул! — деди у. — Олиб кетавер ҳозир.

— Раҳмат, Теша ака! — Севаргул қўлида ғижимлаб турган пулни пастак стол чеккасига қўйди. Этикни тўрхалтага солиб, секин эшик сари юрди. — Қолган беш сўмни эртага келтириб бераман. Майлими, Теша ака?

— Пулдан кўп гапирма-е, Севаргул! — деди Теша. — Менга дўст керак. Тушундингми?.. Шошмай тур. — У столи ғаладонидан мўъжазгина бир қутичани олиб узатди. — Шунини олиб қўй, Севаргул.

Беихтиёр кўзлари катариб:

— Нима у, Теша ака? — деб сўради.

— Нима бўларди — совғача-да! — деди Теша жилмайиб. — Фаранги духи.

Севаргул дув қизариб:

— Йўқ-йўқ, керак эмас! — деди бош чайқаб. — Илтимос, мени уялтирманг, Теша ака.

— Э, биз дўстмиз-ку, ахир! — деб, тумшайди у. — Олмасанг хафа бўламан лекин.

Негадир Севаргул унинг ранжиб қолишини истамас эди, ноилож совгани оларкан!

— Майли, раҳмат, Теша ака, — деди.

Кўзлари мамнун чақнаган кўйи:

— Бу бошқа гап-да, Севаргул! — дея у елкасига қоқиб қўйди.

Севаргул тезгина хайрлашди.

Уйчан хуррамлик билан ижарахонасига қайтди.

Малика!..

...уйда экан, этикни роса мақтади, ўзининг имконсизлигидан ўкиниб нолиди; фаранги духини кўрганда эса беихтиёр анграйиб:

— Ва-а-ай, «Қора лола» ку бу, дугон! — деди. —

Иигитинг совга қилдими?

Севаргул беҳаловат қизаринқираб:

— Ўзим... — деди.

Малика кескин қўл силтаб:

— Бекоргинани айтибсан! — деди. — Мени алдаёлмайсан, «Қора лола» деб қўйишибди буни, дугон!..

Духининг бу қадар ноёблигини ҳам, қимматбахо эканлигини ҳам Севаргул билмас эди. Дугонасининг чўгли гапларидан сўнг, кўксини нимадир куйиштираётгандек бўлаверди: нега олди шу сабилни-а?!

Ана энди у я м умидворланиб юради — менга ишқи тушган эканки, қўлимни қайтаролмади, деб!..

Эртасига курсдош қизлар ёппасига шов-шув кўтарворишгач, хаёлидан янаям тўзгин фикрлар кечаверди. Оқибат, то элтиб бермагунча кўнгли тинчимаслигини сездди.

Кейин, машгулот тугагини кутмай, бетоқат «Лазор»га кириб борди. Тагин кечагидек сотувчи қизлару йигитларнинг безрайган назари остида, расталар оралаб, вах ҳиди анқиётган йўлак томон ўтаркан, ноҳос фикрдан айниди: давлати камайиб қолмас буларнинг. Ана, харидорлар ҳақидан беармон ўмариш-апти-ку!

Бироқ, қабулхонада машинкани чиқиллатиб, хат битиб ўтирган малласоч, хипчабел жувонни кўрганидан сўнг, тагин ихтиёрсиз беқарорланди: йўқ, барибир қайтариб бериш керак. Ким билади, кимларга аталган бу зор қолгур!..

Малласоч котибадан ижозат сўраб, аста эшикни очди.

Теша қўлидаги узун қаламни чаккасига тираган кўйи, бир даста қоғозга хомуш тикилиб ўтирган экан.

Севаргул хиёл тараддудланиб:

— Мумкинми, Теша ака?— деди.

Илкис юзланиб:

— Э, Севаргул!..— деди у.— Хайрият-э, сен ҳам бизни сўроқлаб келадиган кун бор экан-ку!— Теша илдам яқинлашиб, қўл сиқиб кўришаркан, миннатдорлик билан елкасига қоқди. Сўнг зарҳал чойнак-пиёлалар турган пастак стол тарафга ишора қилди.— Кел-э, бирпас чақчақлашайлик. Иш қочиб кетмас.

Севаргул сал орқасига тисланиб:

— Сираям вақтим йўғ-а, Теша ака,— деди. Сумкачасидан ҳамёнини чиқариб, узун стол чеккасига битта беш сўмлик қўйди.— Кечаги қарзим.

Негадир у ранжиганнамо чимирилиб:

— Ҳақиқатан ҳам сен ажойиб қиз экансан-ку, а, Севаргул?!— деди.— Қарз қиёматга қолмасин дебсан-да!..

Ногоҳ уни баттар ҳайратга солиб, Севаргул мўъжаз қутичани узатди:

— Бу жуда қимматбаҳо экан-ку, Теша ака,— деб, аллатовур жавдираб жилмайди.— Мен роса хижолат чекяпман, Теша ака.

У, қўққис пешонаси тиришиб, бир муддат каловланди, сўнг:

— Қойил-э!— деди аттангнамо бош чайқаб.— Ўз баҳонгни ўзинг ерга урма, Севаргул. Сендай хушрўй, сендай хушхулқ қиз...— Теша эҳтиросланиб гапираркан, қўлларини кўксига босиб, кўзларига термилиб қаради.— Мени тўғри тушун, Севаргул? Кўнглингдан шумлик кечмасин лекин! Сени кўрсам... меҳрим ийиб кетаверади. Бор-йўқ гуноҳим шу! Кечироласанми шу гуноҳимни?

Севаргул тагин руҳиятида бир ҳаловат туйиб, юзлари ловуллаётганини сизди.

Теша эса ўктам овозда:

— Айтавер!— деди.— Хафа бўлиш йўқ.

Севаргул индамай бош ирғади.

— Худога шукр-э!— деб, Теша тагин миннатдорлик билан елкасига қоқди.— Яша-е, Севаргул!..

Туйқус Севаргулнинг ўзи ҳам алланимадан енгил тортгандек энтикиб:

— Раҳмат, Теша ака,— деди. Сўнг кутубхонага шошилаётганлигини айтиб, рухсат сўради.— Майли, мен борай?

— Тўхтаб тур!— деди Теша. Ва шитоб столи ёнига ўтди.

Тагин у нимадир совға қиладигандек, Севаргул бевовталаниб, эшик томон жилди.

Теша эса зумда кичкина бир қоғозга хат ёзиб, тўрт буклади:

— Мана, телефон номерим,— деди.— Мабодо бирор нарса керак бўлиб қолса, тортинмай кириб келавер. Бедарак кетма!.. Хоҳлаган пайтингда телефон қилгин, хайми?

Севаргул итоаткорона бош ирғаб:

— Хай,— деди.

Теша гумонсираб кулди:

— Ай, билмадимо-ов!..

Кейин, «Лолазор»даги барча хуштору хушомадгўйларининг кўзига чўғ босгандек, кўчага кузатиб чиқди. Хандон-хушон хайрлашаётиб:

— Бухорои шарифда мендек дўсти беғаразинг борлигини унутма, Севаргул!— деди.— Келишдикми?..

Нимадир тарақлаб кетди.

Севаргул эшик томон қаради: онаси ниманидир тушириб юборди шекилли. Ана, ошхона тарафдан тўнғиллагани эшитиляпти.

У шифонер устидаги электр соатига нигоҳ ташлади: ўн бирдан ўтяпти. Уф-ф!.. Бу қандай кун-а, кулиб-куллолмаса!..

Шу аснода тагин бояги қирт... қирт... қилаётган товуш қулоғига чалина бошлади: нима экан бу сабил, деб ўйлади, сичқон бирор болорни кемиряптими-ё? Тавба, умринг кемирилди-ку, Севар, икки пуллик болорга бунча куймасанг!..

Тобора Тешанинг валломатлигидан мутаассирланиб, Минораи калон ёнидаги катта кутубхона сари бораркан, бегона эркак билан бегона қизнинг беғараз дўст бўлиши... душворлигини алланечук дилгирланиб ўйлади. Ва, шу баробарида, кун сайин жисмида мавж ураётган ошиқона туйғудан масрурланаётганини; У ҳақда ўйлаш, хаёл суриш эса янаям завқ-шавқ бағишлаётганлигини ҳис этди: яхши-да, кимдир учун мукаррамлигини сезиб юриш. Одамнинг боши айланиб кетади-е!..

Аммо, ўзини кўр-кўрона ўтга ураётганлигини англаб етганида... аллақачон вақт ўтган эди. Дир-дир қалтираб, тўзгин сочларини чангаллаганча, уввос солди:

энди мен нима қиламан, Теша акажон?! Бу кунимдан ўлганим яхши эди, Теша акажон!..

Ушанда ҳам худди шу уйда эди. У пайтда кун икки эгаси кўчиб кетгандек шипшийдан хоналарда ҳар хил қийқим лахтаклар сочилиб ётарди.

Кейин билса, чиндан ҳам, ҳовли эгаси юрт ошиб кетган экан: Шаламай деган бир ошнамиз Исроилга жўнаворди. Бу ҳовли ўшаники эди. Хоҳласанг бугундан бошлаб ҳовли сеники бўлади, Севаргул. Боплаб жиҳозлаб бераман, яйраб яшайверасан.

Тун эди.

Сархуш эди. Жисму жонида беадад бир истак кезмоқда эди.

Кейин...

...эрта тонгда, симлари туртиб-туртиб чиққан диванда юрак-бағри куяётгандек уйғондию, ялт кўзларини очди. Дафъатан даҳшатга тушиб, ҳаммаси қаро тун қаърида кунпаякун бўлганлигини алам билан идрок этди. Айни кезде эрта бир кун рўй берадиган шармисорликларни ўйлаб, баттар бўзлаб юборди: турнинг ахир, Теша акажон, мен энди нима қиламан?!

Ахир, нима қиларини лоақал «Дилором»га боришдан аввалроқ ўйласа бўлмасмиди!

Айтмоқчи, тақсимот комиссияси иш билан таъминлашни район халқ маорифи бўлими зиммасига юклаган эди. РайОНОдагилар эса бир пайтлар ўзи ўқиган мактабга йўллашди.

Аммо, мактабда бўш ўрин йўқ экан, соҳаси тўғри келмаса-да, вақтинча тайёрлов группасида болақайларни шуғуллантириб туришни айтишди. Маоши саксон сўмнинг нари-берисида бўларкан.

Табийки, бу таклиф ёқмади: битта яхши этикнинг баҳоси етмиш икки сўм бўлганидан кейин, олар маошининг ҳам, салкам беш йил ўқиб эришадиган мавқеининг ҳам қадр-қиммати маълум.

У замонларда мактаб ислоҳоти ўтказилиши ҳамда ўқитувчининг ойлик иш ҳақи оширилиши ҳали ҳеч кимнинг хаёлида йўқ эди.

Мана, бўлар экан-ку!.. Агар шу ислоҳот ўша кунларда бошланиб кетганида, балки ёруғ юз билан қишлоққа қайтармиди.

...Хуллас, ўшанда не қиларини билолмай, гангиггарангсиб қолган эди: облОНО иш билан таъминлаёлмади, райОНО эса гуноҳни ўзидан соқит қилди.

Хўш, энди ким ёрдам бера олиши мумкин?..

Үйлаб-үйлаб, кўп истиҳола билан, валломатига қўнғироқ қилиб, арзини айтди.

«Э, бажарамиз, Севаргул! Асло ғам ема, — деди у. — Эрта беш яримда, Кўкалдош ёнида кут мени».

Эртаси белгиланган муддатда мадраса томон хаёлчан яқинлашаркан, йўл бўйидаги дарахтлар соясида унинг ошноқ «Волга»сини кўриб, юраги гупуриб кетди. Негадир у машина ичида йўқ эди.

Алланечук бесаранжомланиб, ёнверига кўз югуртирди: настда — салқин Лабиҳовуз теварагидаги кўрпачалар тўшалган картларда одамлар чойхўрлик қилишмоқда; баланддаги хиёбонда — Афанди ҳайкали олдида бир гуруҳ сайёҳлар суратга тушишяпти; гулзор этагидаги олақуроқ ўриндиқда зардўппи кийган навжувон келинчак билан навқирон куёв, бир-бирига маҳлиё термилган кўйи, музқаймоқ емоқда.

Ҳаво дим. Йўлкалардан ҳовур кўтарилади.

Бир маҳал, Теша мадраса ҳовлисидан чиқди. Унинг ёнида тепа сочи тўкилган, қуёш қиздираётганига қарамай, ёғнига кулранг костюм кийиб, ёқасига одмигина галстук таққан, эллик ёшлардаги амалдорсифат бир киши ҳам бор эди. Киши дарвоза ёнида хуштакаллуфлик билан хайрлашиб, ортига қайтди.

Теша йўлни кесиб ўтаркан, Севаргулга нигоҳи тушиб, отасидан хўрозқанд ундирган боладек, хушнуд жилмайди. Чаққон машинага яқинлашиб:

— Салом, Севаргул! — деди. — Ўтир, кетдик.

Қаёққа борамиз, Теша ака, деб сўрагиси келди, лекин нима учундир... сўрамади.

Теша шитоб машинани жойидан жилдириб:

— Ишинг беш, Севаргул! — деди. — Ҳозир мени кузатиб қўйган одам — Шавкат Исломович бўладилар. Танийсанми сен у кишини?

— Йўқ, танимайман, — деди Севаргул.

— Зўр одам. Баъзан менга хизматлари тушиб туради. Шаҳар чеккасидаги янги тузилган районда бирор йилча аввал райисполком раиси эдилар. Бечора ҳозир бу ерда... Яхши оғайним, — деб, Теша ортига бир қараб олди. — Шавкат Исломовичнинг идорасида методистлик қиласан.

Севаргул таажжублангандек кулимсираб:

— У қанақа идора ўзи, Теша ака? — деди.

Теша беихтиёр энса қашиб, бир муддат жим қолди. Тобора шаҳар марказидан узоқлашиб бораётган эдилар.

Тоқи саррафон ёнидан ўтиб, тор кўчага бурилганларидан сўнг, тагин у елкаси оша бир қараб қўйиб:

— Тўғриси, Шавкат Исломовичнинг идораси қандай аталишини аниқ билмас эканман,— деди хижолатангиз кулиб.— У ерда бирталай қочган-қураган идора бор: «Билим» жамияти, «Китобсеварлар» жамияти, Кучуқвозлар уюшмаси...

— Иби, мадрасадами, Теша ака?!— деди Севаргул ёқа ушлаб.

— Э, буям бир нодоннинг иши-да!— деди Теша кулиб.— Лекин Шавкат Исломовичнинг идораси уларга қараганда анча обрўлироқ чоғимда: клублар, кутубхоналар, спорт саройлари... ишини назорат қиладиган бир ташкилот экан.

Севаргул овози титраниб:

— Ахир, мен...— дедию, нима учундир унга алла-нечук зарда қилаётганини пайқаб, ўша заҳоти гап оҳангини ўзгартирди.— Сиз у кишига пединститутни битираётганлигимни айтдингизми, Теша ака?

— Ҳаммасини тушунтириб айтдим,— деди у.— Шавкат Исломович тушунадиган одам. Майли, ёш кадр экан, ҳозирча маоши бир юз эллик сўмлик кичкина штатда ишлаб туради, дедилар. Икки-уч ойдан кейин старшийликка ўтказишармиш. Қалай, зўрми?

Ҳамон Севаргул қишлоғидаги ўзи ўқиган мактабдан иш топилишига умидвор эди:

— Билмасам,— деб қўйди.

Теша рул чамбарига шарп этказиб уриб:

— Э, бу иш ўқитувчиликдан минг марта яхши-е, Севаргул!— деди. У тобора машинани елдириб борарди.— Мактабнинг чойчақасига кун кўриб бўларканми. Шавкат Исломович айтяптиларки, мукофот пули, командировка пули қўшилиб, ойлик маошинг икки юз сўмдан ҳам ошиб кетар экан. Нима, ёмонми?..

Ҳарқалай бу ишнинг даромадлироқ эканлигини, Галаосиё билан Бухоро ораси узоқ эмаслигини ўйлаб, Севаргулнинг кўнглида мубҳам бир мойиллик уйғонгандек бўлди: хоҳлаган пайтда уйга бориб келиб туриши мумкин. Аммо, онаси... айниқса отаси рози бўлармикан?

— Агар истасанг, бир кишилик ётоқхона ҳам беришлари мумкин эмиш.

Севаргул ҳаяжонлангандек:

— Ростми, Теша ака?— деди.

— Мадрасада нима кўп — ҳужра кўп! — деди у. — Дарров биттасини жиҳозлаб беришади. Яшайверасанда!

Ногоҳ ўзини торгина бир ҳужра туйнугидан уч кунлик синиқ ойга бедор термилиб ётгандек тасаввур этиб:

— Йўғ-э, Теша ака! — деди Севаргул. — Қўйинг, ётоқхонаси керак эмас.

— Хуллас, иш масаланг ҳал, Севаргул! Яхши оғайнилар омон бўлса, кейинчалик сенга ўзим бир хоналик квартираям тўғрилатиб бераман. Агар хоҳласанг, иш-хонангга яқин жойда битта ҳовлича бор, кириб яшайверишинг мумкин. — У дилкашлик билан тўлқинланиб гапираркан, елкаси оша тагин саволчан назар ташлади. — Энди яхшиликни ният қилиб, ишни ювсак, а, Севаргул?.. Майлими, қарши эмасмисан?

Севаргул хаёлчан жилмайди. Негадир индамади.

Аллақачон гавжум, димиққан шаҳар ортда қолиб кетган эди.

Шаҳардан чиқаверишда Теша катта йўл бўйидаги сўлим дарахтзор тарафга рулни бурди. Анча олдинда — сершоҳ-сербутоқ ўриклар, олмалар, тарвақайлаб ўсган чинорлар орасида — муҳташам бир гўша ўз бағрига чорлаётгандек кўриниб турарди. Адл тераклар соя солган йўлдан секин яқинлашганлари сари, хонанда Жўрабек Муродовнинг «Табассуминг» ашуласи магнитофондан тобора жаранглаб эшитилмоқда эди.

Шарқираб оқаятган ариқча бўйида дарахтларнинг қуюқ соясида Теша машинани тўхтатди.

Атрофда «Жигули»лар, «Москвич»лар кўп эди.

Севаргул нимадандир хавотирлангандек:

— Қаерга келдик ўзи, Теша ака? — деб сўради.

— «Дилором» ресторанига, — деди у кулимсираб. — Ҳозир Бухорода бундан яхшироқ жой йўқ!..

Севаргул ҳардамхаёллик билан машинадан тушди. Ариқчанинг нариги бетидаги олмазор боққа ўйчан нигоҳ ташлади. Боғни янаям кўркам кўрсатаётган ям-яшил йўнғичқапояда қулоқ-думи кесик қора бир кўп-пак билан ола кучук қувалашиб-ўйноқлашиб юрарди. Ариқча ёқалаб кетган соя-салқин йўлка адоғида қирқоғайни гуллар билан ўралган ғаройиб бир шийпон кўринади. У — муҳташам пишакори бинога туташган. Шийпонда шодиёна базм қурганларнинг хандон-хушон овозлари дам-бадам баралла эшитилиб турарди.

Ногоҳ кучли қаҳқаҳа янгради.

Севаргул бирдан сергак тортиб:

— Одам кўп-ку, Теша ака,— деди нолинганми, нозлангандек оҳангда. Бу эса негадир ўзига ҳам хуш ёқди.— Кетайлик?

— Э, парво қилма, Севаргул,— деди у, машина эшигини қулфлаётиб.— Ичкарида ажойиб хоначалар бор. Қойилмақом... Юр, биз бу ёқдан кирамиз.

Севаргул унга соядек эргашиб, гуж-гуж шингиллари осилиб ётган ишком тарафга ўтди. Ишкомнинг икки томони гулзор. Қип-қизил атиргуллар барқ уриб очилган. Ҳавода муаттар райҳон ҳиди анқийди.

Гулзор этагидаги тилсимотдек туюлаётган шишакори бинонинг орқа эшигидан яқинлашаётганларида, айтиб қўйилганми — худди кутиб тургандек, ичкаридан қора шим, оппоқ кўйлак устидан қора нимча кийган хушбичим бир йигит чиқди-да:

— Ассаломалейкум, ака Теша!— деб, тавозе билан қўлини кўксига босган кўйи, пешвоз юрди.— Бардам-бақувватмисиз, ака Теша?..

— Ҳа, қалайсан, Саид бажо!— Теша йигит билан қўл беришиб сўрашди.— Ишлар бажоми, Саиджон?

— Бажо, ака Теша, бажо!— деди йигит ишшайиб. Ва Севаргулга енгилгина бош ирғаб қўйди.— Сояи давлатизда юрибмиз, ака Теша. Қани, марҳабо, ака Теша!..

Ичкарида одам сийрак экан.

Димоққа... зилол сувли кўл бўйларидаги янглиғ намхуш бир эпкин урилади.

У ер-бу ерда кўзлари кўм-кўккина қизлар билан қорақош йигитлар зайтунранг курсиларда яйраб ўтиришарди. Хонақоҳдек кенг-мўл залга уланиб кетган шийпон эса хийла гавжум эди.

Жала остида қолган деразадек тусланиб кўринаётган қалин шиша деворларга печакгуллар чирмашган. Столлар оралатиб қўйилган каттакон сопол гулдонлардаги хитойи гуллар кўзни яшнатади.

Улар шийпонга туташ, олди рангин қамишпоя нарда билан тўсилган, нимёруғ бир гумбазсифат хоначага киришди.

Севаргул ёнверига аграйиб разм солди: бу ажабтовур хосхонанинг биттаям туйнуги кўринмасди; ғаройиб шакллар чизилган осмон гумбазидек шифтида эса камалакранг чироқ хира ёниб турарди; оппоқ дастурхон ёзилган стол устидаги гулдонга бир даста рай-

ҳону атиргуллар қўйилган; алламбало чарм курсилар пардек юмшоқ...

Чиндан ҳам, бу ер қ о й и л м а қ о м эди.

— Бугун бизни бир сийлайсан, Саид бажо!— деди Теша, курсига ясланиб ўтиргач.— Мазали овқатларингдан олиб келавер, иним. Қолган ҳаммаси ҳимматингга ҳавола!

Хушбичим дастёр мутеёна ишшайганча:

— Ҳозир бажо қиламиз-да, ака Теша!— деб хосхонадан чиқди.

Қамишпоя парда шиқирлаб бекилди.

Севаргул бегона чимилдиққа кириб қолгандек, кўнглида ҳаловатсиз бир беқарорлик билан ётсирабгина ўтирарди.

Теша эса хушвақт эди, маҳлиёланиб боқаркан:

— Яхшими, Севаргул?— деди жилмайиб, сўнг қош қоқиб, чоғроққина хосхонага ишора қилди.— Яхши-а?

Севаргул катта шаҳарларда ярим яланғоч гўзаллар рақс тушадиган ишратхоналар кўплигини эшитган, лекин Бухорои азимда бу хил гўшалар борлигини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган эди.

— Билмасам,— деди кулимсираб.— Мен ҳеч қачон бунақа жойларда бўлмаганман.

— Ана, яхшидан шарофат деганлари шу-да, Севаргул!— деди Теша шодон кулиб. Сўнг бирдан жиддий тортиб, столга ўмгаҳини тиради.— Севаргул, агар истасанг, Гиёсовга айтиб, институтда қолдиртиришим мумкин. Қоласанми?

— Йўқ,— деди Севаргул бош чайқаб. Биладики, кўк диплом билан институтда қололмайди, мабодо унинг шарофати туфайлидан қолдирилганда ҳам, оти улуғу супраси қуруқ юраверади.— Методистлик маъқул чоғимда, Теша ака.

— Хайрият-э, Севаргул!..

Унинг завқланаётганидан таъсирланиб, Севаргул хушҳол жилмайди.

— Ана, янаям чиройинг ёришди. Шундай яйраб-яшнаб ўтиргин-э, Севаргул!— деди Теша суюниб.— Методистлик яхши. Гапимга ишонавер. Маданият саройлари, спорт саройларини кўриб-кезиб юраверасан. Сайру сафарниям ўзига яраша гашти бор. Мишиқиларга эзилиб дарс бергандан ёки торгина кабинетда саргайиб ўтиргандан кўра, кезиш минг карра яхши-да!— Топган антиқа ишини жўшиб таърифларкан, у атиргулнинг шафақранг япроғидан уч-тўртта, ямашил

райҳон баргидан ҳам тўрт-бешта юлиб, димоғига тутди. Энтикиб ҳидлади. Сўнг, ихтиёрсиз равишда бўлса керак, шафақранг япроқлар билан ям-яшил баргларни миждилаб, оғзига солди. Ва ҳузурланган каби чайнаб-тамшаниб, сўзида давом этаверди.— Қишлоғингдаги мактабдан битта ўрин тўғрилатиб беришим мумкин эди. Агар жуда шуни хоҳласанг, ҳалиям кеч эмас.

Тагин Севаргул умидворлангандек бармоқларини безовта гижимлади.

— Лекин бунинг битта.. нозик жиҳати бор,— деди Теша, беҳаловат ютиниб.— Мактабдагилар сенга албатта олайиб қарайдиган бўлишади.

Севаргул хаёлчан бош ирғади: тўғри. Зўравонлик билан келиб, нонимизни яримта қилди, деб!

Бир муддат жимликдан сўнг, Теша:

— Мактаб берадиган ҳемеригаям арзимас маошга қандай кун кўрасан?— деди-да, саволчан қўшиб қўйди.— Кейин, ота-онанга ҳам озми-кўпми ёрдам беришинг керак-ку, шундай эмасми?

— Ҳа,— деди Севаргул.— Отам билан онам менинг ёрдамимга муҳтож эмасла-ку, лекин барибир ёрдам беришим керак, Теша ака. Укам бу йил мактабни битирипти, ўқишга кирмоқчи.

— Ана, кўрдингми!..

Шу пайтда дастёр йигит тансиқ емишлару ҳар хил ичимликларга тўла аравачасини суриб келиб, хосхона рўпарасида тўхтади. Бирпасда стол устини нознеъматларга тўкин қилиб:

— Энди олаверасизлар, ака Теша,— деб, яна қўлини кўксига босди.— Жўжа кабоб буюриб қўйдим, пишган заҳоти бажо қиламан, ака Теша.

— Яша, Саид бажо!— деди Теша.— Жуда ишига пухта йигитсан-ку, иним.

— Хизматингиздамиз, ака Теша!..

Дастёр йигит чучмалгина ишшайиб, аравачасини шийпон томон суриб кетди.

Теша ичимликлардан бирининг тиқинини очаётиб:

— Коньякларнинг энг зўри бу, Севаргул!— деди.— Бешюлдузлик. Ичамиз.

Севаргул узрона кулимсираб, бош чайқади:

— Мен сира ичмаганман, Теша ака.

— Ичмаган бўлсанг, энди ичасан. Укинма. Хайрли ишнинг эрта-кечи йўқ,— деди у, ҳазилчан кулиб. Сўнг аста қўлидан ушлаб, коньяк қўйилган қадаҳни тутқазди.— Госэкзаменларни аъло баҳоларга топши-

ришинг учун, методистликни яхши бошлаворишинг учун, Севаргул!

— Раҳмат... раҳмат, Теша ака!— деди Севаргул.— Лекин мен ичолмайман.

— Э, қизиқмисан, Севаргул!— деди Теша, қовогини уюб.— Қўй-э унақа мужмал гапларни. Ичиб кўр. Мазза!

— Сиз хафа бўлманг-да, Теша ака.

— Жиндай ичиб кўр қани хай,— деди у элангандек.— Ол, асло юлдузинг сўнмасин!..

Севаргул иккиланган кўйи, қадаҳга хиёл тикилиб тургач, озроқ ичди-да, гўё довучча егандек, афтини бужмайтириб:

— Ув-в!..— деди.— Тахр-ку?

Теша бир бўлак шоколад узатаётиб:

— Кейинги қултуми ширин бўлади,— деди кулимсираб.— Ҳали кўрасан...

Магнитофондан энди Насибанинг озарбайжонча бир ўйноқи қўшиғи янграмоқда эди. Шийпон эса яна-ям гавжум бўла бошлаган, ширакайф одамларнинг мастона овозлари эшитилиб турарди.

Теша тақсимчасига чиройли парракланган тил гўштидан солаётиб:

— Ўйлаб қарасам, ҳозирча қишлоққа шошилмай турганинг бир ҳисобда маъқул экан, Севаргул,— деди, қувлик билан кулиб.— Борган заҳотинг шартта эрга берворишса!..

Севаргул нозланиб:

— Айтманг у гапни-е, Теша ака!— деди.

— Нега, ёқмайдимиз?— деди Теша, алланечук ўсмоқчилаб.

— Нимаси яхши,— деди Севаргул.— Эрга эрта чиққан опам бечора чўридек ўтирибди уйида. Йигирма бешгаям киргани йўқ. Йигир-жиғир беш боласи бор. Боёқишни ҳар кўрганимда, юрагим эзилиб кетади. Йўқ... мен ҳали турмушга чиқмайман.

— Тўғри қиласан, Севаргул!..

Кейин, тобора сархушланаётгани боисми ёки ўз ҳангамасидан қулфи дили очилибми — Тешанинг яна-ям меҳрчан боқаётган кўзларига дилдорланиб термилган кўйи, онасидан ҳам кўра кўпроқ отасини яхши кўришини, ажабки отасининг ҳам меҳри бошқачалигини, лекин ўнинчини битираётган укаси нима учундир у қадар хушламаслигини ҳасратангиз сўйлай бошлади.

Теша эса дабдурустдан ҳаяжонланиб:

— Севаргул, сенинг меҳрибон отанг учун, майли ётмеҳрроқ бўлсаям, уканг учун ҳам ичайлик! — деди қўлидан ушлаб. — Менинг отам уч ёшлигимда қазо қилганлар. Отам раҳматлик мулла Мирбайзо бобонинг шогирди бўлган эканлар.

— Узимизнинг мулло бобони айтяпсизми, Теша ака? — деди Севаргул.

— Ҳа. Мулло Мирбайзо бобо бир пайтлар пичоқчи уста бўлганлар, — деди Теша бош ирғаб. — Мени онам вояга етказганлар. Айтсам куласан: мен ҳалиям онам дан худди ёш боладек қўрқаман.

— Рост айтяпсизми, Теша ака?

— Рост айтяпман, Севаргул, — деди Теша. — Онам жуда... кўкси зада, лекин мияси бутун, ҳалол-покиза аёл. Кел, менинг муштипар онам учун ҳам ичайлик, Севаргул!..

Негадир Севаргулнинг хўрлиги келди, ўшанда лотереянг нақдлигига ишонибсан-у, лекин унга ютуқ чиқиш-чиқмаслиги тўғрисида ҳатто ўйлаб ҳам кўрмабсан-а, Севар, деб кўнглидан кечирди: аммо, сен ҳамон қайгурадиган онанг — энди ўн боланинг онаси — ҳамон эрининг суюкли хотини. Сен ўшанда ётмеҳрлигидан нолиган уканг бугун олий маълумотли инженер, бир ўғилчанинг отаси, ардоқли эр.

Хўш, ўзинг-чи, энди ўзинг ким бўлиб қолдинг, Севар? Чеккан аламларингни, кўрган хусуматларингни эслайверсанг, еру кўкка сигмай кетасан.

Отанг... сени ширингина жонидан ҳам яхшироқ кўрадиган отагинанг...

Бунга қандай чидайсан, Севар?

...Аллақачон оқшом чўккан эди.

Бир маҳал, дўмбиранинг гумбура гумбурию сурнайнинг ўтли садоси янграган заҳоти ранг-баранг чироқлар ўчиб-ёна бошлади. Шийпондаги кенг-мўл майдон эса сочлари елкаларида селкиллаган йигитлар билан, париваш қизлар билан тўлиб кетди. Улар камалакранг нурларга чулганиб, жунунвор рақс тушмоқда эдилар.

— Юр, Севаргул, биз ҳам бир танса тушайлик, — деди Теша.

— Шу ерда... — деб, Севаргул навозишли жилмайдди. — Узимиз шундай гаплашиб ўтирайлик, Теша ака?

Теша аста билагидан ушлаб:

— Майли, шу ерда тушамиз хай,— деди.— Тура
га, Севаргул?..

Хосхона чиндан ҳам яхши эди — бегона йўқ, чет-
дан биров кўрмайди; шифтдаги ранго-ранг чироқ
юракдаги ҳисларни мавж урдириб, ажабтовур ўчиб-
ёняпти.

Севаргул ўрnidан тураётиб:

— Мен анавилардек танса тушолмайман-да, Те-
ша ака,— деди.

— Биз ўзимизча тушамиз-да, Севаргул.— Теша
оҳиста белидан қучиб, сийпалаётгандек елкаси узра
кафтини майин юрғизаркан, эҳтирос билан шивирла-
ди.— Сен гўзалсан, сен бахтиёрсан, Севаргул!.. Мен...
мен бўлсам... Биласанми, турмуш ҳам бамисоли лоте-
рея ўйинидай гап экан. Сенинг бахтинг шундаки, қў-
лингда лотереянг нақд, ҳали омадингни синаб кўрға-
нинг йўқ. Лекин сенинг лотереянгга ютуқ чиқиши
керак, Севаргул. Сен жудаям гўзалсан ахир, Севар-
гул!..

Севаргул аъзои баданида оташин бир жимирлаш-
ни ҳис этган кўйи, онаси тўғрисида гапираётиб Теша-
нинг кўзлари намлангандек ялтилаганини, шу баро-
бари ўзининг нақадар бахтиёрлигини энтикиб ўйлар-
кан, негадир секин бошини унинг забардаст кафтига
қўйгиси келаётганлигини сизди.

Шийпон томонда эса тобора телбавор шодиёнага
уйқашиб, дўмбиранинг серғулу гумбура-гумбурию
сурнайнинг ингроқ бир ноласи авжга чиқмоқда эди.

Даҳлизда оёқ товуши эшитилди.

Севаргул сергак тортиб, эшик тарафга нигоҳ таш-
лади: Бахтигулмикан? Йўқ, онаси... Бахтигул мак-
табдан кечроқ қайтади.

— Бо худо, ҳалиям шу ётишми?!— Онаси уйга
кириб, қаравот сари яқинлашди.— Ётавериш жонинг-
га тегмадими-а, Севар?

Севаргул хастаҳол жилмайди: на чора, онажон!..

— Йиғлабсанми, қизим?— деди онаси синчков ти-
килиб.— Кўзларинг...

Севаргул аста бош чайқади: йиғлаганим йўқ.

Сўнг қути устидаги чойнак ёнидан ойначани олиб,
сўлгин чеҳрасига разм солди, юзларини сийпалади.
Онасига маънодор қараб, лабларини чўччайтирди:
ҳайронман, қизарипти-ку, ўтиб кетар.

— Йиғлагинг келса, тўйиб-тўйиб йиғлайвер, қизим,— деди онаси.— Духтир ҳам айтдила-ку, баҳонада тилинг очилиб кетар. Лекин сан парво қилма, узоққа чўзилмайди бу... Давосиз дард йўқ, қизим.

Беихтиёр онаси алланимага қулоқ солаётгандек тек қотди: қирт... қирт... қирт...

— Эшитяпсанми, ниманинг товуши бу, Севар?— деди онаси, пешонаси тиришиб.— Э, саққо қолгур магнитапун-ку!— Кампир бошини сарак-сарак қилиб, токча томон юрди.— Ҳеч бўлмаса шу сабилни ўчириб қўймабсан-а, Севар. Ёдингга бахай-э, қизим!

Севаргул хомуш чимирилди: зорманданинг қачон тўхтаб қолганлигини билмабди-ёв! Нима бало, эсари бўляптими-ё!..

— Нега бунча ётаверасан-а? Худога шукр, энди соғлигинг бинойи-ку!— Онаси магнитофонни токдан узаётиб сўради.— Нима қилай, ўчирайми ё ашула айтаверсинми бунинг?

Онасининг дашном оҳангидаги гаплари Севаргулга малол келмоқда эди, ихтиёрсиз олайиб, кескин бош чайқади: керак эмас!

Унинг юз-кўзида бир зум акс этган нохуш ифодаларни илғамагандек:

— Бирпас ҳовлига чиқ, тоза ҳавода юр,— деди онаси.— Ётаверганинг билан суягинг енгил тортмайди ахир.

Севаргул янаям хўмрайиброқ, илкис эшик томон қараб қўйди: хўп!.. Сиз бораверинг.

Бирдан онаси қўлини боши узра ғалати силкитиб:

— Қувма мани!— деди.— Қувмасанг ҳам чиқаман. Ишим бошимдан ошиб ётибди.

Севаргул онасининг ортидан ўйчан тикиларкан, негадир таажжубланди: ҳеч тушунолмайди — нега бунчалик... Тавба, нима учун онаси билан жини чиқишмайди-я?!.

Онаси остонада тўхтаб, ортига ўгириларкан:

— Шўрва қайнатяпман,— деди.— Бир зувалагина барак¹ букиб солсам ейсанми?

Севаргул кўзларини бир юмиб очди: билганинсизни қилинг.

— Майли, озроқ гўшт чопай.— Кампир даҳлизга ўтаётиб, ўз-ўзига гапираётгандек гудранди.— Уканг бугун бирров келармикан-а? Келмасо-ов. Ҳовли-ҳарам

¹ Барак — чучвара (шева).

не ҳолда... Ичим патнаб боряпти. Берган кунингга шукр-э!..

Севаргул кўнглида ўкинч ҳиссини туюб, тагин ажабланди: қизиқ, онаси билан муносабати нега бу тарз совуқ-салқи? Уша — пичоқ бўғзига қадалган кунда ўлимдан олиб қолиб, чалажон қилиб қўйгани учунми?.. Йўқ, аввалдан шундай ўзи: кўрмаса бетоқат соғинади... Онасининг ҳам феъли ажойиб: бир қўли билан пешонасидан силаётганда, иккинчиси билан елкасидан мушт уриб туради.

Нега шундай экан-а?

Бир ҳисобда бу қадар қисмати қаролигига онаси ҳам... озми-кўпми ҳисса қўшган: тор қорнимга сиққан қизим кенг уйимга чандон сиғади, деб айтмаган ўшанда. На чора, адашипти, алданипти. Тенги топилганда, текинга берамиз, лекин сизга эмас. Туринг, туёингизни шиқиллатинг, демаган. Деёлмаган. Билъакс!..

Ногоҳ Севаргулнинг кўз ўнгида дилғаш бир манвара нурланиб, яна қулоғига ўзининг аламноқ бўзлагани эшитилаётгандек туюлди: туринг ахир, Теша акажон?!

— Нима дейсан?.. Гапир!— Ниҳоят, Теша вазмин ўрнидан турди. Ҳамон ширакайфдек гандираклаганча, ҳар хил қоғоз парчаларию турфа лахтақлар сочилиб ётган гиштнарчин саҳнда юриб, шими осиглиқ девор томон ўтди. Унинг тикмачоқдек таранг бели, мушаклари, бўртиқ елкасида кўҳна диваннинг туртиб-туртиб чиққан сим излари қуёшнинг деразадан тушаётган шафақ нурида янаям қизариб кўринарди. У шими кийиб, диван чеккасида чўнқайиб ўтирди. Икки чаккасини сиқиб ушлади.— Уф-ф, бошим!..

Севаргул юзларига оқиб тушаётган кўзёшларини чойшабга артиб:

— Айтинг ахир, мен энди нима қиламан?!— деди.

— Кеча ҳаммасини келишдик-ку, ахир?!

Севаргул бехос карахтлангандек бир зум анграйиб қолди, хиёлдан сўнг, аста:

— Нимани?..— деб сўради.

Теша, важоҳатида ғолиб бир ифодалар зуҳурланиб:

— Нега бунча меровсирайсан,— деди.— Кеча ўзинг хотинликка рози бўлдинг-ку!

— Иби, юзим куйсин!— деб, Севаргул шартта юзларини чангаллади.— Хотинингиз бор-ку, ахир! Бола-ларингиз...

— Уёғи билан сенинг ишинг бўлмасин,— деди Теша.— Мана шу ҳовли сеники. Номингга хатлаб берман. Яшайверасан. Фақат жиғимга тегмасанг бўлгани. Кеча айтдим-ку сенга, менда ҳамма нарса бор, фақат манави ҳувиллаб ётган бўшлиқни тўлдирадиган дилкаш дилдор керак менга,— деди Теша кўксига нуқиб.— Вақти-соати билан отангниям, онангниям ўзим рози қиламан, Севаргул. Балки, ҳаммаси ўз маромида қал бўлиб кетар.

Севаргул хаёлида туманланиб кечаётган тасаввурлар ваҳмидан баттар даҳшатга тушиб, аламнок бош тўлғаганча, чойшабни юзларига босди:

— Гапирманг... гапирманг, Теша акажон! Тамом бўлдим, энди мен тамом бўлдим!..

— Об-бо!— деди у тиззасига шапиллатиб уриб.— Кўз ёшига бало борми?! Тушунсанг-чи ахир, Севаргул, шўрлик хотинимнинг умри...— Теша беихтиёр сўқиниб, ўрнидан туриб кетди.— Худо хайрингни берсин, Севаргул, одамни бунча қийнама ахир! Бас қил. Агар жиғимга тегадиган бўлсанг, шартта тиктирамизда, оқ туя кўрдингми — йўқ, деб кетаверамиз... Бўладими шундай қилсак?

Дафъатан Севаргул унинг гапини англаёлмай, жавдираб термиларкан:

— Н-нима?— деб сўради.

Теша ишшайиб:

— Э, каллангни ишлат, пул билан битмайдиган савдо борми!..— деди.— Кейин, битта лавашангни топиб тегволасан-да, юраверасан ялло қилиб.

Севаргул қўққис унинг асл бапарасини кўриб, тили танглайда қотгандек, шоён бир ижирганиш билан тикилиб қолди: вой шарманда-а!..

— Менга унақа қарамагин, ёмон кўриб қоламан-а!— деди Теша кулиб.— Бас... бас. Биз ҳеч қачон у пасткашликка бормаимиз. Кайф устида бўлмас иш бир бўлди... Ахир, сени яхши кўраман-ку Севаргул! Ўзимнинг шириним!..— У Севаргулни маҳкам қучоқлаб, юзларидан чўшиллатиб ўпди. Тўзгин сочларини янаям тўзитди. Сўнг кўйлагини кияётиб: — Ҳозирча норасмий, лекин суюкли хотинимсан,— деди.— Мавриди билан никоҳ тўйиниям ўтказамиз.

Негадир Севаргул суюнолмади, унинг гапларига

ишонмади ҳам — назарида, у бир балога гирифтор бўлиб кетишдан хавотирланиб, бетайин ваъдалар билан юпатаётгандек эди:

— Қачон?— деб сўради ўлимига рози бўлган бандидек мўлтираб.

— Жиндай сабр қилиб турасан, Севаргул,— деди Теша.— Имтиҳонларинг тугагандан кейин, қишлоқда беш-ўн кун дам олиб қайтасан. Мен унга довур бу ҳовлининг шикаст-рехтини созлатиб, бошлаб жиҳозлаб қўяман. Ҳали ҳаммасини бафуржа маслаҳатлашамиз.

Унинг қаёққадир шайланаётганини кўриб:

— Нима, ҳозир мени ёлғиз қолдириб, ўзингиз бирор ёққа жўнавормоқчимисиз?— деди Севаргул.

Теша гуноҳкорона оҳангда бирров уйдан хабар олиши зарурлигини айтиб:

— Онам бечора, худо билади, кечаси билан мишжа қоқмагандирлар,— деди безовталаниб.— Онамга бир кўринаман-да, йўлакай Пажаркадан нон, қаймоқ олиб қайтаман. Кейин, магазинга бир қўнғироқ қилиб қўйишим керак!..— У тагин Севаргулнинг юзларидан, яланғоч елкаларидан ўпди.— Узимнинг шириним-ширингинам!— деб суйди.— Мен келгунча чой қайнатиб қўйгин. Майлими?..

Севаргул чойшабга ўраниб, тиззаларини қучоқлаб ўтирарди. Унинг орқасидан мунгайиб қараб қоларкан, рўй берган бахтиқароликдан эрта бир кун отаси... отагини хабар топгач, не кўйларга тушарини ўртаниб ўйлади; ногаҳонда хазон қилиб қўйган орзую қавасларига мотам тутаётгандек юраги куйишиб оғриди. Ва тагин вужуд-вужудини қалт-қалт титроқ босиб, кўзларидан зардобдек ёш қуйилаверди.

Ҳовлида нимадир тўқиллай бошлади.

Севаргул, хаёли чалғиб, ташқарига қулоқ солди: онаси... гўшткундада гўшт чопяпти. Қайнатма шўрвага чучвара букиб солмоқчи.

Ажаб, юзларини куйдиргудек бўлиб ёш сизиб оқмоқда эди. Асабий титраётган лабларида маъюс бир кулимсираш билан кўзёшларини артаркан, ҳали-ҳануз бирдан юзтубан кетганлигинг боисини англаёлмайсан-а, Севар, деб ўйлади: агар ўша кеча сархушлигингдан хавотирланмай, тун алламаҳал бўлиб қолган эса-да, бир амаллаб ижарахонанга кириб борганинда ҳам, юзиқароликдан қутулиб қолармидинг? Ё тавба,

бу не жумбоқ ўзи — сен уни яхши кўрганмидинг ёки алданганмидинг?! Мабодо... бирор лапашангга тегволсанг, бу ёлгончи дунёда умринг беғам-беқайғу кечармиди, Севар?..

Қулоқларида ошпичоқнинг гўшткундага бир маромда урилиши акс-садо берган кўйи, нечундир хонага ўйчан рази сола бошлади: ана, эшик томондаги деворга тақаб қўйилган жигарранг шифонер. Шифонернинг ичи асл кўйлақлар, қимматбаҳо пальтою плашларга тўла. Унинг чап ёнидаги юқори ғаладонидо эса бир ҳовуч тилла тақинчоқлари нуқрабанд қутичада солиниб турибди. Ана, шишакори токчаларга қатор зарҳалли чиннivor идишлар териб қўйилган. Токчалар ўртасидаги бухорий сўзана орқасида ноёб газламалар жойланган сандиқ. Сандиқнинг устида то шифтга қадар кўтарилган қат-қат бахмал кўрпалар, бахмал ёстиқлар... Ана, каравот тепасида чўғдек арабий гилам.

Кейин, қўшни хонадаги ялтир-юлтур стол-курси-лар, сервантдаги рангин биллур идишлару девордаги гиламларни ҳам бир-бир хаёл назаридан ўтказаркан, кўнгли ғуссага тўлиб кетди: ҳамма нарса бадастуру, лекин дардманд қалбини қувончга тўлдирадиган одами йўқ. Бу беҳисоб жиҳозлар, саноқсиз ашёларнинг бари — бахт деб билган бадбахтлигининг шоён кўри-ниб турган шакли-шамойили эмасмикан?..

Буларни ҳар кўрганда бир куюниб юраверадими энди? Йўқ, бирор чорасини топиш керак.

Аммо, қандай қилиб?

Шу пайтда онаси даҳлиз эшигига яқинлашиб:

— Ҳалиям ётибсан-ку, Севар! — деб, яна бошини сарак-сарак қилди. — Тур, дарров айвонга чиқ...

Севаргул жилмайибгина онасининг серажин юзларига, икки чаккасидан кўриниб турган суякранг сочларига, қораси билан оқи қоришиб кетгандек чағир кўзларига тикиларкан, беихтиёр кўнглидан кечди: бунча соғлом, бунча ҳаракатчан... Нима бу — шафқатсиз ҳаётнинг бешафқат кулфатларига қасдма-қасд яшаётганлигининг аломатими ёки вақтийи замонида юраги панд бермаганлигининг шарофати-ми?.. Худо хоҳласа, онаси ҳали кўп яшайди.

— ...барак букишасан. Ўзинг дурустмисан ахир?

Севаргул енгил бош ирғаб, кўз юмиб очди: бўпти. Ҳозир...

Қизининг кўзғалаётганини кўриб, она тагин чаққон изига қайтди.

Севаргул қоматини тиклаб, оёқларини каравотдан пастга осилтирди. Қулоқларидаги шовқин кучаяётгандек туюлди. Бирпас нафас ростлагач, ўрnidан туриб, китобни қути устига олиб қўйди. Кўйлагини кийди. Тўшакни текислаб, устидан сўзанани ёпди, ёстиқни ҳурпайтирди. Кейин, рўмолини қўлида осилтирганча, тошойна ёнига борди. Сочларини тараётиб, қулоғи орқасидаги жароҳатини пайпаслаб кўрди: оғриқ... сезилмаётгандек эди. Рўмолини боғлаб, юзларини сийпалаган кўйи, секин эшик томон юрди. Худди шу кезде бехос оёғи остида ер силкинаётгандек, уй эса чайқалиб сузиб бораётган кемадек туюлиб кетди. Шартта эшик ёндоридан ушлаб, аста остонага чўнқайди.

* * *

Каюта радиосидан ўйчан бир қўшиқ оҳиста таралмоқда эди.

Майин хониш бору борлигини чирмаган сайин, хаёлида ғаройиб бир манзара ёрқин намоён бўла бошлади: енгил туман кўтариллаётган ўрмон қуёшнинг шафақ нурларига чўмилган. Қонталаш баргихазонлар ҳавода ларзонланиб учяпти. Тилларанг сочлари тўлқин-тўлқин, кўзлари мовий, дуркун бир жувон даррактзор оралаб, маҳзун қўшиқ куйламоқда: излай-излай топалмаганим, қайдасан, айт, қайлардан излай? Ишқингда мен кезмаган шаҳарлар, мен кечмаган дарёлар қолмади. Қайдасан, ваъдаси ёлғоним, қайлардан излай?..

Саида Мирзаевна ногоҳ яна куюнчаклик билан гап бошлаб:

— Сиз у ярамаснинг ўзини ҳам, баттол онасини ҳам унутинг, Севаржон,— деди.— Биламан, унутишингиз осон эмас, лекин унутолмасангиз, ўзингизга қийин.

Севаргул гижимланиб кетган рўмолчаси билан кафтларини артиб, унсизгина энтикиб қўйди: ахир... унинг пуштикамаридан бўлган Бахтигули ҳамиша ёнида-ку! Ёлғизгинасининг мунгли кўзларига қараш азоби... На чора, чидайди. Чидамай илоҳи йўқ. Мана, бу ёқларда бесар кезиб англаяптики, ҳеч қачон унутолмас экан.

— Унутишинг битта осон йўли бор,— деди Саида Мирзаевна.— Бунинг учун шаҳардаги ҳовлингизни сотиб, қишлоққа кўчиб кетишингиз керак.

Севаргул киноя аралаш шикаста кулимсираб:

— Қишлоқда нима иш қиламан, опажон?— деди.

— Уқитувчилик қиласиз ёки боғчада тарбиячи бўлиб ишлайсиз!— деди Саида Мирзаевна.— Тегишли ўртоқларга айтиб, ёрдам беришим мумкин.

Севаргул бир фурсат жим қолди: ахир, қишлоққа қандай сўппайиб кириб боради? Ҳамқишлоқларининг назарида эрли хотин, боз устига бойвучча хотин-а!.. Хўп, суюқ-совуқ гап-сўзларга парво қилмай, қишлоққа кўч-кўрони билан кириб борди ҳам дейлик; кейин ҳамқишлоқлари даврасига сингишиб кетолармикан? Одамлар жуда ҳангаматалаб, бундан ташқари масаланинг бошқа бир нозик жиҳати ҳам бор.

— Ҳозир ҳамма саводхон,— деди сўнг у, кўнглидан кечаётган фикрларни баён этиб.— Бирортаси, оиласининг тайини йўқ... фалончи аёлнинг болаларимизга тарбиячилик қилишга қандай ҳақи бор, деб юқори идораларга устимдан шикоят жўнатса, кейин додимни кимга айтаман, опажон?

— Сиз одамлардан ёмон қўрқадиган бўлиб қолибсиз, Севаржон.

— Рост,— деди Севаргул.— Қўрқаман, опажон.

— Бир пайтлар мен ҳам сизга ўхшаб, одамлар оқибатсиз, одамлар тошюрак, деб ўйлаб юрганман,— деди Саида Мирзаевна.— Лекин ҳамма ҳам оқибатсиз эмас. Одамларнинг ёмонидан яхшилари кўпроқ, Севаржон!.. Мен сизга ўз бошимдан кечирган бир воқеани айтиб берай. Ҳамқишлоқ бир йигитга кўнгил қўйган эдим. Мен қишлоқ хўжалик институтида ўқирдим. У медицина институтида...

Уларнинг бир-бирига ошиғу шайдолигини ҳатто қишлоқда ҳам билишарди.

Аммо, ўқишни тугатиб қайтганларидан сўнг, ордан кўп ўтмай, негадир йигит аҳдидан қайтди — эндигина ўнинчини тамомлаган бир қизга уйланди.

Саида, студентлик даврида юрак ўйноғи хуруж қилиб, икки марта касалхонада даволаниб чиққан эди.

Йигит катта тўю томоша билан уйлангач, ҳамқишлоқлар Саидага бамисоли бедаво бир дардга чалинган бечорага ачингандек, йигитлар эса, бировнинг ташландиқ хасмига қарагандек, беписанд қарайдиган бўлишди.

Саида буларнинг барига ночер-ноилож чидар эди.

Орадан бир ярим йил ўтди. Сўнгсиздек туюлган

Ўртанишлар ичра кечган бир ярим йил давомида эшигидан биттаям совчи сўроқлаб келмади. Лоақал биттаям-а!

Ойнинг ўн беши қоронғи, ўн беши ёруғ, деб ким айтган бўлса ҳам жуда топиб айтган экан.

Феълу атворию меҳнаткашлиги казолардан бирига ёқиб қолганми — кутилмаганда ҳаммаси бошқача тус олиб кетди: райкомсомолнинг биринчи котиблигига сайланди. Шундан сўнг ҳамқишлоқларнинг муносабати ҳам кескин ўзгарди. Ҳарёқдан совчилар дўлдек ёғилиб келаверди, тенгдош йигитлар эса шунақаям хуштакаллуф бўлиб кетишдики!..

Бироқ Саида, уларнинг нияти пок эмас, деб бирортасига ҳам розилик бермади.

Яна сувдек оқиб салкам тўрт йил ўтди. Бу даврда юқори ташкилотларга жўнатилган юмалоқ хатлардан ташқари, бир гал яп-янги этикчасини кабинетида пфска билан тилиб-тилиб кетишди. Саида райижроқум раиси муовинлигига тайинланиши арафасида эса бирданига райкомсомолнинг ҳам тўртбурчак, ҳам гербли муҳри йўқолиб қолди.

— Агар армияда бирор полкнинг байроғи ўғирланса, ўша полкни тарқатиб юборишаркан. Тушуняпсизми — бутун полкни бошқа қисмларга бўлиб юборишар экан!.. Билмадим, муҳрлар топилмаганда, бошимга қанақа кулфатлар ёғилар эди, Севаржон, — деб, Саида Мирзаевна бош чайқади. — Сиз Каттабоевни танирмидингиз?

— «Чинор» ансамбли ишларини текширгани борганимизда, бир-икки марта кўрган эдим, — деди Севаргул. — Бечорани қамаворишди шекилли.

— Ҳа, салкам йигирма беш йил Биринчи бўлиб ишлаган одамни бировларнинг «думи» деб, элтиб тиқиб қўйишди. Ҳали суди бўлгани йўқ. Бу... қайта қуриш деганимиз Каттабоевга ўхшаб юқорининг кўрсатмасини бажарган кўп яхши одамларимизнинг ҳам хонадонини чирқиллатаяпти-да, Севаржон! — деди Саида Мирзаевна беихтиёр хўрсиниб. — Хуллас, ўша одам бўлмаганида, менинг урилиб кетишим тайин эди. Муҳрлар йўқолганини эшитиб, жуда хафа бўлди, ғудраниб-тутақиб, аппаратдаги ходимларингни чақир бу ёққа, деди. Ҳамма тўплангач, агар печатлар бугун кечқурунгача топилмаса, эртадан бошлаб ҳаммангиз ҳарёққа тўзғиб кетасиз, деди. Бирортангиз ҳам униб-ўсолмайсиз! Биз Марказкомдаги ўртоқлардан Саида-

нинг гуноҳини кечирешларини илтимос қилиб сўрай-
миз. Уйлаймизки, ўртоқлар бизни тушунишар. Лекин
печатлар топилмаса, биз сизни кечирмаймиз. Гап шу!..
Қаранг-а, Севаржон, ҳурматли раҳбар сўзининг обрў-
си қанчалик: эртаси тушдан сўнг муҳрлар топилди!..

...ўша йили Саида райижроқўм раиси муовинлиги-
га кўтарилди.

Саиданинг яқиндагина педтехникумни битириб
қайтган сингиси турмушга узатилган эди. Шу боис-
ми, Саида руҳиятида аллатовур бир безовталиқни ҳис
этиб, бот-бот ўз-ўзидан сўрайдиган бўлди: ёш умрим-
ни амал кетида беҳуда ўтказвормаяпманми ишқилиб?
Эрта бир кун куйи қолмасмиканман?..

Бир куни, тун алламаҳал пайти, мажлисдан қай-
таётганларида, шофери Тўймурод ийманибгина, Саида
опа, акамга эрга чиқмайсизми, деб сўраб қолди.

Шоферининг ажабтовур гапини эшитаркан, Саида
кўнглида кимдандир ранжиди...

Тўймуроднинг акасини қишлоқда ҳамма яхши
танийди. У ҳақда гап кетгудек бўлса, ҳазил ара-
лаш, Элмурод зўр духтир, ТошМИда ўн йил чу-
қур ўқиган, дейишади. Элмурод мактабда ҳам
ўртача ўқирди. Бирга ўқишган, лекин синфлари
бошқа-бошқа эди. Мактабни тамомлагач, у
ТошМИга, булар эса Самарқандга жўнаган
эдилар.

Элмурод учинчи курсдалиқ пайтида негадир
институтдан қувилгач, кейин қайта бошдан
ўқишга имтиҳон топшириб кирган... Уқишни эса
битирганига уч-тўрт ой бўляпти. Ушандан бери
қишлоқ касалхонасида ишлайди. Бундан ўн кун-
ча олдин ҳузурига ариза кўтариб кирган эди.
«Жигули» олмоқчи экан.

...Наҳотки, ўтмиш ишқий можаролардан Элмурод
беҳабар бўлса?! Шу фикр хаёлидан кечаркан, Саида
негадир ранжиганини шоферига сездиргиси келмай:

— Акангиз нима учун «Жигули» олмангилар ёки
базадаги машиналарнинг ранги ёқмантими? — деди
ўсмоқчилаб.

Тўймурод томоқ қириб:

— Акам ариза баҳонасида сиз билан гаплашиб
чиққанидан сўгин, фикридан қайтди, — деди. — Энди
олдин хотинлик бўлганлиб, кейин машина олмоқчи.

Саида ниманидир англагандек:

— Акангиз сиздан каттароқ совчини тополмаптилар-да,— деди.

Тўймурод овози алланечук титраниб:

— Ман акамни жудаям яхши кўраман, Саида опа!— деди.

Хийла ҳаяжонли бир жимликдан сўнг:

— Майли, акангиз эрта пешиндан кейин ёнимга бир кирсинлар,— деди Саида.

Ажаб, ўша кечанинг бениҳоя нурафшон тонги жуда тез отган эди-я!..

Ниҳоят, тушдан сўнг Элмурод аразлаган боладек кабинетга қовоғини уюб кириб:

— Келдим,— деди.

Саида базўр ҳаяжонини босиб:

— Қишлоқда шунча ёш-ёш қизлар бўла туриб, нима учун менга уйланмоқчисиз, Элмурод?— деб сўради.

Элмурод унинг кўзларига тик қараб ўтирарди. Бир чимирилиб қўйди, лекин гапирмади.

Саида баттар қизариб-қимтиниб:

— Илтмос, Элмурод, саволимга жавоб беринг,— деди.— Мен туфайли ҳеч қачон бошингиз эгилмайди... Лекин барибир... нима учун менга уйланмоқчи бўлаётганлигингизни билиб қўйишим керак.

Элмурод янаям синчков тикилган кўйи, дабдуруст сенсираб:

— Мен сени ҳаммадан аввалроқ кўз остимга олиб қўйган эдим,— деди.— Лекин... вақтида айтолмаганман. Шу!..

Саида Мирзаевна, юз-кўзлари шодон бир табасумдан яйраб:

— Агар ишонсангиз, ўшанда суюнганимданми жудаям ғалати бўлиб кетганман, Севаржон!— деди.— Кейин тўйимиз бўлди. Ҳозир икки қиз, бир ўғилчамиз бор. Хўжайин яна битта ўғиллик бўлишни хоҳлайдилар, лекин...

— Ҳали ёшсиз-ку, опажон,— деди Севаргул.

Саида Мирзаевна беихтиёр кўкси қалқиб хўрсинаркан:

— Афсуски юрак ўйноғим чинга ўхшаяпти-да,— деб, тилининг учини тишлаб қўйди.— Шунинг учун денгиз ҳавосини шифо билиб, ноилож саёҳатга чиққанман.

Кема сезилар-сезилмас чайқалиб, тун қўйнида шитоб билан сузиб борарди.

— Одамлар яхши, одамлар меҳрибон, Севаржон. Яқинда ўғилчамизга тўй қилганимизда, одамларнинг ташвишбардорлигини ҳам билдим. Тўю маъракаларингизни ўтказадиган, бош-қош бўладиган ҳам одамлар. Айниқса, ҳамқишлоқларингиз, Севаржон!— деди Саида Мирзаевна.— Менинг маслаҳатимга кўнсангиз, шаҳардаги ҳовли-жойни сотинг-да, қишлоққа кўчинг... Барибир, қачон бўлмасин қишлоққа қайтишингиз керак-ку, Севаржон?!

Севаргул Саида Мирзаевнанинг сўнгги жумласини ўзича тушуниб, хаёлчанлик билан, пиёлада совиб қолган чойдан ҳўпларкан, ўша — машъум куни музқаймоқ еб ўтирганларида, қизига тайинлаган бир гапини эслади: агар мен ўлиб қолсам, бобонгнинг гўрлари ёнига элтиб кўмасизлар. Хайми, қизим?..

— Шаҳарда бундай юраверсангиз, аламдан ҳам пастқам кўчаларга кириб кетиб қолишингиз мумкин. Ёлғизгина қизингизнинг келажагини ўйланг!.. Лекин ёлғизгина қизингизга ишониб, ёш умрингизни беҳуда совурворманг, демоқчиман. Мен ўттизимда турмушга чиққанман. Сиз энди ўттизингизга кирапсиз, Севаржон!— Саида Мирзаевна вазмин ўрнидан турди, илгакдан шол рўмолини олиб, елкасига ташлади.— Ҳали вақтимиз кўп. Эртага насиб қилса, Сочида бўламиз. Кейин Батуми, Сухуми... Бу ҳақда бафуржа гаплашаверамиз. Юринг, танса тушаётганларни томоша қилиб, уйқуга ётардан аввал денгиз ҳавосидан бир баҳри дилимизни яйратайлик, Севаржон.

Каютадан чиқиб, тор йўлакдан палуба томон юрдилар.

* * *

Онаю қиз чучвара букаянти.

Ҳаво иссиқ. Гир этган шабада йўқ. Ойнаванд айвоннинг деразалари ланг очиқ. Чоғроққина ҳовли ўртасидаги шохтут шохларида чумчуқлар беҳол чуғурлашади. Аҳён-аҳёнда ерга майиздек тутларнинг узилиб тушаётгани эшитилади. Тут тагидаги гулзор чеккасида — япроқлари жазирамадан шалвираган райҳону шомусаҳар гуллар соясида беш-ўн барг ўса сўлитиб қўйилган.

Онасининг тинмай гапираётганиданми ёки баъзи гаплар малол келаётганиданми — Севаргул ихтиёрсиз чимирилиб қўяди: бунча жаврамасалар-а!

Онаси эса, унинг кўнглидан нелар кечаётганига нарвойи фалак, ўшанда — бошига тоғдек мусибат ёпирилиши аён бўлган кунда нималар рўй берганини яна, балки ўнинчи бор, ҳасратзадалик билан ҳангама қиляпти:

— ...Бахтигулгина ҳалиги гапни айтганидан кейин бирдан юрагимга гулгула тушди. Утиролмадим. Утириб бўларканми!.. Сан сира тинчимадинг, қизим. Раҳматли онам айтардилар, тинчимаган — тинчитмайди, болам, деб... Қўлтигимга тандирдан янги узилган нондан тўрттасини қисдим-да, юр, бачам, дедим Бахтигулга. Онанг бир балонинг бошини кўзгаганга ўхшайди, ўлиб кетган бобонгнинг оёқ учидан бекорга жой тиламагандир, дедим. Бийи-бача икков саросар йўлга тушдик. Йўлда келаётиб, сани ўйлаган сарим, юрагим шунақа шувиллайди-ей!.. Ҳа-а, онанинг юраги ҳамма бурди балони олдиндан сезар экан, қизим. — Онаси унинг хаёлчан кўзларига тикилган кўйи, остки лабини тишлаб, бошини сарак-сарак қилди. — Уйга кира-сола, бундоқ қарасам, ётибсан — қўлларингни кўкрагинг устида қовуштириб. Бирдан юрагим товонимга тушиб кетгандай бўлди. Севар, дедим. Сан бўлсанг ётибсан, киприкларинг ҳам қилт этмайди. Жонҳоври қўлларингдан тортиб, Севаргул, дедим. Кейин, дод, қизим ўлди, вой-дод, қизимдан айрилдим, деб ҳовлига югуриб чиқдим. Бирпасда ҳовлига тумонат одам йиғилди. Бахтигулгина, кўзларида шашқатор ёш билан, одамларга ёлвориб, онамни тирилтириб беринглар, деб чирқиллаб йиғлаганини кўриб, баттар юрагим эзилди. Холпош кампир уввало қизингни овутмоқчи бўлади, қани қулоқ солса!.. — Онаси патнисни нари сураётиб, беихтиёр уф тортди. — Ман шўрликни стагинангдан бемаҳалда айирганинг каммиди, қизим? Ахир... сангиздан ҳам айрилсам, ман ўлиб қолардим-ку, қизим. Шу бедодликка бел боғлаганингда, нималарни ўйлаган эдинг-а? Ақалли Бахтигулингни ўйлаганмидинг, жоним қизим?!

Севаргул баттар кўзлари қизариб, ўкинч билан онасига қаради: шу бир гапни сақичдай чайнадингизда, онажон!.. Ўйлаганман, жуда кўп ўйлаган эдим. Лекин... ўша кунгача чеккан аламларимнинг ҳаммаси бир бўлдию, ўша кунгисининг ўзи ҳам бир бўлди...

Аслида, ҳомилангни йўқот, деган кунийёқ, унинг баҳридан кечсам... Ҳаливери отагинамдан ҳам айрилмасмидим?..

Одатдагидек уни бетоқат кутиб, тушликка қовурдоқ пишираётган эди, бехос устма-уст ўхчиқ тутиб, қайт қилгиси келди. Ва шу баробари, алланечук ваҳм билан, қорнини пайпасларкан, ногаҳоний кўнгил айнишининг боисини англаб, қўрқиб кетди: тамом.. тамом! Энди шармандаси чиқади. Тезроқ кела қолса эди чалпаккина бўлгур!.. Ҳамиша аҳвол шу — бирор мартаям вақтида келган эмас, доим куттиргани-куттирган.

Келса нима деб айтади — ё хотинингдан кечасан ёки мендан дейдими? Деёлмайди. Йўқ, бундай деёлмайди. Инжиқлик қилсанг, ора очиқ, деб қўйган. Кейин... Уф-ф!.. Нима қилиш керак? Бу шармисорликдан қандай қилиб қутулиш мумкин-а?!

Паришон ҳолда газўчоқнинг оловини пасайтириб, қозоннинг қопқоғини ёпиб қўйди. Ҳардамхаёллик билан ошхонадан чиқди. Бирдам супада гангиб тураркан, савдойинамо ғудраниб, кимнидир аламнок койди. Айвонга ўтди, ундан салқин даҳлизга кирди. Вешуур ётоқ бўлмадаги тошойна ёнига бориб, қаддиқоматига синчков разм солди: назарида, ҳеч вақо билинмаётгандек эди. Ҳазин энтикиб, қорнини ичига тортди, яна тикилиб қаради: йўқ, билинмайди. Лекин... у эшитса нима деркин-а?!

Секин халати ҳамда сийнабандини ечиб, каравот устига қўйди, сўнг таранг кўкракларини ҳовучлаб, бўртиб турган учларига қадалиб тикиларкан, хиёл ёнгил тортгандек бўлди: ўзгариш йўқ, ана, қорни ҳам... дўмпаймагандек.

Аммо, негадир аллақаеридаги куйдиргувчи бир оғриқ сира пасаймас, тобора забтига олаётгандек эди.

Ойна томон энгашиб, остлари салқайган нигоҳларига, сўлгин туюлаётган юзларига қараб туриб, бирдан йиғлагиси келди. Энтикиб-энтикиб нафас олди, юзларини сийпалади, қошларига иштиёқсиз қалам сурди. Ҳадемай унинг келиб қолишини ўйлаган кўйи, озроқ пахтага ғаладондаги гулобдан томизиб, кўз остларига, ёноқларига пардоз бергач, сийнабандини тақиб, халатини кия бошлади.

Худди шу пайтда гурп этиб, машина эшигининг ёпилгани эшитилди.

Ҳаял замон ўтмай дарвоза очилди.

Севаргул чаққон ҳовлига чиқди.

Теша, йўлакай кўйлагини ечиб, юзиниш учун тут томонга ўтмоқда эди.

— Хайрият-а! — деди Севаргул. — Келолдингизми, хўжайин?

— Келдим, — деди у кўйлагини юмалоқлаб отиб. — Ушла! Қалай, зўрмисан?

— Зўрга ўхшайманми?

— Зўрсан! — У жўмракни буради. Муздай сувга яланғоч елкасини тутиб, жунжикиб пишқирди. — Ув-в, маза!..

Севаргул бору борлигида беқарор бир ҳадик кезаётганини ҳис этиб, бетоқат ортига бурилди. Уйдан тоза бир сочиқ олиб, тагин изига қайтди. Гулзор ўртасидаги йўлкадан унга томон яқинлашаркан, ҳамон хаёлида биргина савол беқўним чарх урмоқда эди: эшитса нима деркин-а?

— Социқни узат! — Теша чала-чулпа артиниб, сочиқни кифтига ташлади. Сўнг шартта уни азод кўтариб, илдам уй томон юраркан, бўйнига лабларини босди. — Ўзимнинг шириним. Эй, ҳалиям ширинмиксан-а?!

— Йўқ, аччиқман, аччиқ! — деб қиқирлаб кулди Севаргул. — Шошманг... Туширинг!

— Ҳозир, ширингинам. Жим! — Теша уни авайлабгина уйга олиб кириб, каравотга ётқизди. — Жим ёт. Типирчиласанг!..

— Шошманг ахир, мен аввал қозонга бир қараб келай?

— Кейин қарайсан... Куйиб кетмас.

— Наҳалингиз оловдами, тўхтасангизчи-е! — Севаргул кескин юлқиниб, каравотдан пастга тушди. — Бўйимда бор, — деди. — Билдийизми?

Бирдан табассуми лабларида муздек қотиб:

— Йўғ-э?! — деди Теша. — Ҳазиллашаяпсан?

Севаргул синиқ жилмайиб:

— Ҳазиллашаётганим йўқ, хўжайин, — деди. — Рост айтяпман.

Теша қош-қовоғини уюб, жим қолди.

Унинг хомуш тортганини кўриб, Севаргулнинг баттар ваҳми зўрайди. Шарнадек юриб ҳовлига чиқди. Беҳуд кепатада ошхонага яқинлашаркан, тагин қўққис ўхчиқ тутиб, кўзлари жиққа ёшга тўлди. Хаёлчан гудраниб, негадир ўз-ўзини койиди. Қовурдоқни

катта чинни товоққа сузди. Чой дамлади. Кейин, товоқ ҳамда чойнакни кўтариб, секин уй томон юрди.

Теша кафтларига тиранганча, ҳануз каравотда бошини ҳуйи эгиб ўтирарди.

— Туринг,— деди Севаргул, қўшни хонага ўтаётиб.— Овқат совиб қолмасин.

Теша кўйлаги тугмаларини ўтказган кўйи хонага кириб, курсига ўтирди. Буғи чиқиб турган чойдан бир қулт ҳўплаб:

— Нега ўзинг овқат емаяпсан?— деди.

— Ейман, олаверинг,— деб, Севаргул бир туюр гўштга санчқи урди.— Коньягингизни келтирайми?

— Ичмайман,— деди Теша, иштаҳасиз гўшт чайнаб.— Сенга бир гап айтмоқчиман, Севаргул, лекин хафа бўлмайсан!

Севаргул жавдираб:

— Айтинг,— деди.

— Ҳомилангни йўқот!— деди Теша.— Олдириб ташла!..

Яна бирдан Севаргулнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Санчқини товоққа қайтиб қўйди. Ухчиқ хуруж қилаётганини сезиб, ўрнидан турди. Секин бурчакдаги пастак стол ёнига бориб, елпарракнинг тугмачасини босди.

— Биладан, кейин менинг майиб-мажруҳ бўлиб қолишим билан сизнинг ишингиз йўқ,— деди у, овози титраб.— Ула-ўлгунимча ўйнашингиз бўлиб юришимни истайсиз.

— Тушунсанг-чи, бизга ҳозир шу ортиқча!— деди Теша.— Жиндай сабр қилиб туролмайсанми ахир?!

— Яна қанча сабр қилишим мумкин. Мени бахтиқаро қилиб қўйганингиздан бери орадан салкам ярим йил ўтди-ку! Агар хоҳласангиз, аллақачон хотинингиздан ажрашардингиз.

— Эсинг борми, қандай ажрашаман ҳозир?! У бечора ўлолмай ётган бўлса... Менга ишончинг ортармикан, деб мана шу ҳовлини номингга ўтказяпман-ку, яна нима керак сенга?!

— Ёлгон. Ҳамма гапларингиз ёлгон!— деди Севаргул сизиб оқаётган кўзёшларини артиб.— Менга уйингиз ҳам, жойингиз ҳам — ҳеч нарсангиз керак эмас. Кетаман бир ёқларга бош олиб. Қутуласиз.

— Билганингни қил-э! Менга деса, чинор тагидаги идорага бориб, ҳамма кўрган-билганларингни сочиб-совурмайсанми!— Теша шарақлатиб санчқини то-

воққа ташладию, ирғиб ўрнидан турди.— Ҳзи аёлга ўралашган эркак аҳмоқ экан. Ҳзим аҳмоқ, ўзим аблаҳман!..

— Қорнингизни тўйгазинг. Борарсиз ўша — ўломай ётган хотинчангизнинг ёнига.

Теша ғазаб билан тишларини ғижирлатганча:

— Ух-х!..— деди ўқрайиб, сўнг отилиб даҳлизга чиқди, шартта туфлисини кийиб, айвонга ўтди, илдам супага тушди. Тўхтади. Ортига ўгирилиб:— Бугун қишлоққа кетиб қолма!— деди.— Эшитдингми?

— Кетаман!— деди Севаргул.

— Кетмайсан!— деди у.— Эрта пешинга палов пишириб қўй!

Теша дарвозадан чиқиши билан, Севаргул диванга узала тушиб, юм-юм йиғлай бошлади.

Севаргул хаёлпаршон кўйда чучвара букканча, онасининг ҳангамасини узуқ-юлуқ тингларкан, ўтмиш хотирот кўнглида қўзғаетган изтироблардан бўғзига нимадир қадалгандек туюлди. Назарида, ниҳоят ҳўнграб йиғлаворадигандек эди.

Иккинчи марта ҳам ажал чангалидан омон қолганидан буён — денгизга чўкиб кетаёзган ўша тундан бери — мана, ўн уч кундирки, кўзларига қўйилиб ёш келади-ю, лекин негадир йиғлаёлмайди, баттар юракбағри зардобга тўлиб кетади. Кунора ҳолидан хабар олаётган доктор Хадича Бакировна эса, иложи борича йиғлашга уриниб кўринг, тўйиб-тўйиб йиғласангиз, асабларингиз юмшаб, балки тилингиз ҳам очилиб кетар, дейди.

Аммо, на чора, одам ўзини зўрлаб йиғлаёлмас экан.

Ўша жума куни ҳам одатдагидек қишлоққа жўнаб душанба эрталаб ишга етиб келмоқчи эди. Бироқ, кетолмаган... Кечқурун эса уни илҳақлик билан кутган, лекин У келмаган эди.

Мана, срадан шунча йиллар ўтиб кетди. Бирор марта ҳам унинг эрга ўхшаб ёнида бамайлихотир тунаб қолганини эслаёлмайди. Мабодо ётиб қолган кечалари эса, тонг бўзараётган маҳалда, гўё кимдир туртгандек бирдан уйғониб, апил-тапил кийинарди-да, онасининг бадфеъллигини рўкач қилиб, бир зумда рўёдек ғойиб бўларди.

Ё... раҳматли хотинининг бировларга арз қилиб қўйишидан қўрқиб, шундан беҳаловат юрганмикан?..

Ажаб, нима учун шунча йил ёлғизлик азобигаю беқадрлик аламига чидаган экан-а?! То қизи туғилгунга довур танҳолик алами, қадрсизлик алами... Қизчаси туғилгандан кейин ҳам... Йўқ, ҳатто ўша — жонига қасд қилган кунга қадар сўнгсиздек туюлган қийноқлардан қутулолмади.

Энди-чи?

Хўш, энди қутулолдими?

Ҳа, энди бу аламлардан... жойростонига борганда қутулар.

Дарвоқе, кейин — ўша куннинг эртаси яна бир томоша рўй берган эди.

Севаргул тобора дилғашланиб, ўхчий-ўхчий, тушга яқин ошни дамлаган пайтда, гичирлаб дарвоза очилди. Илкис дарвоза тарафга қарадию, бошига симобий салла ўраган, йўрма ёқали кўйлаги устидан шойи белбоғ боғлаб, эгнига кулранг макентош, оёғига қора маҳси-калиш кийган, кумушранг соқоли калта кузалган мулла... Мирбайзо ни кўриб, бехос чўғ босиб олгандек типирчилаб қолди: вой шарманда, нима учун мулла бобони бошлаб келяпти?! О, худо, бир ками шу эди!..

Теша, айвон эшигида қўл қовуштириб, сермулозаматлик билан:

— Марҳамат, мулла бобо,— деди.— Уйга кирамиз.

— Айвон дуруст эмасми, мулло Теша?— деди мулла Мирбайзо, калишини ечаётиб.— Салқин, боҳаво экан.

— Уй янаям салқинроқ, мулла бобо.

— Шундойми?.. Маъқул,— деди мулла Мирбайзо, ёнверига қараниб.— Бу муборак ҳовлича кимга қарашли, мулло Теша?

— Келинга қарашли, мулла бобо.

— Шундой денг. Билмас эканбиз. Бинойи, бисёр бинойи! Чўпкори иморатнинг қийшайгани қирқ йил тураду, деганла бобокалонларимиз,— деди мулла Мирбайзо, айвонга кираркан.— Акун келиннинг сиҳатлари тузукми, мулло Теша?

— Э, бирнави-да, мулла бобо!— деди Теша.— Қаратмаган духтиримиз, кўрсатмаган табибимиз қолмади. Паданналат суяк сили кўп оғир дард экан, ҳеч қайсидан фойда бўлмаяпти.

— Ношукрлик қилманг, мулло Теша!— деди мулла Мирбайзо.— Фельтингизни кенг қилинг, дард берган худо акун шифосини ҳам бераду.

— Илоё айтганингиз келсин, мулла бобо,— деди Теша.— Қани, ичкарига марҳамат...

Деразалар ланг очиқ эди. Уларнинг гангур-гунгур ғап-сўзлари ҳовлига эшитилиб турарди.

Севаргул ҳамон ҳайрон эди: у нима учун мулла бобони бошлаб келдийкан?..

Мулла Мирбайзо узундан-узоқ фотиҳа ўқиб:

— Омин!— деди.— Илоё топган-тутганингиз тўйларингизга буюрсин, мулло Теша!

— Оллоҳу акбар!— деди у.— Мулла бобо, энди шу ердан ўтганларнинг ёди хотири учун ҳам битта фотиҳа ўқиворсангиз?

— Маъқул, мулло Теша,— дея томоқ қириб, мулла Мирбайзо қироат билан тиловат бошлади.— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим...

Севаргул ўйчанлик билан чўнқайиб, тиловатга соме ўтираркан, тагин беихтиёр таажжубланди: наҳотки шунинг учунгина мулла бобони бошлаб келган бўлса? Йўқ, бошқа бир шумликни ўйлаган бўлиши керак у шумтака!..

Бир маҳал, Теша шошилинич ошхонага кираркан:

— Паловни тезлаштир, Севаргул!— деди кўзлари чақнаб.— Бўл, анграйма!

— Хўп!— деди Севаргул қўрс оҳангда.— Ана, дамга қўйибман. Чойни олиб бораверинг.

— Палов қачон пишади?

Унинг саволига жавоб бермай:

— Уйга меҳмон чақириш ниятингиз бор экан, аввал мева-чева келтириб қўйсангиз бўлмайдимми?— деди Севаргул тумшайиб.

— Ғам ема, ҳаммаси бор.

— Мени шарманда қилиш учун мулла бобони бошлаб келдингизми?..

— Кейин биласан,— деди у, айёрона кўз қисиб.— Мен ҳозир...

Теша қаққон чойнак-пиёлаларни олиб, ошхонадан чиқди, илдам уй томонга юрди. Хиёл фурсатдан сўнг, шошилинич дарвоза тарафга ўтиб, каттакон бир қоғоз қутини кўтарган кўйи, ошхонага кирди:

— Мана,— деди.— Анжир, олма, анор, узум, нон, патир — ҳаммаси бор... Бозорга эртарақ кириб чиқ-

моқчи эдим, тўғри келмади. Алоҳида салафан халтачага беш кило гўшт ҳам солиб қўйганман, қишлоққа элтарсан.— Сўнг қути ичидан қалин муқовали иккита дафтарни олиб узатди.— Бу сенга!

Севаргул бурнини жийириб:

— Мен нима қиламан буни,— деди.

— Кўрмаяпсанми, хўжалик дафтари билан ҳовлининг плани-ку!— деди Теша.

— Кўряпман,— деди Севаргул беписандлик билан.

— Эй, нодон, бугундан бошлаб ҳовлининг қонуний эгасисан!— деди Теша.— Паспортинг хўжалик дафтарининг ичида. Олиб қўй.

Севаргул кинояли кулимсиш билан:

— Яшанг сиз бир-э!— деди.— Менга сиз керак-сиз — қонуний эр керак! Билдийизми?..

Теша шавқсиз жилмайиб, белидан қучди, юзидан муччилаб:

— Худо хоҳласа, бугундан бошлаб, шаръий эринг бўламан,— деди уй томон ишора қилиб.— Ана, мулла бобо никоҳ ўқиб қўядилар!

— Иби, юзгинам куйсин!— Севаргул баравар иккала кафти билан юзларини тўсиб, лаб тишлаганча, бош чайқади.— Ахир, мен қайси бет билан мулла бобага кўриниш бераман?!

— Э, бошингга рўмол ташлаб тураверасан,— деди Теша.— Бўл, мева-чевалардан ювиб бер тезроқ! Паловни тезлаштир.

— Менга қаранг, ахир шунақа ниятингиз бор экан, бошқа мулла қуриб қолганмиди шаҳарда?

— Мулла Мирбайзо бобо — ўзимизнинг одам!— деди Теша.— Бошқасига ишониб бўлмайди. Ҳаммаси сотқин, ҳаммаси имонсиз!.. Тўғри бу ердан чиқади-да, чинор тагидаги идорага кириб, Шамсиев Тешанинг ҳовлиси иккита экан, хотиниям иккита экан, ҳозиргина никоҳлаб келяпман; ҳожатхонасида кўмиб қўйган тилласиям бўлса керак, деб кўшиб-чатиб айтиб беради. Ана кейин мен бошимни чангаллаб кетаверман, сен чирқиллаб қолаверасан. Тушундингми энди?.. Узат бу ёққа!

Теша баркашга батартиб ювиб солинган сархил меваларни, иссиқ нону патирни кўтариб, ошхонадан чиқди.

Севаргул ошхонада хаёлчанлик билан куймалар наркан, негадир шу тобда суюнарини ҳам, куюнарини

ҳам билолмас эди: одамзод умрбўйи бошимда бир яхшироқ бошпанам бўлсин деб, тинмай елиб-югуради. Мана, шундай ҳовли-ҳарамнинг қонуний эгаси бўлди. Аммо, бу — давлатмандлик туйғуси — нима учундир қувонч бағишлаёлмади.

И ў қ...

Энди алам билан англаптики, одамзодга энг аввало кўнгил мулки керак экан.

Касални яширсанг иситмаси ошкор қилар, деганларидек ҳадемай қорни дўмвайиб чиқади. Кейин... арзу додини кимга айтади? Олдириб ташлайин деса... Бир пайтлар олдириб ташлаб, энди оғзида ошию кўзида ёши билан зор-зор дилдираб юрганларни кўряпти-ку!..

Агар бугун никоҳ ўқилса, шу билан У хотиржамланади. Ва бошқа бир муҳим тадбир ўз-ўзидан орқага сурилиб кетади... Йўқ, нима қилиб бўлса ҳамки, бемаврид никоҳга розилик бермай, тўйни тезлаштиришни талаб қилиш керак.

Ҳа-я, мулла бобо бу шармисорликдан хабардорми-кан?!

Севаргул қозон қопқоғини кўтарди, палов аллақачон дам еган эди. Гуп этиб димоғига таом ҳиди урилгани ҳамоно, тагин ўхчиқ тутди. Кейин, бирдан қайт қилгиси келди... Аранг ўхчиғини босиб, катта бир зарҳалли чинни товоққа ош суза бошлади.

Теша қўлида чойнак билан, ошхона эшигида кўринди:

— О-о, яхши! — деди. — Ма, битта чой ҳам дамла. Аччиққина бўлсин!.. Паловдан ўзингга қолдирдингми?

— Ана, қозон тўла.

— Севаргул, овқатланиб, тайёр бўлиб тур.

Севаргул индамади.

— Сенга айтяпман, Севаргул! — деди Теша. — Дурустми?

— Йўқ, — деди Севаргул, бош чайқаб. — Никоҳ ўқитмаймиз.

Теша бирдан олайиб:

— Ий-э! — деди. — Кеча, ҳамма гапингиз ёлғон, деб қонимни қайнатувдинг. Бугун... Сен кўп жиғимга тегаверма лекин!

— Тўйсиз никоҳнинг нима кераги бор, — деди Севаргул бўғиқ овозда. — Бу билан мени шармандаликдан қутқазолмайсиз-ку?!

Теша, бир қўлида чойнак, иккинчисида товоқ кўтарган кўйи, бетоқатланмоқда эди:

— Мавриди билан тўйниям тезлаштирамиз, — деди ялинчоқ оҳангда. — Менинг жоним сенинг ичингда-ку, Севаргул. ЗАГСдан ўтиш ҳам қочмас... Ҳаммасини ўзинг яхши тушунасан-ку, энди тайсаллама лекин. Келишдикми?..

Севаргул хушлар-хушламас товоқчага бир капгир ош сузди, сўнг никоҳ ўқитса нима бўладию, ўқитмаса нима бўларини ўйлаганча, ошдан бир чўқим оғзига солди. Тагин ўхчиқ тутди... Товоқчадаги ошни қозонга ағдариб, қопқоғини ёпиб қўйди. Қутидаги нақш олмалардан бирини олиб, пўстини арчмай, карсиллатиб тишлади. Бирдан оғзи суе очди, олмага бошқоронғи бўлганлигини хаёлидан кечириб, ҳойнаҳой қиз туғажанини ўйлади.

Кейин ошхонадан чиқиб, секин тут тагига ўтди, жилдираб қўйилаётган муздай сувда қўл-бетини ювди. Сўнг айвон ўртасидаги очиқ деразадан ётоқ бўлмага кирди. Бирпас каравотда хомуш-хаёлчан чўнқайиб ўтирди.

Қўшини хонадан уларнинг овози эшитилиб турарди.

Ахийри, никоҳ ўқитса, нимадир енгил кўчадигандек, вазмин ўрнидан турди. Қачонлардир шодиёна никоҳ кунида кийини орзиқиб тиктирган этаги, енглари узун, ёқаси каштали олпоқ шойи кўйлагини кийди. Ва бехос куйдиргувчи бир хўрлик аъзойи баданига чиппа ёпишгандек бўлди, кўзлари ачишиб кетди, ютоқиб-ютоқиб нафас олганча, жияги зардўзи лозимини кийди, бошига зардўпли қўндирди, устидан олпоқ гажим рўмол ёнди. Кейин тошойнага қаради: лабларида шикаста табассум, кўзларида жиққа ёш билан келинчекнамо кимдир гамгин термилмоқда эди, баттар хўрлиги келди.

Севаргул курсичага мунғайиб ўтираркан, тасаввурда бир манзара ёрқин нурлана бошлади: ҳайҳотдек ҳовли... Ҳаммаёқ чароғон... Атроф-теварак тўла болабақра, хотин-халаж... Уйларни тўлдириб ўтирган куёвнавкарларнинг шодон ўйин-кулгилари жаранглаб эшитилади... Куёвнавкарлар тандирга элтиб тиққан бир жуфт жар — машъал ловуллаб ёнмоқда. Бир-бирига туташиб, гуруллаб ёнаётган қўшмашъалнинг ёлқини бот-бот ҳовли деворларини ёритиб юборади... Ўзи юз-кўзлари ҳайрату ҳавасдан яшнаб, ёр-ёрга

жўр бўлаётган қизлар оралаб, ҳаяжондан энтика-энтика, ёр-ёр айтаётган дугоналару навжувон келинчалар оралаб, янгалар қуршовида, чимилдиқ тутилган нурафшон хона томон бормоқда...

Қизини тўю тантана билан турмушга узатаётганидан бениҳоя бахтиёр онаси эса бошидан ҳовуч-ҳовуч танга аралаш қанд-қурс сочяпти: териб олинлар, болажонларим. Ҳаммангизни шундай муродбахш кунларга етказсин!..

Болалар қийқиришиб-чуврашиб, сочқиларни теришади...

Ана, тўкин дастурхон теварагида давра қурган қуда хотинлар ўртасидан таъзим билан ўтиб, чимилдиққа кирди... Кейин, хийла фурсатдан сўнг, мулла бобонинг дилгир хутбасию, шундай ўғил ҳамда шундай қизни вояга етказган келин-куёвнинг ота-онаси шаънига, қавму қариндошлар шаънига ёғдирилган мадҳу санолари остида куёв чимилдиққа қуёшдек порлаб кириб келади... Ана, юлдуздек ёнаётган шамлар билан нурафшон чимилдиқда — жаннатмакон тахти бистарда... куёви билан ширин-шакар орзулар оғушида суҳбат қурапти...

— Ий-э, сен бу ердამидинг?..

Севаргул ногоҳ хаёли тўзғиб, эшик томон қаради. Ва, Тешани кўриб, дабдурустдан пешонаси тиришди.

— ...муборак бўлсин!— деди Теша унинг келин лқбосига ишора қилиб.— Жуда ярашипти. Яхши... Кутиб тур.

Севаргул индамади.

Теша уйга кирмай, ортига қайтди.

Ҳаял-замон ўтмай, қўшни хонадан Тешанинг ялинчоқ овози тўнғиллаб эшитилди:

— Мулла бобо?..

— Қулоғим сизга, мулло Теша, эшитаман?

— ...энди битта... никоҳча ўқиб қўясиз?

Беихтиёр Севаргул ўрнидан туриб кетди.

— Никоҳ?!— деди мулла Мирбайзо таажжубланиб.— Бахай?

— Энди шундоқ бўлиб қолди, мулла бобо.

— Мулло Теша акун бизни нимага меҳмон қилдилайкан, деб ҳайрон бўлиб ўтирувдим,— деди мулла Мирбайзо.— Жуфтингиз ким, мулло Теша?

— Шу ҳовличанинг эгаси, мулло бобо.

Бир муддат мулла Мирбайзодан садо чиқмади, сўнг инжингандек:

— Бу ёққа чоқиринг қани хай,— деди.

Теша тагин остонада пайдо бўлиб, шошқалоқлик билан:

— Кел, Севаргул,— деди.— Бўл, имиллама!

Севаргул рўмолини янаям юзларига тушириброк, даҳлизга чиқди, қўшни хонанинг эшиги рўпарасида тўхтаб, мулла Мирбайзога таъзим аралаш салом берди, сўнг Тешанинг қулоғига шивирлади:

— Ичкарига кирмайман.

— Даҳлизда тураверсаям бўладими, мулла бобо?— деб сўради Теша.

Мулла Мирбайзо унинг саволини эшитмагандек, истар-истамас:

— Хўш, акун, падар вакил ким бўлади?— деб сўради.

— Мулла бобожон!..— деди Теша.— Падар вакил ҳам, модар вакил ҳам аввало худо, кейин ўзингиз, мулла бобо.

— Йўқ... йў-ўқ!— деди мулла Мирбайзо, кескин бош чайқаб.— Бундай қилманг, мулло Теша. Ота рози — худо рози. Дарров битта падар вакил топинг!

— Мулла бобо, ўзингиздан қолар гап йўқ, кўча тўла мулло, лекин мен атай сизни бошлаб келганман, ота қадрдонимсиз,— деди Теша, қўл қовуштириб.— Уйимизда неки маърака-мажолис бўлса, ҳаммасига ўзингиз бош-қош бўлгансиз. Энди... шунинг уволиниям, савобиниям бўйнингизга олиб, никоҳимизни ўқиб кўйинг?

Мулла Мирбайзо негадир хиёл фурсат сукутга толди.

Теша бетоқат томоқ қириб:

— Никоҳни сизга ўқитмоқчи бўлаётганлигимизнинг бошқа бир сабабиям бор,— деди.— Биз сизнинг кўмагингизга муҳтожмиз, мулла бобо?

Мулла Мирбайзо нохуш ниманидир гира-шира англагандек, сергак тортиб:

— Келин бўлмишнинг отлари кимдур?— деб сўради.

— Севаргул...

Бирдан қошлари чимирилиб:

— Ажаб!— деди мулла Мирбайзо,— Акун оталарининг номларини айттинг!

Севаргул беихтиёр девор панасига ўтмоқчи бўлди, лекин Теша қўлидан маҳкам ушлаб:

— Отасининг оти Шариф кўнадўз, мулла бобо,— деди.

— Ло ҳавло!..— деб, мулла Мирбайзо ёқасини ушлади.— Бизникида яшаган Севаргулми бу?

Севаргул дир-дир титраб, унсиз йиғламоқда эди, кескин ортига бурилиб, ётоқ бўлмага кириб кетди. Шу аснода қулогига мулла Мирбайзонинг тажанг овози эшитилди:

— Аттанг! Аттанг... мулла Теша, яхши иш қилмабсиз акун. Ман сиздан буни кутмовдим. Ҳай, аттанг!

— Нимасини айтасиз, мулла бобо. Шайтон йўлдан оздирдими, шундай бўлиб қолди-да,— деди Теша, аянчли оҳангда.— Хабарингиз бор, хотин касал. Худо шоҳид, ажрашиб ажрашолмайман... Никоҳимизни ўқиб, Севаргулнинг отасидан тўйга рухсат олиб беринг, мулла бобо? Мен ўзим сизни рози қиламан.

— Бас! Бас!— деди мулла Мирбайзо тутақиб.— Отасини рози қилинг! Мани эмас, бадбахт Шариф кўнадўзни рози қилинг! Агар раҳматлик шогирдимнинг зурёти бўлмаганийизда, ўзим ёқайиздан олайдим.— У тагин бирпас жим қолди. Хиёлдан сўнг:— Ман ўртада воситачилик қилолмайман,— деди зорланиб.— Локин... модомики аллақачон қовушган экансизлар, майли...

— Кўп раҳмат, мулла бобо, шунисигаям шукр!..

— Манга раҳмат айтманг сиз!— деди мулла Мирбайзо койиниб.— Боринг, Севаргулни чоқиринг бу ёққа. Йўқ, шошманг! Аввал манави гилам устига битта кўрпача тўшанг, дастурхон ёзинг, бир коса шарбат келтиринг.

Севаргул мулла Мирбайзонинг гапларини эшитиб ўтирган эди. Шарбатни ўзи тайёрлашни ўйлаб, аста уйдан чиқди. Ошхонага кириб, косага бир ҳовучдан мўлроқ шакар солди, устидан газўчоқда жигиллаб қайнаб турган чойнакдаги сувни қўйди. Оловни ўчирди. Сўнг обдан шакарни суюлтиргач, косани кичкина мис баркашга қўйди.

Шу пайтда Теша ҳовлиқиб келиб:

— Шарбатни менга бер,— деди.— Юр тезроқ... Сен хафа бўлма, Севаргул, отангни тўйга ўзим кўндираман. Кўрасан!..

Севаргул даҳлизга кираётиб, гажим рўмолини юзига туширди, эшик рўпарасида тўхтади.

Кўрпача устида чордана қуриб ўтирган мулла Мирбайзо:

— Мана бу ерга келиб ўтиринг, — деди Севаргулга, сўнг Тешага буюрди. — Сиз ҳам!..

Теша шарбат қўйилган дастурхон олдида тиз чўкди.

Севаргул оҳиста унинг ёнидан жой олди.

Мулла Мирбайзо бошини қуйи эгкан кўйи, овози титраниб:

— Бинни Шариф қизи Севаргул! — деди. — Бинни Шамси ўғли Тешанинг хотини бўлишга розимисиз?

— ...

— Бинни Шариф қизи Севаргул! Бинни Шамси ўғли Тешанинг хотини бўлишга розимисиз?

— Рози, мулла бобо, — деди Теша. — Ўқийверинг.

— Акун сиз жим ўтиринг!..

Мулла Мирбайзо саволини шу йўсин тағин икки-уч бор такрорлаганидан сўнг, Севаргул секин бош иради: иложим қанча, мулла бобожон?!

Унинг сукутини аломати ризо билеб, Тешанинг жавобини олгач, мулла Мирбайзо бамисоли шоҳ Машрабдан оташин бир ғазални хониш қилаётгандек, кўзларини хиёл юмган кўйи, никоҳ оятини ўқий бошлади.

Севаргул шу тобда бениҳоя ғам-ғуссага тўлиб орзиқаётгани учунми, беихтиёр хаёлида тагин бояғи армонли манзара ёрқин намоён бўлаверди: ана, қизариб-бўзариб тонг отмоқда... Чимилдиқнинг икки чеккасида икки янга пишиллаб ухлаяпти... Кимдир ҳовлида даранглатиб дошқозонни юваётир... Ҳадемай ҳовлига жамоа тўпланади. Элга ош тарқатилади... Ана, чошгоҳ пайти... Ўзи оппоқ от устида. От жилови укаси Акбарнинг қўлида. Отаси, негадир кўзларида ёш милтираб, аллатовур хирқираган бир овозда фотиҳа беряпти: тушган жойингда тош бўл, қизим! Куёвинг билан қўша қариб, ували-жували, пиру бадавлат бўлгайсан, қизим! Омин!..

Бирдан чолу кампирларнинг, ёш-ялангларнинг овози гулдираб таралади: о м и н!..

Ана, карнай-сурнай садолари остида отда боряпти... Орқада куёвнавкарлар ёр-ёр айтишмоқда... Бахти ярлақанган куёв эса чақмоқдек отда бот-бот теварагидан парвонадек айланяпти... Олдинда куёвнинг хонадони — иқбол манзили — тилсимли бир қасрдек нурланиб кўринади. Дарвоза рўпарасидаги кенг майдон-

ликда катта гулхан гуруллаб ёняпти. Ҳадемай куёв отдан кўтариб олади-да, гулхан атрофида уч маротаба айлантириб, тилсимли қасрга олиб кириб кетади...

Йўқ!.. Йўқ, бир замонлар — онасининг қизлик даврларида — шундай бўлган. Ҳозир... Энди бу орзу ниятларининг ҳаммаси армонга айланди. Алам, дод алам!.. Эрта бир кун отаси... отагинаси билиб қолса, не кўйларга тушаркин-а?!

Мулла Мирбайзо Севаргулнинг хаёлларини тўзи-тиб:

— Омин! — дея фотиҳага қўл очди. — Илоё қўша қариб, серфарзанд бўлинглар!..

— Айтганингиз келсин, мулла бобо, — деди Теша, ўрнидан тураётиб. — Раҳмат, мулло бобо!

Мулла Мирбайзо шарбатдан бир қулт хўплаб:

— У, обжўш-ку бу! — деди. — Бундан бир қулт-бир қулт хўплаб, қўни-қўшнининг болаларига ҳам ичиринглар. Бола — қуръон... Шарбатдан ичган бола ниқоҳнинг гувоҳлигига ўтадур.

Теша косани олиб, Севаргулга тутди:

— Ма, бундан тўйиб ич, — деди ишшайиб. — Ол, уялма.

Севаргул қимтинибгина шарбатдан бир қулт хўплади, сўнг косани Тешага узатди.

— Бор энди, мулла бобога анави костюм-чолварлардан битта яхшироғини олиб чиқ! — деди Теша, шарбатдан хўплагач, косани сервант устига қўяётиб.

— Йўқ, тўхтаг! — деди мулла Мирбайзо, негадир тезроқ жўнагани шошилиб. — Ман олмайман. Ҳеч нарса даркор эмас.

— Олмасангиз хафа бўламиз, мулла бобо, — деди Теша. — Оласиз!..

Севаргул чаққон қўшни хонага ўтди, шкафдаги қимматбаҳо костюмлардан бирини янги атлас белбоққа тугиб, даҳлизда Тешага узатди.

— Мана, мулла бобо, — деди Теша. — Камига қарздормиз.

— Агар сарпо олишимни истасангиз, тўйни тезлаштиринг, Тешажон, бўтам, — деди мулла Мирбайзо, пешайвонда макентошини кияётиб. — Ушанда хушхурсандчилик билан сарпонгизни олабиз.

— Тўйда бундан ҳам яхшироғини берамиз, мулла бобожон, — деди Севаргул аста. — Ҳозир шугинани олиб туринг, мулла бобожон?

— Тўйда, қизим, тўйда акун!..

— Ҳозир пахта пайти, мулла бобо,— деди Теша.— Терим тугасин... Ният шунақа.

Севаргул ялғ этиб, унга шоён бир ҳадик билан қаради: вой шарманда! Нималар деяпти бу!.. Унгача қорни... Ахир!..

— Мана, уй-жой тайин экан, пайсалга солманг, мулло Теша!— деди мулла Мирбайзо, аттангнамо бош чайқаб.— Пахта ўз йўлига. Арзу ҳолингизни йиглаб-сиқтаб, Шариф фақирга тушунтирсангиз, кўнар... Кўнса керак.

— Бир умидим сиздан эди, мулла бобо,— деди Теша.

— Йўқ-йўқ!— деди мулла Мирбайзо, пешайвон бўсағасида тўхтаб.— Илло ман никоҳ ўқиганимни Шариф фақирга айта кўрманг!

— Майли, айтмаймиз, мулла бобо,— деди Теша.— Шошманг, машинада элтиб қўяман.

— Йўқ, ўзим... Шаҳарда андак юмушларим бор.

— Хайр, мулла бобожон,— деди Севаргул аста.— Мулла бибимга салом айтиб қўйинг.

— Хайр!..

Мулла Мирбайзо ҳовлидан илдам юриб чиқиб кетди.

Онасининг саволига жавобан Севаргул фаромун бош ирғаб, нохуш чимирилиб қўйди: нима бало, онаси бугун бунча сергап бўлиб кетди. Боядан бери ўн минг оғиз гапиргандир-э! Қўли ишдаю, оғзи сира тинмайди. Салкам икки ҳафтадан бери ёнида. Шунга зерикдим ёки қишлоқни қўмсадим?..

Севаргул тагин хаёлга толаркан, ўша куни никоҳ ўқилгандан сўнг, У билан биринчи марта қишлоққа кириб борганини эслаб, бейхтиёр кулимсираб қўйди.

Аввалида Теша уввало кўнмади: эсинг борми, нима деб бораман? Мулла бобо умидимни чиппаққа чиқарди. Энди отангнинг бирор сирдош оғайнисини толиб, икки ўртада ҳожатбарорликка кўндирмагунча бормайман.

Севаргул эса, ҳадемай қорни бурнига теккудай бўлиб, қишлоққа боролмай қолишидан, пировардида ҳар қандай шармандаликдан ҳам баттароқ бир нимадир рўй бериб қўйиши эҳтимолидан таҳликаланмоқда эди. Димоқ-фироқ унга кор қилмагач, мен онам билан гаплашаётганимда, ёнимда турсангиз бўлди, деди ёлвориб. Қўрқманг, отам кечгача дўкончалари-

дан қайтмайдилар. Мен бутун айбни бўйнимга олиб, ҳамма гапни онамга ўзим тушунтираман. Кейин, онам бир амаллаб отамни тўйга кўндирадилар. Ноябрь байрамига ҳам нари-бериси билан бир ойча вақт қолди. Ундан уёғига чидаёлмайман. Ўзимни бир балога гирифтор қилиб қўйишим мумкин. Борайлик, Теша акажон, йўқ деманг? Менга раҳмингиз келсин, шугун борайлик?!

Хуллас, қишлоққа бирталай совға кўтариб кириб боришса, чиндан ҳам отаси ишда, онаси уйда ёлғиз экан.

Севаргул онаси билан ачомлашиб-ўпишиб кўришгач, у ни рўйроқ куёвингиз деб таништираверди.

Беихтиёр онанинг кўзларида совуқ бир учқун йилт этди. Гапидан чалғиди. Зўрма-зўраки жилмайиброқ турган суқ сурдек йигитга синчков тикиларкан, ниманидир пайқагандек бўлди. Сўнг, негадир ичкарига таклиф қилмай, супадаги тарвақайлаб ўсган олма соясига бошлади:

— Шу ер салқинроқ,— деди.— Утинг, ука.

Севаргул ўртадаги дастурхонни ёзди. Унда бир товоқча узум, озроқ нон бўлаклари бор эди. Эскироқ сочиқ билан усти бостириб қўйилган хумчойнак ёнида иккита пиёла тўнтарилиб турарди.

Тобора онасининг авзойи нохушланаётганидан безовталаниб:

— Мен юмшоқ нон олиб чиқаман,— деди Севаргул, ўрнидан туришга чоғланиб.

— Утир,— деди онаси.— Ўзим...— Кейин, йигитни унутгандек, бошини сарак-сарак қилиб:— Уқишни чиқаргангайм раҳмат-э!— деди.— Сани ўқитиб-ку, тавбамизга таянувдик. Мана, Акбар ҳам ўн беш кун ўқиб-ўқимай, Сирдарёда пахта теряпмиз, деб ёзгани. Уч ҳафтадан бери на хат бор, на бир хабар... Юрибман, калласига калтак еган итдек чингсиб. Дарвоза тиқ этса, почтачи хат ташлаб кетдимкан, деб кўчага югураман.

— Опамнинг қизларидан бирортасини олиб келинг,— деди Севаргул, Тешага чой узатаётиб.— Салимаси чаққонроқ. Ишларингизгайм қарашиб юради.

— Шундай қилмасам бўлмайди чоғимда,— деди она хаёлчан бош ирғаб.— Уқиш баҳона қарийб беш йил кўзимдан йироқда санғиганинг етмагандек, сен ҳам қишлоққа келавермадинг. Кўп еб, кўп кийган ҳам ўтаркан, бориға қаноат қилган ҳам.

Севаргул лаб тишлаган кўйи, Тешага маънодор нигоҳ ташлаб, қош қоқиб қўйди: ана, эшитяпсизми?!

— Ҳавоям роса кўйдирди-да!— деди она, уф тортиб.— Ука, олинг, узумдан, нондан...

Теша бетоқатланиб ўтирарди. Соатига ишора қилиб, илкис Севаргулга зимдан хўмрайди: гапирсангчи ахир. Вақт кетяпти-ку!

Севаргул афтини бужмайтириб, аста юзини тимдалади: қандай қилиб гапираман? Энди буёғини ўзингиз айтинг!

Ахийри, Теша гуноҳкорона мўлтираб:

— Хола...— деди, сўнг Севаргулга бир қараб олди.— Биз қизингиз билан оила қурмоқчимиз.

Она ҳайронсирегандек лабларини чўччайтириб, киноя оҳангида:

— Ха-а,— деди. Қовоғи уюлди.— Шунақа ниятингиз бор экан, бизни оёқости қилмай, совчи жўнатсангиз бўлмасмиди, ука?

— Сиз менинг бунақа келишимни... оёқости қилиш деб ўйламанг, хола,— деди Теша синиқ жилмайиб.— Совчи жўнатишнинг иложини тополмадик-да, хола.

Она аччиқ кулимсираб:

— Ий-э, бу гапингиз қизиқ-ку, ука?!— деди.

— Сизга нима десам экан, хола,— деб, Теша янаям аянчли мўлтиради.— Менинг... касалванд бир хотиним бор, болаларим бор.

Она қизига ялт этиб қаради:

— Ман тушунмаяпман, Севар!

Севаргул лабларини асабий тишлаб, бошини қуйи эгди.

— Биз аллақачон никоҳ ўқитиб қўйганмиз, хола,— деди Теша, бесабрлик билан арзини айтиб.— Севаргулга яхши бир ҳовли олиб берганман. Амакимни тўйга кўндирсангиз бўлгани. Ҳар қанча қалин тўлашгаям розиман. Тўйнинг бутун сарфу харажатини ўзим кўтараман. Илтимос, холажон, ўзингиз балоғардон бўлиб...

Бирдан она гувраниб:

— Ҳў-ў ота-бобонгни гўрига ўт тушсин-э!— дея ирғиб жойидан турди.— Ҳовлини бўшат-э, гўрсўхта!..

Теша беихтиёр ранг-рўйи бўзариб четга қочди.

Севаргул шартта онасини қучоқлаб, хўнграб юборди:

— Куёвингизни қувманг, онажон?— деб ёлворди.— Адашган қизингизни кечиринг, онажон? Нима қилай, бўйимда бор ахир!..

Бу гапни эшитар-эшитмас, она яланг ерга беҳуд ўтириб қолди.

Севаргул жонсарақлик билан пиёлада онасига совуқ чой тутаркан, ҳам эланиб, ҳам бўзлаб, мақсадмуддаосини уқтираверди:

— Онажон, нима қилиб бўлса ҳам, отамни тўйга кўндирилинг? Агар отам тўйга рози бўлмасалар, қайтиб қишлоққа келолмайман, онажон!

Онаси телбавор бош чайқаганча:

— Юзинг куйсин, қизим!— деб ер муштлади.— Юзгинанг куйсин, болам!.. Агар ҳозир отанг келиб қолсалар ё сани сўядилар, ёки мани осиб қўядилар. Илоё топган ўйнашинг билан қўшмозор бўл! Йўқол, тезроқ кўзимдан йўқол!!

Букилган чучвараларни баркашда ошхона томон кўтариб бораётган онаси сртидан қараб қоларкан, Севаргул, ниҳоят бирпас тинчийдигандек, енгилгина энтикиб қўйди. Аммо, ҳануз қулоғида сув остидаги майда тошларнинг қум аралаш суриниб шиғиллагани каби бўғиқ бир шовқин оҳиста эшитилаётгандек эди.

Энди бу зор қолгур шовқин эҳтимол тилнинг очилиб кетганда тинар, Севар... Ёки шунча кўргиликларга кўниккандек бунга ҳам кўникиб кетарсан. Ахир, бошингга ёпирилаётган барча кулфатларга чидаб келяпсан-ку!..

Ўшанда... бамисоли жар ёқасида турганида, онаси — бир кечада кўзлари ич-ичига ботиб, ранг-рўйи заҳилланиб — бозор куни, чошгоҳ пайти карахт бир кепатада кириб келди. Машъум хабарни эшитгандан бери ичини итдек нимадир тинмай таталаётганини айтиб, ёлворди: кеча сан мани алдадинг-а, Севар, тўғрими? Бари айтган гапларинг ёлгон эди-а, қизим? Айт, ёлгон эди дегин, жоним қизим?!

Севаргул унсиз йнглаган кўйи, бош чайқади: йўқ, онажон, ҳаммаси рост.

Онаси баттар жиғибийрси тутатиб кетди: авлоду, аждодимиздан фар ўтмаган эди-ку! Сан ўзи қайси ер юткурга тердинг-а? Юзгинанг куйгур, ахир биз сани ҳеч қачон бирор-бир нарсага муҳтож қилиб қўймаган эдик-ку?! Ҳаммамизни юзиқаро қилдинг... Ман буни отангга қандай айтаман-а?! Уф-ф!.. Ўйласам, ҳушим

бошимдан учиб кетади. Чидаёлмаяпман, Севар!.. Кетаман, отанг бозордан қайтгунларигача уйда бўлишим керак. Эрта-индин яна хабар оларман. Ўзингни ўтга-чўққа урмай, мани кут, Севар!..

Наҳотки, ўша кунларда чиндан ҳам онасининг: ўт, олдимга туш!.. дейишини истаган бўлса-я?! Онасига қарши отилмоққа шай турган дилидаги миннат-маломатларининг боиси шуми холос? Ахир, бу истак энди-энди кўксининг аллақаерида калласи янчилган чалажон илондек аҳён-аҳён гимирлаётган бўлса-да, барибир у кезлар онасига эргашиб кетолмас эди. Биринчидан, шарманда бўлишдан қўрқарди; иккинчидан, ўртада орияти лат кўтармас отаси бор эди. Ва ниҳоят, энг муҳими — жар ёқасида турганлигини англаб етганга қарамай, барибир эрта бир кун даврон сура жагидан умидвор эди. Бинобарин, айбни аввало ўзидан, кейин бошқа бир теранроқ қатламдан излаши керак экан.

Ёдида, орадан уч кун ўтказиб, чоршанба куни эрталаб, онаси яна қуюндек кириб келган эди.

Ишга жўнаётган эди, туйқус онасининг қоши, кўзи, юзи кўкариб-қавариб кетганлигини кўриб, қўлидан сумкачасини тушириб юбораёзди: ҳа, онажон, сизга нима бўлди?

Онаси аламнок бош чайқаб, уф тортди: отангнинг газаблари қурсин, қизим. Аламларига чидаёлмай, жаҳл билан пиёлани отган эдилар, чап беролмай қолдим. Энди ўзингга эҳтиёт бўлиб юр, Севар!.. Манга бир пиёла муздай сув бер, юрагим куйиб кетди, томоғимни ҳўллаволай, яна саросар йўлга тушишим керак...

Кейин, тақдирга тан бергандек, сурати кулиб, сийрати бўзлаб,— ўйнайману куламан, ўйнаш болам ичимла,— ишлаб юраверди.

Ўтгани чин бўлсин-э у кунларнинг, йилт этган нури йўқ эди-е! Ишхонасида қилаётган бемаъни ёзувчизувлари, бетайин қўнғироқвозликлари дилига заррача завқ бағишлаёлмас,— Шавкат Исломович тўғри айтади: ...бизнинг идорамиз ҳам текинхўр ташкилотлардан биттаси, ҳеч ўйлаб ўтирмай, шартта тарқатиб юбориш керак!..— тунлари эса узундан-узоқ эди. Одатдагидек, унинг келишидан кўра, рўё янглиғ ғойиб бўлиши осон кўчарди. Ана кейин, албатта тонгда бир яхшилик содир бўладигандек, нурсиз кунни бедор-беҳаловат кутар эди.

Бир куни... Инқилоб байрами арафасида эди, ишдан қайтаётса, онаси дилдирабгина остонада чўнқайиб ўтирган экан. Узоқдан кўрган заҳоти пилдираб пешвоз чиқди:

— Кўзларим тешилиб кетди-ку, Севар!— деди.— Ишинг ҳам бор бўлсин-э, қизим!

Севаргул онасини бағрига босаркан, кўзларидан тизиллаб ёш чиқиб кетди:

— Айланай сиздан, онажон!— деб юзларидан ўпди.— Соғиндим сизларни, онажон!..

— Ман сани соғинганимни кимга айтай, қизим?!— деди она бошини сарак-сарак қилиб.— Йўлдан адашган бир санми?.. Отангнинг феъллари қурсин. Қўй, мани кўп гапиртирма.

— Юринг, уйга кирайлик, онажон.

Она осмонга хавотирли назар ташлаб:

— Йўқ, қош қорайди, мани тезроқ кузатиб қўй,— деди.— Резин калишга ўт тушсин, маҳсини пайтава-сиз кийган эканман, оёғимдан совуқ ўтиб кетди. Вўзчи белбоққа ёлчимагандек, отанг кўнадўз бўлсалар ҳам, дурустроқ бир чарм кавушим йўғ-а!

— Оловга келдингизми ахир, онажон,— деди Севаргул хомуш тортиб.— Уйга киринг мундай, сал исиниб олинг. Кетарсиз.

— Мани йўлдан қолдирма. Биласан, манзил олис. Зорманда пўшида¹лар ҳам пахта баҳона камқатнов бўлиб кетган.— Она, нимадир ёдига тушгандек, бир муддат жим қолди, сўнг хавотирли оҳангда:— Севар, отангнинг аҳволлари оғир, қизим,— деди.

Бейхтиёр кўксига ваҳм ўрлаб:

— Ҳа, отамга нима бўлди?— деб сўради Севаргул.— Тинчликми, она? Гапиринг ахир!

— Отанг бечора ганимат бўлиб қолдилармикан, деб қўрқяпмиз, қизим,— деди онаси хўрсиниб.— Бугун пешинда базўр тўйга розилиklarини олдим. Саросар шуни санга айтиб қўйгани келган эдим. Ҳозироқ қайтмасам бўлмайди: ўтган куни отангнинг чап билакларига бигиз санчилиб кетибди. Палакатти қара-я, худди йўгон томирга санчилганмиш! Эрталаб Носиров келиб кўрган эди, тирсақдан кесиш керак, деяпти.

Бирдан дилдирагандек аъзои бадани жунжикиб:

— Вуй-эй, айтманг-а, онажон!— деди Севаргул.

¹ П ў ш и д а — автобус (шева).

— Ұзимиз ҳам құрқыпмиз, қизим,— деди онаси, ұйчан бош чайқаб.— Отанг құлларини кестиришга кўнмадилар. Ҳамма бармоқларининг учи қорайиб кетяпти.

Онасининг гапларини тингларкан, сўнгсиз гулхан ичра кечиб бораётгандек, кўз олдини ёлқинли бир парда тўсган эди: отам... чидаёлмаганлар. Шармандалик ёмон. Ёмон!.. Ҳаммага шарманда бўлгандан кўра, обрў борида жойростонга равона бўлган маъқулроқ, деб ўйлаганлар. Кейин, занглаб ётган бигизни томиргга санчганлар. Ув-в!.. Ёки билмаймикан-а?..

Онаси толиққаниданми, хиёл чап оёгини судраб босган кўйи, тинмай йўл-йўриқ кўрсатганча, ёнида илдам одимларкан:

— Севар, энди анави қон қусгур куёвингга айт, тўйга атагани бўлса, пайшанбадан кечиктирмасин!— деди.— Байрам куни кечқурун базм... Ушангача пахта планиям бажарилиб қолар... Пешинда элга ош тарқатамиз. Отангни шунга кўндирдим. Куёвингга яхшилаб тайинла: тўй куни қавму қариндошларини элтолмасаям, лекин жўра-жамоатини бирга олиб борсин!.. Обрўнинг бозори йўқ, қизим. Оёқнинг ёмони қичир, гапнинг ёмони пичир. Ҳалитдан қишлоқда пичир-шивир оралаб қолди.

Бехос жаҳли қўзиб, Севаргул қўл силтади:

— Она... онажон, қўйинг ўша одамларнинг бетамиз гийбатини!— деди.— Ҳозир мен ҳам сиз билан кетаман. Отамни кўраман бориб.

— Йў-ўқ, Севар, сен шу тобда отангнинг кўзларига кўринмай турганинг авло,— деди онаси.— Ким билади, яна феъллари айнийдими, қизим. Пайшанба кечқурун ёки бир кун олдин борарсан... Опанг баҳоли қудрат юмушларимга кўмаклашяпти. Поччанг барака топгур ҳар намозшом ёвондан қайтаётганда, бирров кириб, ҳолимиздан хабар олиб турибди... Айтганча, укангдан хат олдик, ҳалиям пахтада экан, байрамга келармиш. Яхши бўлди, тўйингни кўриб кетади... Сан энди ўзингни ўйла, қизим, оғироёқсан. Оч-наҳор юрма, оғир юк кўтарма!..

Вожаб, онангдан тагин не истайсан, Севар, деб кўнглидан кечирди Севаргул, секин помидор тўғраёттиб: шу пайтгача боёқишдан нимаики хоҳлаган бўлсанг, имкони қадар бажариб келяпти-ку!.. Ёки айби

барча балоларга балогардон бўлиб, тўйингни ўтказиб берганими?

...Севаргул ниҳоят, чоршанба куни магазиннинг «УАЗ» машинасига ҳар хил юклар, қўша-қўша сарполар ортиб, уни ҳамроҳ қилганча, кўксига беадад бир ҳадик билан, хуфтон маҳали ҳовлига кириб борди.

Ва дарҳол уйга ўтди. Уй тўрида отасининг аянчли ихраниб ётганини кўрди. Кўрдию... қотди-қолди: отасининг юзлари бўғриқиб кетган, кўзлари эса, аллақандай даҳшатдан дарак бераётган каби таҳликали жавдирамоқда эди.

— Ота...— деди Севаргул, овози қалтираб.— Отажон!..

Ота янаям инграиб, бошини четга бурди.

Севаргул мунгайиб, отасининг ёнида тиз чўкди:

— Отажон, нима қилиб қўйдингиз?— деб, отасининг иситмай оташда ёнаётган қўлини охишта юзига босди. Кўзларидан ёш қўйилаверди.— Дардингизни олай, отажон? Ахир, мени яхши кўрардингиз-ку...

Ёнида: ўша куннинг эртаси Севаргул биринчи синфга бориши керак эди.

Муяссар дугонасига ироқи дўни олиб беришганини кўриб, Севаргулнинг беихоҳ ҳаваси келди.

Онасига эланди:

— Ироқи каллапўш жудаям... жудаям чироғли экан. Ана, Муяссарчада бор. Менда йўқ. Онажон, менгаям олиб беринг, хайми?

— Иби, битта ироқи каллапўшнинг пулига бош-оёқ сарпо беради-ку!— деди онаси, шартта гапини қесиб.— Бор, бошамни қотирма кўп. Ман Муяссарчанинг онасига ўқшаган савдогарлардан эмасман.

Севаргул йиғлади.

Кейин туш маҳали тумшайиб, отасига овқат олиб берди.

— Ҳа, она қизим,— деди отаси бошини силаб.— Нега қовоқ-тумшунгнинг осилган?

Севаргул беихтиёр кўзлари жипча ёшига тўлиб, арзу додини айта бошлади.

— Ии, йиғлама! Виласан-ку, йиғласанг— ёмон кўраман,— деди отаси чимирлиб.— Майли, хафа бўлма. Бирор човаси топилар.

Намозгар отаси уйга қайтиб, Севаргулни четга имлаб чақирди.

— Мана, лоло-қизим!— деб, қўйнидан шилдироқ қоғозга ўроғлиқ нимадир чиқарди.— Лекин опангга кўрсатмайсан, онанг билмасин!.. Яшириб қўй. Эрта мактабингга кийиб борасан.

Севаргул шодон ирғишлаганча, отасининг бўйнидан қучоқлаб олди:

— Ҳазимнинг отамсиз-да! Яшанг, отажон!..

Отаси ҳеч қачон ўқинтирмаган, билъақс ҳамиша кўнглига қараб иш тутган эди.

Аммо, мана энди ҳатто бирров қарагиси ҳам келмаяпти.

Севаргул баттар титраб, ёлвориб:

— Жоним отам, ўзим ўргилай сиздан,— деди.— Кечиринг мени, отажон?

Ота, аъзои танини ўртаётган оғриқ изтиробиданми инграб, бемажол қўлини тортди. Бармоқлари ҳамда кафтининг орти қўнғиртоб тусда эди.

— Ота... отажон?!— деди Севаргул ҳўнграб.— Майли, мени сўкинг, қарганг. Бирор оғиз гапиринг, отажон?

Отаси тагин аламнок ингради, лекин ҳеч нима демади.

Шу пайтда онаси ортидан келиб:

— Қўй, Севар, отангга озор берма, қизим. Носиров боягина укол қилиб кетган эди. Ухласинлар,— деди.— Отанг сани кечирмасалар, тўйингга руҳсат берармидилар... Бас, йиғлама, қизим.

Севаргул янаям хўрлиги тошиб, отасининг юзларидан, пешонасидан ўпди. Отаси эса гингшиниб, чирт кўзларини юмди.

— Ут бу ёққа, Севар,— деди она, қўлидан тортиб.— Поччанг билан куёвинг юкларни тушириб бўлди. Отанг бирпас ухласинлар, қизим. Сан меҳмонхонага дастурхон тузагин.

Ана шунда ота кўзлари шокосасидан отилиб чиққан кудек бўлиб, бир ўқрайди, сўнг:

— Э, худо, ман ҳеч кимга ёмонлик раво кўрмаган эдим-ку!— деб, ғамгин оҳ тортди.— Нима учун бандларингга мани бунчалик босқилатиб қўйдинг ахир?

Кейин, то тўй ўтганга қадар, Севаргул отасининг хафагазаклигини жилла аритиш илинжида куну кунга хизматда шай турди — отасининг шамдек ёниб адо бўлаётганлигини алам билан англаб, қўл-оёқларини илиқ сувда ювди, тирноқларини олди; отасининг да...

газаб тумшайишларидан асло ранжимамай, вақти-вақтида қуюқ-суюқ дориларини ичириб, жароҳатига малҳам боғлади; тунлари мижджа қоқмай, қўл-оёқларини уқалади.

Кампир, қизингнинг уйқуси куйган экан.

Севаргул бу гапни кейин... тўйдан анча кейин онасидан эшитиб, дилида ажиб бир ҳисни туйган эди. Ёпирай, отасининг шафқатими ё адоқсиз меҳрининг сўнгги йилт этган учқуни эдими — нима бу — ўйласа, ҳали-ҳануз кўкси бир қалқиб, беихтиёр кўзлари ачишиб кетади...

Байрам кечаси номдор созандаю хонандалар иштирокида гумбурлаган тўй бўлди.

Базм хийла кеч тарқади.

Аммо, дод аламки — азиз хонадонида тахти бистарли чимилдиқ йўқ — кечасиёқ тул мисоли жўнаб кетиши керак эди.

Юрагида туганмас армон билан яна отасининг ёнида тиз чўкди.

Отаси тобора забтига олаётган оғриқ азобига бардош беролмай, ўкраб юборишдан базўр ўзини тийган каби қурқшаган, этсиз лабларини қимтиб, инграниб ётарди.

Севаргул титроқ овозда:

— Отажон... онамнинг бахтига, илоё бизнинг бахтимизга тезроқ соғайинг, — деди юм-юм йиғлаб. — Отажон!..

Ота, ногаҳоний оғриқданми, бўғриқиб кетган юзларини аянчли тириштирди. Индамади.

Онаси аста эланиб:

— Отаси, қизингизга фотиҳа беринг? — деди. — Севаргулингиз жўнаб кетяпти. Бахтинг ярлақасин, қизим, денг?

Бирдан отасининг киприклари намланди:

— Нима қилай, шўрпешона эканман, қизим, — деб, клари асабий титраган кўйи, қизининг манглайдан эди. — Сани ўқитиб, ман нодон тахтинг соясида яймоқчи эмас, ўзингга оту обрў олиб бермоқчи бўлган эдим... Мани чин дунёгаям шарманда қилиб жўнатяпти... Майли, боравер... Розиман.

...воҳ!.. Отаси ризоланган экан-у, лекин фотиҳа бермаган экан...

Кейин, гавжум дарвозахонада ғала-ғовур ичра ҳамму қариндошлар билан бир-бир хайрлашаркан,

онаизори хиёл сархуш укани қўярда-қўймай олдинга ўтказди:

— Акбар, таомили шу, ўғлим,— деди кафтларини ёйиб.— Бўл, опангга фотиҳа бер?!

Негадир Акбар қарғишнамо тўнғиллади:

— Омин, тушган жойингда тош бўл, қайтиб бу юртларга юзинг тушмасин, опа!..

Бироқ, уч кундан кейин яна жигаргўшалари билан етим бўтадек бўзлашганча, ота юртида юз кўришди: отагинаси оламдан ўтган эди.

Қозон қопқоғи бўғиқ даранглади.

Бир оздан сўнг онаси икки коса овқат кўтариб, ошхонадан чиқди.

Севаргул аччиқ-чучукни тўғраб бўлган эди, пичоқни хонтахта чеккасига қўяётиб, бармоқлари бедармон қалтираётганини кўрди, ўшанда тубсиз денгиз бутунлай тинка-мадорини сўриб олганлигини, энди ҳали-вери куч-қувват эниши осон эмаслигини ўйлаганча, қўлини сочиққа артиб, беҳол деворга суянди.

Онаси хонтахта нарисидан узалиб, косани унинг олдига қўяркан:

— Чарчадинг-а, қизим?— деди.— Ҳа, сал толиқдинг. Овқатингни егин-да, уйга кириб, пича мизғивол.

Севаргул «индамади», ухламоқчи эмас: ухласа... кечқурун тагин уйқудори ичишга тўғри келади. Кейин, эрта кунбўйи яна қарахт юрадими?.. Ухламайди. Лекин ҳозир ухламаслик учун бирор эрмак билан машғул бўлиш керак. Ҳадеб шифтга тикилиб ётавериш ҳам жонга тегди... Ҳа, тушликдан сўнг анави китобни ўқийди. Қизиқ, қисса қаҳрамони гўзал Сайнабхоннинг қисмати нимаси биландир ўзининг тақдирига ўхшаш экан. Аммо, Сайнабхоннинг қизи йўқ, умуман боласи, қавму қариндоши — ҳеч кими йўқ. Эридан ажрашган. Ёши қирқдан ўтган бир хуштори бор. Сайнабхон кечалари тунчироқни ёқиб қўйиб, севалаб ёғаётган ёмғирдан шашқатор ёш тўкаётгандек туюладиган деразага термилган кўйи, хушторини илҳақ кутиб ётади... Бечорага жуда одамнинг раҳми келади.

Онаси, хаёлини бўлиб:

— Магнитапунингни айлантириб чиқайми ё дилбюзарни қўяйми, Севар?— деди.

Севаргул иштаҳа билан овқатланаётган эди, онасига қараб, сал афтини бужмайтирди: тинчгина овқатимизни ейлик, онажон?

— Ҳа, майли... ғижинма. Ғижинма ишқилиб.

Хадича Бакировна мумкин қадар кўпроқ манзур ғазаллардан тинглашни тайинлаган. Астойдил завқланиб эшитаверса, руҳияти тетиклашиб, ногоҳ тили очилиб кетиши мумкинмиш. Тили... бинойидек. Ҳаммаси ўшанда гоҳ чўкиб, гоҳо қалқиб, юрак-бағри тилка-пора бўлаёзганидан. Кейин... Эсласа, ҳалиям юраги шув этиб кетади-я!.. Сезаяпти ўзи: бугун, бугун бўлмаса эртага яна бийрон-бийрон гапирадиган бўлади. Аммо... руҳият — чатоқ. Руҳият — чалажон. Бир эмас, икки маротаба ўлиб кўрди ахир. Биринчиси — ихтиёрий, иккинчиси — тасодифан. Оқибат... Наҳотки ўзи учун яшаб улгурган бўлса-я?!

— Қалай, овқат ширинми, Севар?

Севаргул хиёл кулимсираб, кўзларини юмиб очди: жуда!..

Онасининг гапиргиси, боғдан-тоғдан сўйлашгиси келиб турарди:

— Устига озроқ қуйиб келайми?

Севаргул сезиларсиз тажанглик билан бош чайқайди: йўқ. Бас.

Хиёлдан сўнг она:

— Поччангни-ку билмадим-ов, кечга томон уканг бир хабар олса керак, — деди. — Бугун ман қишлоққа қайтмасам бўлмас, қизим. Бозор куни кечқурун ёки душанба эрталаб яна кириб келаман. Майлими?

Севаргул онасининг бугун жуда сергап бўлиб қолганлигидан қишлоқни қўмсаётганлигини англаган эди, онасига бир қараб қўйди. Ҳеч бир имо-ишора қилмади.

Уттинчи август куни аэропортда онаси, поччаси, укаси, жиянлари, Хадича Бакировна, тагин бир ҳамшира қиз — ҳаммалари биргаликда кутиб олганларидан бери ёнида боёқиш. Мана, шунгаям ўн уч... ўн тўрт кун бўляпти. Салкам икки ҳафтада бу қутичадек ҳовлида роса сиқилди шекилли... Ҳали Акбар келса, бирпас ўтирадими, йўқми — хуфтон бўлар-бўлмас туриб жўнайди. Кейин, яна қизи билан уйда ёлғиз қолади. Онасини кўчириб келолмас экан. Йўқ, ҳеч қачон... Ўзини ёлғиз деса, дегудек эмас, лекин... Нима, кўни киши керакми энди шу... эзгин ҳаётга?

— Тушунасан-ку, қизим, — деди она давом этиб. — Келин ёш, қўлида гўдаги бор. Укангнинг бошига рўзгор тушган билан ташвиши тушганича йўқ. Бозор-ўчаримни ўзим қилмасам бўлмайди, қизим.

Севаргул аста бош ирғади: тўғри айтасиз, онажон!

Сўнг енгилгина энтикиб, косани нари суриб қўйди. Онаси косага безовта назар ташлаб:

— Икки қошиққина қолибди-ку, ичиб қўй, қизим,— деди... Кейин негадир фикридан қайтгандек бўлди.— Ёки эрта азонда кетайми-а, Севар?

Севаргул парвосиздек, дарвоза томонни кўрсатиб, йўл сари бемалол ишора қилди: хотиржам жўнайверинг, онажон — энди пажмурда қизингизни «бўри» лар бошига урармиди!

— Тўғри айтасан, қизим, бугун йўлга чиқаверганим дуруст,— деди онаси, косаларни бир-бирига кийштириб, хонтахта чеккасига қўяркан.— Ошхонада ярим қозондан мўлроқ овқат бор. Эрта пешинда баракалироқ қилиб шовла пиширсанг, кечқурунга ҳам етади. Она-бола маза қилиб ейсизлар. Савзисини ўзим тўғраб бериб кетаман... Севар, тур энди, уйингга кир, қизим. Ман шу ерда бирпас чўзилай.

Шу пайт дарвоза ҳалқаси шиқирлади.

Севаргул дарвоза томон ўгирилиб қаради: ким бўлдийкин? Холпош бийимикан?..

Онаси нохуш гудранган кўйи:

— Очик,— деб қичқирди.— Қираверинг!

Дарвоза очилиб, Севаргулнинг ҳамкасабалари — Назира билан Мадина ҳовлига кирди.

Севаргул уларни кўриб, дафъатан суюнди, лекин шу баробари дилида мубҳам бир ўкинч ҳиссини туйди: дугонаси — Назира ғиждувонлик Ботир балиқпаз деган одамнинг бойвучча қизи. Худоям бир берса бееравераркан — эри шаҳардаги катта қурилиш идорасининг бошлиғи. Иккита ўғли бор. Кўп туғса, тез қариб қолармиш. Кейинроқ битта қиз туғмоқчи... У Тошкентда бир ойлик ўқишда эди, кеча ё ўтган куни қайтган шекилли... Мадина эса туб шаҳарлик. Эри донғи кетган заргарлардан. Тўртта боласи бор. Болалари тез-тез дардга чалиниб тургани учунми, ишхонада уч-тўрт кун бир кўриниб-кўринмай, икки ҳафталаб уйда ўтирадиганлардан; ҳойнаҳой бугун ишга чиққан бўлса керак.

Севаргулнинг фаҳмича, булар ҳам бир-бир келиб, қайтиб дийдорини кўрсатмай қўйган бошқа ҳамкасабалардек, астойдил дардкашлик учун эмас, азбаройи ҳангаматалаблик важдан қадамранжида қилишгандек эди.

Севаргул секин ўрнидан туриб, иштиёқсиз жялмайган кўйи пешвоз юрди.

Назира чаққон яқинлашиб, қучоқлашиб кўришаркан:

— Севаргул, дугонажон!— деди ўпишиб.— Ўзим ўргилай сендан, яхшимисан? Омон қолганингни эшитиб, шунақаям севиндимки, дугонажон!..

Мадина ҳам қучоқлашиб-ўпишиб:

— Ассалом. Соғ-саломатмисиз, опажон?— деди дилкаш оҳангда.— Қаранг-а, ташвишларга ўралашиб, мундай бир кўрганиям келолмадим. Ўзр, опажон!..

Улар кампир билан ҳам сертакаллуф омон-эсонлик сўрашгач, айвон томон юришди.

— Тошкентда бирдан шов-шув тарқалди: Қора денгизда кема чўкиб кетганмиш, кўп одам нобуд бўлганмиш!..— Назира куйинчаклик билан гапирган кўйи, Севаргулнинг кифтидан қучиб қўйди.— Ваҳима босиб, дарров ишхонага қўнғироқ қилдим, дугонажон. Сен ўша куни келган экансан, жуда хурсанд бўлдим эшитиб. Роса қўрққандирсан-а?

Севаргул ҳалигина кўнглидан кечган гумонидан хижолатангиз қизарди, лаблари ҳаяжонли пирпиради: раҳмат, дугонажон!..

Назира унинг сассиз-садосиз пичирлаётганидан бехитиёр таажжубланиб, бир зум анграйиб қолди. Ва ўша заҳоти ниманидир эслаб:

— Кўз тегмасин, кўринишинг бинойи, дугонажон,— деди.— Қаттиқ қўрққан экансан-да, ўтиб кетади. Парво қилма.

Севаргул миннатдор табассум билан бош ирғаб, осмон сари олисларга ишора қилди: ўзинг яхши ўқиб-ўйнаб қайтдингми, дугонажон?..

Севаргулнинг онаси олдинга ўтиб:

— Меҳмонхонага кира қолинглар, қизларим,— деди.

— Кўрмаяпсизми, холажон, Бухоро ёнапти-ку!..— деди Назира.— Уйда ўтириб бўларканми, айвон яхши-е! Оёғимизни узатиб ўтирайлик-да, холажон.

— Шошманглар бўлмаса...— Кампир чаққон даҳлизга кириб, зумда бир нечта кўрпача кўтариб чиқди-да, хонтахтанинг ёнёғига қўшқат қилиб тўшади.— Ана энди ўтиринглар, қизларим.

— Сизни ташвишга солиб қўйдик-да, холажон,— деди Мадина.

— Нега ундай дейсиз. Пойи қадамларингиздан

ўргилай, қизларим. Хуш келибсизлар. Қани эди, ҳар куни шундай кириб келаверсангизлар.

— Бундан кейин ҳар куни келаверамиз, холажон,— деди Назира.

— Пойи қадамларингиз дийдамызга, қизим,— деди Севаргулнинг онаси фотиҳага қўл очиб.— Қани, омин, ҳаммангизнинг ҳовлингиз тўйхона бўлсин, шери худо жиловдорингиз бўлсин!.. Хуш келибсизлар, қизларим!

— Хушвақт бўлинг, холажон!— деди Назира, кафтларини юзига тортиб. Сўнг туришга чоғланаётган кампирга тегажоғланиб, гап қотди.— Тўхтанг, хола, бизларни фотиҳа ўқитиб қўйиб, газетага ёзмайсизми ишқилиб, бугуннинг қизлари художўй бўлиб кетяптилар, деб?

— Э, худони ким кўрибди, Назиражон. Ҳар кимнинг худоси кўнглида бўлсин. Илоё барака топинг, кўп ҳазилкашсиз-да, ўргилай!..

Кампир косаларни, чойнакни олиб, пешайвондан чиқди.

Мадина сумкасидан ичига нимадир солинган қоғоз халтача чиқариб, хонтахта чеккасига қўйди, сўнг бир қути «Қорақум»ни Севаргулга узатиб:

— Мана, опажон, буни сизга Шавкат Исломович бериб юбордилар,— деди.— Мендан салом айтинг, тезроқ соғайсин, жуда Севаргулнинг қадри ўтаяпти, дедилар.

Бирдан Севаргулнинг кўнгли янаям ёришиб кетди. Утган гал қизлардан Шавкат Исломович тўрттагина апельсин бериб юборганлигини эсларкан, кўз ўнгида унинг улуғвор чеҳраси гавдалангандек бўлди. Мадинанинг қўлидан қутини олаётиб, мамнун бош ирғади: раҳмат, Мадинажон!.. Шавкат Исломович ажойиб одам. Гап — гап нарсада эмас, гап — эътиборда. Арзимасдек туюлган бир эътибор билан одамнинг гўрдек чўккан кўнглини тоғдек кўтарвориш мумкин... мумкин экан. Раҳмат!..

Кейин, Назира Севаргулнинг кулимсираган кўзларига шўх-шодон боқиб, куни кеча ўқишдан қайтганини айтди. Тошкентнинг магазинлари негадир ҳувиллаб қолганлигидан нолиб:

— Ҳеч бало йўқ,— деди.— Лекин тошкентлик бир ҳамкасаба жувондан иккита сийнабанд олдим. Битта ўзимга, битта сенга. Қирсақлигидан, дугонажон!— деб, унга совгани узатди.— Таққин, бир кўрайлик. Қирсагини боссанг, ширқ этиб очилиб кетади.

Севаргул шафақранг сийнабандни эғнидаги қўйлаги устидан кўкрагига тутиб кўрсатди, сўнг хушнуд жилмайди: жудаям яхши экан. Раҳмат, дугонажон!..

— Бугун ишга чиқдим,— деди Назира, ҳасрат оҳангида давом этиб.— Ишхона шунақаям файзсиз! Ҳамма пахтада. Сен йўқсан...

Севаргул тагин бадгумонлигидан пинҳона койиниб, ҳамкасабаларига ачинди: бечоралар пахтада экан-да!..

— Пахтага бормаган беш-олти киши қолибмиз,— деди Назира.— Мадина, мен, Шавкат Исломович, яна икки-уч одам.

— Қолган беш-олти кишиям эрта икки кунлик ҳашарга жўнаркан,— деди Мадина ғингшиниб.— Ўлсин, энди бу жағ-жағ иссиқда роса жизғинагимиз чиқади.

Ҳамма бир муддат жим қолди.

Шу пайтда Севаргулнинг онаси бир чойнак чой, иккита нон келтириб, дастурхонга қўйди:

— Олинглар, қизларим,— деди манзират қилиб.— Еб-ичиб ўтиринглар. Ҳозир овқат олиб келаман.

— Пиширган-туширганингиз бўлса, уялмай олиб келаверинг, холажон,— деди Назира кулиб.

— Ҳозир-да, қизим!..— Кампир яна илдам ошхона томон кетди. Орадан ҳаял-замон ўтмай, икки коса таом кўтариб, пешайвонга кирди.— Келганларингиз зап яхши бўлди-да, қизларим. Худди келишларингизни билгандай, ўсма узиб, сўлитиб қўйибман.

— Яшанг, холажон!— деди Назира суюниб.— Лекин ўсмани ўзингиз сиқиб берасиз-да, холажон. Сизнинг шарофатингиз билан яшарадиган бўлсак, бугун бир яшарайлик энди.

— Майли, ҳамиша яшариб юринг, қизим.

Кампир чойни шопириб, қизининг олдига қўйгач, бир оз юмушлари борлигини айтиб, тагин ҳовлига чиқди.

— Севаргул, шу... денгиз саёҳатига бекор борган экансан-да, дугонажон,— деди Назира овқатланаётди.— Ундан кўра, бирор курортда дам олиб қайтганинг яхши эди.

— Рост,— деди Мадина.— Бахтигулингизниям олиб кетсангиз бўларди, опажон. Майли, кўргилик-да, ўтган ишга салавот.

Севаргул чойдан ҳўпларкан, маъюсгина кулимсираб, кифтини қисиб қўйди: кўнглидаги ўкинчу аламларини энди буларга қандай тушунтирсайкин-а?..

Аслида денгиз саёҳатига бормоқчи эмас, худкушлик борасидаги барча уринишлари беҳуда кетгач, дунёга қўл силтаб, рўзгузаронлик қилиб юравермоқчи эди.

Эҳтимол, рўй бериб ўтган кўргиликка энди Шавкат Исломович қандайдир даражада ўзини айбдор ҳис қидаётган бўлса керак: менинг қистовим билан денгиз саёҳатига чиқдию, шу балога гирифторм бўлиб қайтди.

Балки, ҳамкасабаларга эргашиб келмаётганлигининг... келолмаётганлигининг сабабларидан бири ҳам шудир. Тағин ким билади.

Аммо, барибир Шавкат Исломович... аломат одам. Кўп йиллар шаҳар ижроқўми раисининг муовини бўлган. Кейин шаҳарда янги ташкил топган районлардан бирига райижроқўм раиси қилиб тайинланган. Бироқ, орадан олти ой ўтар-ўтмас, ишдан олишган. Раисликни топширишидан икки ойча олдин, ўзининг айтишича, яқинда отувга ҳукм қилинган арбобчалардан бири ҳузурига кириб, Каттакон учун ш и р и н к о м а сўраган.

«Қанча беришим керак?» «Йигирма беш?!» «Кечирасиз, ўртоқ Фалончижонов, бунча пулни қаердан оламан?» «Куни кеча район ихтиёрига юзта квартира ажратилди-ку?..» «Шириккоманинг қанчаси ўзингизга тегади?» «Энди буёғини Каттаконнинг ҳимматлари билади...» «Каттаконга ширинкома керак бўлса, ўзлари сўрасинлар. Боринг!..» «Беҳазил гапиряписизми, Шавкат Исломович?» «Агар ҳозироқ чиқиб кетмасангиз, чинор тагидаги идорага қўнғироқ қилиб, одам чақираман. Жўнанг дарров!..»

...*Ўзингиз йўлаб кўринг, Севаргул, умр бўйи соясидан кўрқиб яшаган одамда пул нима қилсин... Шу қадар кўрқоқларча яшаган эканмизки, қарийб жар ёқасига бориб қолганда хатомизни тушуниб етдик. Бу хатомиз учун Партия бизни сазойи қилдирса ҳам қақи кетади.*

Ахир, каззоб арбобчалар замбуруғдек ердан кўкариб чиққани йўқ эди-ку!..

Даверонни биласиз-а — менинг йўғлимни. Комсомолда бинойидек ишлаб юрган эди. Уввало қаршилиқ қилганимга қарамай, партиянинг топшириғи, деб шаҳарга туташ анави колхоз раислигига ўтди. Бор-йўғи икки йил ишлади. Ушанда яна ўша топшириққа биноан собиқ Каттаконнинг институтда ўқиётган эркатойига

ҳашар пайтида машина билан фалон тонна пахта терди, деб битта «ГАЗ — 24»ни «мукофот»га берган экан. Мана, энди бир кавакда туйнукка тикилиб ётибди. Ҳали суди бўлгани йўқ.

Шунақа, кўрқоқлик билан умрни зое ўтказворганимни кеч англадим, Севаргул, жуда кеч англадим, қизим. Агар вақтийи замонида каззобларнинг гирибонидан олганимизда, Давронга ўхшаганлар, сизга ўхшаганлар шу кўйга тушмасмидингизлар?

Йигирма йил сурункасига хато ишлар билан машгул бўлибмиз. Йигирма йил-а!.. Ахир, бу йигирма йил сиз тенгилар умрининг айни гунчалаган, айни гуллаган фасли-ку!.. Биз йигирма йил кўр-кўрона қилган хатолару гуноҳлар жабрини ана энди сизлар умр бўйи тортасизлар: оталарининг гуноҳлари учун болалари жавоб бергай!

Шавкат Исломович уч қизини узатган, икки ўглини уйлантирган. Айтишига қараганда, бир ҳовли ширин-шакар неваралари бор. Ҳамма қизларидан шод, куёвларидан миннатдор, келинларидан хотиржам. Аммо, шаҳар молия маҳкамасида кичикроқ амалдор ўгли Алишердан ҳамиша хавфсираб юради: буям бир қаро ишни қилиб қўйиб, жувонмарг бўлиб кетмаса ёки акасининг касри уриб, ишидан сурилиб кетмаса бўлгани!

Гарчи, катта ўгли Давроннинг ҳали суди кўрилмаган эса-да, унинг омон қайтгунига довор ўзининг яшай олишидан умидини узган — қариган чоғида бу мусибатга бардош беришига ишоналмайди. Умр бўйи худбинларча ўз тинчини ўйлаб яшаганидан энди бе-ниҳоя пушаймон.

Бечорага одамнинг юраги ачишади.

Унга ҳар куни икки маҳал — эрталаб ҳамда пешин чоғи — аччиққина кўк чой дамлаб киради. Котибаси — нўғой жувоннинг дамлаган чойини негадир хушламайди. Баъзан иш юзасидан, баъзан чой дамлаб кирган кезлари, кўнгли тўлиб кетганиданми, дабдурустан ҳасратини бошлаб қолади. Шунда Севаргул индамай, хомуш тинглаб ўтираверади.

...Даврондан ҳалиям хат-хабар йўқ, Севаргул. Шакар холангизнинг яна дамқисмаси зўрайиб боряпти. Дарди хуруж қилган кечалари бирдан ваҳима босиб ўйғониб кетади. Юрагимни ҳовучлаб, қулоқ соламан: кампирим нафас оляптими, йўқми?..

Ишқилиб, тўнғичимизга бизнинг совуқ дийдоримизни бўлса ҳам кўриш насиб қилсин-да!..

Жамиятимизнинг нима учун шу аҳволга тушиб қолганлигини биласизми, Севаргул?.. Биламан, шахсан мана шунинг учун деб айтолмайсиз. Чунки сабаблари кўп. У сабабларнинг ҳаммаси бир-биридан муҳимроқ.

Эллигинчи йилларда суд ишлари кам кўриларди, лекин қарийб ҳаммаси корхоналарда очиқ ўтказыларди. Очиқ судни кўриб, жиноятнинг оғир жазосини ҳис қилган одамлар кейин ҳаминша ҳушёр тортиб юришарди. Ҳозир ҳар куни ҳар бир районда, ҳар бир шаҳарда уч-тўрттадан суд иши кўрилади, лекин улардан жамоа беҳабар. Одамлар лоқайд, беғам.

Айтсам куласиз, бундан йигирма йилча аввал авж олиб кетган ташвиқотларга лаққа учиб, саксонинчи йилларда коммунизмда яшашимизга чиппа-чин ишонганман. Бордию шу кунларда биров, яна юз йилдан кейин коммунизм қурилади, деб жонини гаровга тикиб айтса ҳам, ўлай агар ишонмайман. Ҳаромдан ҳазар қилмайдиган одамлар билан ҳеч қачон ҳалол-покиза жамият қуриб бўлмайди. Ишончим қолмади... Еиз-ку, майли, ёшимизни яшаб қўйдик, лекин норасида ёшларимиз ҳам кимга ишониб, кимни ҳурмат қилишларига ҳайрон. Фожиа-ку бу ахир! Улар мактабдалик чоғидаёқ кўнгил кўйига тушиб кетишяпти. Агар йил давомида ҳар бир мактабда камида учта суд иши кўрилса, ёшлар ҳаётга сергак назар билан қарашни ўрганиб, кўнгил қашшоқлигидек бедаво офатдан қутулиб қолармидилар. Ахир, ҳамма ғавго, ҳамма ғурбатлар одамларнинг кўнгил қашшоқлигидан келиб чиқяпти-ку!..

Ёнаётган одамнинг кўзига еру осмон барабар ловуллаб ёнаётгандек туюлармиш. Боёқини Шавкат Исломович умр бўйи куйиб қолишдан қўрқиб яшаган эди. Таассуфки, қўққис юрагига ўт кетди. Ана энди беқарор-бетоқат чора излайверади.

Дарвоқе, саёҳат масаласида Шавкат Исломовичнинг ўзи ҳузурига чақиртирган эди.

Касалхонадан чиққанига бирор ойча бўлган эсада, ҳамон мискин хаёллардан, ўртагувчи қарахтлик чангалидан тамомила қутулиб кетолганича йўқ эди. Маълул кириб борди.

— Сизнинг баевойлигингизни яхши кўраман-да, Севаргул,— деб, кўзидан кўзойнагини олди Шавкат

Исломович.— Жуда кўнгли очиқ жувонсиз. Лекин кейинги пайтларда анча ўзгариб қолдингиз. Чойнакни қўясиз-у, гапимни эшитмаганликка олиб, лип этиб чиқиб кетасиз. Нима бўлди, қизим, гапиринг қани бундай?

— Ҳеч нима бўлгани йўқ.

— Бўлган... бўлган!— деди Шавкат Исломович, нарда ортидан тушиб турган қуёш нурида ялтираб кўринаётган бошини сийпалаб.— Биздан яширманг.

Севаргул ялт этиб қарадию, унинг синчковлик билан боқаётган кўзларига нигоҳи тушар-тушмас, беихтиёр қизариб, яна бошини қуйи эгди: ўз жонига қасд қилгани овоза бўлиб кетишидан қўрқиб, докторларга элана-элана, касалхонадан уч кундаёқ чиққан эди, лекин барибир анави яшамагур бу одамга айтипти-да!

— Қора денгиз бўйлаб саёҳатга чиқмайсизми, Севаргул?— деб сўради дабдурустдан Шавкат Исломович.— Тешажон келган эди, тайёр путёвка бор, деди. Билиб қўйинг, бунақа путёвкани топиш осон эмас. Саёҳат бақонасида гам-гуссалардан фориг бўлиб, бир айраб қайтасиз, Севаргул.

— Йўқ, бормайман, Шавкат Исломович, иш кўн.

— Кўп ташвишланаверманг, Севаргул!..

...Эшитган бўлсангиз керак, мен асли молиячиман. Лекин билмадим, менинг мутахассислигимнинг бу идорага нима алоқаси бор. Сўраб-суриштирмай, бу ёққа келтириб қўйишган.

Мана, етти-саккиз йилдан бери ўзингиз ҳам шу идорада ишляпсиз. Дейлик, шу давр мобайнида бирорта халқ театри, бирорта клуб ё бирорта спорт саройи ишидан жиддий нуқсон тополдингизми, ёки шулардан бирортаси бизнинг ёрдамимизга, бирор-бир йўл-йўриғимизга муҳтож бўлиб қолдимиз — йўқ албатта. Бир замонлар кимдир йўлаб чиқарган бу қоғозбозлик, кўрмайпсизми, янги раҳбарият пайтида ҳам ўз маромида боряпти.

Урушдан кейинги йилларда мамлакатдаги барча ишларни бор-йўғи тўқсонтага яқин идора бошқарган экан. Ҳозир эса бунақа идоралар бир юзу қирқтага этиб қолганмиш. Ким билади, буларнинг қанчаси ортиқча даҳмаза!..

Сизга очиғини айтсам, Севаргул, бизнинг идорамиз ҳам текинхўр ташкилотлардан биттаси, ҳеч йўлаб ўтирмай, тарқатиб юбориб, маданият бошқармасига уч-тўртта штат қўшиб берилса, олам гулистон!

Бошлаб юқорига битта хат ёзай дейману, лекин ҳадемай пенсияга чиқишим кераклигини, кейин баттар куйиб қолишим мумкинлигини ўйлаб, ноилож шахтмдан қайтаман.

Агар бошқа бир дилхуш пайт бўлганида, Шавкат Иломович шу каби Ҳасратини яна бир карра эҳтирос билан сўйлаган бўларди, деб ўйлади Севаргул: лекин ҳозир хушчақчақ суҳбатнинг мавриди эмас... Қизиқ, Теша билан бу одамнинг ўртасида қандай ўзаро яқинлик бўлиши мумкин? Ёки менга жонкуярлик қилаётгани чиндан ҳам астойдилмикан?

— ...бу даҳмаза ишларни ўзимиз бир амаллаб турамыз,— деди Шавкат Иломович, меҳрибон ва маънадор оҳангда.— Ахир, сиз ўзингизни деб шу қолга тушиб қолганингиз йўқ-ку?! Тешани яхши йигит демоқчи эмасман, лекин ҳозир у сизга яхшилик қилмоқчи. Путёвкани олиб, саёҳат баҳонасида соғлигингизни сал яхшилаб қайтинг. Кейин уёғи... яна ўзингизнинг ихтиёрингизда.

— Билмасам, Шавкат Иломович, бошим қотиб қолган...

— Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, Севаргул. Эрта паспортингизни келтириб беринг менга. Боринг, қизим, боринг.

Худкушлигининг эртаси — шанба куни, намозшом маҳали У касалхонага кўргани борганида, палатадан қувиб чиқарган эди. Душанба куни уйга қайтганидан сўнг, кечқурун У яна мўлтиллабгина эшикдан кириб келганида эса, агар бундан кейин тинч қўймаса, тўғри тегишли жойга арз қилажагини айтиб, онт ичган эди: шундан сўнг ҳам соядек эргашиб юрадиган бўлсанг, ҳовлингга бориб, устимдан ерёғи тўкиб олов бермасам, онамнинг қизи эмасман!

Бирдан жазаванг қўзиб кетганини кўриб, аввалида У чинакамига қўрққан эди, Севар, деб ўйлади Севаргул, «Қорақум» шоколадидан бирини олаётиб: илло, устингдан ерёғи тўкиб олов беришинг мумкинлигидан эмас, аллақачон собиқ Каттаконнинг қамоққа олинганлигидан; эски тартиблар емирилиб, корчалонлар пайтавасига қурт тушиб қолганлигидан ваҳимада эди У. Дарҳол «Лолазор»ни топшириб, савдо базасига экспедиторликка ўтволганлигининг боиси ҳам шунда! Кейин, барибир У яна қайтадан апоқ-чапоқлик илинжида баҳона излай-излай, ахийри аллақандай йўллар

билан ундирган саёҳат йўлланмасию бир даста пулнинг шарофати билан, тагин муносабатларни асли ҳолига қайтариш умидида Шавкат Исмовичнинг кўмагидан фойдаланди.

Аммо, аксига олиб ҳаммаси, ҳатто соғлиқ ҳам, мана аввалгисидан бешбаттар бўлди.

Онаси иссиқданми ёки ҳориганиданми, хиёл ҳансираган қўйи пешайвонга кирди, қўлидаги пиёлани хонтахта устига қўяркан:

— Мана, ўсма, қизларим, — деди.

— Яшанг, холажон! — деди Назира, кўзлари севинчдан чақнаб.

— Ўзингиз бошлаб берасиз-да, хола, — деди Мадина. — Утиринг.

Кампир қўлини қоши устида соявон қилганча кулимсираб:

— Бошимда бир тола қора сочим йўғ-а, қизим! — деди. — Севаргул учун узиб қўйган эдим, қизларим. Ўзларингиз қўяверинглар. Ҳозир сизларга озроқ пахта, гугурт келтириб бераман.

Бир оздан сўнг, магнитофондан хонанда Комилжоннинг юракларни сел қилгувчи овози ғазалнинг айнани авжида янграб-жаранглаб эшитила бошлади:

Дунёнинг кори шундай экан — билдик, англадик:

Гоҳо биров азизу гоҳо биров хору зор ўлур

Қай бир кўнгилга тушса агар ишқнинг шубласи,

Нафу зарарга боқмай, иши — оҳу зор ўлур...

Оташин шоир гўё минг йиллар қаъридан туриб, шу тобда Комилжоннинг қалбларда титроқ бир аксу садо бераётган дардкаш овози билан оҳ чекаётгандек эди.

Аммо, негадир Севаргул безовталанмоқда эди, ноҳуш чимирилиб, уй томон юзланди.

Мангу навқирон Комилжоннинг мунглуғ куйга ҳамоҳанг хониши эса тобора забтига оларди.

Афсусларким, қолмади-ё, на ёру на рафиқ,

Эй, воя, до-да, ҳай ёра, адойингман-эй, эй жоно!..

Ниҳоят, онаси уйдан чиқди. Унинг қўлида озроқ пахта, бир қуті гугурт ҳамда ойна бор эди.

Севаргул онасига ўқрайиб қаради.

Онаси қўлидаги нарсаларни хонтахтага қўяётиб:

— Иби, санга ёқмадимми, Севар?— деди.

Севаргул кескин бош чайқаб, уй томон ишора қилди: боринг, ўчириб чиқинг!

Дафъатан қизининг ишорасини тушунолмади:

— Нима, бошқасини қўйиб чиқайми-ё?— деди онаси.

Севаргул лаблари асабий титраб, қўл силтади: йўқ, керак эмас!

— Хўп. Жиғибийрон бўлаверма.— Онаси гудранганча ортига бурилди.— Астаффурилло, бунга нима ёқади ўзи!..

Ҳаял ўтмай, магнитофоннинг уни ўчди.

— Ҳа, нега ўчиртирдинг, дугона?— деди Назира.

Севаргул сал бурнини жийриб қўйди: ўзимиз бинойидеккина чақчақлашиб ўтирибмиз-ку, дугонажон. Назира ҳайронсираб елка қисди.

Мадина нилчўп ясамоқда эди.

Онаси тумшайиброқ уйдан чиқди, деворга суяниб ўтирди.

— Яхши айтаётган эди-я, холажон,— деди Назира.

— Кўрмаяпсизми, дугонангизга ёқмаяпти-ку,— деди кампир.— Духтир яхши ашулалардан кўпроқ эшитаверсинлар, албатта фойдаси тегади, девдилар. Билмасам, икки-уч кундан бери ашулага хуши бўлмапти.

— Менда жуда яхшилари бор, дугонажон,— деди Назира.— Келтириб берайми, эшитиб ётасан.

Севаргул афтини буриштириб, ҳафсаласиз қўл силтади: ҳаммасидан тўйиб кетганман, дугонажон. Ҳеч қайсининг кераги йўқ.

Орага бир зум жимлик чўқди.

Мадина пахта ўралган гугуртдона — нилчўпларни ўсмали пиёлага солаётиб:

— Эшитдингизларми, собиқ Каттаконнинг хотини қамоқдан қайтганмиш,— деди.

— Иби-и!— деди кампир.— Бадбахтнинг хотиниям қамалганмиди, а?

Назира нилчўплардан бирини олаётиб:

— Баттар бўлсин!— деди.— Ойгўтимулломиз ўша ёқда ётиб, Каттаконнинг қилмишлари тўғрисида тергов берганлар. Демак, тергов тугапти-да!

Мадина ўсмага ботирилган нилчўпни оҳиста қошига суртиб:

— Бизнинг хўжайин айтяптилаки, Каттакон отува ҳукм қилинармиш,— деди.

— Албатта отилади!— деди Назира.— Унинг югурдаклари — Қодир Ҳазрат билан Арбобжонов отува ҳукм қилинди-ку!

Кампир жувонларга анграйиб қараб:

— Бо худо, шунчалик ёмон ишлар қилганми улар?— деди.

— Э, ҳаммасини эшитгансиз, қолажон,— деди Назира.— Қодир Ҳазратнинг уйдан аллақанчаям чет эл пуллари, кейин қуйма олтинлар чиққанмиш. Арбобжонов эса Каттаконнинг ўнг қўли бўлган экан. Каттаконнинг тўплаган бойлигини юз миллиондан ҳам кўп дейишяпти... Миллион сўм қанча бўлишини биласизми, хола?

— Сиз милённи айтасиз-а, ман шунча ёшга кириб, юз сўмлик қанақалигини биринчи марта Севаргулнинг тўйида кўрганман, қизим!— деди кампир. Ва ногоҳ қизининг кўзлари қизариб кетганлигини кўриб, жим бўлиб қолди.

Назира эса, шу тобда онаю қизининг кўнглидан нелар кечаётганидан беҳабар, баттар нафрати қўзиб:

— У гўрсўхтадарнинг бойлик тўплаганиям гўрга, лекин аллақанча қизларни жувонмарг қилворишганини айтмайсизми, хола!— деди.

Мадина секин хонтахта остидан унинг оёғига туртиб қўйди.

Назира беихтиёр Севаргулнинг битмас бир жароҳатини тирнаб юборганлигини англадию каловланиб:

— Севаргул, нега ўсма қўймаяпсан?— деб, ўсмали пиёлани ағдараёзди.— Ол, қошларинг бир яйрасин-э, дугонажон!

Севаргул маъюсгина жилмайиб, қўлига нилчўп олди, ойнага хомуш тикилиб қаради: кўзлари... қизарган, лўппи юзлари заҳилтоб, кўндан бери ўсмаю сурма тегмаган қошлари эса сийраклашиб қолгандек.

Онаси ўрнидан турди, сўнг секин ҳовлига чиқди.

Назира, нимадир ёдига тушгандек, жимликни бузиб:

— Севаргул!— деди.— Эшитдингми, боққа дорбозлар келипти. Юр, бирга борайлик.

— Ҳа-я, дорбозларни жуда мақташяпти,— деди Мадина, қошидан ўсма оқиб кетмасин учун бошини дам у ён-дам бу ён эгиб.— Бир дорбоз қиз чигириқда аўр ўйинлар кўрсатаётганмиш.

Севаргул қизалоқлигида кўрган бир дорбозлар томошасини эслаб, кўзларини юмиб-очган кўйи, бош чайқади: йўқ, мен бормаيمان. Ўзларингиз бораверинглар.

— Чарчамайсан, дугон, таксида борамиз,—деди Назира.— Уйда димиқиб ётаверасанми, йўқ дема...

Чошгоҳ маҳали бирпасгина мизғиганда кўрган гаройиб тушига қоришиб, тобора хотирида ўша — ўтмиш манзара аниқ-тиниқ намоёнланаркан, Севаргул яна паришон бош чайқади: йўқ, мен... б о р о л м а й м а н .

Якшанба. Туш пайти. Аллақачон савдо-сотиқ тугаган. Аммо, ҳайҳотдек бозор томошабинлар билан гавжум. Ҳамманинг ҳаяжонли нигоҳи майдон ўртасидаги б а л а н д дорга қадалган.

Дор устидан кумушранг булутлар шитоб сузиб ўтмоқда. Ҳавода аёзли шабада эсапти.

Қизғиш шарвар, қизғиш жужунча кийиб, нозикки-на белига тилларанг камар таққан қизалоқ узун лангарни қўлида маҳкам тутганча, дор адоғидан дадил юқориламоқда. Унинг зебу зийнатли жиғасидаги товус пари шабадада бетиним титрайди. У, қўшпоя — дор «бели»га яқинлашаркан, нозик овозда:

— Ё п и р и м! — деди.

Қўшпоя оралиғида ўрнашиб тургач, ўнг қўлини кўксига босиб, томошабинларга шодон жилмайганча, энгил таъзим қилди.

Шу аснода дўмбиранинг тантанавор садолари таралди. Уни бошига дўппи, оёғига калиш-маҳси, эғнига оппоқ иштон-кўйлак кийиб, белига иккита шойи қийқни устма-уст боғлаган эллик ёшлардаги хушбичим бир киши чалмоқда эди. У дор тагида турарди.

— Она қизим, Барчиной! — деди ноғорачўпни юқори кўтариб.

— Лаббай, дадажон! — деди дорбоз қиз.

Ота дорбоз ҳаяжон билан у ёқдан-бу ёққа юриб:

— Саккиздан тўққизга ўтгандир ёшинг! — деди.

— Бале! — деди дорбоз қиз.

— Қўлингдаги лангардан камдир тошинг!

— Бале!

— Асло ғам кўрмасин бошинг!..

Ҳамма тек қотган кўйи дорбоз қизчага тикилади. Жимжитлик. Барғихазонларнинг беқўним хисирлаб суриниши, дарахт шоҳларининг шитирлаши эшитилади.

— Она қизим, Барчиной!

— Лаббай, дадажон!

— Энди дадил ўрнингдан тур-да, қайнонасиникига илк қадам қўйган келинчақдай адаб-икром билан дор ўртасига юриб келиб, азиз томошабинларимизга яна бир карра таъзим қил!

Боягина дорда томоша кўрсатган ўн уч, ўн беш ёшлардаги ака-ука дорбозлар майдон чеккасидаги хуржун устида чордона қуриб ўтиришарди. Барчиной ўрнидан туриши билан катта акаси сурнайда «Ёр-ёр» куйини чаларкан, кичкина акаси унга ноғорада жўр бўла бошлади.

Барчиной лангарни маҳкам ушлаб, оҳиста одим отган кўйи, тобора илгарилайверди. Одамлар унинг ҳар бир қадамини ҳадикли бир ҳайрат билан кузатишарди. Ниҳоят, у мусиқа садолари остида дор ўртасига етгач, секин тиззаларини букиб, майдон теварагида киприк қоқмай ўтирган халойиққа такрор-такрор таъзим қилди. Сўнг яна ўйноқи мусиқага ҳамоҳанг йўсин чаққон тисланиб, қўшпоя орасида тўхтади, қўлини юқори кўтариб:

— Дадажон!— деди.

— Жони дада!— деди ота дорбоз.

— Қирқ йилдан бери дорбозлик қиласиз. Улмас ҳунарингизни бизга ҳам ўргатдингиз. Дор шарофати билан сиз кезмаган юрт қолмади.

— Бале, она қизим!

— Ҳукуматимз инсонпарвар,— деди Барчиной.— Биз ҳам меҳнатимиз билан гамхўр ҳукуматимиз хазинасини бойитиб келяпмиз...

Ота дорбоз ноғорачўпни шарп-шарп маҳси қўнжига уриб, дор остида бетоқат юриб турарди:

— Бале!— деди.

— Дадажон, айтинг, азиз томошабинларимиз ҳимматларини биздан аямасинлар?

— Ў, она қизим, Барчиной!— деди ота дорбоз.— Саховатли биродарларимизга айтиш шарт эмас. Ана, кўряпсанми?!

Одамлар ҳар ёқдан майдон чеккасига турнақатор ёпирилиб, хуржун ёнидаги чоғроққина жомадон ичига пул ташлайверишди.

Севаргул ҳам онаси, онаси, укасига эргашиб, тобора чош бўлаётган пуллар устига аста бир сўмлик қўйди.

Шу пайтда қарғашойи рўмолини юзига тортиброқ

ўраган бир аёл ичига нималардир солиб тугилган кат-такон дастурхонни кўтариб, жомадон сари ўта бошлади.

Ана шунда ота дорбоз қўлларини фотиҳага очиб:

— У, биродарлар!— деди.— Кўпнинг дуоси кўл бўлур, эл берса, мўл бўлур. Келинлар, биродарлар, ма-на шу синглимизни дуо қилайлик. Агар фарзандталаб бўлсалар, бошлари фарзанд тўйларидан чиқмасин! Агар йироқдаги қадрдон бировларининг йўлига кўз тикаётган бўлсалар, тез орада омон-эсон дийдор кўришсинлар! Кўнгилларидаги муроду мақсадларига эришсинлар. Давлатлари бундан ҳам зиёда бўлсин. Омин!

Бирдан ҳайҳотдек майдон узра халойиқнинг гуруллаган овози янгради:

— Ооминин!..

Кейин, ота дорбоз қизига юзланиб:

— Она қизим, Барчиной!— деди.— Энди ҳунарингни кўрсат, она қизим. Ҳозир қалдирғочдек учи-бўйнаб дор «кифти»га чиқасан. Ундан сўгин, чигириқда чинни кабутардек чарх уришингни кўрамиз. Қани!..

Ота дорбоз шундай деб, дўмбирани гумбурлатиб чала бошлади. Ака-ука дорбозлар сурнаю ногорада унга жўр бўлишди.

Барчиной енгил ҳаракатлар билан гоҳ сўл, гоҳ ўнг томонга соллона-соллона одимларкан, бот-бот юқорига сакраб, ҳавода оёқларини ўйнатар эди. У, аини ҳавога сакраган чоғида, ларзонланиб учаётган қалдирғочга нимаси биландир ўхшаб кетарди.

Тобора тик ўрлаган дорнинг қорамтир сими эса — пастдан, чўққи сари ўрмалаган илондек қорайиб кўри-нарди.

Барчиной дор «кифти»га етай-етай деганда, яна ўша майин бир титроқ овозда чўзиб:

— Ё-о-п и р и м!— деб қичқирди.

Севаргул онасининг биллагидан маҳкам ушлаб, пинжига тикилди, сўнг енгилгина энтикиб қўйди.

Дор «кифти»га минган Барчиной эса томошабинларга шодон қўл тўлгади.

Унинг тепасида алвон байроқчалар ҳилпираб турарди.

У лангарни секин пастга узатди. Кейин, чаққон юқорига тирмашиб, устки қисми қип-қизил бахмал билан безатилган чап томондаги чигириққа ўтди. Оси-

либ турган чиғириқнинг ихчамгина темир поясида ўтириб, бир оёғини ип билан боғлай бошлади.

Ота дорбоз кулиб:

— Ҳў, Барчиной!— деди.— Оёғингдан боғлаб қўйиб, чиғириқда чарх урмоқчимисан, она қизим?

Барчиной бир зум отасига термилиб қаради. Сўнг шартта ипни чиғириқ тепасига илиб қўйди-да, чаққон ўрнидан тураётиб, кескин тервониб кетди.

Ёнёқдан чолларнинг, кампирларнинг бетоқат тўн-гиллагани эшитила бошлади:

— Ҳай Латиф дорбоз бекор бола фақирнинг шаштини қайтарди-я!

— Бола-да, ҳали ўзига ишончи кам. Шунинг учун...

— Э, ҳавоям аёз ахир!..

Севаргул яна онасининг биллагидан маҳкам ушлаб:

— Она, тушиб кетмайдими у қизча?— деб сўради.

— Жим!— деди онаси жеркиб.— Айтма у гапни, қизим.

Шу пайт майдон чеккасида курси қўйиб, келидек муштларини йўғон сонларига тираб ўтирган семиз бир аёл:

— Ҳой, Латиф дорбоз!— деб қичқирди.— Айт қизингга, оёғини боғласин!

Шартта ота дорбоз қўлини кўксига қўйиб:

— Раис бийи, сиз парво қилманг,— деди.

Аммо, негадир раис буви қаҳрланиб, вазмин ўрнидан турди:

— Ахир, мен бепарво ўтиролмаيمان-да!— деб, ота дорбоз томон оғир жилди.— Кўрмаяпсанми ҳавонинг аёзлигини?!

Бир чол ҳассасини дўқ-дўқ ерга уриб:

— Ўв, Латифжон, манга қаранг!— деди.— Раис бийингиз тўғри айтяптилар!..

— Ўб-бо!— деди ота дорбоз, пешонаси тиришиб.— Ҳаво совуқ эмас, ота. Базавқ томоша қилавермайсизми?!

— Бўлмаса нима учун ўзинг ерда туриб қалтираяпсан?— деди раис буви қўлини шоп қилиб.— Мен билан ўйнашма, ука. Ўзи... юрагим нозик. Айт қизингга, оёғини боғласин!

Ота дорбоз тажанглик билан қўл силтаб, шитоб қўшпоя томон юрди. Тўхтади. Узоқдан қизига бир муддат ўйчан тикилиб турди. Сўнг ноғорақўпни ҳавога ниқтаб:

— Боғла!— деди.

Шундан сўнг раис буви гурс-гурс одим отганча, ортига қайтди.

Ниҳоят, қизи оёғини боғлаб бўлгач, ота дорбоз:

— Бошла, Барчиной!— деб, асабий дўмбира чала кетди.

Ака-ука дорбозлар яна сурнаю ноғорада дўмбира-га жўр бўла бошлади.

Ҳамманинг нигоҳи чиғириқда чирпирак бўлиб айланаётган дорбоз Барчинойга қадалган эди. У туйқус икки букилдию, темирпояда оёқ бармоқларини илмак қилиб, қўлларини қўйиб юборди.

Севаргул беихтиёр чинқириб, кўзларини чирт юмди. Бирдан қулоғига одамларнинг гала-говур товуши гувиллаб урилган заҳоти яна ялт этиб қаради. Қарадию... яшин ургандек қотди-қолди: Барчиной ҳавода муаллақ биланглаганча, қоматини тиклашга уринмоқда эди.

Севаргулнинг кўзларидан тизилиб ёш чиқиб кетди.

Шу тобда Севаргул кўз ўнгида ўтмиш даҳшатли манзарани равшан тасаввур қилмоқда эди. Худди ўша кездегидек ҳўнграб йиғлаворгиси келаётганлигини ҳис этди. Кўзлари жиққа ёшга тўлгандек туюлиб, ойнага тикилди: ёпирай, ақалли киприкларида нам йўғ-а!.. Лекин негадир ранг-рўйи оқариб кетибди. Юраги эса, ана ҳозир ип узилиб Барчиной гурсиллаб ерга тушадигандек, бежо уряпти.

Назарида, ногоҳ гапириб юборадигандек эди.

Назира айвонга кираётиб:

— Севаргул, рангинг сал оқаринқирабдими?— деди. У тут тагида жилдираб оқаётган сувда қошларини чайиб қайтган эди.— Ё биз сени уринтириб қўйдикми-а, дугонажон?

Севаргул майин кулимсираб, секин ўрнидан турди, унга деворда осиглиқ турган сочиқни узатди. Сўнг унинг ўсма қуюқ энган қошларига ишора қилиб, кўзларарида нозик бир ғамза билан, остки лабини тишлаб қўйди: жудаям чиройли бўлиб кетибсан, дугона!

Назира қиқирлаб кулганча, ойнага бир нигоҳ ташлаб:

— Яхши ўсма экан,— деди.— Бор, сен ҳам қошларингни чайиб кел, қуриб қолибди.

Севаргул ҳовлига чиқаркан, чиндан ҳам ҳали-замон бурро-бурро гапириб юборадигандек, руҳиятида алланечук хушқоллик билан аста гўлдираб қўйди. Сўнг гиштпарчин йўлкадан хаёлчан одимлаганча, тут тагига яқинлашиб, Мадинанинг рўпарасида чўнқайди. У, пуштиранг юзлари табассумдан ёришиб, енгил бош ирғаган қўйи, жойидан турди.

Севаргул муздек сувга ҳовучини тўлдириб, қошлари устидан қуяркан, дорбозлар томошасига бирга борсаммикан, деб ўйлади, лекин ўша заҳоти фикридан қайтди. Кейин, бугун Хадича Бакировнанинг келиши мумкинлиги хаёлидан кечди: соат неччи бўлдийкан?.. Нима учун ҳанузгача Бахтигул қайтмаяпти-а?..

Тут шохидами, аллақерда бир мусича чўзиб-чўзиб гуғулай бошлади.

Севаргул ўрнидан тураётиб, тут тепасига қарамоқчи бўлган эди, бирдан боши айланиб, кўз олди жимирлашди: йўқ, бу яқин орада дармонсизлик дардидан қутулолмайди шекилли. Ана, тагин қулоғи шанғиллаяпти.

Севаргул пешайвонга кираётиб, уларнинг йўлга шайланишганлигини кўрдию, таажжублангандек қош учирди: ҳа, энди жўнамоқчимисизлар?

Назира сочиқни узатаркан, унинг кифтидан қучиб:

— Биз энди қайтамиз, дугонажон, — деди.

Мадина эса ийманибгина:

— Ўсма баҳонасида сизни анча ҳордириб қўйдик, опажон! — деди. — Чарчадингиз-а?

Севаргул жилмайиб, бош чайқади: йўқ... Қайтага роса яйраб чақчақлашдик-ку!..

— Ўтир, битта фотиҳа ўқийлик, — деди Назира, тиз чўкиб. — Нега куласан, буям ўзимизнинг одат-да!

Кейин, улар қўзғалишди.

Ҳовлидан хайр-маъзур овозлар эшитилиб, кампир ошхонадан чиқди.

— Э, ман савзи кертаетувдим-ку, қизларим, — деди. — Утирсангизлар бўларди-я!..

— Раҳмат, холажон!..

Кампир улар билан дарвозада қуюқ хайрлашиб қолди.

Севаргул кўчага чиқди, ҳамкасабаларининг монелик қилишганига қарамай, секин нишабликдан тушиб, муюлишгача кузатиб борди. Муюлишга етганда, ногоҳ таниш «Жигули»ни кўриб, беихтиёр юрагида зирқираган бир оғриқ билан, тўхтаб қолди: Ў ш а...

Ўшанинг ўзи! У кескин машинани кенг майдонда чапга буриб, маҳобатли гиштин бино олдидаги гулзор этагида қатор тизилиб турган оппоқ «Волга»лар ёнидан учуриб ўтиб кетди.— Булар ҳам У қонқусгурни пайқашдимикан? Кўрмай-чи!.. Нима учун келдийкан яна? Ахир!..

Тиззалари қалтираётганини сезиб, Севаргул аста Назиранинг биллагидан ушлади, иккинчи қўли билан Мадинанинг кифтига қоқиб, кўзларида сабрсиз изғиётган безовталиқни сездирмасликка уринган кўйи, иштиёқсиз жилмайганча, бош ирғади: хайр... Келиб туринглар.

Назира ўпишиб хўшлашаркан:

— Онангга айтиб қўй, паловни душанба куни пешинда келиб еймиз,— деди.— Майли, омон бўл, дугонажон!

— Хайр, опажон,— деди Мадина ҳам ўпишиб.— Тезроқ согайинг, опажон!..

Сўнг ортига қайтаркан, Севаргул уларнинг кифти оша маҳобатли бино томонга тагин бир қур безовта назар ташлади: тавба, нима учун келдийкан яна?!

Самолёт пилланоясидан ҳамшира кўмагида тушаётиб, одамлар орасидан негадир аввало у ни кўз қири билан излади. Аммо, У... кўринмади.

Гўё қутулиш учун атай денгиз саёҳатига жўнатгандек туюлиб, баттар кўнгли дарз еди.

Хуллас, ундан кўрган хусуматлари, У туфайли чеккан аламлари шунчалар беҳудудки, у дунё-бу дунё унутолмас керак. Йўқ, унутолмайди.

Дарвоқе, кейин... ўша куни намозшом маҳали ҳаммалари — онаси, опаси, укаси, поччаси — жамулжам бўлиб, пешайвонда ўтирганларида, У каттакон бир қозғоқ қути кўтариб, ҳовлига кирди.

Уни кўргани ҳамоно, Севаргул хўмрайиб ўрнидан турди.

— Севар! — деди онаси, дабдурустан таҳликаланиб.— Қизим!..

Бирдан укаси Акбар бўғиқ, хиёл таҳдидкор оҳангда:

— Индаманг! — деди онасига.— Жим ўтиринг!

— Акбар! — деди опаси, овози титраниб.— Уят-а!..

— Ўчир! — деди Акбар, опасини жеркиб.— Сен аралашма!

Севаргул гапбўронга бепарво, Бахтигулни етаклаб, уйга кириб кетди.

Укасидан бошқа ҳамма унга илиқ-иссиқ мулозат билдирди.

Хона ичига пешайвон чирогидан нимтатир ёруғлик тушиб турарди.

Қизини бағрига босиб, базўр имо-ишоралар билан тушунтирди: бор, анави бўйнигинанг узилгурни жўнат! Тушундингми?..

Бахтигул зипиллаб уйдан чиқди, даҳлиз остонасида тўхтаб:

— Сиз... кетинг эмиш,— деди дадасига.— Кетинг! Қайтиб бизларникига келманг.

— Бахтигул! Даданг-ку, ахир!..— деди бувиси жавраб.— Куёв, парво қилманг, бола-да, тушунмайди.

— Бийи, сиз ҳам кетинг!— деди Бахтигул, бу фармойишни ўзидан қўшиб. Сўнг боягина овози титраниб уят-а дегани учун бўлса керак, холасига ҳам рухсат берди.— Хола, сизгаям жавоб.

— Ҳаҳ, тилгинанг кесилмасин-а!— деди холаси.— Шошмай тур ҳали, бошлаб таъзирингни бераман.

— Бахтигул, бир ачомлашайлик, қизим,— деди дадаси.— Майли... кейин кетаман.

— Катта йўл, кетаверинг!..

Бахтигул чопқиллаб уйга кирди.

Бир оздан сўнг, онаси мутеёна гудранганча, уни кузатиб қўйди.

Қизик, бугун нимадир рўй берадигандек, юрагида беқарор бир.. ҳадикми, ҳаяжонми зўрайиб боряпти. Нима бўлиши мумкин — анави яшамагур билан боғлиқмикан-а?..

Севаргул уйга кирди. Шифонер тепасидаги электроатта қаради: уч ярим бўляпти. Ҳадемай Бахтигул келиб қолади.

Кўйлагини ечиб, тошойна ёнидаги пастак курсича устига буклаб қўйди. Сўзанани суриб ташлаб, тўшакка чўзилди. Қўти устидан китобни олди. Сатрларга кўз югуртира бошлади. Аммо, ҳаял ўтмай, ҳарфлар уйқашаётгандек туюлаверди. Китобни ёнбошига қўяркан. У нима учун келдиёкан, деб ўйлади тагин: демак, ўтган куни ҳам яширинча келиб кетган бўлиши керак — сарҳил мева-чеваю аллақанча егуликлар кўпайиб қолган эди.

Кейин, онаси айтиб қўйган бўлса керак; жума куни қишлоққа жўнамоқчиман, куёв. Аҳволидан ўзингиз бохабар бўлиб турунг?.. Ёки, жума куни фалон пайтда келиб, мани қишлоққа элтиб қўйинг, деб таъинлаганмикан?..

Наҳотки онаси энди ҳамма сайъи ҳаракатлари беҳудалигини англамаса-я?.. У-чи? У н и н г муддаоси не ўзи — аввалгидек иккинчи хотин, йўқ... қўнғил эрмаги қилиб қўймоқчимиз?

Ногоҳ кўчадан бир машинанинг бабаплаётгани эшитилди. Назарида, У дарвозага яқин йўлаёлмай, ҳовли рўпарасида «Жигули»сини тинимсиз бабаплатаётгандек эди. Гўё ҳали-замон дарвоза шарақлаб очилиб, У кириб келадигандек, Севаргул дераза оша ташқарига хаёлчан назар ташларкан, хотиридаги можароли манзаралар тагин кўз ўнгидан бир-бир ўтаверди: ў югурик дунё!.. Ана-мана дегунча орадан салкам бир ярим йил ўтиб кетибди.

Ҳа, у н и н г биринчи хотини қазо қилганига бир ярим йил бўляпти.

Бозор куни, тушдан кейинги пайт эди. Бахтигул қўшни Холлош кампирнинг невараси билан ўйнагани чиқиб кетган. Уйда иккови гурунглашиб ўтирарди.

Келаси якшанба марҳуманинг маъракаси ўтказилиши керак эди.

Севаргул ўсмоқчилаб:

— Қирқи куни мен ҳам борсам майлими? — деб сўради.

Агар маъракада қатнашолса, кейинроқ у н и к и г а кўчиб ўтиши осон кечишидан умид қиларди.

Аммо Теша:

— Йўқ, — деди. — Қалта ўйлама... Маъракани киши билмас ўтказвормоқчимиз.

Севаргул қаҳрчан чимирилиб:

— Бунча?! — деб кесатди. — Давлатингиз камайиб қолмас.

— Кўрмайсанми, газеталарда уриб чиқишяптику, суннат тўйлари, маърака йиғинлари — эскилик сарқити эмиш!.. — деди Теша сўкиниб. — Агар сен шу кунларда у ҳовлига Бахтигулни етаклаб кириб борсанг, юмалоқ хатда ёзилган маълумотларни тегишли одамларга исботлаб берган бўласан.

— Нима, мен юзиқаролигимча юраверишим керакми? — деди Севаргул алами қўзиб. — Юмалоқ-дума-

лоқ хатлар билан ишим йўқ. Мени тезроқ уйингизга кўчириб борасиз. Майли, ЗАГСдан кейин ўтсак ҳам бўлаверади.

— Йўқ, Севаргул. Халқ контролидан кимлардир бориб, бўлмағур гапларни онамдан сўраб-суриштиришганини сенга айтиб берганман-ку!..— деди Теша.— Ҳали камида бир ярим йилча сабр қилишингга тўғри келади. Унга довур раҳматлининг йил ошиям ўтиб кетади.

Бейхтиёр Севаргул бир муддат анграйиб қолди, сўнг ўз-ўзига гапираётгандек паст овозда:

— Вой шўрим!— деди.— Яна шунча кутишим керакми?!

— Э, нега бунча ваҳим қиласан!— деди Теша, қўл силтаб.— Сени ташлаб қўйганим йўқ-ку, ахир?!

— Ташлаб қўймаганингиз билан, барибир ўйнашингиздек кун кечирिश жонимга теккан,— деди Севаргул йиғламсираб.— Тўйиб кетганман. Билдингизми?— Кейин, тагин бир ярим йил адоқсиз азоб ичра кун санашини ўйлаб, йиғлаб юборди.— Дастингиздан ўйнаб-кулиб қишлоққа кириб боролмайман. Кўча-кўйда бошимни кўтариб юролмайман. Ишхонада юзим йўқ. Тўртта хотин бир жойга йиғилса, худди менинг гийбатимни қилишаётгандек юрагим безиллайди. Ҳатто боламнинг олдида ҳам муттаҳамдекман. Айтинг, қачонгача чидашим керак ахир?!

Теша ғудраниб, ўрнидан турди. Телевизорни ўчирди. Сўнг гангигандекми, пешайвон ўртасида тек қотди. Севаргул эса унсиз йиғламоқда эди.

Теша вазмин жойига чўкаркан:

— Сен ўзи қанақа нодон хотинсан-а!— деди.— Шунча кутдинг, нега яна бир йил-ярим йил кутолмайсан? Ахир, барибир раҳматлининг йил оши маъракаси ўтмагунча, сени у ҳовлига олиб боролмайман-ку?!

— Йил оши узоғи билан саккиз-тўққиз ойда берилади-ку!— деб, Севаргул лабларига оқиб тушаётган кўзёшларини ялади.— Нима учун мен бир ярим йил кутишим керак экан?

Теша аччиқ кулимсираб:

— Товуқ билан аёлнинг ўртасида нима фарқ бор?— деди.— Биласанми?

Унинг таҳқиромуз саволидан баттар ғазаби қўзиб:

— Билмайман!— деб бақирди Севаргул.— Билиш-ниям истамайман!

Теша кинояли кулиб:

— Аёл туққунча войвойларкан, товуқ туғиб бўлганидан кейин,— деди.— Худо хайрингни бергур, яна бирпас сабр қил. Кейин уёғи бир гап бўлар. Ҳозирдан беҳосият йиғининг нима керағи бор.— Сўнг дабдуруст алинчоқ оҳангда:— Бундай каллангни ишлатсанг-чи, Севаргул,— деди.— Давр ўзгариб кетди, одамлар ғайри бўлиб боряпти, ҳамма ваҳимада... Сен бўлсанг фақат ўзингни ўйлайсан.

Севаргул уҳ тортиб:

— Бировлар билан менинг нима ишим бор,— деди.— Агар менинг бу зикна турмушимни ўзгартиролмаса — минг лаънат бунақа ўзгараётган даврга.

— Ўв, нодон, ваҳимага тушганларнинг биттаси менман-ку! — деб, Теша кўкрағига нуқиди.— Гапга тушуняпсанми ўзи?..

Севаргул хушёр тортиб, унга хўмрайиб тикилди: демак, шунинг учун экан-да, марҳуманинг маъракасини енг учида ўтказмоқчи бўлаётгани!..

— Қайси аҳмоқ мўмай даромаддан юё ўгиради? Қорним тўйиб кетганлигидан савдо базасига югурдак бўлиб ишга ўтганим йўқ-ку, ахир!..— Теша тағин бўралаб сўкиниб, пиёлада совиб қолган чойни сениб юборди.— Гўрида тимтик тургур Қодир Ҳазрат у ёқда ётганида, кўп яхши йиғитларимизни ёнига тортган эди. Яқинда яна бир яхши оғайнимиз увол кетди... Яхшиямки, ақлимга иш буюриб, вақтида «Волга»ни пуллаворганим. Бўлмаса ҳозир уям бир дардисар бўларди... Бу бости-бостилар сал босилгунча, сен одамни қийнамай тур? Кўпи кетиб, ози қолди. Манави ваҳималардан ҳам қутулволайлик. Кейин...

— ...бу ҳовлини сотамизми?

— Йўқ, ҳовли ҳам бир ватан — сотмаймиз,— деди Теша.

Беихтиёр Севаргул кўзларини олайтириб:

— Ҳо-о, сиз яна битта анқовни бу ерда жувонмарг қилмоқчимисиз?— деди.

Теша кулиб:

— Ўзимда боридан безор бўлиб юрибман-э!..— деди.— Сени у ҳовлига кўчириб элтганимдан кейин, мабодо онам билан муросам чиқишолмай қолса, бу ёққа келиб яшамоқчиман.

Унинг тагдор ҳазилидан юрагига гулу ўрлаб:

— Ҳали онангиз менинг кўчиб боришимга кўнмасликлариям мумкинми?— деб сўради Севаргул.

Теша паришон бош чайқади:

— Неча марта сенга айттанман-ку, онам жуда... қайсар аёл.

— Нима учун одамни ҳамиша хавотирга солиб гапирасиз-а?!— Севаргул қайнонасини беш-тўрт йил аввал атиги бир марта кўрган. Ушанда Теша билан зардўзлик фабрикаси ёнидан ўтиб кетаётган эдилар. Йўлда пилдираб бораётган онасини кўриб, Теша машинада ҳовлига элтиб қўйган эди. Уша пайтда қайнонаси ширинсухан, хушфеъл аёл каби туюлган эди.— Онангизни кўрганман-ку, ахир!

— Ишинг тушганда биласан,— деди Теша, маънодор ишшайиб. Сўнг яна унинг авзойи бузилаётганини кўриб, асабий қўл силтади.— Бўлди, бас қил, қайтадан бошламайлик. Энди кўп кутмассан.

Аммо, жуда узоқ кутган эди. Марҳуманинг йил оши маъракасидан кейин ҳам қарийб уч ой ўтиб кетди. Бу орада бир неча бор унга ялиниб-ёлворди. Бироқ, У ҳар гал тажанглик билан турфа баҳоналарни рўқач қилиб, пайсалга солаверди.

Ахийри тоқати тоқ бўлиб, бир жума кунни, намозгардан эртароқ кимдир бетўхтов елкасидан нуқиётгандек, кимдир эса бетиним кўкрагидан итараётгандек — ҳардамхаёллик билан уникига кириб борган эди.

Узун сочлари майда ўрилган, бўйчангина Муҳаббат, лозимини болдирларигача кўтариб қўйиб, шакароб қилиб сув сепилган ҳовлини супураётган экан.

Юзлари дадасиникидек лўппи, кокили пешонасти устида тўзғиган Шавкат эса супа чеккасида чўнқайиб, бир тахтачага мих қоқмоқда эди.

Қошлари тажанг чимирилган, жигарранг юзлари серажин, ёши олтмишини оралаган, муштдек бир кампир — унинг онаси ишқом остида пиёз тўғраб ўтирарди.

Уларни биринчи бўлиб Муҳаббат кўрди. Алланималардан хабардор янглиг, дафъатан ағрайиб қолди.

Шавкат эса, кўрган заҳоти мих қоқишдан тўхтаб, туншайиб ўрнидан турди.

Кампир, қўққис нигоҳи тушаркан, нохуш оҳангда:

— Келинлар,— деди аста.

Севаргул секин ишқом остига яқинлашаётиб, хокисоргина жиямайган кўйи:

— Ассалом,— деди.— Мана... ўзимиз келдик.

Кампир саломга алиқ олмай, хушлар-хушламас:

— Бинойи,— деди.

Севаргул оҳиста қизининг елкасидан туртиб:

— Бахтигул, бор, бийинг билан кўриш, қизим,— деди.

Бахтигул онасига маломатли қараб қўйди, сўнг секин бувиси томон яқинлаша бошлади.

— Ё пирым-эй!— дея кампир ихраниб, ўрнидан турди. Бахтигулнинг елкасига қоқиб, юзларидан ўнди.— Яхшимисан, бачам? Кап-катта қиз бўлиб қолибсан-ку, а?..— Кампир Севаргулга хушламайгина тикилиб:— Қизингизни қолдириб кетмоқчимисиз?— деб сўради.

Гўё бувиси қўйиб юбормайдигандек, Бахтигул бегоҳат изига қайтди, шартта онасининг қўлидан маҳкам ушлаб:

— Нанажон, ман бу ерда қолмайман,— деди йиғламсираб.— Сиз билан кетаман. Юринг, уйимизга кетамиз.

Муҳаббат ҳамон қўлида узун супурги билан серрайиб турарди, Бахтигулнинг гапига жавобан нимадир деб гудранди.

Шавкат эса чирт этказиб тупурди.

Севаргул хиёл овози титраб:

— Агар рухсат берсангизлар, биз ҳам энди шу ерда яшаймиз,— деди кампирнинг ёвқур кўзларига термилиб.

Бирдан Муҳаббат супургини четга улоқтириб:

— Бийижон, айтинг, чиқиб кетсинлар!— деди ўжар овозда.

— Ана, эшитдингизми?— деди кампир, эсинг борида этагингни ёп, дегандек.— Бу ҳовлининг хўжайини шулар. Рухсатни шу болагиналардан сўранг, қизим... Шавкатжон, сан нима дейсан — қолсинлами, кетсинлами? Бахтигул санга сингил бўлади.

— Манга сингил керак эмас!— деб, Шавкат қўлидаги болғачани тарақлатиб тахтага урди.— Жўнасин!

— Ана, кўрдингизми, қизим.— Кампир кўрпачага чўкиб, яна пиёз тўғрайверди.— Бу мотамзада балагиналар сизларга кун бермайди. Бекор иссиқ жойларингизни совитиб келибсизлар. Бу ҳовлида сизларга кун бермаймиз.

Негадир Севаргулга Тешанинг ўзи болаларини ҳам, онасини ҳам қайраб қўйгандек туюлди. Хаёлидан шу фикр кечиши билан, кўнглидаги аламу изтироблар ўр-

нини адоватли бир интиқом ҳисси эгаллаб олгандек бўлди. Кейин, энди қароридан чекинмасликни ўйлаб, қизининг қўлидан тутган кўйи, ишком тўрисиغا ўтаркан:

— Мен ўғлингизнинг никоҳидаги шаръий хотиниман,— деб картга ўтирди.— Қизим сизнинг неварангиз. Қувсангизлар ҳам, ҳовлидан чиқмаймиз.

Кампир чурқ этмади. Лекин унинг қоқсуяк қўлларидаги кўкимтир томирлари бўртиб-бўртиб, важоҳати тобора совуқ тус олмоқда эди.

Шавкат тасир-тусур тахталарни йиғиштириб, девор бурчагига элтиб ташлади. Сўнг янаям тумшайганча, бояги жойига қайтиб, қўлига болғачани олди, онасига қаради.

Муҳаббат югуриб укаси ёнига борди. Унинг қўлидаги болғачани юлқиб, девор томон иргитди-да, эғнидаги майкаси, калта иштонини асабий қоқиб, билагидан судраганча, уйга кириб кетди.

Орадан лаҳза кечиб-кечмай, ичкаридан нолавор бир фарёд отилиб чиқа бошлади:

— Ойижон, бизларни кимларга ташлаб кетдингиз, ойижон?! Сиз ўлгунча биз ўлсак бўлмасмиди, ойижон?! Қандай кунларга қолдик биз, Шавкатжон? Ойижонимиз ўлгунларича биз ўлсак бўлмасмиди, укажон?!

Фарёд борган сари авжига чиқарди.

Бахтигул безовта мўлтираб:

— Нанажон, кетайлик?— деди.

— Йўқ,— деди Севаргул, қизининг кифтидан қучиб.— Ҳеч қаёққа кетмаймиз.

Кампир тўғралган сабзи-пиёзларни тоғорачага солиб, туришга чоғланаркан:

— Кетманг, кетиб нима қиласиз,— деди кесатиб.— Биз мотамсароларни бирин-бирин ўлдириб, кенг ҳовлида яйраб яшайверасиз.

— Азроил эмасман,— деб, Севаргул бўғиқ оҳангда давом этди.— Мен фақат қадри учун, обрўси учун риёзат чекиб юрган бир муштипарман.

Кампир ялт юзланиб:

— Обрўю қадрингизни вақтида оёқости қилдирманг эди, жоним қизим,— деди.

Севаргул келаётиб, йиғлаб-сиқтаб бўлса ҳамки, қайнонасини мурасага келтира олишидан умид қилган эди. Энди унинг бу тахлит муомаласидан кейин, зору таваллоси беҳудалигини англаб:

— Оёқости қилган ўғлингиз-ку, ахир!— деди ала-
мидан бўзариб.

— Бақирманг. Уриш-жанжалга тобу тоқатим йўқ.—
Кампир кафтини юзи узра тутиб, асабий тўлғади.—
Ўғлим айбдорлиги учун ҳовли олиб бериб қўйган экан-
ку, яшайвермайсизми қаноат қилиб.

Севаргул бўғиқ овозда:

— Шу ерда... сизлар билан яшаймиз,— деди аста.

Кампир ортига бурилаётиб, тентакка калтак не ҳо-
жат, дегандек тўнғиллади:

— Кўрамиз...

Уйдан эса ҳамон ўртагувчи йиғи товуши бетўхтов
отилиб чиқаётган эди.

— ...бу хўрликдан қутқаринг, ойижон?! Бизларни
бағрингизга олинг, ойижон?!

Аммо, негадир Шавкат кўринмас, овози ҳам эши-
тилмас эди.

Кампир ошхона томон ўтаётиб, очиқ дераза рўпа-
расида тўхтади:

— Ҳой, Муҳаб, йиғлама, бачам,— деди.— Сизлар
ўлгунча ман ўлай. Биз ўлганча ноинсофларга қирон
келсин!..— У жиғибийрон гувраниб, ошхона сари жил-
ди.— Эрта бир кун рўшнолик кўрарманми, деб имон-
сиз қотгур учун ёш умримдан кечган эдим, қариган
чоғимдаям кун кўрсатмади-я! Унинг дастидан гулдай
келимим кулдай бўлиб кетди. Энди норасида балаги-
наларниям чирқиллатиб, ажалимдан беш кун бурун
жойростонимга жўнатмоқчи. Йў-ў-ўқ, тушингни сувга
айт, Тешажон!..

Тобора авж олаётган бу ҳасратгўйликка чидаёл-
май, Бахтигул кўзларида ёш милтираб зорланди:

— Нанажон, маниям йиғлагим келопти. Кетайлик?

Севаргул қайнонасининг ғалати феълу атворидан,
Муҳаббатнинг она-хотиндек айтиб-айтиб, тинмай ув
тортаётганидан гангиб-гарангсиб ўтирган эди. Қизи-
нинг илтижосидан янаям эзилиб, унга қандай таскин
берарини билолмай:

— Йиғлама, қизим,— деди.— Даданг келсинлар..

Қоронғилик қуюқлаша бошлади. Ишкомдаги ши-
ғил-шиғил халили узум шингиллари қўнғирланиб кў-
ринарди.

Ниҳоят, Муҳаббат чарчадими, уни ўчди.

Ҳайҳотдек ҳовлига қорамтир бир сукунат чўкди.

Севаргул қизини ёнига олиб, картда мунғайиб ўти-
раркан, ҳамон беқарорлик билан ўйламоқда эди: ба-

рибир... яхши бўлди. Эртами, индинми — қачон бўлмасин, келиши керак эди. Келди... Ахир, токайгача у ҳовличада ўйнаш... йўқ, мохов хотиндек ёлғиз яшайди?! У ёқда аввалгидек ўзи тураверса, бу ёқда у н и н г яна уйланиши турган гап. Шунинг учун булар билан апоқ-чапоқ яшаб қолиш ҳақида бош қотириш керак. Лекин... қийин-ов! Майли, ё от ўлар, ё арава синар. Аммо-лекин, бу мотамхонадагиларнинг пичоқсиз сўйишларига Бахтигулгина чидармикан-а?.. Агар У чинакам жонкуярлик қилса!.. Аммо, у н г а ишониш қийин. Қизиқ, ҳали келса, нима деркин-а?

Нохос оёғи остига бир ола мушук тўп этиб тушдию, товуши нақ юракка санчилгудек миёвлаганча, ўзини карт остига урди.

Бахтигул чинқираб, бўйнига ёпишди.

Севаргул қаттиқ қўрқди.

Шу аснода Шавкат деразадан бошини чиқариб:

— Ҳушт!— деди, дарвоза томонни кўрсатиб.—

Жўнанглар!

Севаргулнинг бирдан жазаваси қўзиди, ғиппа уни бўғиб олгиси келди. Аммо, лоақал сўкиб-саннаёлмаслигини ўйлаб, баттар тутақди. Ғазабини аранг босиб, ўрнидан турди, супа лабидаги обтовадан ҳовучига сув қуйиб, қизининг юзига сепди:

— Қўрқма, Бахтижон,— деди. Аммо, негадир ўзи қўрқувданми, аламданми, қалт-қалт титраётган эди.— Аканг-да... Аканг сенга ҳазиллашди, қизим.

— Ман унга ака эмас,— деб тўнғиллади Шавкат.— Ҳазиллашганим йўқ. Давай, жўнанглар!

Севаргул чидаёлмай:

— Чакагингни ўчир-э!— деб қўл силтади.

Шу пайт кампир чўмич кўтариб, даҳлиздан чиқаётган эди:

— Ҳай, етимчани койиманг,— деди.— У норасидаларни худойимнинг уриб қўйгани камми!

— Бўлмаса етимчаларингизни йиғиштиринг-да!— деди Севаргул бўғиқ овозда.

— Бас... бас!— Кампир яна асабий қўл тўлғади.— Ҳамсояларимнинг олдида ўзимга яраша обрў-эътиборим бор. Сизга қўшилиб, шарманда бозорига тушмоқчи эмасман, қизим. Билмасангиз билиб қўйинг: туққан боламнинг миннатини кўтармайин, деб умр бўйи қаро меҳнат билан яшаб келяпман. Олаётган пенсиям бир рўзгорнинг қозонини қайнатишга етиб ортади. Ўз нонимни еб, ўзганинг таънасини кўтаролмайман. Йўқ!..

Агар ҳаромхўрликка ўрганганимда, тийиқсизимнинг топган пулларини тийинма-тийин тортволиб, туфлаб тугиб қўярдим. Шунда хотинбозликка сариқ чақасиям қолмасди. Лекин бунинг учун ҳеч ким мани муттаҳам қилолмайди. Ҳеч ким!.. Кучала еган жойингизга бориб кучанинг, қизим. Бизга озор берманг!

Кампирнинг ўринлидек туюлаётган маломатларидан Севаргул донг қотиб турарди. Унинг кейинги гаплари ногаҳоний қамчи зарбидек ўртаб юборди. Аламли бир ҳайрат билан ёқасини ушлаб:

— Мен сизга нима ёмонлик қилдим,— деди.— Ахир, ўзларингиз-ку...

— Ҳо-о, ана бузамлик!— деди кампир қойил мақомида бош лиқиллатиб.— Ё ман, ё раҳматлик келиним устингизга додгўйлик-самангўйлик қилиб бордикми — бормадик. Шаҳар эгасини танимасаям, келгинди оёқяланглар бизни танийди. Обрўмиз тўкилишидан қўрқиб бормадик. Чидадик. Мана, сиз босқилаб келиб ўтирибсиз. Лекин айтиб қўяй: бу ҳовлида кун кўролмайсиз!

Севаргул тобора ғазаби жўш ураётган бўлса-да, босиқлик билан:

— Барибир ҳеч қаёққа кетмайман,— деди.— Шу ерда яшаймиз.

Кампир илкис ҳовли қуйисидаги деразалари гумгурс ёпиқ уйлар томон қўл чўзиб:

— Ана, уй кўп!— деди.— Хоҳлаганингизни эгаллаб олинг. Лекин ман тирик эканман, у хотинбоз сизга бу ҳовлида эрлик қилолмайди.

Шавкат хўмрайганча, даҳанаки жангга қулоқ солиб турган эди:

— Йўқ!— деди қичқириб.— Эй, бийи, айтинг, икковисиям чиқиб кетсин!

— Қўявер, ўзи келган ёр-ёр, ўзи кетар ёр-ёр... Қўлларингизни ювингла. Овқат сузаман.— Кампир ошхона томон юраркан, неварасига буюрди.— Ойингнинг уйидаги чироқни ёқиб қўй. Гўри нурга тўлгурнинг арвоҳинаси бир бурчакда чирқиллаб тургандир...

Шу тобда пичоқ урилса, юрагидан қон сирқимас жизғанак бир алфозда эди Севаргул. Кампирнинг бу қадар шафқатсизлиги боисини ҳеч тушунолмасди: ахир, айби не, гуноҳи не — шу кампирнинг, шу... ёсуманнинг бебурд ўғлини деб йўлидан адашганими? Ёки қадр тилаб, хор бўлиб келганими? Наҳотки бунга шунчалар қийноқ раво бўлса?! Анави ёсуман кўкрагидан

итармай, жиндай марҳамат кўрсатса, охирати куймас ахир! Бу хонадонга фақат яхши ният билан келди-ку: тўғри, аввало ўзини ҳамда қизини ўйлагани рост; кейин, манави етимчаларни ҳам ўз боласидек бағрига олмоқчи, шу хонадонда қўлини косов, сочини супурги қилмоқчи. Ахир!..

Чирқ этиб, уйда чироқ ёнди. Супага заъфарон нур тўкилди.

Негадир Бахтигул ғужанакланиб:

— Нанажон, уйимизга кетайлик? — деди эланиб.—

Ичим оғриётти.

Севаргул жонсаракланиб, қизининг қорнини сийпаркан:

— Мактабда бирор ёқмас нарса едингми, Бахтижон? — деди.

— Билмасам, — деди Бахтигул.— Совуқ...

Аmmo, ҳаво дим эди.

— Оч қолдингми?

— Йўқ, — деди у пинжига тиқилиб.— Буларнинг ҳовлиси ёмон экан.

Севаргул қизининг алланимадан қўрқаётганини англаб, қандай юпатарини билолмай безовталанди: нима қилсайкин-а? Икки орада ёлғизгинаси касалланиб қолмаса бўлгани... Наҳотки бу ноинсофларни инсофга келтириб бўлмаса-я?!

Муҳаббат булутдек бўлиб уйдан чиқди, ошхона эшиги рўпарасидаги бурчак ёнига бориб, қўл-бетини ювди, сўнг бувисининг, манга кўмаклашмайсанми, бачам, деганига парво қилмай, ортига қайтди, уйга кираётиб, ишқом тарафга палч этиб тупурди.

Салдан сўнг Шавкат ҳам қўл-бетини ювиб қайтаётганда, Севаргул пинҳона хавотирланиб унга қараб турди. Йўқ, ҳарқалай, у тупурмади, лекин кўзлари нохуш чақнарди.

Кейин, Севаргул ўзининг ҳам алланечук жунжикаётганини сезди, қизини қанотига олди.

Бир маҳал, кампир икки коса шўрва келтирди, ўртада ўроғлиқ турган нимдошроқ дастурхонни ёзиб:

— Тўрға чиқ, бачам, — деди Бахтигулга.— Оч қолгандирсан.

Бахтигул индамади.

— Ҳозир гўшт олиб келаман, — деб, кампир ўсмоқчилади.— Сан бизлар билан қолавер, бачам.

— Йўқ, уйимизга кетамиз, — деди Бахтигул.— Дадам келсинла...

— Имонсиз қотгурлар саниям сарғайтиришган-а, бачам! — Кампир изига қайтаётиб, беихтиёр нолинди. — Э, парвардигор, болагиналарда не гуноҳ!.. — Хиёлдан сўнг, у бир товоқ гўшт ҳамда бир чойнак чой келтирди. — Олинглар, ош бўлсин.

Бир оз фурсат ўтиб, кампир уйга ҳам катта товоққа чош қилиб солинган гўшт кўтариб кириб кетди.

Ниҳоят, ҳовлига ўлик бир сукунат чўккандек бўлди.

Том ортидан ой бўзариб мўралади. Ҳовли саҳни сал ёришди.

Бахтигул буғи чиқиб турган шўрвали косани секин ёнига тортиб, онасига саволчан қаради.

Севаргул сергакланиб:

— Ол... ол, — деди. — Нон ботириб ейвер, қизим.

— Сиз-чи, нана? Сиз ҳам енг.

— Сал кейинроқ ейман, қизим, — деб, Севаргул шавқсиз кулимсиради. — Бу бийинг пиширган шўрвадан ичиб кўр қани, ширинмикан?

Севаргул у н и н г ҳанузга қадар нима учун қайтмаётганлигини дилғашланиб ўйлай бошлади. Гўё, У тезроқ кириб келса, бари мотамсаролик барҳам топиб, мушкули осон кўчадигандек туюларди. Ногоҳ кўнглидан бир фикр чекди: У — хотинбоз, тагин бошқа бирорта қизми, жувонга илакишиб юрган бўлса-я?! Ҳозир ким кўп — эрсираб изғиётган кўп. Юради-да!.. Узи эса муте... муттаҳамдек яшашга мажбур. М а ж б у р. Бир ғазалда айтилганидек, чорасизлик чорасизга чорадир.

Ошхонага туташ уйнинг ланг очиқ деразаларидан сунага сарғиш ёруғлик тушиб турарди. Беридаги хона нимқоронғи эди. Даҳлизда оёқ товуши эшитилгандек бўлди, лекин ташқарига ҳеч ким чиқмади, чамаси нимқоронғи хонага ҳам биров кирмади.

Севаргул хаёли парижонланиб, айни косага қўл узатган пайтда, тўп этиб оёғи остига муштдек суяк тушди. Севаргул сапчиб ўрнидан турдию, беихтиёр титраб:

— У-уҳ-ҳ!.. — деди тишларини вижирлатиб.

Шавкат дераза ортида яшириниб:

— Йўқол ҳовлимиздан! — деди.

Нариги хонадан кампирнинг овози эшитилди:

— Ҳой, Шавкатжон, нима қилаяпсан?

— Пишагимга суяк ташладим.

Севаргулнинг назарида кампир болани шу нимага

ундагандек туюлди. Ва унинг, биз сизга бу ҳовлида кун бермаймиз, деганини эслаб:

— Имонсиз қотгур!— деб сўкинди.— Ноинсофлар...

Шавкат даҳлиз томон шарпадек ўтаётиб:

— ...ебсан!..— деди.

Бахтигул мўлтираб:

— Нанажон, уйимизга кетайлик?— деди тагин журъатсизгина.

Севаргул ғамгин бош чайқади:

— Кетсак, дадасиз қоласан, Бахтижон.

Кейин, Бахтигул косани нари суриб, унсиз йиғлай бошлади.

Севаргул қизини бағрига тортиб:

— Узим сенга садқа бўлай, Бахтижон, йиғлама?— деди юпанч оҳангида.— Уларгаям осон эмас ахир, қизим. У етимчалар онасидан айрилган... Ҳозир уларнинг сендан ичи куяяпти. Даданг келсинлар, бари қилмишларини айтиб берамиз. Эртадан бошлаб ҳаммаси биноийидек бўлиб қолади. Ушангача чидаймиз, Бахтижон...

Чидамоқчи эдинг-а, Севар, деб Севаргул кўнгилида қайд этди: энди тезроқ соғайишни ўйла. Бошқаси бекор...

Сен ўшанда охиригача бардош бериб, пировардида рўшноликка эришмоқчи эдинг. Аммо... ёсуман кўз очиргани қўймади. На чора, кўрнинг ҳам, карнинг ҳам ўз ҳақиқати бор, деганлари рост экан.

Бинобарин, ёсуман ҳам ўзича ҳақ.

...Тун алламаҳал пайти. Теша ширакайф ҳолда кириб келди. Севаргулнинг картда тиззаларини қучоқлаб ўтирганини кўриб, аввал таажжубланди, кейин тобора аччиқ-аччиқ сўкиб-саннайверди: моғор босиб кетсаям, уйингда ўтираверишинг керак эди, қанжиқ!..

Ажаб, қачонгача — ўлганчамми?

Бахтигул кулала бўлиб ухлаб ётган эди, уйғониб кетиб, дир-дир титраганча, изиллаб йиғлаб юборди.

Ҳампир эса, ногаҳоний можарони қўни-қўшнилар эшитиб қолишидан андиша қилибми, бўғиқ овозда койиниб-нолиниб, аямай ўғлини қарғади: сан кун кўрмагур мусибатли кунимда, норасида етимчаларни чирқиллатиб, бошимга яна бир мусибат солдинг. Йлоё!..

Муҳаббат эса уйдан чиқмай, тагин айтиб-айтиб, ув тортиб йиғлайверди: ойижон, бошимизга қаро кунлар тушди, ойижон!..

Шавкат эса, қоронғида кўзлари янаям совуқ чақмаганча хўмайиб, дераза ёндорига суяниб тураверди: ...ебсан!

Ниҳоят, Теша онасига қарши лом-мим деёлмай, хиёл гандираклаган кўйи, ишком биқинидаги қорайиб кўринаётган нимқоронғи хонага кириб кетди.

Кейин, кампир Севаргул билан Бахтигулни ҳовли қуйисидаги деразалари гумгурс ёпиқ хоналардан бирига бошлаб кирди. Хона ҳавоси димиқиб кетган экан. Деразаларни ланг очиб қўйди. Сўнг чиқиб кетаётиб, дам таҳдид, дам таъкид оҳангида тўнғиллади: эрталаб қорангизни кўрмайин, қизим. Хабарингиз бор чиқар: Тешанинг устидан икки марта ёзишди. Биласиз, яна замон нозик бўлиб кетди: йигирма йиллик котибларни, ўттиз йиллик раисларни элтиб тиқиб қўйишяпти — эшитяпмиз. Уйингизда қаноат қилиб яшайверинг. Бурунгидек бориб-келиб, ҳолингиздан хабар олиб туради... Яширмайман, кейинроқ уйлантираман... Агар ажрашгингиз келса, майли, баҳридан кечинг. Уша ҳовлижой неварамнинг бошу кўзидан садаға.

Севаргул, хону монидан айрилгандек, ночор-ноилож тақдирга тан бергандек, кампирга мунғайиб тикилиб ўтираверди. Индамади.

Сўнг, поялари қуббали темир каравотда, алланечук намчил қум ҳиди, занг ҳиди анқиётган баланд кўрпалар устида қизи билан чойшабга ўраниб ётди. Бахтигул ичикиб-ичикиб йиғлай-йиғлай, ухлаб қолди. Севаргул эса ухлаёлмади.

Эрталаб уйқуга илкинган экан, Шавкатнинг қичқиригидан уйғониб кетди: эй, бийи, бизлар мактабдан қайтгунча, анави икковисиниям жўнатинг!

Кампирнинг овози эшитилмади.

Бахтигул тўлғаниб:

— Нанажон, ман мактабга боришим керак-ку?!— деди.— Папкам уйда қолган.

— Бугун мактабга бормаёсан, қизим.

Бахтигул, ҳали уйқуси тарқамаган бир хавотирли назар билан мўлтираб қўйди, нима учун мактабга бормаслигини сўраб-суриштиради.

Тешанинг бошига турфа миннат-маломатлар ёғдиридини ўйлаган кўйи, Севаргул карахт кепатада каравотдан тушди. Девордаги қадимий, каттакон ойнага боқиб, кўзларининг қон қуюлгандек қизариб кетганлигини кўрди. Хастаҳол алфозда кўйлагини кийди, соч

ларини турмаклаб, дуррасини боғлади. Сўнг кўрпаларни текислаб, зардўзи сўзанани ёпиб қўйди.

Бахтигул яна бетоқатланиб, аста сўради:

— Нанажон, уйимизга кетмаймизми?

Севаргул негадир қизининг кўзларига тик қараёлмай, бош чайқади. Шунинг баробарида қулоқлари остида кампирнинг ёқимсиз овози хишиллаб эшитилгандек туюлди: эрталаб қорангизни кўрмайин, қизим... Яширмайман, кейинроқ уйлантираман...

— Даданг билан гаплашиб олишим керак.

Кейин, олдинда Бахтигул, орқада ўзи — ҳайиқибгина ҳовлига чиқишди.

Кампир ошхона бурчагидаги олма тагида чўнқайиб, идиш-товоқларни ювмоқда эди.

— Ассалом, — деди Севаргул.

Кампир юмушидан бош кўтармай, Бахтигулга сўзланиб:

— Ана, бадрафхона боғ пешкосида, бачам, — дея ошхона ортига ишора қилди. — Сўгин қўл-бетингни ювиб, картга чиқ. Ширчой қайнатиб қўйибман...

Севаргул эрталабдаёқ унинг қаёққадир гумдон бўлганлигини билгач, нимадир кўксини итдек таталайверди: йўқ, кетмайди... Кетмаслик керак!

Ишқом остидаги картда хушлар-хушламас нонушта қилганларидан сўнг, Севаргул кечаги ҳолича супада сочилиб ётган ахлатларни супурмоққа тутинди.

Бир пайт, кампир она-қиз тунаган уйдан отилиб чиқди-да, унинг қўлидан супургини юлқиб, четга улоқтираркан:

— Бас, иззатингиз битди, қизим! — деди тагин кечагидек ёвқур важоҳатда. — Энди жўнанг!

Севаргул унга босиқ ўқрайиб:

— Йўқ, кетмайман! — деди қатъий.

Гарчи, у паст овозда гапирган бўлса-да, кампир:

— Учиринг овозингизни! — дея одатича асабий қўл тўлғади. — Майли, жонингизга теккунча еб-ичиб ётаверинг. Лекин бу ҳовлида ҳеч бир нарсага қўлингизни урманг!..

Севаргул индамай, қизини етаклаб уйга кирди. Хо-на тўридаги турфа биллур идишлар, зарҳал чиннивор идишлар қатор териб қўйилган гулкори токчалар ўртасида бахмал дўппи кийган, қайрилмақош, хушмўйлов, ияги занданоқли, кўзлари ўйчан, ўттиз ёшлардаги бир йигитнинг сурати осиглиқ эди. Севаргул тўшак устидаги бахмал билан жилдланган парёстиқларни

чайиб, бир зум каравот остида тўхтади, тутун бурқсийётган латтага ғарч өгиз сөлди, сўнг баттар бетоқат миёвлаб, ўқдек оғилганча, деразага сапчиди. Латта гилам устига узилиб тушди.

Севаргул шартта узалиб, латтани деразадан ташқарига иргитди; сўнг кўз юмиб очгунча рўй бериб ўтган бу ҳодисот шумтака Шавкатнинг иши эканлиги хаёлидан кечиб, ҳамон кўзларида ёш билан жавдираётган қизини қучоғига оларкан:

— Вой ўлмасам!— деди уф тортиб.— Сийиб қўйибсан-ку... Қўрқдингми, қизим?

Бахтигул кўзларини артаётиб, бош ирғади:

— Қўрқиб кетдим, нанажон,— деди.

— Қўрқма, Бахтижон... Илоё ер ютсин у етимчаларни!— Севаргул бўғилиб қарганган кўйи, қизининг иштончасини ечиб олди, сўнг уни деразадан энгашиб сиқаётганда, картда Шавкатнинг ишшайиб ўтирганини кўриб, тутақиб кетди.— Ҳа кўзинг ўйилсин-а!..

Шу пайт ошхона тарафдан кампирнинг қандайдир сирли оҳангдаги овози эшитилди:

— Ҳай, Шавкатжон, яна пишакка азоб берясанми?

— Йўқ, бийижон,— деди у оёқларини тервотганча, Севаргулга бир хўмрайиб.— Манави каламушларга...

Шумтаканинг ҳамма кирдикорларида кампирнинг иштироки бордек туюлиб, Севаргулнинг баттар алами кўзиди:

— Илоё бийижонинг билан қўшмозор бўл!..

Бахтигул эса алланимадан ҳадиксираётгандек:

— Қўйинг, нанажон?— деди.— Яна ичим огриёпти.

Севаргул безовталиқ билан қизининг қаршисига тиз чўкиб:

— Қўрқма, қаро кўзим,— деди.

— Кетайлик, нанажон?— деб, Бахтигул аянчли оҳангда нолинди.— Барибир дадам бизларни яхши кўрмайдила... Дадам керак эмасла.

Севаргул қизининг иштончасини кийғазаркан, кўзларига алланечук тикилиб қарадию:

— Бахтий... Бахтигул!— дея беихтиёр орқасига шарп этказиб урди.

Дафъатан Бахтигулнинг кўзлари каттариб кетди. Кейин тизиллаб ёш қуйилди.

Севаргул остки лабини қаттиқ тишлаб, қизини бағрига босди. Кўксидан эзгин бир хўрлик тошиб чи-

қайтган каби энтикиб-энтикиб нафас олганча, беором чайқаларкан, кўнглида аччиқ пушаймон ҳиссини туйди: ёлғизгина қувончини нима учун урди? Кечадан бери жигарпорасининг қон ютаётгани етмасмиди ахир?!

— Нанажон, майли, қўйинг...

Севаргул янаям лабини қаттиқ тишлади. Қизини тиззасидан кўрпачага ўтқазиб, сумкасидан рўмолчасини олди, ўрнидан тураётиб:

— Ҳозир келаман,— деди овози хирқираб.

Ташқарига чиқди.

Шавкат зипиллаб уйга кириб кетди.

Уйдан эса Муҳаббатнинг мотамзада йиғи товуши секин эшитилиб турарди.

Мабодо яшаб қолган тақдирда ҳам, бу хонадонда эркин нафас олиши душворлигини Севаргул қалбан ҳис этганча, кимнидир бесабр излаётган янглиғ ёнверига қараниб, ошхона рўпарасига борди.

Кампир қозон ёнида куймаланмоқда эди. Нохуш гудраниб қўйди.

Севаргул ундан ҳайиқибгина тилларанг жўмракни буради. Жилдираб сув қуйилди. Муздек сувда қўл-бетини ювди, юраги куйиб бораётган каби ютоқиб сувдан ичди. Рўмолчани сувга тутиб, обдан ишқалади, сўнг кўҳна мис човгунни тўлатиб, жўмракни маҳнамлади. Иизига қайтди.

Уйга кираётиб:

— Сув ичасанми, Бахтижон?— деди.

Бахтигул бош ирғаб, аста сўради:

— Нана... келмаптилами?

Бахтигулнинг у н и дада дейишга орланаётганидан беихтиёр кўкси бир гижимланиб:

— Ким?— деди Севаргул.

— Дадам,— деди Бахтигул хушламайгина.

— Йўқ...

Кейин, Севаргул ўзининг бу қадар беқадр ҳамда бениҳоя забунлиги қизига ошкор бўлганидан ўксиниб, жиққа ҳўл рўмолча билан унинг юзларини, қўлларини, болдирларидан юқорисини артди. Човгунда қолган сувга, тагин деразадан энгашиб, рўмолчани ювди. Сўнг рўмолчани икки буклаб, тобора қизиган мисдек чатнаётган пешонасига босиб, кўрпачага хо-муш чўзилди.

Бахтигул бехуд ўтираркан, ихтиёрсиз равишда:

— Нана, шу... дадамга тегмасангиз бўларкан,— деди.

Нохос ширин жонига аччиқ бир қамчи егандек, Севаргул безовта тўлганиб:

— Бахтигул!..— деди кўзларини очмай.— Мени кўп қийнама, жоним қизим, Хайми?

— Хай...

Вақт сувилондек чўзилиб ўтиб борарди.

Негадир ҳамон у н д а н дарак йўқ эди.

Қош қорайди.

...Бир пайт, кампир дераза рафига дастурхон, бир чойнак чой қўйиб:

— Ол, бачам,— деди Бахтигулга.— Ҳозир қовурдоқ олиб келаман.

Бахтигул дастурхонни ўртага ёзиб:

— Нана, турмайсизми?— деди.

Она-қиз тушда овқатланмаган эди.

Севаргул индамади. Кўзларини очмади ҳам.

— Нана, бошингиз оғриётими?..

Шу пайт кампир деразадан Бахтигулга қовурдоқ солинган товоқни узатиб:

— Олинглар, ош бўлсин, бачам,— деди.— Чироқни ёқиб қўй!..

Бахтигул товоқда буғи чиқиб турган таомни дастурхонга қўяётиб:

— Нана, светти ёқайми?— деб сўради.

— Керак эмас,— деди Севаргул.

Хона ой нуридан гира-шира ёруғ эди.

Аммо, Севаргулнинг баҳри дилини қорамтир бир ҳасрат чулғаб олган эди, кўнглига йилт этган нур ҳам сиғмасди. Узининг бу қадар бечоралигини, тагин ҳадмай муҳим бир нимадир ҳал бўлажагини ўйлаб, тобора ўртанмоқда эди. Қизининг худди кечагидек дастурхон ёнида жимгина тиз чўкиб ўтирганини кўриб, хўрлиги келди:

— Бахтижон, нега овқат емаяпсан, қизим?— деди.— Ол, ейвер.

— Келинг, бирга еймиз.

Севаргулнинг иштаҳаси йўқ эди:

— Майли, менга озроқ чой қўйиб узат,— деди.— Қайтармай беравер.

Бахтигул чой узатаётиб:

— Ана... келдила!— деди.

Шу асно темир дарвоза даранглаб очилди.

Севаргул шошқалоқлик билан қайноқ чойдан ҳўлади — чой тилини, томоғини куйдириб ўтди. Оғзи куйишаётганига парвосиз, ҳозироқ узил-кесил гапла-

шиб олиш зарурлигини ўйларкан, қайтадан кўксида жўш ура бошлаган алаמידан қўли титраб, пиёлани дастурхон чеккасига қўйди.

Яна дарвоза даранглаб ёпилди.

Хиёлдан сўнг ҳовлида вазмин қадам товушлари ёшитила бошлади.

Севаргул юрагида зирқираган бир жизиллаш билан тек қотиб ўтирарди, шитоб ўрнидан турди.

Бахтигул илкис этагидан ушлаб:

— Нанажон, уришманг, хайми? — деди эланиб. — Ман қўрқаман.

Севаргул енгилгина бош ирғаркан:

— Қўрқма, Бахтижон, — дея чаққон ҳовлига чиқди.

— Э!.. — деди Теша ҳайронсираб. — Сен ҳалиям кетганинг йўқми?

Онаси, болалари чароғон ишком остида унинг гап-сўзига интиқ қулоқ тутиб, юрак ҳовучлаган каби жимжит ўтиришарди.

Севаргул босиқ овозда:

— Мен кетиш учун келганим йўқ, — деди. — Бу ёққа кириг. Гаплашиб олишимиз керак.

Теша ишком тарафга безовта назар ташлади, сўнг кўкси бир қалқиб:

— Уйингда гаплашайлик? — деди.

Севаргул унинг кўзларига тик қараб:

— Бундан кейин гаплашамизми, йўқми — ҳозир ҳал қилиб олишимиз керак, — деди. — Утинг!

Шу пайтда кампир атай томоқ қириб, қўлидан ниманидир шарақлатиб тушириб юборди.

Унинг иложсиз иккиланаётганлигини кўриб:

— Утинг! — деди Севаргул ҳам ялинч, ҳам қандайдир таҳдид оҳангда. — Бахтигул қўрқмасин.

Теша ночор бош чайқаб, секин уй томон жилди.

Севаргул эса, кўнглида мубҳам бир умид билан, айни чоғда анавиларнинг ҳали-замон қий-чув сурон солиши мумкинлигидан хавотирланиб, унинг изидан соядек эргашди.

Теша даҳлиздан ўтаётиб:

— Нима учун қоронғида ўтирибсизлар, — деб, чи-роқ тугмасини буради. Бирдан хона ёришиб кетди. Қизининг мўлтирабгина ўтирганини кўриб: — Бахтий!.. — деди. — Овқатингни емабсан-ку, қизим?

Бахтигул чимирилиб, киприқларини пирширатди. Индамади.

Севаргул, гүё қулаб тушадигандек, каравот қубба-
сидан ушлаб:

— Томоғимиздан озқат ўтарканми,— деди.— Мақ-
садингизни очик айтнинг, бизни қачонгача бундай хўр-
ламоқчисиз?

Теша бўзариб-безрайиб:

— Опамга ҳеч гап тушунтиролмаяман ахир!—
деди бўғиқ овозда.— Нима қилай?..

— Бўлмаса биргалашиб тушунтирайлик ахир?!

— Йўқ... фойдаси йўқ.

Ногоҳ яна рўпарадаги уйдан шамол увиллашидек
йиги товуши эшитилди: ойижон, бошимизга қаро кун-
лар тушгани рост экан, ойижон!..

Севаргул тишларини гич қилиб:

— Уф-ф!— деди.— Жонимдан тўйғазди шу...

— Ана, кўряпсан-ку?!— деди Теша.— Болаларни-
ям кўндириб бўлмайди.

Қўққис юз-кўзларидан қаҳру ғазаби тирқираб отил-
гудек важоҳатда:

— Теша!— деди кампир, деразадан бош суқиб.—
Ўт қани бу ёққа!

— Ҳозир... Гаплашиб олай.

— Кимга айтаёнман?!

— Она!..— деди Теша, бирдан жиғибийрони чи-
қиб.— Она дейман?!

— Онанг ўлсин, болам!— деди кампир, қурқшаган
лаблари асабий титраб.— Онанг ўлиб, онасиз қол, бо-
лам! Гулдай келинимни кул қилдинг. Энди норасида
етимчаларниям куйдирмоқчимисан. Ўт яхшиликча ле-
кин!..

Теша ғижиниб, ғудраниб сўкинганча, ортига қайта-
ётган эди, Севаргул шартта унинг билагига ёпишди. У
кескин қўл силтади. Севаргул жонсарак жавдираб:

— Ойбийи... ойбийижон?!— деди.

Кампир ёвқур олаяркан, асабий қўл силтади:

— Ман сизнинг ойбийингиз эмасман. Ойбийи де-
манг мани!

— Ахир, буям сизнинг неварангиз-ку!— дея Севар-
гул қизини кўрсатди. Бахтигул кўзлари жиққа ёшга
тўлиб, негадир йиғлаёлмай ўтирарди.— Айтнинг ахир,
нима учун қизимни ота дийдоридан бенасиб қилмоқ-
чисиз?!

— Ҳеч ким қизингизни ота дийдоридан бенасиб
қилмоқчи эмас. Неварамдан тонаётганим ҳам йўқ.
Ўзингиз гап уқмас аёл экансиз,— деди кампир, тагин

қўл силтаб.— Етим боқиб ўрганганман. Майли, болани ташлаб кетаверинг.

— Нима?!— деди Севаргул, кўзлари бирдан катта-риб.— К е т м а й м а н! Кетиш учун келганим йўқ.

Аллақачон Теша уйдан чиққан эди.

Кампир шартта даҳлизга кириб, хона бўсағасида тўхтади:

— Кеча айтувдим, бугун яна айтаман,— деди таъкидлаб.— Билиб қўйинг, ман тирик эканман, бу ҳовлида Теша сизга эрлик қилолмайди. Келинимга қасам ичиб, сўз берганман. Раҳматлик қўлимда жон бераётиб, васият қилган: ойбийи жон, у дунёда мани тинч ётсин десангиз, ўғлингизни йўлдан урган ўйнашини ҳовлига киритмай сиз, деган. Ана, болаларигаям шуни васият қилган.

Ҳамон рўпарадаги уйдан юракка тигдек қадалгучи йиғи товуши эшитилмоқда эди.

Чиндан ҳам, бу ҳовлида кун кўролмаслигига Севаргул кўнглида ночор-ноилож иқроор бўларкан, Шавкатчанинг кирдикорларини эслади, сўнг ундан ҳам баттарроқларига дучор бўлиши, оқибат ёлғизгина қизининг бирор ўсал топиши эҳтимолини ўйлаб, ўз-ўзига гапираётгандек:

— Ахир, гўринг олов олгурга мен нима ёмонлик қилган эканман?— деди.

Кампир бирдан ўқрайиб:

— Раҳматликка тил тегизманг!— деди. Сўнг лабларини чўччайтирди.— Ўзингизни кўп анойиликка солманг, қизим. Сизнинг дастингиздан келиним бечора куя-куя, ажалидан беш кун бурун ўлиб кетди-ку?!

Севаргул лом-мим деёлмай, бошини қуйи эгиб, жим қолди: йўқ... йўқ! Бу ёсуманни мурасага келтириб бўлмайди.

Шу пайтда Бахтигул аста қўлидан тортиб:

— Кетайлик, нанажон?!— деди.

— А?..— деди Севаргул қизига юзланиб.— Ҳа, кетамиз, қизим, кетамиз.— Кейин, гангигандек сандиқ биқинида турган сумкасини олди. Кўзларида жиққа ёш билан кампирга тикилиб қаради.— Майли, кетаман, ойбийижон. Лекин мен фақат яхши ниятда келган эдим. Агар сизларга зиғирча ёмонлик соғинган бўлсам, муродимга етмайин!

Кампир беихтиёр чимирилиб:

— Қасам ичманг!— деди.— Қасамхўр — худонинг душмани...

Севаргул қизини етаклаб даҳлизга ўтаркан, туйқус хўнграб юборишдан базўр ўзини тийди.

Кампир ортидан эргашиб, ҳовлига чиқди:

— Эрта саҳарлаб кетасиз,— деди тўнғиллаб.— Бола кўрқиб-учиниб қолмасин.

Севаргул кескин кампир томон ўгирилди... Аммо, тишларини ғич қилиб, индамай, бош чайқади.

Теша баланд суна бўйидаги тарвақайлаган олма тагида тиззаларига тирсақларини тираб, бошини чақгаллаб ўтирарди.

Севаргул қизини етаклаганча, дарвоза сари илдам бораётиб, тўхтади,— у н и н г миқ этмай ўтиргани баттар ўртаб юборган эди,— шитоб ортига бурилиб:

— Мана, кетяпмиз,— деди овози қалтираб.— Хўрланганимиз етар. Энди мендан яхшилик кутманг!..

Севаргул беш ойча аввал эмас, худди шу тобда қувилгандек кўкси кўйишиб оғриркан, аста хўрсиниб қўйди: сен ўшанда, зора улар инсофга келишармикан, деган бир илинжда пўлиса қилган эдинг, лекин на У, на онаси чурқ этган эди. Уларнинг бирор-бир суянган тоғи борми ёки сенинг бечоралигингни билишармиди-а, Севар?..

Кейин... тўлин ой ҳаммаёқни ойдин нурга чуллаган оқшом эди, Чорминор ёнидаги овлоқ кўчадан қизинг билан ўтиб бораётиб, ихтиёрсиз тўхтаб қолдинг: қулоғингга оҳиста бир... сас чалина бошлади — нола бўлиб нолага ўхшамайди, наво бўлиб навога... Кимдир — аёлми, эркакми — биров мунглуғ оҳангда бетиним... ув тортаётгандек эди. Ногоҳ руҳиятингда ажаб бир титроқни ҳис этдинг. Наздингда: еру осмон таърифга сизмас бир... маъюс оҳангга дўниб кетгандек эди, гўё бирдан қалбингни раҳм-шафқат туйғулари чирмаб, кўксингдаги адоват ҳисси барҳам топгандек бўлди...

Аммо, мана тобора юрагинг кемирилаётгани ҳақида ҳеч кимга, ҳатто шахриёрлар орасидаги қишлоқинг Назирага ҳам бир сўз деёлмайсан. Десанг... биласанки, яна ўзингга оғир.

Йўқ, гарчи бу тахлит яшаб бўлмаслигини алам билан — жисму жонингда симиллаган бир оғриқ билан тан олсанг-да, ҳасратингни ичга ютавер, Севар.

Боя бехос у ни кўрдингу... Қизиқ, кўрсанг — ороминг йўқ; кўрмасанг — қароринг йўқ. Бу не дард ўзи — аламми, нафратми ёки... муҳаббатми?

Ана, шарақлаб дарвоза очилди.

Севаргул ҳушёр тортиб, ташқарига қулоқ солди: кайрият, қизи экан... Хаёлчан жилмайди — ёлғизгинаси ҳозир кулиб-яшнаб уйга киради, уй қувончга тўлиб кетади.

Бахтигулнинг овози ҳовлидан жаранглаб эшитилди:

- Бийи, нанам қанила?
- Қўлтигимда...
- Бийижон, ман бугун иккита «5» олдим.
- У, зўрсан-ку, бачам! Овқат ейсанми?
- Нима пиширдингиз?
- Боравер, оч эмас экансан...

Бахтигулнинг чаққон яқинлашаётганлигини қадам товушлари сездириб турарди. Ана, лип этиб пешайвонда кўринди. Даҳлизга ўтди. Ана, кўзларида табассум чақнаб, хонага кираркан:

— Уҳ-ҳў, ўсма қўйибсиз-ку, нанажон! — деб, авайлабгина онасини қучоқлади, юзларидан ўпди. — Ётибсиз?... Яхшимисиз?

Севаргул қизини бағридан чиқармай, сочларини силади, пешонасидаги терларини артди, юраги куйишгудек бўлиб, кўзларидан ўпди...

— Нана, бугун «Уқиш» билан «Русский язык» дан «5» олдим!

Севаргул қизининг елкасига қоқиб қўйди, сўнг дунжларини шишириб, ишора билан сўради: овқат ейсанми?

— Қорним тўқ, — деди Бахтигул. — Мактабда ширгуруч едик, тарвуз едик... Эртагаям «5» олиб келаман, нана.

Севаргул хушҳол кулимсираб, яна қизининг юзларидан ўпди.

Кейин, Бахтигул каравотдан тушиб, ошпоқ пешбандини еча бошлади.

Қизининг дуркунгина қоматига ўйчан тикиларкан, Севаргул тагин ўша — ойдин оқшомни эслади, Бахтигулнинг ўшанда айтган бир гапи ёдига тушди: нанажон, кимдир Чорминор тепасига ўтирволиб, най чолонтими?... Йўқ, гарчи у — сирли сас — найнинг мунгли ноласига чолим берган эса-да, наво эмас эди.

Бу — аниқ, лекин жуда гаройиб эди... Ушандан бери қизи дадасини неча марта кўрдийкан?.. Бир ё икки мартадир. Охирги марта у н и уйдан ўзи қувиб чиқарган эди. Бахтигул энди дадасизликка... кўныкди. Кўныкмай не илож!.. Лекин ёмон... жуда ёмон бўлди: билиб-билмай қилиб қўйган хатоси учун энди умр бўйи қизи ҳам жафо чекади — арқоғини кўр, бўзини ол, она сини кўр, қизини ол! Наҳотки ёлғизгина қизини бахтиёр қилолмаса-я?!

Шу чоғ онаси даҳлизга кириб, эшикдан бош суқаркан:

— Озроқ кир йиғилиб қолган экан, ювиб-чайиб осдим, — деди. — Кечқурунгача қурир... Бахтигул, кирлар қуригандан кейин ўзинг олиб қўярсан, бачам.

— Кетмоқчимисиз, бийи?

— Ҳовлимдан бир хабар олай бориб, бачам, — деди бувиси, қўшни хонага ўтаётди. — Онангини уринтирмай, иш-пишларига қарашиб тургин, хайми?..

Севаргул ўрнидан туриб, кўйлагини кийди, тошойнага қараб, дуррасини боғлагач, ҳовлига чиқди. Тут сояси супани эгаллаган, осмонда эртанги куннинг янаям жазирама бўлишидан дарак бераётгандек қонталаш булутлар муаллақ кезар эди. Дорга ювиб осилган кирларга парижон назар ташлаб, маҳзунлик билан, энди кўникиш керак, деб ўйлади: ажаб, нимага кўникиш керак — ёлғизликками, бахтсизликками, соқовликками?.. Йўқ, соқовликка кўниколмайди. Мутлақо!.. Лекин бадбахтлик... Нима ўзи у?.. Бадбахтлик — шармандали ёлғизлик; яъни, рўёбга чиқолмаган орзуманд — ўзиникилар орасида ҳам бегона одам, деганими?.. Йўқ, ёлғиз эмас, ёнида дунёга бергисиз қизи бор. Аммо, нотавон кўнгил билан қизини бахтиёр этмоққа ёлғизлик қилмасмикан?.. Ишқилиб, ўйлай-ўйлай, эсари бўлиб қолмаса яхши эди.

Онаси ҳақ гапни айтади: уйда оёқни узатиб ётавермасдан ишга чиқиш керак. Ишхона яқин. Кейин, ҳарқалай, одам тафтини одам кўтаради. Хадича Бакировна негадир бугун келмади. Эртага келар. Рухсат береа, душанбадан ишга чиқса ҳам бўларди. Мана, бугун ҳамкасабалар билан бирпас дийдорлашганигами, хийла тетиклашди. Уйда ётаверса, битмас дарду доғини ўйлайверади. Уйламаслигининг эса сира иложи йўқ эман..

— Нана, юринг, бийимни куватиб қўямиз, — деди Бахтигул, пешайвондан тушаётди.

Онаси эгнига янги кўйлак, камзул кийиб, бошига шойи рўмолини ўраб олган эди:

— Мани кузатиб қўйишнинг кераги йўқ, — деб ошхонага кириб кетди, салдан сўнг эскироқ бир қора сумка кўтариб чиқди. — Узим кетавераман.

— Сумкангизга нима солволдингиз, бийи?

— Ҳасратингни, бачам... Севар, қизингнинг пухталлигини кўряпсанми?

Севаргул кулимсираб қўйди.

Кўчага чиқдилар.

Беш-ўн қадам юрганларидан сўнг, онаси тўхтади:

— Бўлди, қайтинглар, — деб, Бахтигулнинг юзларидан ўпди, сўнг кўзларида ёш милтираётгандек бўлиб, Севаргул билан хўшлашаркан, тайинлади. — Болангни оч қолдирма, қизим. Ўзингни уринтириб қўйма... Хайр, сизларни худога топширдим. Яхши қолинглар.

— Манга қурут олиб келинг, бийи?.. Яхши боринг, бийижон!..

Севаргул то онаси овлоқ кўчанинг муюлишида кўздан пана бўлгунча қараб турди. Кейин ортига бурилди, лекин ҳовлига киргиси келмади, негадир маҳобатли гиштин бино олдидаги майдон тарафга ўтгиси келаётган эди. Оҳиста қизининг кифтига туртиб, дарвозага ишора қилди: қулфла.

Бахтигул бармоқларини қулфга калит солиб айлантираётгандек ҳаракатлантириб:

— Дарвозани қулфлайми? — деб сўради. — Қаёққа борамиз, нана?

Севаргул майдон томонни кўрсатиб, бош ирғади: бирпас айланамиз.

Бахтигул зипиллаб бориб, дарвоза орқасидан қулфни олди, ҳалқага ўтказиб қулфлади, сўнг калитни онасига берди-да, нишаблик сари ўйноқлаб йўл бошлади.

Гиштин бино рўпарасида орқа ойнасига парда тутилган бир нечта оқ «Волга» қатор турарди. Шоферлар дарахт соясидаги ўриндиқда гурунглашиб ўтиришибди. Майдон ўртасини эгаллаган, пастак дарахтлару пўпаноқ гужумлар билан қуршалган гулзорда эса одам кўринмайди.

Севаргул қизининг қўлидан тутган кўйи, майдонни кесиб ўтаркан, гулзор биқинидаги йўлқадан хотини билан бамайлихотир суҳбатлашиб келаётган маҳалладош телпақдўзни кўриб, беихтиёр кўнглида бир ҳавас уйғонди: шуларга мазза! Ҳозир уйга бсргач, болала-

ри даврасида яйраб, телевизор томоша қилишади. Уларнинг бир-бирларига айтадиган ширин-шакар гаплари бор.

Севаргул қизини олдинга ўтказиб, пўпаноқ гужумлар орасидаги тор йўлкадан гулзорга кирди. Ёнверига хаёлчан назар ташлаб, таажжублангандек бўлди: муаттар ҳидлар анқиётган гулзорда... ҳеч ким, ҳеч нима йўқдек; ҳаммаёқда қизил, пушти, оқ... атиргуллар. Мажнунтол тагидаги ўриндиқда эса чиройли бир қиз билан кўзлари шодумон чақнаётган бир йигит ўтирди.

Бу осойишта, бу дилхуш гўшага Севаргул шунчаки сайр қилиш учун эмас, анави... қонқусмагур бояёқ машинасида аллақаяёққа гумдон бўлганини кўриб қўйиш учун келгандек ҳис этди ўзини... Кейин, толиққанини сезиб, секин чеккадаги ўриндиққа ўтирди.

Бахтигул чопқиллаб талайгина сувўти ҳамда аллақанча ажириқнинг «пошшо-вазир»ини келтирди:

— Сочпопук ясаб беринг, нана?— деди.— Жудаям чиройли бўлсин! Хайми?

Севаргул индамай, кўм-кўк ўтларни ёнига қўйди.

Бахтигул:

— Энди печакгул териб келаман,— деб тагин гулзор оралаб кетди.

Гулзор бўйидаги катта йўлдан маҳобатли бино томон уч-тўртта «Волга» олдинма-кейин ғизиллаб ўтди.

Шабада эсмоқда эди.

Севаргул бирин-бирин сувўтлардан олиб, сочпопук ўришга тутинди. Бир пайт, қулониға қиз билан йигитнинг шодон кулгиси чалиниб, беихтиёр кўз ўнгида ўтмиш... ишқий саргузашти хирагина гавдаланди: пахтазор... Пешин маҳали... Анваржон жавдираган кўйи тиз чўккан... Севаргул жон, сиз менинг маҳбубам бўлинг?!

Севаргул унинг илтижосига жавобан меровсирагандек кулганини эслаб, бир зум хаёлчан тек қотди.

Бахтигул бир ҳовуч бинафшасимон гуллар келтириб, онасига тутди:

— Нана, буларни сочпопукка қадаб берасиз, хайми?— деди.

Севаргул қизига ўйчан жилмайиб қаради: Бахтигул улғаймоқда. Ҳадемай, мўйлаби сабза урган бир йигитча билан... Вожаб, дунёнинг ишлари яккаш бандасини ўртамоқми-а?! Ишқилиб, ёлғизгина қувончини бахт ярлақаса бўлгани.

Ниҳоят, сочпопук битди.

Бахтигул суюниб:

— Чиройлими, нана?— деди уни бошига қўндириб.— А, айтинг, чиройлими?

Севаргул табассум билан кўзларини юмиб-очди: жудаям чиройли!

Бахтигул дабдурустдан бетоқатланиб, сочпопуги бошида қандай кўркам турганлигини тезроқ ойнада кўргиси келаётгандек:

— Нана, энди кетамиз!— деди.

Севаргулнинг пешонаси тиришди: яна ўша... ҳувиллаган уйга бориб кириш керак... Боради. Бўзрайган тўрт девор... Она-қиз жимгина ўтириб овқатланади. Телевизор... Томошага хуши йўқ. Баридан тўйиб кетган... Хўш, кейин нима қилади — яна шифтга тикилиб ётадимми?.. Бугун ўликдай қотиб ухлар-э, кун бўйи киприк қоққани йўқ-ку.

— Нана, қорним оч қолди. Кетайлик?

Аллақачон қош қорайган, рўпарадаги хиёбон узра олисдан кўриниб турган шаҳардаги энг баланд бино — «Интурист» пештоқидаги камалакранг чироқлар порлаб ёнмоқда эди.

Севаргул аста ўрнидан турди.

Бахтигул эса чаққон йўл бошлади.

Гулзор оралаб, йўлка сари яқинлашаётганларида, тепа шохлари қуриган мажнунтол тагидаги ўриндиқда бир-бирининг пинжига тикилиб ўтирган қиз билан йигитни кўриб, Бахтигул онасига маънодор кулимсираб қаради. Севаргул қизига койиганнамо чимирилди: анграйма, юр тезроқ.

Шаҳарликлар пахта ҳашарига жўнаб кетганлари учунми, гулзор жуда осойишта, атроф-теварак сокин эди.

Йигитнинг ҳам, қизнинг ҳам шу тобда бениҳоя бахтиёрлигини ҳавасланиб ўйларкан, Севаргулнинг ёдига яна ўша... да ҳ ш а т л и к е м а ҳ а л о к а т и тушдию, бирдан қулоқлари остида саёҳатчиларнинг жонталвасасидаги сурони узуқ-юлуқ эшитилаётгандек туюлиб, кўнглидан бир савол нечди: агар шу йигит ўшанда шу қиз билан кемада бирга бўлганида, қиз учун жонбозлик қилармиди?.. Ай, гумоно-ов!..

* * *

Ғира-шира ойдин палубада сайр қилиб юрган саёҳатчилар кўп эмас. Чечка-чечкада жуфт-жуфт бўлиб

ошиқона кезаётганлар кўзга аллақандай шарпадек кўринадилар. Палубанинг адоқ тарафи хийла ёруғ эди. Уша томондан ёш-ялангларнинг шодон ўйин-кулгилари, шўх-шан мусиқа садолари баралла эшитилиб турарди.

Серюлдуз осмон бамисоли Қора денгиз бағрида шитоб сузиб бораётган кема устида кўтарилган муаззам соявонга ўхшаб кўринади.

Намхуш шабада эсмоқда эди.

Саида Мирзаевна секин Севаргулнинг тирсагидан тутиб:

— Қаранг, ҳавоси қандай майин, мусаффо!— деди.— Лекин салқин экан. Сезяпсизми?

Севаргул бениҳоя қизини қўмсаган эди, Саида Мирзаевнага паришон бош ирғаб қўйди. Индамади... Ҳали сайрдан қайтгач, Севаргул катта-катта ҳарфлар билан Бахтигулга битта хат ёзмоқчи. Кейин, эрта Сочи бандаргоҳига кириб борганларида, албатта хатни жўнатади.

Унинг хаёлларини тўзителиб:

— Сиз совуқишмаяпсизми, Севаржон?— деб сўради Саида Мирзаевна.— Совуқ-ку, а?

— Жемперингизни келтириб берайми?

Саида Мирзаевна узрона кулимсираб:

— Агар малол келмаса, Севаржон?..— деди.

— Иби, қизиқмисиз, опажон!

— Мен шу ерда кутиб тураман, Севаржон.

Севаргул ортига қайтди. Темир зинапоядан пастга тушаётиб, рўпарадан чироғини порлатиб келаётган бир кемани кўрди, ҳамон қизи хаёлини банд этган эди, эътибор бермади.

Кейин, каютага яқинлашаётганда, бехос кема чайқалдимиди, палуба томон малласоч бир жувон билан ўтиб бораётган самарқандлик хушмўйлов йигитга урилиб кетди:

— Кечирасиз,— деди хижолат чекиб.

Самарқандлик йигит:

— Сиз кечирасиз-да, землячка!— деб, малласоч жувон изидан шошилинч эргашди.

Севаргул каютага кириб, аввал ўзининг жемперини кийди, сўнг Саида Мирзаевнанинг жемперини олди. Шу пайтда негадир кема кескин бир чайқалди. Севаргул қалқиб кетди. Орадан ҳаял ўтмай, кема бўғиқ чинқирди. Ва туйқус чироқлар ўчиб, каютани қуюқ қоронғилик чулғади.

Севаргул саросималаниб, иллюминатордан ташқарига тикилиб қаради: рўпарада тоғдек ҳайбатли нимадир қорайиб кўринарди. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи.

Ногоҳ йўлакда тапир-тупур оёқ товушлари ҳамда таҳликали овозлар эшитила бошлади.

Севаргул чироқнинг ёнишини кутганча, ўртада хавотирланиб тураркан, нохуш бир гумон кўнглидан кечиб, баттар ваҳимага тушди: кема чўкиб кетса-я!..

Худди шу пайтда чироқлар лип этиб ёнди, лекин орадан сал фурсат ўтар-ўтмас, тагин ўчди.

Аллақачон юракка беадад бир ваҳима солгувчи ғалаговур бошланган, энди лаҳза сайин кучайиб бормоқда эди.

Севаргул муқаррар бир фалокатни сезган каби саросар жемпери устидан ел солиб тикилган нимчани кийдию, шартта Саида Мирзаевнанинг ҳавобанд нимчасини қўлтиғига қисиб, шитоб эшикни очди. Эшик очилгани ҳамоно, нечундир бир аёл отилиб ичкари кирди. Севаргул эса ўзини йўлакка урди.

Йўлак тирбанд эди.

Одамлар исканжасида оёғи ерга тегиб-тегмай, олдинга талпинаркан, Севаргулнинг хаёлидан ўтди: нима бало, бу оломон оқими ёр оғзига тиқилиб қолган бўрилар галасига ўхшамаса-я?!

Ҳаммаёқдан гувиллаган бир ваҳимали товуш эшитилар, аёллару болалар чинқираб фарёд чекишар, бировлар бақириб сўкинишар эди. Қопқоронғи йўлак адоғидаги каюталардан бирининг эшиги қулфланиб қолган шекилли, устма-уст тарақлаётган товуш баробарида бир эркакнинг йиғламсираётган овози бўғиқ эшитилмоқда эди:

— Лаура, доченька!.. Сейчас открою, сейчас... Лару!..

Қўққис кимдир Севаргулнинг қўлидан жемпер билан ҳавобанд нимчани юлқиб олди. Бирдан Севаргул энди Саида Мирзаевнанинг ҳоли не кечарини ўйлаб, жонҳоври қичқириб юборди, лекин қий-чув ичида овози кўмилиб кетди.

Шу пайт тагин бир аёл хўнграб, дод солди:

— Отдай мой жилет! Отпусти, говорю! Отпусти мой жилет?!.

Севаргул оломон орасидан ситилиб, палубага кўтарилаётганда, кимдир эғнидаги нимчасига човут солди. Севаргул мункиб кетиб, қичқирганча четга қочаркан, одамларнинг нега бу қадар ёвузлашиб бораётганидан

даҳшатга тушган кўйи, атрофда рўй бераётган ҳодисотга ишониб-ишоналмай, ёнверига олазарак аланглади: ҳеч қаерда Саида Мирзаевна кўринмасди. Ҳар ёқдан отилиб чиқаётган одамлар негадир бир томонга қараб югуришмоқда эди.

Севаргул улар изидан бешуур елиб бораётиб, таққа тўхтади: мачтадан сал нарида бир аёлнинг ҳавобанд нимчасига бирдан икки йигит чанг солган эди... Севаргул туйқус йигитларнинг новчароғини таниди: у йигит куни кеча Ялтадаги бир дўконда хижолатангиз эланиб, қайлиғи учун ҳалигидақа тункўйлак олдирган эди. Мана, энди ёса!..

Палубага рўпарада тоғдек қорайиб турган кема чироғидан увада нур тушиб турарди.

Севаргул овози хирқираб:

— Саида опа! — деб қичқирди. Йиғлагиси келди. — Саида опа!! Қаердасиз, Саида опа!!

Саида Мирзаевна кўринмас, овози ҳам эшитилмас эди.

Нима учундир кўпчилик кема оғаётган тарафга қочмоқда эди.

Аллақачон одамларнинг денгизда ночор сузиб, аянчли бақириб-чақиришаётгани эшитила бошлаган эди.

Севаргул бир зум ёнёққа аланг-жаланг термилган кўйи, тагин такрор-такрор Саида Мирзаевнани сўроқлаб қичқирди. Сўнг, агар кема тўнтарилса, устида жон сақлаб қоладигандек, кўтарилаётган томон шитоб югурди. Палуба чеккасига етиб, чамбаракдан маҳкам ушлади.

Чамбарак ёнида жон сақламоқчи бўлиб тизилган бечоралар кўп эди. Кимдир ўз бошига муштлаб, ҳўн-ҳўн йиғлар, кимлардир пастга энгашиб, нималардир дея видолашаётган каби фарёд чекар эдилар.

Одамзоднинг бу қаро қиёматга чидаши душвор эди... Севаргул чамбарак ёнида чорасиз дир-дир титраб тураркан, нима учун юраги ёрилиб кетмаётганига ёхуд ақлдан озмаётганига ҳайрон бўларди.

Кема эса секинлик билан тобора ёнбетига чўкиб бормоқда эди.

Шу аснода Севаргулнинг қулоғига кема ичидан таралаётган бетартиб тарақлаётган товушлар, бўғиқ овозлар урилиб, бирдан кўзлари каттариб кетди. Беихтиёр остки лабини қаттиқ тишлаб, энди у боёқишлар... тамом, деб ўйлади: тамом!.. Ичкарида қолиб кетган-

ларнинг ҳаммаси тамом!.. Бечорагина Саида опа ҳозир қаердайкина — сувга отдими ўзини, ёки?!

Ҳамон кема қиялаб чўкиб борарди.

Бир маҳал, одамлар жонқоври чамбарак устига тирмашиб чиқа бошлашди.

Севаргул ҳам жонсараклик билан сапчиб чамбарак устига чиқди. Бир муддат бемажол осилиб турди. Сўнг, ёнидагилар каби, тақдирга тан бергандек, секин пастга сирғала бошлади. Иллюминатор ёнига етганда, кўзларида беадад бир даҳшат билан, қорайиб кўринаётган каюта ичига термилди: ҳеч ким... ҳеч нима кўринмас, аммо нолага ҳам, фарёдга ҳам ўхшамайдиган бўғиқ, бениҳоя... аянчли овозлар эшитилмоқда эди. Севаргулнинг бирдан юраги бўғзига тиқилгандек бўлиб, кўзларидан тизиллаб ёш чиқиб кетди. Шу пайт аъзойи баданини муздек сув ялади. Сесканди: тамом!.. Бечорагиналар!.. Ана, иллюминатор устини аллақандай мой аралаш қорамтир сув қоплади.

* * *

Палуба... Уртада балаанд д о р... Чиғириқ устида ў з и.

Дор тагида Т е ш а. Бўйнига каттакон дўмбира осиб олган. Қўлида иккита ноғорачўп.

Чеккароқда о н а с и... Негадир ясаниб-безаниб олган. Қўлида доира. Чордана қуриб ўтирибди. Ёнида А н в а р ж о н. Унинг қўлида сурнай. Иккаласи дўмбирага жўр бўлишмоқчи.

Атрофда самарқандлик хушмўйлов йигит, малласоч жувон, тагин аллақанча тапишу нотаниш томошабинлар.

Теша шитоб ноғорачўпларни юқори кўтариб:

— Ўзимнинг шириним, Севаргул!— деб наъра тортади.— Қани, осмону фалакда туриб, азиж томошабинларимизга алвон каптар ҳавода қандай чапнор уриб ўйнашини бир кўрсатиб қўй!

Шу пайт... елкасига шол рўмол ташлаб олган С а и да М и р з а е в н а гулхандек ловуллаб, оломон орасидан югуриб чиқади. Тешанинг қаршисида тўхтаб:

— Бундай қилишга ҳаққингиз йўқ!— дейди ғазаб билан.— Севаргул аввал оёғидан илга ўзини боғлаб қўйишни керак. Ана ундан кейин томошасини кўрсатсин. Айтинг, боғласин!

— Опажон, дорбозлик — жонбозлик, деб қўйибдилар. Дорбозликда ҳийлакорлик кетмайди... Ҳа, қани, ўзимнинг шириним!

Бирдан дўмбира, доира ҳамда сурнайнинг айқаш-уйқаш садоси гумбурлаб эшитила бошлайди.

— Ё-ооо пиририм!..

...Ааааа!— Севаргул уйғониб кетди. Назарида, ҳамон тубсиз, қопқоронғи бир жар сари учиб бораётгандек эди. Бетоқат гурсиллаб ураётган юраги устига кафтини босиб, ёнверига қаради.

Бахтигул, сочлари елкалари узра ёйилиб, тўшакда кўзларини уқалаб ўтирарди, уйқули овозда йиғламсираб йиғишди:

— Нанажон... ман қўрқдим.

Севаргул нимагадир ҳайрон бўлаётгандек:

— Бахтижон...— деди. Ва ўз овозидан ҳаяжонга тушиб, шодон жилмайди: вой, художон! Хайрият-э!..— Сениям уйғотвордимми?— У қарийб айнан бир хил тушни негадир икки бор кўрганига ажабланган кўйи, овозига қулоқ солаётгандек, дона-дона гапирарди.— Кел қучоғимга, кела қол, жоним қизим.

Бахтигул шартта қўлини тушириб, кўзлари севинчдан чақнаганча, онаси қучоғига талпинаркан:

— Нанажон, гапирдийизми?!— деди.— Ана, гапирдийиз-ку! Яна гапиринг?

Севаргул ширали овозда:

— Гапирдим, қизим, гапирдим!— дея Бахтигулни бағрига олиб, юзини юзига босди.— Нанам энди соқов бўлиб қоладила, деб ўйлаганмидинг, Бахтижон?

— Иби, йиғлаяпсиз-ку, нанажон?!

— Йиғлаётганим йўқ, қизим.

— Ана, юзимга томаёпти-ку кўзёшларийиз.

— Ўзи...

Севаргул жилмаган кўйи, кўзларини кафти билан сийирди.

Тун... Алламаҳал. Хонага пешайвон тарафдаги ланг очиқ деразалардан кумушранг нур тушиб турибди. Ҳовлидаги шоҳтут тепасида осмоннинг бир парчаси оқариб кўринади. Сийрак юлдузлар равшан чақнамоқда. Ҳаммаёқ жимжит. Аҳён-аҳён олисларда гувиллаб елаётган машиналар товуши элас-элас эшитилади.

— Нанажон, нима учун жим бўлиб қолдингиз?— деди Бахтигул эркаланиб.— Гапиринг ахир!

— Нимани гапирай, қизим?

— Денгизда кема қандай чўкиб кетганини гапириб беринг?

— Бахтигул!..— деди Севаргул, қизининг кифтига аста қоқиб.— Қўй, эслатма ўшани, қизим.

— Хай гапиринг-да, овозингизни соғинганман ахир, нанажон!

— Гапиришни ўзим ҳам соғинганман, Бахтижон. Лекин ухлашинг керак. Эрталаб туролмайсан.

— Ахир, сиз билан гаплашиб ётгим келяпти, нанажон. Уйқум қочиб кетди.

— Майли, жойингга ўтиб ёт, алла айтаман, ухлаб қоласан.

Бахтигул бирпас онаси қучоғида тантиқланди, сўнг хушлар-хушламас тўшагига ўтиб:

— Алла* айтманг, нана,— деди.— Алла айтсангиз дарров ухлаб қоламан. Эртақ айтинг?

— Эртақ?..

— Ҳа, эртақ айтиб беринг?

Севаргул қизининг раъйини қайтаришни истамасди — ахир, неча кунлардан бери яйраб гаплашгани... гаплашолгани йўқ; ўйчан кулимсираб, оҳиста унинг елкасини силаб-сийпалай бошлади: қайси эртақни айтса экан?.. Бу оламда ўзининг кечмишидан кўра эртақ-боп, ўзининг кечмишидан кўра афсонаворроқ кечмиш бўлмас. Лекин...

— Айтинг ахир, нана?

— Майли, қулоқ сол,— деб, Севаргул эртақ тўқий бошлади.— Бир бор экан, бир йўқ экан... Яқин замонларда, Бухоро томонларда бир она-қиз яшар экан. Лекин она-қиз иккаласиям бадбахт бўлиб бадбахт эмас, бахтли бўлиб бахтли эмас экан.

— Нана, тушунмадим, бадбахт деганийиз нима?

— Емоққа нони, яшамоққа жойи йўқ кишиларни бадбахт дейдилар. Тушундингми?

— Бахт-чи, бахт нима?

— Бахтми?..— Севаргул беихтиёр хўрсиниб, бир зум сукутга толди.— Бахт... бахт... Мана, ҳозир икковимиз ўйнаб-кулиб ётибмиз. Шунинг ўзи бир бахт-да, қизим! Кейин, ўзинг учун муҳим ниманидир англаб етолсанг—буям бир бахт. Энди кўзингни юмиб, жимгина қулоқ солиб ёт... Онасининг оти Чамангул, қизининг оти Ойгул экан.

— Э, нана, сиз ўзимизни айтаёписизми?

— Йўқ,— деди Севаргул, унинг елкасига қоқиб.— Бахтигул, кўзингни юмиб ёт, қизим. Гапимнц бўлсанг

айтмайман... Ойгул ойдай юзли, кундай кўзли, ақлли қиз экан. Онаси қизини жудаям яхши кўраркан...

Ҳозиргина кўрган туши фикру ёдини банд этган кўйи Севаргул дилгир оҳангда эртақ сўйларкан, хаёлида чарх ура бошлаган кажбаҳс саволлар жавобини ўйлаётиб, яна кўзлари жиққа ёшга тўлди, овози хиёл титранди: тўхта! Агар қизини бениҳоя яхши кўрса, нима учун қизининг қисматини ўйламай, ўша куни ўз жонига қасд қилди? Агар ўшанда ўлиб кетса, кейин Бахтигулгинасининг ҳоли не кечар эди? Хўш, ўшанда нималарни ўйлаган эди?

— ...Ойгул ҳам онасини жуда яхши кўрар экан, — дея Севаргул унсизгина энтикиб, эртақ сўйлашда давом этди. — Онаси буюрган ҳамма ишларни Ойгул ҳаммиша бекаму кўст бажараркан. Кунлардан бир куни...

Уша куни...

Воажаб, галваю ғурбатлар ҳам бир ёпирилса худди тоғдан кўчган тошдай ёпирилар экан-да!

Уша куни... тушдан сўнг, кўнглида галогол бир хавотир билан, поликлиникага борган эди.

Бармоқлари узун, кўм-кўк кўзлари чақноқ, сарғиш сочли акушер-гинеколог жувон анча серзарда экан. Арзу додини тинглар-тингламас, шартта жойига ўтдию, ўрта ёшлардаги ҳамширага чимирилиб:

— Марзия, чиба вай интў минғир-минғир мекунат!¹ — деди, тожикча ҳамда ўрисчаю ўзбекчани аралаш гапириб. — Ты сама толком объясни ей, что она может не беспокоиться... Тавба кардам², аёл ҳам шунчалик ваҳимачи бўладими-я!..

Севаргул аламнок бўғриққан кўйи, ҳамшира томон мутеёна юзланиб, негадир тагин ўқтин-ўқтин ўхчиқ тутаётганлигини айтди, сўнг:

— Шунгами, кўнглим айнийверади, сира оромим йўқ, опажон, — деб нолиди. — Дардимни сизларга айтмай кимга айтаман ахир, опажон?

Ҳамшира майингина жилмайиб:

— Қўрқанга қўша кўринар, ойука, — деди. — Беҳуда хавотирланаверманг кўп. Ҳа, хавотир ёмон!.. Ун кунлардан сўгин яна бир келиб кўринарсиз. Ҳозирча хотиржам кетаверинг.

...Кейин, пешин маҳалидан эртароқ пайт эди. Севаргул, қизи тезроқ кела қолса, қишлоққа бориш

¹ ... у нега бунча минғир-минғир қилади.

² ... қилдим (тож.).

фикрини хаёлидан кечириб, тошойна қаршисида сўлгин чехрасига тикилганча, боягина доя-душтир ҳузуридан эзилиб қайтганини ғамгин ўйларкан, нечундир дабдурустан кўнглига ўртагувчи бир гулу ўрлади; назарида, ниҳоят интиқом дақиқалари келиб етгандек, кимдир қулоғига тинмай пичирлаётгандек туюлаверди: аллақачон У уйланган! Ётибди уйида хотинчасини бағрига босиб. Бориш керак. Ҳозир кириб борсанг кўрасан!..

Тарчи, тобора рашкми, аламми — нимадир ўртаётган бўлса-да, Севаргул ҳардамхаёллик билан йўлга тушди: хўш, боргач нима дейди — уйланган ёки уйланмаганлигинини билгани келдим, дейдими?.. Ўтган кун эрталаб чиқиб кетаётганида, илмоқли бир гап қилган эди У. Шу тобда алами ақлу ҳушини олиб қўйдими, унинг ўшанда нималар деганини аниқ эслаёлмаяпти. Агар уйлангани рост бўлса, аяб ўтирмайди.

Аслида анави... дажжол кампирнинг у дунёю бу дунё юзини кўрмас бўлиб қайтганидан кейин, уни асло кечирмаслиги керак эди-ку, лекин У ўша кечасиёқ ўғри мушукдек кириб келиб, тилёгламалик қилганидан сўнг, еёл экан-да, кечирган эди. Аммо, модомики онасидан кўрқиб... — Фақат онасидан эмасди-ров!.. — рўшнолик кўрсатолмадими, энди ўзиям бир умр рўшнолик кўролмаслигини билиб қўйсин.

...Овлоқ кўча кимсасиз эди. Қайсидир бир хонадондаги радиодан таралаётган ашула варанглаб эшитилмоқда. Лойсувоқ деворлар жазирама қуёш нурида бўзариб кўринади. Заранг ердан ҳовур кўтариляпти.

Севаргул қандайдир тилсимотдек туюлаётган Чорминор сари яқинлашаётиб, синчков тикилиб қаради: нақшли гумбазлар устида тўртта нуроний чол чордана қуриб, сукутга толгандек... Гумбазлардан тепада — тиниқ осмон бағрида бир гала каптар чарх уриб учаяпти... Пастдаги гулкори, энсизгина гужум эшикка япалоқ қулф урилган... Жимжитлик.

Ажаб, ўша ойдин оқшомда қулоғига чалинган аллақандай мунгли саснинг боиси не эди — билолмайди. Аммо, шуниси аниқки, ўшанда кўнгли мушфиқ туйғуларга тўлиб-тошгани чин эди. Энди эса, аламми, ғазабми — аччиқ нимадир тобора юрагини куйиштиряпти.

Бироқ, ҳовлига беш-ўн қадам қолганда, одими сусаяверди, Орқага қайтмоқчи ҳам бўлди... Қайтолмади.

Кейин, дарвоза тирқишидан мўралаб, бостирма остида машинани кўрмагач, тагин иккиланди, лекин беихтиёр дарвоза зулфинини шиқирлатворди. Бирдан ҳаммаёқни темир дарвозанинг даранглаган товуши тутиб кетгандек бўлди. Ва шу баробарида ҳовлидан нозиккина бир овоз эшитилди:

— Ки-и-им?!

Танишдек туюлган овоз қулоғига чалинар-чалинамас, Севаргулнинг пешонаси тиришди: қизи-ку! Қачон мактабдан қайта қолибди у йиғлоқи? Яна бирдан увтортса-я!..

Дарвозанинг ўрта эшиги очилиб, рўпарада қизил помбарх кўйлак, атлас лозим кийган, бет суяклари туртиб чиққан, қаримсиқ бир жувон кўринди. У қошу киприкларига қуюқ қилиб ўсма қўйган эди.

Жувон ноҳушгина жилмайиб:

— Ассалом,— деди.— Келинг?

Севаргул жувоннинг ўз кундоши эканлигига шубҳа қилмай, яна жўш ура бошлаган ғазабини базўр босиб:

— Хўжайинингиз уйдадилар?— деб сўради.

Жувон унинг вазоҳатидан саросимага тушган каби безовталиқ билан:

— Йўқ... йўқла,— деди киприкларини пирпира-тиб.— Ўзингиз кимсиз охи?

Туйқус миясига қон тепгандек, бир зум Севаргулнинг кўз олди қоронғилашди, сўнг ихтиёрсиз ўдағайлаб:

— Ўзинг кимсан, эрсак?!— дея шитоб бостирмага кираётганда, сумкаси эшик зулфинига илиниб, гандираклаб кетди. Сумка тўп этиб ерга тушди.— Илоё хўжайининг билан қўшмозор бўл. Тўхта!..

— Вой-дод!— Жувон чинқириб ҳовлига қочди.— Ойбийижон, ман мурдам!¹ Войдо-о-од!..

Севаргул ғазаб билан унинг орқасидан ўқрайиб қоларкан, ҳовлига отилиб кириб сочига чанг солганча, остига босиб олгиси келди. Биғиллатиб босиб олса-да, шу пайтга довурундан кўриб келган барча изтиробларининг хусуматини беармон чиқармоқ қасдида юзларини ерга ишқаб, дуч келган жойига мушт ураверса. Ҳар мушт урганда, мен бу ҳовлида яшаёлмадим, сениям яшагани қўймайман, деб оғзи-бурнини ола қонига бўяса... Жувон эса жон анчиғида типирчилаб, ойбийижон, ман мурдам, деб ўкираверса... Бун-

¹ ... ўлдим (тож.).

дан баттар жазаваси қўзиб, менинг қизим бор, бизни чирқиллатиб, сен эрсак бу ҳовлида кун кўролмайсан, дея...

Севаргул оташин уф тортиб, аммо бундан не фойда, деб ўйлади: шу билан бирор нима ўзгариб қоладими? Барибир У... манави эрсигдан воз кечмайдику! Ёки унинг ёсуман онаси аҳдидан қайтармиди — йўқ албатта. Энди ҳаммаси бесамар... беҳуда! Яхшиои — унинг ўзидан ўч олиш керак. Бошқача йўл билан бошлаб ўч олиш керак.

Ногоҳ ҳовли ичкарасида аллақайси бир эшикнинг тарақлаб ёпилгани эшитилди. Жувоннинг уни ўчди.

Шу пайт кампир бостирма рўпарасига қаёқдандир қуюндек елиб келди. Унинг этсиз лаблари асабий пирпирар, пешонабоғи елкасига осилиб тушган, қоқшоқ оёқлари яланг эди. У, Севаргулга нигоҳи тушгани ҳаммоно, қўлини қоши устида соявон қилиб:

— У, ҳаёсиз! — деди аттангнамо бош чайқаб. — Яна келдйизми?.. Худо хайрингизни берсин, қизим, энди бизни тинч қўйинг?

Севаргул бирдан изиллаб йиғлаганча, бир шўришу савдонн бошлайдигандек, беихтиёр кампирга хезланди.

Кампир эса, кўзлари чақнаган кўйи:

— Уринг, ўлдириг, — деди элангандек. — Худо хайрингизни берсин, қизим, уринг. Минг лаънат бу турмушга! Жонимдан тўйиб кетганман...

Севаргул нафратангиз қўл сермаб, кескин ортига бурилди. Ерда боғичи узилиб ётган сумкачасини олди, қўлтиғига қисди. Кейин, кампирга қарамай, шитоб кўчага чиқди. Тўп-тўп бўлиб мактабдан қайтаётган шўх-шодон болакайларни, қизалоқларни кўриб, ранг-рўйининг абгорлигидан уялгандек, чаққон одимларкан, қизининг маъюс чеҳраси хаёлидан кечди: Бахтигул энди е т и м, ёлғизгинаси энди бадбахт — ташландиқ аёл қизининг қадр-қиммати не бўлар эди! Эс борида этакни ёпиб, қизини бу бадбахтликдан, ўзини эса бу таҳқирлардан қутқариши керак. Аммо, қандай қилиб, қайси йўл билан?.. Чўкаётган одам хору хасни ҳам илинж билар экан. Борми бирор илинж?..

Севаргул илдам юриб бораркан, энди бу тарзда яшаб бўлмайди, деб ўйлади: яна беқадр ўйнашдек умргузаронлик қилиш... Бу ҳақоратларга чидаш... Йўқ! У ярамасни шу пайтгача кечириб келгани етар. Етар!..

Лабларга сизиб томаётган шўртаъм ёшларни ялаб, кўзларини артди... Ҳозироқ бориб, Бахтигулнинг ўзини қишлоққа жўнатади. Ана кейин пайсалга солмай... Бахтигул мактабдан қайтганмикан-а?..

Бахтигул уйда — дарвоза қия очиқ эди.

Севаргул ҳовлига кириб, тўғри тут тагига ўтди. Қувур жўмрагини буради. Шовуллаб оқа бошлаган муздек сувда юзларини, бўйнини, куйишиб огриётган кўксини ювди. Оёқларини чайди. Кейин, гулзорча ўртасидаги ёлғизоёқ йўлкадан пешайвон томон юрди.

Қизи уйдан шодон югуриб чиқди:

— Нанажон, бугундан бошлаб каникул!— деди.

Севаргул ғамгин жилмайиб, қизини бағрига босди. Ҳадемай, қизидан ...ёруғ оламдан... кечиб, ундан беомон ўч оларини ўйларкан, қизининг юзларидан, пешонасидан ўпди, сочларини силади: қандай яхши, қизи бугун иккинчини битирди. Учинчига ўтди.

— Нана, сизга нима бўлди?

— Ҳеч нима, қизим.

— Йиғлаясиз-ку?

— Юзимни ювганман-ку, Бахтижон.

— Қишлоққа борамизми, нана?

— Ҳа. Дарров янги кўйлагингни, танкеткангни кийиб чиқ,— деди Севаргул қизининг кифтига қоқиб.— Сумкачангга пичина билан бир шиша сув солиб қўй.

— Эгнимдаги кўйлагим-чи?..

— Уни ечиб, сумкачангга сол. Қишлоқда киярсан.

Севаргул уйга кирди, кўйлагини ечиб, каравот устига отди. Нимадир бот-бот санчилаётган каби зирқираётган биқинига қаради: моматалоқ бўлибди. Дарвозага урилган шекилли... Майли, уларгаям боққан бало бордир. Йўқ, ҳаммасидан... ҳаммасидан ўч олиши керак!

Атлас кўйлагини кияётиб, тошойнага яқин борди: юзлари бўғриқиб, қовоқлари шишинқирабди, кўзлари қизариб кетган... Тўзгин сочларини ўримига қўшиб, қайтадан турмаклади. Сўнг жонсарак бир шошқалоқлик билан боғичи узилган сумкасидан ҳамёни, тароғи... рўмолчасини олиб, қўнғирранг сумкачага сола бошлади.

Шу пайтда Бахтигул қўшни хонадан чиқиб:

— Нана, кетдик!— деди.— Ман тайёрман.

— Ҳозир, қизим, ҳозир...

— Ман сизни кўчада кутиб тураман, нана,— деди Бахтигул.— Хайми?..

Ниҳоят, Севаргул ҳовлига чиқди. Ана шунда чораси топилган янглиғ бахмал пардалари ёниб қўйилган хоналарга хомуш тикилди: бу сағана гуруллаб ёнмоғи учун камида бир бидон ерёғи керак. Ерёғини қаердан топади?

— Нана!..

Севаргул дарвозани қулфлаб, калитни сумкага солди.

Овлоқ кўча оралаб бир оз юрганларидан сўнг:

— Ҳеч нарса ёдингиздан чиқмадимми, нана?— деб сўради Бахтигул.

— Қишлоққа ўзинг борасан, қизим.

— Иби, ана гап!— деди Бахтигул.— Эртага шанба-ку, нана, ишламайсиз. Уйда бир ўзингиз ўтира-сизми?

— Бийингга нанамнинг зарур ишлари бор экан, дейсан. Балки эртага борарман.

— Бўлмаса эртага икков бирга кетамиз.

Қизининг соддадиллигидан ҳамда айни чоғдаги меҳринисорлигидан мутаассирланиб:

— Бахтижон, мени яхши кўрасанми, қизим?— деб сўради.— Яхши кўрасан-а?

Бахтигул шартта онасининг қўлидан қайта-қайта ўшиб:

— Жудаям, жудаям, жудаям яхши кўраман, на-нажон!— деди.

Севаргул қизининг сочларини силаб, елкасига қоқиб қўйди, сўнг:

— Агар мени яхши кўрсанг, одамларга ишонма,— деди.— Энди катта қиз бўлиб қолдинг, бўйинг чўзилди. Бундан кейин ҳамиша ўзингга эҳтиёт бўлиб юр, қизим.

Бахтигул негадир ўсмоқчилаб:

— Дадамга-чи?— деди.

— Дадангни илоё итлар есин, кўзларини қузғунлар чўқисин, қизим!— деди Севаргул.— Дадангни узоқдан кўрсанг, икки тош нарига қоч.

Бахтигул хомушланиб, онасининг қўлидан ушлади. Индамади.

Анча фурсат жим кетишди.

Йўлни ўрталаб, шаҳар марказига чиқдилар. Бекатда йўловчилар кўп эди.

Ногоҳ бекат орқасидаги тор кўча оғзида таниш машина кўринди. Севаргул унга нигоҳи тушгани ҳамона, тиззаларидан мадор қочиб, ҳайкалдек қотдиқолди: орқа ўриндиқда қошу киприкларига қуюқ сурма сурган, ҳурилиқодек бир кулчаюз жузон шўшан жилмайиб ўтирарди.

Севаргул бештиёр аламзадалик билан шавирлади: илоё бўйнигинанг узилсин-а! Беармен куйдирдинг. Куйдириш қанақа бўлишини кўрсатиб қўймасам!..

Бахтигул илкис қўлидан тортиб:

— Нана, юрмайсизми ахир!— деди.

Севаргул, жим дегандек, қизининг бармоқларини сиқиб қўйди. Ва, улардан кўз қирини ушиб-узолмай, гангиган алфозда секин жойидан жилди.

Машина хиёлдан сўнг йўлка ёнидан гисиллаб ўтиб кетаётганда эса, Бахтигул бехос ҳаяжонланиб:

— Ана, дадам!— деди.

Севаргул чаққон одимларкан:

— Даданг эмас у!— деди.

— Дадам-ку, ўзим кўзим билан кўрдим,— деди

Бахтигул.— Кулиб бороптила. Орқада битта хотин ҳам бор эди. Сиз кўрмадингизми, нана?

Севаргул индамади — хаёлида бояги можароли манзара гавдаланиб, қулоғига кампирнинг нафратангиз овози эшитилаётгандек эди: ў, ҳаёсиз! Яна келдийизми?.. Йўқ, энди қайтиб бормади. Асло! Уларнинг ҳаммасини ҳали шундай куйдирсинки!..

Шу асно доя-духтирнинг ҳам қурама дашноми қулоқлари остида вишиллаб эшитилаётгандек туюлди: ...чиба вай интў минғир-минғир мекунат! Тавба қардам, аёл ҳам шунчалик ваҳимачи бўладими-я!.. Йўқ, илло бундан кейин қақшатғич ваҳималар исканжасида ўртаниб-эзилиб юрмади. Бас, шунча хўрлангани етар!

Севаргул қарори янаям қатъийлашаётганини ҳис этаркан, ҳозиргина машинада а навиларни учратганлигини алланечук мамнунлик билан кўнглидан кечириб, нимагадир шошилаётган каби илдам одимлади.

Шаҳар хийла гавжум, сўлим хиёбонларда одамлар еалқинлаб юришипти. Лабиҳовуз теварагидаги кўрпача тўшалган картларда эса қари-қартанглар, ёш-яланглар давра қуриб, қуёш яккаш ўзлари учун нур сөчаётгандек, мириқиб чойхўрлик қилишяпти.

Севаргулнинг одамларга ҳаваси келди: ҳамма

шод, ҳамма бахтиёр. Фақат... фақат... Бас, бу бахти-
қароликка барҳам бериш керак.

— Морожний олиб берайми, Бахтижон?

— Емайман,— деди Бахтигул.

— Йўқ дема, Бахтижон. Юр...

Мармар зиналардан бир-бир босиб, Лабиҳовуз бўйига тушишди. Севаргул шохлари тарвақайлаган, те-
пасига лайлак уя қурган қари тут соясидаги бўш
стол курсиларидан бирига қизини ўтқазиб, икки тақ-
симча музқаймоқ олиб борди. Ҳовучидаги битта
уч сўмлик ҳамда талайгина тангаларни қизига
узатди:

— Вуни сумкачангга солиб қўй, Бахтижон.

— Пулни нима қиламан?— деди Бахтигул.

— Майли... олиб қўявер, қизим.

Кейин, Севаргул хаёлан четдан ўзларига назар
солди: ана, бахтиёр она-қиз хушҳол суҳбат-
лашиб, музқаймоқ еяпти. Улар шу қадар бахтиёрки,
одамнинг ҳаваси келади... У, бу бахти-
ёрлик замирида қанчалар бадбахтлик ниҳон-а!
Жони метин, бардоши тоғ эканки, чидаб келяпти.
Тавба, нима учун шу пайтгача чидадийкин-а?!

— Бахтигул!— деди Севаргул, қизининг кўзларига
жавдираб термилиб.— Агар мен бирор кун ўлиб қол-
сам, бовонгнинг гўрлари ёнига элтиб кўмасизлар.
Хайми, қизим?

— Э, қанақасиз ўзи! Боринг-э!..— деди Бахтигул
тумшайиб.— Нима учун айтяпсиз бунақа гапларни?!

— Сен энди катта қиз бўлиб қолдинг, Бахтижон.—
Севаргул шикаста кулимсираган кўйи, тақсимчадаги
музқаймоғини унинг тақсимчасига ағдарди.— Сендан
бошқа кимим бор менинг. Айтаман-да, қизим.

— Йўқ, айтманг! Керак эмас.

— Хўп,— деди Севаргул жилмайиб.

Шундан сўнг бир-икки қошиқ музқаймоқ егач,
Бахтигул тақсимчани нари суриб:

— Кетдикми?— деди.

Севаргул ўрнидан туриб, қизининг кифтидан қуч-
ганча, Лабиҳовузнинг кунботар тарафидаги баланд
зинапой томон юраркан, бундан кейин ёлғизгинаси-
ни қайтиб кўролмаслигини ўйлаб, бирдан бўғзига
нимадир қадалгандек, нафаси бўғилди: майли, қай-
тага шуниси яхши — бувисининг кўз остида, тоғаси-
нинг қарамоғида ўсиб-улғаяди — бир тоға етти отага
баробар. Агар она-қиз шу тахлит бирга яшайверса-

лар, Бахтигул руҳан майиб, маънан мажруҳ бўлиб қолиши мумкин...

Лабиҳовузнинг юқори йўлагидаги яна бир тик зинапоядан кўтарилиб, катта йўл бўйига чиқишди. Йўлнинг нариги бети такси бекати эди.

— Нана, таксида кетаманми? — деди Бахтигул.

— Ҳа, — деди Севаргул.

— Бирга кетаверайлик, нана, — деди Бахтигул. — Ишиз бўлса, эрта яна бирга келамиз.

Севаргул индамади.

Йўлни кесиб ўтишди.

Такси бекатида йўловчилар сийрак эди.

Бир такси йўлга шай турарди.

Майдон ўртасидаги гужумлар соясида қўнқайтирилган пастак ёғоч уйчадан соқоли ўсган, калта энгли кўйлагининг кўкрак тугмалари очиқ, ранги униққан дўпписини қийшайтириб кийган ҳайдовчи йигит чиқиб, такси ёнига яқинлашаркан:

— Ёйждувонга кетадиган мард борми? — деб қичқирди.

Таксининг олдинги ўриндиғида каттакон саллали бир чол, орқада эса шол рўмол ўраган икки аёл ўтирарди.

Севаргул ҳайдовчига:

— Менинг қизимни Галасиёгача олиб кетинг? — деди.

— Жоним билан, опажон! — деди ҳайдовчи йигит.

Севаргул шоферга кира ҳақини тўлади, машинанинг орқа эшигини очиб, қизини ичкарига кирғизди, сўнг ўпишиб хайрлашаркан:

— Эртага ўзим борарман, — деди. — Агар боролмасам, душанба куни албатта бийинг билан бирга келгин! Тушундингми?

Бахтигул ўриндиққа ўрнашиб:

— Тушундим, — деди. — Хайр!..

Севаргул чамаси яна ниманидир кутган эди, қизи кайрлашганидан сўнг, бехос овози титраниб:

— Ҳаммаларига салом айт, мен учун бийингни ўпиб қўй, Бахтижон, — деди. — Йўлларда эҳтиёт бўл, кўзингга қара!

— Хўп. Хайр, нанажон!..

— Хайр, Бахтижон!..

Эшик қарсиллаб ёпилди.

Ана, қизи жўнаб кетди.

Севаргул мунграйиб, такси кўздан пана бўлгунча

қараб турди. Кейин, бирдан дару дунёси ҳувиллаб қолгандек бўлди, гўё сурати бор-у, сийрати йўқдек... Аммо, шу аснода тагин кўнглидаги кажбахс фикр ҳаёлини чирмаб олди: ана энди уйни олов бериб юборадими, сувга чўктирадими... ўзини осадими — бемалол билганини қилавериши мумкин. Бу ёлгончи дунёга омонат боғлаб турган охирги идинжи билан хайрлашди — қизи кетди.

Севаргул хомуш йўлни кесиб ўтди. Бир-бир босиб, зинапоядан йўлгага тушди. Девонбеги хонақоҳи олдида бир гуруҳ ярим яланғоч хорижий сайёҳлар уймаллашиб юришарди. Уларга парвосиз ўтаркан, қачонлардир қулоғига чалинган бир гап ёдига тушиб, маъю кулимсиради: охири замон бўлади. Охири замонда яланғоч аёлу эркак аралаш-қуралаш юраверади.

Ҳовур уфураётган мармар майдон адоғида Севаргул бирдам тўхтади. Тўбора қизи ҳақидаги, ўч олиш ҳақидаги турфа фикрлар шуурида ғужғон ўйнаганча, кўксиди куйдиргувчи бир оғриқни сезган кўйи, рўнарасидаги дорихонага ўйчан тикилди. Шунда ногоҳ кўнглидан бошқа бир фикр кечдию, беихтиёр дорихона томон юрди: дори олади — уйқу дори!.. Беғалва... беиснод — ҳеч кимса эрта бир кун қизига таъна тошқини отолмайди. Ёпирай, шу пайтгача шуни ўйлаб кўрмаган-а!.. Доригар жувон таниш — Назираинг ҳамшаҳар дугонаси. Агар... онаси учун зарур бўлиб қолганлигини айтса, йўқ демас, қайтага зўрроғидан топиб берар.

Хиёл фурсатдан сўнг Севаргул ботиний мамнунлиги билан дорихонадан чиқди: яхши бўлди. Энди ҳеч ким, ҳеч нима қароридан қайтаролмайди. Асли ўша қаро тонгдаёқ ўлиши... ўзини ўлдириши керак экан!

Севаргул қачонлардир кечирилмас бир гуноҳ қилиб қўйганлигини теран англаб, ниҳоят ундан фориг бўлаётган каби енгилгина энтикиб қўйди: ажаб, ўшанда ору номуси, орзую ҳаваслари буткул поймол бўлганлигини фаҳмлаган-у, лекин илло юракда доғу ҳасрат билан яшаёлмаслигига ақли етмаган-а! Аттанг, ўшандаёқ бу ёруғ оламдан, бу ширин ҳаётдан кўз юмиши лозим экан. Шундай қилганида, отаси албатта ҳали ҳануз яшаган бўларди. Эсиз отагинаси-я!.. Ҳаммасига — шармандаларча алданганига ҳам, отасининг бевақт ўлимига ҳам ўзи... фақат ўзи айбдор. Ана энди кеч бўлса ҳамки, айбини ювиши — юракдаги доғу ҳасратдан тозариши даркор. Бунинг учун бошидан ерғи

тўкиб, товонидан олов бериши — жасади ўтда гуруллаб ёнмоғи кераг-у, лекин начора!.. Беиснод кетгани маъқулга ўхшаяпти. Ҳозир уйга борадию, биратўлаои уйқудорининг ўналасини ҳам ичиб... ухлаб қолади.

Бахтигул эртақ тинглаётиб, аллақачон ухлаб қолган эди, гўё кўкрак эмаётгандек тамшаниб, уйқусида қиқирлаб кулди.

Севаргул қизига майин жилмайиб қараб қўйди.

Жимжит хона ичра сутранг бир сукунат кезаётгандек эди.

Севаргул ниҳоят соқовлик азобидан қутулиб, бурро-бурро гапириб юборганиданми ёки эртанги куни бугунидан янаям яхшироқ бўлажагига кўнглида умид нишоналари учқунланаётганигами... хийла хушқол эди. Узала тушиб ётаркан, уйқудори — заҳри қотилнинг устма-уст ўнтасини ичганидан кейин, хийла фурсат ўтгач, тобора жисму жонини таҳликали бир карахтлиқ ўз домига торта-торта, қовоқлари лаҳза сайин оғирлаша-оғирлаша, ахийри шамдек қотиб қолганлигини эслади. Ва негадир боягина тушида дор чиғиригидан қулаб тушаётганида қўрққанидагидек юраги шув этиб кетди: агар ўлим уйқусидан уйғонмаганида, нималар бўларини тасаввурига сиғдиролмай, маҳзун назар билан қизига қараб қўяркан, ўшанда — беомон интиқом туйғуси сўқиру басир қилиб қўйганда — лоақал нуридийдаси эрта бир кун иснодга қолиши мумкинлигини ўйлаб кўрмаганига дилида афсус-надомат ҳиссини туйди: ўзини бадбахтликдан қутқаришнинг ночор усулини ўйлаб топибдию, аммо қизгинасини бир умр бахтиқароликка маҳкум этмоқчи бўлаётганлигини ҳатто хаёлига ҳам келтиролмабди. Ҳаҳ хом сут эмган нодон банда-я!

Тагин кўнглини бўзранг бир ҳасрат чулғаб, касалхонанинг чоғроққина палатасида алаҳлаб ётганини эслади: ё тавба, ўлолмай қолганига қанчалар пушаймон чеккан эди ўшанда!.. Тинмай уйқу босиб келаверар, лекин хиёл мудрар-мудрамас, ўз тобути устида ўзи уввос солиб бўзлаётгандек, чўчиб уйғониб кетар эди... Бир оқшом чоғи иситмай оташ исканжасида ўртаниб ётганида, У мўлтирабгина кириб борган, Севаргул эса, йўқол кўзимдан, деб қувган эди: агар эндиам тинч қўймасанг, ҳаммасини судга бориб айтман!..

Хўш, судга нимани айтади — ўзининг алданганлигини ёки ҳаром-ҳариш йўллар билан топилган пулга унинг ҳовли олиб бериб қўйганлигини? Ахир, бу ҳовли ўзининг бадном қилинганлиги эвазига берилган инъомдан бошқа ҳеч нарса эмас-ку?! Агар шуни айтса, оққина товуқнинг ҳолига тушиб, баттар ўзи шармисор бўлади... Ҳамма бало шундаки, арзу додини бировга айтолмайди.

Аммо, жуда нодон эканки, шунча можаро, шунча кулфатдан кейин ҳам унинг марҳаматига учди — текин йўлланмаю мўмайгина пулни олиб, денгиз саёҳатига жўнади.

Ахир, нима учун яна унинг тузоғига бўйинни суқди — чилпарчин муносабатларни қайтадан тиклаш учунми?.. У-ку шуни истаган, шу илинжда марҳамат кўрсатган эди. Наҳотки, унинг ҳийласини тушунмаган бўлса-я?! Тушунган... тушунган эди-ю, лекин барибир тан олиши керак, — аввал-бошдан заифона таманинг қурбони бўлиб келяпти, — у гал эса тамагирлигидан ташқари кўнгилчанлиги ҳам панд берди: Шавкат Исломовичнинг оталарча хайрихоҳлигига нисбатан ношукрлик қилгиси келмади. Кейин, ўшанда Шавкат Исломович тағин бир яхши гап айтган эди: ўтирган — бўйра, юрган — дарё. Менинг маслаҳатимга кўнсангиз, саёҳатга чиққанингиз дуруст, Севаргул. Ана кейин мени айтди дерсиз, саёҳат баҳонасида кўзингиз очилиб, кўнгилни бадавлат қилиб қайтасиз...

Туйқус Севаргулнинг хаёлларини тўзитиб, бедор бир куш ҳовли устидан потирлаган кўйи учиб ўтди.

Салқин шабада эсди. Тут барглари оҳиста шитирлади.

Бахтигул сутга қонган гўдак каби пишиллаб ухламоқда эди.

Севаргул қизининг устини енгилгина ёпиб қўйди. Сўнг, рост, деб ўйлади: саёҳатдан кўнгил кўзи очилиб қайтгани рост. Одамларни кўрди, билди, англади... Назарида, — айни чоғда буни янаям теранроқ ҳис қилипти, — бир эмас, нақ икки марта ажал чангалидан омон қолгани учунми, ҳаётга ташна... ташнадек. Қолаверса, буёғида аввало қизи учун яшаши, қизининг келажаги учун қайгуриши керак... Эҳтимол, қишлоққа кўчишга тўғри келар: анави ярамас, исқоти тағин ҳовли теварагида ўралашяпти, пайт пойлаб яна ўғри мушукдек кириб келса!.. Билмади-да, асли

ўшандаёқ Шавкат Исломовичга узр-маъзур айтиб, унинг марҳаматига тупуриш керак экан...

Қўққис маҳобатли гиштин бино тарафдаги майдондан тапир-тупур оёқ товушлари эшитилди — кимдир жонҳоври қўрқиб қочмоқда эди шекилли. Хиёл фурсат ўтар-ўтмас бир қизнинг:

— Ва-а-ай! Ойижо-он! — деб чинқиргани тун сукунани тилкалаб юборди. — Ёрдам беринглар?!

Севаргул бирдан кўчага отилиб чуққудек қоматини тиклади, лекин юрагида бир уюшиқни сезиб, тек қотди: хотин боши билан қўлидан нимаям келарди? Боз устига нимжон бўлса.

— Одамла-а-ар! Улди-и-им!!

Кейин, ноҳос қудуққа тушиб кетгандек, қизнинг уни ўчди.

Тобора бир хавотир кўнглида зўрайиб бораётганини ҳис этиб, Севаргул қизига ўгирилиб қаради: Бахтигул уйқусида қўрққанми — ғужанакланиб ётарди.

Севаргул чойшабни қизининг кифтига довур тортиб қўйди.

Шу аснода муюлишдан жинкўча сари елиб ўтаётган оёқ товушлари, ҳамда бир қизнинг аянчли изиллаб йиғлаётгани қулоғига чалиниб, ҳойнаҳой бечорани шилиб қўйворишди, деб ўйлади: оқшом маҳали йигити билан гулзордаги мажнунтол тагида ўтирган қизмиқан-а? Йўғ-э, у эмасдир...

Бир оз фурсат ўтар-ўтмас, оёқ товушининг аксу садоси сусая-сусая тун бағрига сингиб кетди.

Севаргул тагин тўшакка чўзилиб, пешонасию юзларини ўйчан сийпаларкан, ҳамон бемаҳалда илтижолли чинқирган боёқиш хаёлини тарк этмаган эди. Шу боисми, қулоқлари остида... раҳматли Саида Мирзаевнанинг дардқаш овози оҳиста эшитилаётгандек туюлди: ҳали гулдек жувонсиз. Қизингизга қўриқвон, ўзингизга меҳрибон бир эркак жудаям лозим, Севаржон!..

Бехос чўғ босилгандек кўкси куйишиб, Саида Мирзаевнанинг чўкиб кетганлигига ишонгиси келмай, Севаргул ғамгин уф тортди: бечорагина ўшанда жемпери билан ҳавобанд нимчасини бесабр кутиб, ғала-ғовур палубада зир титраб югургандир. Кейин... чўқаётган маҳалида нималарни ўйлаган бўлсайкин-а?..

Ўзи эса яккаш Бахтигулини ўйлаган эди.

Веихтиёр Севаргулнинг кўз ўнгида яна даҳшатли манзара аниқ-тиниқ намоён бўлди: ана, гўё учиб бораётиб сувга бемажол қулаб тушган қушлардек, одам-

лар донгизда жонҳоври тапирлаб сузишяпти... Сув сатҳини қопқора мойдек нимадир қоплаб олган. Кимдир боласини бўзлаб чақирмоқда... Тоғдек қорайиб турган кема чироқларининг нурлари бир-бири билан кесишиб, сув юзида бетиним изғишади... Ҳув нарида бир кампир қўлларини ҳавода мадорсиз тўллаган кўйи фарёд чекаяпти... Севаргул сузишни билмас, қўл-оёқларини бетиним типирлатавериб, қолдан тоя бошлаган эди. Ана, ёнида бир эркак пайдо бўлди. У негадир пишқираяпти... Беихтиёр Севаргул эркак томон суза бошлади. Аммо, нечундир эркак ваҳимага тушиб, нима биландир бошига урди. Севаргул ҳушдан кетаркан, бир зум кўзларига қизининг нигоҳлари чақнаб кўрингандек бўлди. Кейин...

...Кейин, «Соҳил» меҳмонхонасида кўзларини очди: ҳаммаёқ ёп-ёруғ, одамларнинг узук-юлуқ овозлари, кимларнингдир инграгани эшитилади. Назарида, боши хумдек шишиб, ичига... алланимадир жойлаб қўйилгандек эди. Кўзлари тиниб, қулоғи тинимсиз шанғиллаганча, секин қоматини тиклади. Ёнверига беҳол кўз югуртирди: атроф-теварақда каравотлар... Одамлар оппоқ чойшабларга ўраниб ётишибди... Қўллари оппоқ дока билан танғилган бир аёл каравотда ўтириб йиғлаяпти... Оппоқ қалпоқчали ҳамширалар у ёқдан-бу ёққа зир югуришмоқда... Ойнабанд эшик олдидаги кенг майдончада оқ халатли аёллар, кишилар айқашиб-уйқашиб кўзга чалинадилар.

Севаргул зирқираб оғриётган чап қулоғи орқасига аста қўлини узатди: озроқ пахта қўйиб, елимшак боғич билан ёпиштирилган экан. Секин босиб кўрган эди, бирдан кўз олди хиралашиб, қулоқлари остида тағил сувнинг ваҳшатли шалоплаши, одамларнинг қий-чув сурони эшитилаётгандек бўлдию, ҳушдан кетаётган мисоли мажолсиз каравотга чўзилди...

Уша пайтда Севаргул нималар рўй бераётганини дурустроқ англаб-англаёлмаган, буларнинг ҳаммасини кеча... йўқ, уч-тўрт кундан бери лаҳзама-лаҳза эслаб, энди гоҳ таассуфга, гоҳо даҳшатга тушиб ўртаняпти.

...Бир пайт, Севаргулнинг ёнига кўзойнак таққан, ўрта ёшлардаги дўмбоқчина аёл келиб, алланималар дея узоқ гапирди. Лекин Севаргул унинг гапларини энгширолмади. Унга нимадир демоқчи бўлган эди, оғзидан галати хишиллаган товуш чиқди. Бундан баттар ваҳимага тушиб, янаям мунғайди. Кейин гапирмай қўйди.

Дўмбоққина доктор аёл ортига бурилиб, шарпадек узоқлашди. Хиёлдан сўнг у қирқ беш ёшлардаги басавлат бир кишини бошлаб келди. Унинг кўзлари мотамсаро қизарган, юзлари сўлгин, соқоли кумушранг, сочлари эса оппоқ оқариб кетган эди.

Мана, Севаргул ўша гап-сўзларни энди эсларкан, беихтиёр юраги сирқираб оғрияпти: салобатли кишининг яқиндагина ўрта мактабни битирган ўгли ёнида экан, денгизга чўкиб кетибди. Ғам еманг, синглим, деб таскин берган эди салобатли киши, доктор опангиз айтяптиларки, тез орада тузалиб кетармишсиз. Сизни обдан текширишганмиш... Қаттиқ қўрққанингиз учун тилингиз тутилиб, овозингиз чиқмаётганмиш. Кейинчалик албатта яна аввалгидек гапирадиган бўлармишсиз... Сингилжон, мен ўғлимдан айрилдим. Бундан кўра қўл-оёғимдан айрилсам бўлмасмиди! Ғам еманг, сингилжон!..

Эртаси эди шекилли, Севаргул бир парча қоғозга исми шарифию тураржойини амал-тақал ёзиб бергач, талайгина кийим-кечак келтиришди: шиппак, чиройли туфли, ажойиб этикча... Ҳар хил кўйлақлар, плаш, пальто... ҳамда қўлига аллақанча пул тутқазिशди.

Кейин, тушга яқин махсус самолётда сайёҳларга қўшиб, Тошкентга кузатиб қўйишди. У ёқдан эса дарҳол бир ҳамшира ҳамроҳлигида Бухорога учган эди...

Севаргул қулоғи орқасидаги аллақачон битаёзган жароҳатини аста пайпаслаб кўрди: оғриқ... у қадар сезилмаётгандек эди.

Ажаб, кўзи очилди, лекин жуда кеч очилди. Шу пайтга довур ҳаётнинг қилич тиғидек дор симида сўқир кўз билан юрган экан. Чигириғидан эса устмас-уст бир неча бор ёмон қулади.

Аммо, бирдан кўзи очилган одамнинг чопқиллаб юриб кетмоғи кўп мушкул экан: боши айланаётгандек, кўзлари тинаётгандек...

Дарвоқе, ўйлаб қараса, раҳматли Саида Мирзаевнанинг маслаҳати чакки эмас: қизига бир қўриқвон лозим. Шубҳасиз...

Бироқ, отаси қилолмаган қўриқвонликни етти ёт эдам — бегона эркак... Йў-ў-ўқ, қизи бўй етиб келяпти. Ҳар жиҳатдан қишлоққа кўчгани маъқул шекилли. Укаси тирсакламас. Ахир, бир қориндан таллашиб тушган жигари-ку!..

Ишқилиб, ҳаётда ўзи кўрмаган... кўролмаган роҳат-фароғатларни нуридийдаси кўрса бўлгани,

Қаердадир бир ит мудроқланиб вовуллади. Бир оздан сўнг яна жимиб қолди.

Намхушгина куз шабадаси эсмоқда эди.

Севаргул жунжиккандек бўлиб, устига чойшабни тортди.

Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ, деб ўйлади сўнг Севаргул, беихтиёр орзиқиш билан энтикиб: ёруғ кунларинг ҳали олдинда, Севар.

Олам опойдин — фалакнинг аллақайси буржиги етган тўлиной борлиққа мўл-кўл нур сочар, юлдузлар эса янаям чақнаб, бағрига чорлаётган каби сирли жавдирамоқда эди.

1987 йил

Ҳикоялар



БАЙРАМ

— Ғайратжон, ёшлигимиздаги байрамлар ёдингдами, ука? Қандай ажойиб байрамлар ёдй-я?!

— Ёшлигимизда байрамлар ташвиши билан яшаганмиз-да, ака. Энди эса ташвишларнинг ўзи билан яшайпмиз! рўзгор ташвиши, ишхона ташвиши, эртанги тўйлар ташвиши... Э, санай-версам жуда кўп, ака!

Укажон, ушбу ҳикоямни сенга бағишлайман

Такси шитоб жойидан жилиб, машиналар оқимига қўшилиб кетганидан сўнг, Собир ўриндиққа ясланаркан, елкасидан тоғ ағдарилгандек, анча ўзини енгил ҳис этди; эрталабдан бери самолётга улгурар-улгуролмаслигини ўйлаб, хийла талвасага тушган бўлса ҳам, мана энди мутлақо хотиржамдек эди: беш соат, узоғи билан олти соатдан кейин уйда бўлади. Хотини, болалари кутмаган пайтда кириб боради. Аслида бу қадар қисқа фурсатга — атиги уч кунга шундан шу ёққа бормоқчи эмас эди-ку, лекин... эртадан кейин байрам. Қарийб икки ойдан бери телефон орқали уч-тўрт марта узуқ-юлуқ гаплашганини демаса, болаларини кўргани йўқ, жуда соғинган. Агар байрам баҳона бугун бормаса, яна роса икки ой кўролмайти, шунинг учун ҳам боргани маъқул. Бурса — байрам устига байрам — болалари суюниб яйрайди: о-о, нуридийдаларингизнинг севинчидан яйраб-яшнаб кетишини кўриш — нақадар яхши, нақадар ҳузурбахш! Бунга етар хазинаю давлат қани, қайда бор?!

Аммо, зирқираган бир оғриққа ўхшаш гашлик тинмай жисму жонида қайноқ қон каби беором кезяпти. Бу бедаво оғриқнинг қачон илашганини ҳам, нима учун илашганини ҳам яхши билади. Яхши билади-ю, лекин негадир оғриқ боисини тан олишни истамай, кажбаҳс хаёлларини чалғитиб, умидворлик билан, аҳтимол сафар ташвишларининг оқибатидир, ҳадемай ўтиб кетар, деб ўзини ишонтиргиси келади.

Собир тезлик милига тикилиб қаради: 80. Агар ҳайдовчи тезликни сусайтормаса, аэропортга салкам бирор соатларда етиб бориш мумкинлигини чамалаб:

— Ун бирдан кечикмаймизми? — деб сўради шофердан.

Ёши элликни оралаган, бeрoқ қoшли, сaрғиш шoфeр мaшинa сoатигa кўз қириши тaшлaб:

— Улгурасизлар,— дeди.

Дeмaк, бeтoқaтлaнмaсaям бўлaвeрaди. Сaмoлёт ҳaллaмaй учсa, тaхминaн мaҳaллий вaқт билaн кeчкi сaккиз яримлaрдa мaнзилгa қўнaди. Яхши бўлди: айни бoлaлaри тeлeвизoрни қуршaб ўтиргaн чoғдa хaндoн-хушoн кириб бoрaди.

Сoбир бeихтиёр мийғидa кулимсирaди: тoпгaн гaпини қaрaнг, хaндoн-хушoнмиш-а! Ўзи-ку дил гaшлигигa дaвo тoпoлмaй, тoбoрa чингсиб бoрaпти... Ўтиб кeтaр-э!..

Ҳaр қaлaй, тaксигa тушгaни чaкки бўлмaди: aэpoпoртгa кeчикмaйди. Лeкин, фaлoн сўм тўлaб, тaксидa бoрмoқчи эмaс эди-ку, биқинигa «Длa aвиaпaсa-жирoв» дeб ёзиб қўйилгaн кaттa aвтoбуснинг ҳaйдoвчиси жудa қaйсaр oдaм экaн: бўш жoй қoлмaди, нимa eлкaмдa oлиб кeтaмaнми сeни, дeб кўнмaди. Сoбир, сaмoлётгa кeчикaётгaнлигини aйтиб, ўртaдa тик туриб бoришгaям рoзимaн, дeгaн эди, у, қўл силтaб, oтстaнь пoжaлуистa, здeсь тeбe нe дeрeвня, дeб тeскaри ўтирилиб oлди.

Кейин, Сoбир гaнгиб-гaрaнгсиб тургaн пaйтдa, қўнғиртoб сoчлaри жингaлa қизчaни eтaклaгaн, эллик ёшлaрдaги бир aёл иймaнибгинa яқинлaшиб, тaксидa биргa кeтмaйсизми, кирa ҳaқини иккoвлaшиб тўлaймиз, дeди.

Сoбир дaррoв aёлнинг қўлидaн oғир сумкaни oлди.

Хуллaс, мaнa ҳaр хил мaшинaлaр билaн гaвжум, рaвoн йўллaрдaн тaксидa aэpoпoрт сaри eлиб бoриш-япти. Бир-биридaн бaлaнд, бири-биридaн сeрҳaшaм бинoлaр oрқaдa қoлиб кeтмoқдa.

Сoбир ясaн-тусaн oдaмлaр билaн тирбaнд кўчaлaрдaги бaйрaмoнa бeзaклaргa хoмуш тикилгaн кўйи, oғриқ бoшлaнгaн зaмoну мaкoндaн лaҳзa сaйин узoқлaшгaн сaри, бoру бoрлигини чирмaгaн бeдaд зирқирoқ ҳaм тoбoрa зўрaяётгaнини сeзмoқдa эди... Ҳaммaдaн, ҳaммa нaрсaдaн қoчиб қутулиш мумкин-у, лeкин oдaмзoднинг ўз-ўзидaн қoчиб қутулoлмaслиги рoст экaн, дeб ўйлaди: тaвбa, oғриқ aзoбгa aйлaнaяпти-ку! Нимa қилсaйкин-а?..

Қизикки, aжaбтoвур бу oғриқнинг қaчoн бoшлaнгaнини ҳaм, унинг бoисини ҳaм яхши билaди. Фaқaт, нeгaдир oшкoрa тaн oлишни истaмaйди. Тaн oлсa —

тамом — назарида, бутунлай шармандаи шармисор бўладигандек эди.

Аммо-лекин, таксига чиққани дуруст бўлган экан, гарчи шофер, галқон капалагандек, ҳамон чурқ этмай ўтирган бўлса ҳам, аёлнинг қизчаси,— аёлнинг ёши ўтиб қолган кўринади, балки неварасидир,— тинмай вижир-вижир гапириб, бот-бот Собирнинг эзгин хаёлларини тўзғитиб келяпти.

Ана, тагин қизча чуғурлаб:

— Нимага метронинг поезди ер тагидан юради? — деб сўради.

Аёл бардоши тугаган каби:

— Уф-ф! — деди тажангланиб. — Ер юзига одам сизмаётганлигини кўрмаяпсанми?.. Энди бирпас жим ўтиргин, қизим.

Шу пайт қора бир «Чайка» такси ёнидан елиб ўтди.

— Вуй-й! — деди қизча. — Анавинга қаранг, Қизил майдонда кўрганимиздақа машина!

— «Чайка» у, — деди аёл. — Ухла энди, қизалогим, ухласанг-чи?!

Қизча жим қолиши билан, бирдан ичкарига сукунат ёпирилди.

Собир орқага ўгирилиб:

— Қўйинг, гапираверсин, кейин самолётда ухлаёлмайди, — деди.

Негадир қизча ҳадиксираган янглиғ секин аёлнинг пинжигига тиқилди. Қизчанинг сочлари қўнғиртоб, кўзлари қопқора эди.

Собир аёлнинг малларанг сочларига, кўкимтир кўзларига синчков бир назар билан разм соларкан, саволчан оҳангда:

— Қизчангиз... чиройли экан, — деди.

— Бир ҳафтадан бери мен билан юравериб, жуда верикди, — деди аёл. — Тонгда турганмиз, тўйиб ухлаёлгани йўқ.

Собир аёлнинг юз-кўзларидаги ҳасратли бир сўлтинликка эътибор бериб, яна ўсмоқчилади:

— Бувисига қолдириб чиқсангиз бўлмасмиди?

— Мен ҳам бувисиман. Қизимнинг қизи. Отаси озарбайжонлик. У бувиси Бокуда яшайди, — деди аёл. — Ойисиям, адасиям кунбўйи ишда. Болани вақтида боғчага олиб бориб, олиб келадиган одам йўқ уйда.

— Ҳозир Бокуга ўчмоқчимисизлар?

— Йўқ. Владивостокка.

Ниҳоят, Собир қатъий бир қарорга келиб, хиёл таскин топгандек бўлди.

Худди шу пайтда шофер негадир тезликни кескин пасайтирди. Собир қаддини тиклаб, унга ажабланиб қаради: у, бароқ қошларини чимириб, қандайдир надоматли бир назар билан, йўл бўйига тикилиб ўтирарди. Собир ўша томонга ўгириларкан, бехос нимадир кўксини куйиштиргандек, ихраб юборди: ҳаворанг бир «Волга» симёғочга тумшуги билан қадалиб турар, олдинги ойнаси тутдек тўкилган, қопқоғи эса қайрилиб-мажақланиб кетган эди. Қийшайиб қолган симёғочдан сал нарида иккита милиционер чўнқайиб, нималарнидир ёзиб-чизмоқда эди.

Зумда ҳаворанг «Волга» орқада қолиб кетди.

Собир, фалокат сабабларини ўзича тахминлаб:

— Шофери ухлаб қолган бўлса керак, — деди таксичига.

Таксичи хушлар-хушламас жавоб бериб:

— Балки, — деб, тезгина пешонаси ҳамда юзларини сийпалаб қўйди.

Собир тагин ўсмоқчилаб:

— Ёки тормози бузилиб қолганмикан-а? — деди.

Негадир шофер ундан ранжиганга ўхшарди, тумшайиб:

— Б-бўлиши мумкин, — дея тўнғиллади. Ва машинага енгилгина тормоз уриб, унинг бехато ишлаётганига ишонч ҳосил қилгач, илкис рулни ҳам у ён-бу ён буриб кўрди.

Аёл, ухлаб ётган неварасининг кифтидан қучганча, анчадан бери мудрамоқда эди, машина икки бор кескинроқ чайқалганда ҳам, пинагини бузмади.

Собир, энди шофернинг узоқ вақт — то анави фалокат ёдидан чиққунига довури ҳушёр юражагини дилида қайд этиб, мийингида кулиб қўйди.

Чиндан ҳам, машина икки ёни кўркам қайинлар, ям-яшил арчалару япроқлари тилларанг дарахтлар билан қуршалган равон йўлнинг ўртасидан энди секин физиллаб бормоқда эди.

Ҳаял ўтмай, аэропорт тарафдан самолётларнинг гуруллаган товуши баралла эшитила бошлади.

Собир беихтиёр ички бир ҳаяжон билан боягина кўнглидан кечирган қарорини эслаб, кўкка умидвор назар ташлади: осмонда кеч кузакнинг паға-паға, қорамтир-кўкиш булутлари кезиб юрар, ҳавода эса барғихазон иси аралаш ёмғир ҳиди анқимоқда эди.

Салдан сўнг такси ҳар хил машиналару безовта-бе-тоқат йўловчилар билан тўлиб-тошган майдон чеккаси-да тўхтади.

— К-кечикмадингизлар,— деб шофер соатга иш-ра қилди.— Ана, кўриб қўйинг.

Вақт чоракта кам ўн бир бўлган эди.

Кира ҳақини тўлаётиб, Собир, ўзи учун муҳим бир нимагадир эришган каби, хуштакаллуфлик билан шо-ферга раҳмат айтди. Шофер индамади. Кейин, аёлга, гўё у унутилмас яхшилик қилгандек, астойдил миннат-дорчилик билдирди. Негадир аёл қизариб кетди... Уй-қуга қонмаган қизча эса инжиқланиб, бувисининг оёғига суйкалган кўйи гингшимоқда эди, Собир унинг бошини силаб, сочларини тўзғитди. Сўнг, шофер узат-ган қайтимни олмай, эртадан кейин бўладиган байрам-ни... албатта байрамдек ўтказажағини ўйлади.

Ва ўша заҳоти кўнглида бир маъюсликни ҳис этиб, рўпарадаги ҳашаматли, гавжум бино томон секин юраркан, яна беихтиёр хомуш тортди: минг афсуски, дийдорига муштоқ ота-онаси ҳузурига бу байрамда кириб б о р о л м а й д и — масаланинг молиявий томо-нидан ташқари, вақт жиҳати ҳам мушкул бир муам-молигача қолмоқда. Кейин, хотин жонивор ҳам олис қишлоқ сафарига шайланиб турмагандир... Шунақа, аввал ўзингга боқ, кейин ногора қоқ, мулла йигит. Отасининг қазосидан сўнг, орадан уч кун ўтар-ўтмас, шошилич уйига қайтаётган анави аёл устидан кула-япсан-а! У, ҳарқалай, борипти-ку, ахир.

Собир аллатовур гангиган сиёқда ғалағовур бино ичкарисига кириб, дафъатан бесаранжом йўловчилар оқимига қўшилиб-қорилиб кетолмай, бир чеккада ўй-чан туриб қолди.

ХАВОТИР

Ул ҳушида ўқшаб қарақтга,
Тушларида яшайди нотинч.

Тилак Жўра

...қизил, катта, лекин нимдошгина кўрпа остида — ўзи, ёнида... хотини — қулала бўлиб ётибди. Атрофда тишлари иршайган, йўлбарсифат итлар. Улар кўп эмас, уч-тўртта. Аммо, бир ҳамлада кекирдакни узгудек ғажурлик билан дам-бадам ҳуришмоқда... Камарига тўппонча таққан беш-тўрт немис офицери бир-бирига ғолибона қараб, мамнун хахолаб кулади... Ун беш қадамча наридаги жарлик бўйида йўл-йўл матодан кўйлак-иштон кийган, маймунбашара, абгору афтодаҳол маҳбуслар. Улар тош ташишяпти!..

Ёпирай, ухлаяптими ёки кино кўряптими?! Уйқуга ётишдан аввал кино томоша қилгани йўқ эди-ку... Қизиқ, нега увада кўрпа тушига кирдийкин?..

Даврон кўзларини очмай, оппоқ жилд кийдирилган бахмал кўрпани пайпаслади. Кейин, яна хаёли чалғиди.

...тишлари иршайган итлар... тўппонча таққан немис сипоҳилари... абгору афтодаҳол маҳбуслар... жарлик — т а в б а! Булар ниманинг аломати экан-а? Ақлдан озаяптими-ё?... Худо сақласин-э!.. Ухлаш керак. Ухлаш... тошдай қотиб ухлаш керак.

Даврон асабий ўгирилиб ётди. Салдан сўнг, назарида, қаттиқ ухлаб қолгандек ҳис этди ўзини.

Аммо, на ухлоғу на уйғоқ бир ҳолатда эди.

...самолёт намунача қалтираяпти — қалин булутлар қатламига кириб қолди шекилли... Ажаб, Аминжон Файзиевич муглақо ичмайдиган бўпти. Яхши. Лекин... ўзи ҳам ичмаслиги керак эди, бекор ичди. Афсус... Мана энди кўнгли айниаяпти. Агар самолётда бирдан қайт қилворса!.. Ий-э, самолёт қачон қўнди?! Жудаям таниш-ку бу такси бекати. Демак, манзилга омон-эсон етиб келибди. Энди гандиракламай юриш керак. Гандиракламай!..

— Қалла пишдими, хўжайин! — деб хотини устидан кўрпани тортди. — Туринг. Ишга кеч қоласиз.

Даврон ухлаган-ухламаганлигини билолмай, кўнгида алланечук бир ғашлик билан, хушлар-хушламас кўзини очди: хотини аллақачон пардоз-андозга ҳам улгурибди... Дераза ортида осмон бўзариб кўринар, ҳовлидаги теракнинг қонталаш барглари бетиним титраб, кузак шамолида маҳзун шовулламоқда эди.

— Менга қара, кеча... Бухородан қачон учиб келдим?

Илкис хотини анграиб тикилди, сўнг чимирилиб:

— Эсингиз жойидами ўзи!— деди.

Даврон пешонаси тиришган кўйи, каравотда оёқларини осилтириб:

— Беҳазил сўраяпман?— деди.

— Бошимни қотирманг,— деди хотини.— Ишга эртарақ кетишим керак. Кеча етти минут кечикканман. Бугун яна кечиксам... Марказдан комиссия келганмиш, балога қолмайин тагин.

— Болалар мактабга кетишдими?

— Аллақачон!— деди хотини.— Хаёл суриб ўтираврманг, ишингизга кечикасиз. Марказдан келган комиссия балки сизларнинг ҳам идорани текширар.

Даврон, миясида бамисоли туман, қуюқ туман орасида гўё ўзи саргардон кезаётгандек туюлаётганлигини ўйлаб, ўрнидан турди. Бир муддат дераза ёнида серрайиб, ташқарига хаёлчан тикилганча, тек қотди: демак!.. Нега бунақа бўляпти-а? Тавба, мутлақо ухламанганга ўхшайди-я!..

Хотини тўшакни йиғиштираётди:

— Боринг, тезроқ ювиниб чиқинг,— деди.— Машинангизда мениям олиб кетарсиз.

Даврон хўмрайibroқ хотинига қараб қўйди. Кейин, хомуш юриб, ҳаммомчага ўтди. Соқолини ҳўллаётди, қаншарида э зиғирдек жароҳатни кўрди. Беихтиёр таажжубланаркан, хаёлида ғаройиб бир манзара аниқ-тиниқ намоён бўла бошлади: такси бекати. Йўловчилар қатор тизилишиб, навбатда туришибди. Бўш таксилар елиб келиб, зумда йўловчилар билан тўлгач, яна елиб кетяпти... Ҳаммаёқ ёпёруғ... Самолётларнинг дам-бадам гуруллаб қўниб, гуруллаб кўтарилаётган товуши баралла эшитилмоқда...

Даврон ғамгин бир ўйчанлик билан соқолини қиртишлаб оларкан, тобора хаёлида равшан гавдаланаётган ажабтовур манзаралардан мутаассирланибми, бирдан кўзлари каттариб кетди: ана, ўзи қўлтиғига сумкасини қисиб, хиёл гандираклаганча, таксига яқин-

лашяпти. Негадир таксичи ҳадикли бир нигоҳ ташлаб, саросар таксини юргизди. Ва, ўн қадамлар нарида шартта бошқа йўловчиларни миндириб, елдириб кетди. Орадан ҳаял-замон ўтмай, орқадан яна бир такси келиб тўхтади. Ана, тагин сал чайқалиб, таксига яқинлаша бошлади. Аммо, йўл варақасига ниманидир қайд қилдириш учун бекаат чеккасидаги ойнаванд уйча томон бораётган мўйловли таксичи кескин ўгирилиб, овора бўлманг, барибир сизни олиб кетмайман, деди. Даврон базўр тили гапга айланиб, нима учун мени олиб кетмайсиз, деди. Таксичи қўл силтаб, ахир мастсиз-ку, ока, деди, тезроқ бурнингиз устидаги қонни артинг, мелиса келяпти...

Даврон қаншаридаги зиғирдеккина жароҳатни оҳиста сийпаларкан, лабларини ўйчан чўччайтирди: ажаб, қачон бундай бўптикан? Рўмолчани кўриш керак. Агар рўмолчада қон юқи бўлса!..

Шу пайтда хотини сумкачасини қўлида осилтирганча, эшик рўпарасида тўхтаб:

— Сут қайнатиб қўйганман,— деди.— Сизни кутадиган бўлсам, кечикиб қоламан шекилли. Трамвайда бир амаллаб етиб оларман.

Даврон индамай, бош ирғади: тўғри қиласан.

— Ишдан қайтаётганингизда бозорга кириб, болаларга мева-чева олинг,— деди хотини.— Беш-олти кило сабзи-пиёз ҳам!..

Даврон устарага илашган совун кўпигини хаёлчанлик билан сийирмоқда эди, тагин хотинига лом-мим демади, лекин негадир кўксидан бир хўрсиниқ тошиб чиқди: уф-ф!..

* * *

Ҳаво салқин. Тобора кўкда кулранг булутлар қуюқлашяпти. Димоққа намхуш ёмғир ҳиди урилади. Ерда эса қувраган баргхазонлар бетиним-беқўним тўзғимоқда.

Даврон тор кўча муюлишида машинани катта йўлга бураётиб, соатига кўз қирини ташлади: йигирма бешта кам тўққиз. Бемалол ишга улгуриши мумкин. Аммо ҳадемай нимадир... муқаррар нохуш нимадир рўй берадигандек, кўнгли ғаш эди. Кўнгил ғашлигини алоқ-чалоқ тушлар кўрганига йўляин деса, руҳиятидаги англаширсиз бу шўриш фақат бугун эмас, аллақачонлардан бери давом этиб келяпти. Кейин ҳуши билан туши қоришиб-чатишиб кетгандек. Чунончи, боя

котини чимирилиб, эсингиз жойидами ўзи, деганидан
оўнг, ҳарчанд яқин орада чиндан ҳам Бухоро борма-
ганлигига ўзини ишонтиришга уринаётган бўлса-да,
мавжуд далиллар — қаншаридаги зигирдек
жароҳат, рўмолчадаги қон юқи, ажабто-
вур манзараларнинг узвийлиги ҳамда манти-
қийлиги барча гумону ишончини чипакка чиқариб,
куни кеча Бухородан қайтганлигини тасдиқламоқда.
Ваҳоланки, шу пайтга қадар Аркда бўлганлигини
умуман эслаёлмайди... Бироқ, пурвиқор амирлик са-
ройидаги муҳташам бинолар бир-бир кўз ўнгидан ўтиб,
изоҳатчи малла йигитнинг пойинтар-сойинтар таъриф-
тавсифи қулоқлари остида минғирлаб эшитилаётгандек
туюляпти.

...ана, улугвор Аркдаги ёзлик қабулхона!.. Кунчи-
қар тарафда баланд кўшк. Ислими гуллар ўйиб ишлан-
ган кўшк энди нурай бошлаган. Унг томонда зарбхо-
на... Пойгак бетда одам бўйи кўтарилган мрамор
девор. деворнинг икки ёнига иккита шер ҳайкали ўр-
натилган.

— Бу улкан ёзлик қабулхонага узунлиги юз йи-
гирма, эни саксон газ, оғирлиги қарийб бир ярим тон-
на келадиган қимматбаҳо гилам тўшаб қўйилган.

Даврон беихтиёр ҳайратланиб:

— Кечирасиз, — деди, изоҳатчи йигитнинг сўзини
бўлиб. — Қанча деб айтдингиз?

— Салкам бир ярим тонна, — деди малла йигит,
аллатовур бепарволик билан изоҳ беришда давом
этиб. — Деразаларининг занглаган темир панжаралари
кўриниб турган манави ерости ҳужраларда тилла тан-
галар зарб қилинган. Амир Олимхон анави кўшк ра-
вонда ўтириб, бу ерда элчиларни, хориждан келган
меҳмонларни қабул қилган. Баъзан турли солиқларни
ўз вақтида тўлаёлмаган камбағал деҳқонларни варвар-
ларча қатл қилдирган.

Даврон бу бемаъни таърифдан дилғашланиб, киноя
билан:

— Нега, вақти чоғлиқ қилиш учунми? — деди.

Аминжон Файзиевич эса аччиқ кулимсираб:

— Оғирлиги салкам бир ярим тонна келадиган ях-
лит гилам устида-я? — деди. — Уйлаб гапиряписизми,
биродар?

Малла йигит меровсирагандек қараб, эса қашиб
қўйди. Кейин, қизғинтир мрамордан ишланган маҳо-
батли шерлар ҳайкалига ишора қилган кўйи:

— Буларнинг қачон, қаердан, қандай келтирилганлиги ҳақида бизда маълумот йўқ,— деди эшик томон йўл бошлаб.— Юринглар, энди музейимизнинг Тарих бўлимига ўтамиз.

Даврон негадир тажангланмоқда эди, бўйнидан боғланган каби йигитнинг изидан нэчор эргашди.

Бир пайт, Аминжон Файзиевич малла йигитни тўхтатиб:

— Кечирасиз, биродар,— деди.— Оғирлиги қарийб бир ярим тонналик гилам ҳозир қаёққа элтиб қўйилганлигини бизга айтолмайсизми?

Малла йигит алланечук кўзларини жавдиратиб:

— Билмайман... мен билмайман,— деди.

Бирдан Аминжон Файзиевич хахолаб кулиб юборди:

— Ҳо-о, ана, билмасмиш-а!..

Даврон алланимадан мутаассирланганча, хаёлчан кулимсираб, тезликни ошираркан, ҳамон ҳайрону лол эди: ёпирай, бу не ҳол?! Хаёлида,— хаёлидами ёки хотиридамикан?..— нурланаётган манзаралар бу қадар равшан, бу қадар аниқ-тиниғ-эй! Бирор сафар чоғи Бухорода бўлганида амирлик Аркини ҳайрату ҳаяжон ичра сайр қилган-у, кейин бе қ а р о р ўйлайвергач, мана энди ўша хотиралар янги куч, янги қувват билан нурланаяптмикан? Ёки, қачон бўлса ҳам, амирлик Аркида бир ўйчан кезишни орзиқиб кўнглидан кечириб юргани учун шундай бўлаяптмикан-а?.. Йўқ, ундай деса, бу ажабтовур синоатга Аминжон Файзиевич билан анави малла йигит ҳам аралашаяпти-ку! Кейин, шуурида бутун шукуҳи, бутун жозибаси билан яшин янглиғ чақнаётган ҳар бир кўриниш, ҳар бир... сўз эса тобора юрагига титроқ соляпти... Мана, тагин...

...туш пайти бўлгани боис Тарих бўлими ҳам, Заргарлик санъати бўлими ҳам ёпиқ экан. Малла йигит ҳадемай тушлик тугашини айтиб, ёзлик Қабулхона рўпарасидаги эшик томон юрди.

Энсиз йўлакдан ўтиб, кенг-мўл майдонликка чиқдилар.

Тақир майдонлик адоғи Аркнинг шинаксимон, баланд, ғиштин деворига туташган. Девордан нарида эса барглари зағфарон дарахтлар ловуллаётган алангадек чайқалиб кўринади.

Даврон шу тобда машинасини елдириб бораётгандек эмас, ўзини худди Аркда хаёлчан кезиб юргандек ҳис этмоқда эди, беихтиёр энтикиб, ғудраниб қўйди.

— ...бу ялангликда сайсхона бўлган,— деди изоҳатчи малла йигит, майдонликни кўрсатиб.— Бунда амир Слимхоннинг сараланган Ғиркўк, Қорабайир отлари сақланган. Отларнинг ахлатию сийдиги махсус ташнов орқали обхона ҳамда регхонада ётган бандилар устига оқиб тушаверган... Обхона билан регхонани боя пастда кўрган эдик.

Тагин бирдан пешонаси тиришиб, Аминжон Файзиевич:

— Ахир, обхона билан регхона дарвоза йўлагининг бўйида-ку?!— деди.

Малла йигит паришон бош ирғаб:

— Тўғри, йўлак бўйида,— деди.

Даврон изоҳатчи йигитнинг кўзларига тик қараб:

— Фаросатсиз амир ўзи кириб чиқадиган йўлак бўйини ахлатхона қилиб қўйган эканда, а!— деди кесатиб.

Малла йигит дув қизариб, бир муддат каловланиб қолди. Хиёлдан сўнг, иштиёқсиз оҳангда:

— Шоҳидларнинг гувоҳлик беришларича, бандилар қишин-ёзин бит билан канага таланиб ётаверганлар,— деди аянчли кулимсираб.— Уша замоннинг каналари, ҳатто битлари ҳам бир сантиметрдан каттароқ бўлган экан.

— У замоннинг ярамас каналари қон сўрган-да!..— деди Аминжон Файзиевич кулиб.— Билмайсизми, биродар, ҳозирги бит билан каналар ҳам қон сўрармикан?

Малла йигит миқ этмади. Тумшайди.

— Уялинг-э!— деди Даврон, аччиқ кулимсираб.— Одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши-е!..

Малла йигит кутилмаган дашному кесатиқлардан гангиб қолган эди, яна лом-мим деёлмай, киприқларини пирпиратди.

Аминжон Файзиевич эса хафаҳол тўнғиллаб:

— Чет эллик сайёҳларга ҳам шундай деб тушунтирасизларми?— деди.

Йигит индамай бош ирғади: ҳа шундай.

— Ахир... биродар, сиз бу ёлғон-яшиғингиз билан чет эллик сайёҳлар олдида фақат кўҳна Бухорони эмас, бугунги бухороликларни ҳам шарманда қиляпсиз-ку!

— Бизга бошлиқларимиз шундай ўргатишган-да!..

— Э, тавба!— деди Даврон, ғалати бош чайқаб.— Узингизнинг каллангиз йўқми ахир?

Изоҳатчи йигит бирдан қўл силтаб, бегоҳат элади:

— Нега бунча менга тирғалаяпсизлар? Борин зингизни каттақонларимизга айтинг!

Даврон маънодор қош қоқиб:

— Ҳар қанча боққан билан чумчуқ ботмончи лолмаслигини биласизми?— деди.

— Билмайман!— деди малла йигит чимирилиб.

— Боринг, сизга жавоб,— деди Даврон.— Бизга экскурсавод керак эмас.

Малла йигит шарт ўгирилиб, шитоб девор панасига ўтдию, рўёдек кўздан ғойиб бўлди.

Хиёл жимликдан сўнг, Даврон нимагадир тааж-жублангандек:

— Менга қаранг, Аминжон Файзиевич, сиз билан бизга экскурсаводнинг нима кераги бор эди ўзи?— деди.

Аминжон Файзиевич тагин надоматли кулимсираб:

— Биз учун кечаги амирлик Аркиям бугун бами-соли бир чакалакзор-да!— деди.

Даврон ночор бош ирғаб:

— Бу бетамизларнинг тутуриқсиз, бетайин бўҳтонларидан Малика Мансуровнани албатта хабардор қилиб қўйиш керак,— деди.

— Ўв-в, биродар, қизиқ экансиз-ку!..— Аминжон Файзиевич бир зум жим қолиб, аста хўрсиниб қўйди.— Нима, сиз бундан Опани беҳабар деб ўйлаяпсизми?

— Агар яхшилаб тушунтириб қўйилса, анавиларнинг танобини тортиб қўярмикан, деб ўйлаяпман.

Аминжон Файзиевич ҳафсаласиз қўл силтаб:

— Фойдаси йўқ,— деди.— Онангни қози урса, арзингни кимга айтасан, деган гапни эшитганмисиз?..

— Балиқ бошидан сасийди, деган гапниям эшитганман.

— Яшанг!..

— Вақтимиз кўпми ҳали?

Аминжон Файзиевич соатига бир қараб олиб:

— Самолётнинг учишига яна уч соатча бор,— деди.

— Юринг, шаҳар айланамиз,— деди Даврон.— Кейин аэропорт ресторанида бирпас гурунглашамиз.

— Шошилманг, биродар, чақчақлашишга улғурамиз,— деди Аминжон Файзиевич.— Аввал лоақал Тарих бўлимини томоша қилайлик.

врон хомуш бош чайқаб:

Йўқ,— деди.— Ҳозир бизнинг туйғуларимизга, зуригимизга ёлгон аралашди. Келгуси командирам пайтида, экскурсавод ёлламай, ўзимиз томоиламиз. Маъқулми?

— Майлингиз, биродар...

Даврон ялангдик ўртасида тўхтади, ортига ўгириб, кузак шамолида беором чайқалиб тўлғанаётган улханранг дарахтларга... кўкка муштдек ўқталган Минораи калонга ўйчан термилди: негадир минора гужбазидаги улкан лайлак уяси ҳувиллаб ётарди.

— Аминжон Файзиевич, лайлак кўринмайди-ку?!

— Э, сўраманг, икки-уч йилдан бери лайлаклар келмай қўйган!..

Таажжуб, айти чоғда ҳам Аминжон Файзиевичнинг қандайдир аламзадалик билан айтган гаплари Давроннинг қулоқлари остида аксу садодек эшитилмоқда эди: бечора лайлаклар шаҳримизни сағир қилиб кетди, биродар!..

Даврон ҳазин энтикиб, лабларини қимтиди: қизиқ, нима учун лайлаклар келмаётган экан-а?

* * *

Катта чорраҳада Даврон негадир рулни чапга бурди. Бурдию беихтиёр ажабланди: ахир, ўннга буриши керак эди-ку?! Ишхона бу ёқда эмас...

У, биринчи муюлишдаёқ ортига қайтишни ўйлади, лекин ўша заҳоти бу фикридан воз кечди: майли, с а в қ и т а б и и й с и г а эргашиб бораверсин-чи. Қани, қаергача элтаркин.

Даврон тобора кўнгил ғашлиги кучаяётганлигини сизди; демак, тушида кўрганлари — туш эмас. Демак, Бухорога борганки, ниманингдир таҳликасида йўлни бу томонга бурди. Ахир, шу тобда йўлни, ихтиёрими-беихтиёрми — барибир, бу ёққа буриши бежиз эмасдир.

Қўққис Даврон хотинининг ваҳимали гап-сўзларини эслади: Марказдан келган комиссия вакиллари шаҳардаги ҳамма ишхоналарни текшириб юрганмиш!..

Текширса — текширар, деб ўйлади у: бугун ишга кечиккани учун бирор узрли баҳона тўқиб, қутулиб кетар. Аммо, изидан ишхонага милициянинг анавинақа қоғози борса, бошига Бердиқулнинг куни тушиши мумкин. Унинг орқасидан ишхонага хат борганида, бечоранинг ишдан урилиб кетишига сал қолди: эллик

сўм жарима тўлади; мукофотдан маҳрум бўлди; гахтага суратини осиб қўйишди, хуллас — баз тулиб қолди.

Даврон, кашандалик хумори тутиб, сигарет таркан, бирдан кўзларига қоронғи бир ҳужрача.. мир каравот... кўриниб кетгандек бўлди: ҳозир гандан кейин, албатта у ердаги каравостини кўриш керак! Кўнглининг бу қадагаш тортаётгани бежиз эмас экан. Бухорога борганиям рост, аэропорт ёнидаги такси бекатида милиционернинг қўлига тушганиям рост!..

Яна хаёлида равшан гавдаланаётган манзара: сумкасини қўлтиғига қисиб олган ўзини ҳамда бамайлихотир яқинлашиб келаётган новча, қорапаранг бир милиционер йигитни кўриб, Даврон енгилгина сесканиб қўйди, ..ана, қорапаранг йигит мағнодор қош қоқиб аттангамо бош чайқади:

— Нима бўлди?

— С-салом,— деди Даврон.

— Ичибсиз-ку, тақсир,— деди йигит.— Ким билан мушшлашдингиз?

— Ҳеч ким билан.

— Хурмачангизга сиққанча ичсангиз бўлмасмиди?

— Ҳақорат қилманг-да, ака!

— Ҳақорат?!— деди милиционер йигит, сўнг таксига навбатда турган йўловчилар томон ўгирилиб, ўжтам овозда сўради: — Қайси бирингни хафа қилди бу... зўравон?

Дўппи кийган навқирон йигит:

— У киши ҳеч кимни хафа қилганлари йўқ, ако,— деди.— Иложи бўлса, бирор таксида ўйларига жўнатиб йиборинг, ако?

— Што сиз?!— деди бир аёл, дўппи кийган йигитга олайиб.— Шўтта справидливос йўқ. Бутун мамлакат ароқхўрликка қарши курашотти. Ичиптими — пусть, жазосини тортсин!

— Ҳай-ҳай, синглим!— деди бўйнига ёқабогич таққан бир киши, илкис аёлга юзланиб.— Яхши эмас. У йигит ичган бўлса ичгандир, лекин тартиббузарлик қилгани йўқ-ку?!

Милиционер йигит одамларнинг гап-сўзларига парво қилмай, қош қоқиб:

— Юринг бу ёққа,— деди Давронга.— Сиз билан гаплашиб қўйишимиз керак.

оҳ Даврон ҳазрат Навоийнинг бир сатрини эслади:
изга чорасизлик чорадир... Ва, саркашлик қилса,
қандаи шармисор бўлажаги муқаррарлигини ан-
мунглуғ бир алфозда йигитнинг ортидан эргашиди.

— екатдан кенг йўлгага ўтиб, тўғрига юрдилар.

Атроф-теварак ола-чалпоқ ойдин эди. Йўлка бўйи-
си қорайиб кўринаётган хиёбонда эса дарахтлар
ҳишта, алланечук ҳасратли шовуллади. Йигирма
қадамларча олдиндаги очиқ эшикдан ташқарига сар-
ғиш нур тушиб, биқинига кўкимтир бўёқда қўшув
аломати чизиб қўйилган темируйлик бир машинани
хира ёритиб турарди.

Бир маҳал, хиёбонда бирдан уч-тўрт қарға потир-
лаганча қағиллаб, ҳавога кўтарилди.

Даврон хийла беҳуд бўлса ҳам, кўкка синчков на-
зар ташлади: осмон қоронғи, юлдузсиз эди.

Милицонер йигит очиқ эшик ёнида тўхтаб, эрин-
чоқлик билан:

— Кир,— деди сенсираб.

Даврон, гўё ҳаммаси тушда рўй бераётгандек,
мутеларча индамади, паға-паға тамаки тутуни кеза-
ётган чоғроқ хонага кирди.

Хонада уч норгул йигит хандон-хушон гурунгла-
шиб ўтирарди.

Йигитларнинг ёши каттароғи, пакана бўйлиси чақ-
қон ўрнидан туриб:

— Давай, ҳужжатларингизни чиқаринг, сумкан-
гизни кўрсатинг!— деди Давроннинг саломига алик
олмай.— Нега бунча анграяпсиз, сумкангизни стол
устига қўйинг!.. Нормат, давай, сен тезроқ бу «меҳ-
мон»ни рўйхатдан ўтказ. Биз жўнашимиз керак. Ма-
шина шу билан тўлиб қолади. Ҳали биз яна бир ходка
қилмоқчимиз. Давай, тез-тез қимирланглар!..

Нормат аталмиш қоқчакак, кўзлари бўртиқ йигит,
сигаретни кулдонга эзгилаб ўчираркан, Давронга хўм-
райиб қараб:

— Паспортни чўзинг!— деди.— Чўнтагингизда пи-
чоқ-мичоғингиз йўқми?

Даврон қўйнидан паспортини чиқараркан:

— Э, менда пичоқ нима қилсин!— деди.— Раҳм-
ларингиз келсин, акалар?..

— Раҳмдиллик учун нон бермайдилар-да, ака,—
деди Нормат, паспортни кўздан кечираётди.— Бизни-
ям ўзимизга яраша планимиз бор... Эй, Миродил, бу-
нинг чўнтақларини қарасанг-чи!

Оёқларини узатган кўйи, ҳамон курсида яли.
Ўтирган, қуюқ қошлари қайрилма йигит, элан-қ
ўрнидан туриб, Даврон томон яқинлашаркан, со
қина илжайганча:

— Одамни қўрқитиб юбордингиз-ку, ока,— деди.
Чўнтагингизда бомба, қўйнингизда ўқланган замбар
йўқми ишқилиб?.. Қани-и, энди бир сумкангизни бу
доқ очинг-чи?.. Ким сизга пичоқ урди?

— Ҳеч ким билан пичоқлашганим йўғ-э!— деди
Даврон, тагин негадир мутёна кулимсираб.— Жуда
ҳазилкаш экансиз.

— Ахир, бурнингизнинг усти гўшткунда бўпти-ку,
ока?!

Даврон аста бурнини сийпалаб, бармоқларида қот
ган қон юқини кўрди, кейин хаёлчан елка учуриб:

— Эҳтимол билиб-билмай, ўзим тирнаворган бўл
сам керак,— деди, сўнг рўмолчасини тупуклаб, қан
шарини артди...

Даврон эрталаб ювиниб бўлгач, рўмолчасининг бир
четида қизғишланиб турган қон юқини кўриб, ногоҳ
тешиксиз-туйнуксиз, қопқоронғи бир ғорга тушиб қол
гандек, бутунлай гангиган эди. Мана, ҳамон ўша ал
фозда поёнсиз ғор оғзини тентираб қидираётган каби,
қаёққадир,— қаёққалигини ўзи ҳам билмай,— бесар
кетиб боряпти. Назарида эса,— машинадан уч-тўрт
қадам олдинда гўё ўзи ҳаллослаб-ҳансираб югуриб
бораётгандек,— ўзини ўзи қувлаб тутолмаётгандек эди.

— ...энди менга рухсат беринглар, илтимос, уйим
га кетай, акалар?

— Нима-а?!— деди Нормат ўқрайиб.— Шошил
манг, борасиз.

— Ахир, уйда болаларим кутушяпти.

— Ҳечқиси йўқ, «меҳмонхона» мизда бир кеча ту
наб кетасиз.

Даврон беихтиёр бир қадам орқага тисарилиб:

— Қўйинг-э!— деди.— Ичган бўлсам... озгина ич
гандирман. Ҳеч ким билан уришганим йўқ, кўчада
юмалаб ётганим йўқ.

— Аҳён-аҳёнда ичиб қўядиганларни пойлаб ўти
рибмиз бу ерда, ака. Кўчада юмалаб ётадиганлар биз
га керак эмас,— деди Нормат.— Эртага келинойимиз
боплаб таъзирингизни беради. Уч-тўрт кун орасида
ишхонангизга биздан хат борганидан сўнг, ҳамкасаба
ларингиз олдида ялиниб-ёлвориб тавба-тазарру қила
сиз. Хуллас...

Бирдан Давроннинг лаблари асабий пирпираб, три каттариб кетди, тили калимага айлинмади.
— Нормат, давай, ваъзхонликни бас қил, ошна! —
пакана йигит устма-уст сигарет сўриб, ташиқарига
— наб юборди. — Биз жўнашимиз керак. Миродил,
ай, машинанинг эшигини оч!

Даврон негадир яшин ургандек серрайиб турарди.
Нормат шитоб ўрнидан туриб:

— Олиб чиқинглар! — деди шерикларига. Ва шу
аснода Давронга паспортни узатаркан, писанда қил-
ди. — Энди сизга гап шу, ака: бундан кейин ичган
пайтингизда кўча-кўйда санқиб юрманг!

Боя бу ёққа бошлаб келганидан бери бир чеккада
индамай кузатиб ўтирган қорапаранг, новча йигит
эса, пичоқсиз сўйган каби Давронга ишшайганча, кес-
кин эшик томон бош буриб:

— Ут! — деди. — Кўп бўзраяверма!..

Даврон аэропорт томонга бурилмай, дабдуруст
тўғрига ўтиб кетаётганидан таажжубланиб, ҳушёр
тортди: ахир, бу ёқдан аэропортга бориш жуда қулай
эди-ку?! Хўш, нима учун рулни бурмади ёки хаёл
суриб қолдимикан? Балки... Қани, кейинги чорраҳада
бурилармикан?

Сийрак туман янглиғ оч-кўкиш тутун кезаётган
ҳавода ҳануз ёмғир ҳиди анқимоқда эди. Булутлар
янаям қуюқлашяпти. Йўл бўйларидаги сершоҳ-сербу-
тоқ дарахтлардан заъфарон барглар ширт-ширт узи-
либ тушмоқда. Бир-биридан ўзиб елаётган турфа ма-
шиналар ортидан баргихазонлар судралиб, ҳавога
тўзғийди. Йўлчаларда, бекатларда одамлар тирбанд.
Эрталабданоқ ҳамма қаёққадир бетоқат шошилади.

Бирдан шамол кўтарилди. Баргихазонлар тўзони
ҳавода ғужғон ўйнаб, шатирлаб машина ойнасига
урилди. Даврон, сурурбахш бир нимадир вужудини
чирмаб олаётгандек ҳаяжонланиб, тезликни оширар-
кан, катта чорраҳада ҳам аэропорт томонга рулни
бурмай, тўғри ўтиб бораётганидан ажабланди: қизиқ-
ку!.. Назарида, чиндан ҳам яна бир Даврон ма-
шина олдига тушиб, қаёққадир йўл бошлаб бораёт-
гандек эди... Демак, «меҳмонхона» да бир кеча туна-
гани рост! Ҳозироқ бориб, «меҳмонхона» каттаконла-
рини кўриши, ишхонага изидан хат жўнатмасликла-
рига уларни кўндириш керак.

Даврон охиригача чекилган сигаретни дарчадан
чертнаб юбораркан, тагин бир карра дилида қайд

этди: у ерга боргач, энг аввал каравот қараш керак. Аммо, қаерда у «меҳмонхона қандай топиш мумкин?

Даврон айланма чорраҳада, кимдир қулоғи вирлаб буюраётгандек, рулни чапга бурди. Би сўнг, устидан темирйўл ўтган баланд кўприк с ўтиб, ҳеч иккиланмай, тўғрига йўл солди.

Атроф бийдек дала. Полизлар, ўтлоқлар бир-бири тутатиб кетган. Олисдан кўпқаватли бинолар, шамолда бетиним чайқалаётган дарахтзорлар аллатовур бўзариб кўринади.

Йўлнинг ўнг ёқасидаги полизда уч-тўрт бўз йигит ҳамда, ўн чоғли аёл сабзи ковлаб, қопларга солянти. Чап томондаги бедапояда эса қўйлар, сигирлар, бузоқлар ёйилиб ўтлаб юрибди.

Даврон ғамгин бир хомушлик билан, нима учун мени бу ёқларга олиб келишган экан, деб ўйлади: қайси гуноҳларим учун ахир?!

Ва туйқус унинг хаёлида яна бир дилғаш манзара ёрқин намоён бўлди...

...икки ёни панжара билан тўсилган торгина йўлак. Пастак панжаранинг чап тарафидаги маҳобатли стол ортида ўттиз ёшдаги бир жингаласоч йигит курсига ясланиб ўтирибди.

— ...Бухоро аэропорти ресторанида ичганингизни бўйнингизга оласизми ахир?!— деди жингаласоч йигит, темир ручкани столга уриб.— Ёнингизда бир дўстингиз ҳам бўлган, лекин у ичмаган. Тўғримми?

Беихтиёр Даврон анграйиб қолди: э тавба! Булар... Қойил-э!

— Ҳеч кимни ранжитганим йўқ-ку?!

— Тўғри, ҳеч кимни ранжитганингиз йўқ, ҳеч кимдан таёқ ҳам емагансиз,— деди жингаласоч йигит, бош ирғаб.— Ресторандан чиққанингиздан кейин, ариқчадан ҳатлаётганингизда, акас дарахтининг игнаси бурнингиз устини тилиб юборган. Тўғримми?

Буни ҳатто Давроннинг ўзи ҳам аниқ билмас эди, енгилгина энтикиб:

— Хайрият-э!— деди.— Мабодо сиз фолбин эмасмисиз?

Жингаласоч йигит, олдида қалашиб ётган қоғозларга ишора қилиб:

— Бизда ҳамиша ким, қачон, ким билан, қаерда деган саволларга осон ва беҳато жавоб топишнинг йм-

— деди.— Огоҳлангириб қўйай: агар қайсар-
Зирсангиз ёки жанжал кўтарсангиз — эрталаб ўн
арқаликка жўнаттираман!

— Ерон дабдурустдан таҳликага тушган кўйи яна
пақ:

— на Илтимос, жавоб бера қолинг?— деди.— Мана,
айгиз айтяпсиз-ку, ҳеч кимни хафа қилганим йўқ.
Йиги озгина ичганман холос.

— Ичмаслик керак эди.

— Ичмасдим-ку, баъзи гаплардан юрагим сиқилиб
кетган эди-да!

— Бепарво бўлинг.

Даврон истеҳзоли кулиб:

— Тентакка ўхшаб-а?!— деди.

— Маҳмаданалик қилманг!— деб, жингаласоч йи-
гит ирғиб ўрнидан турди.— Дарров ҳўжжатларингиз-
ни, сигаретангизни, пулларингизни сумкангизга со-
линг-да, анави панжара ортидаги саккизинчи илмакка
осиб қўйинг! Бўлинг, бошқалар навбат кутиб қолди.

Даврон ночор-ноилож нарсаларини сумкага жой-
ларкан, яширинча сигаретдан бир дона киссасига
солди. Кейин, нохуш тўнғиллаган кўйи, панжаранинг
ўнг томонидаги майдончага ўтиб, деворга тақаб қўйил-
ган илгичдаги саккизинчи илмакка сумкасини осди.

Жингаласоч йигит синчков тикилиб турарди:

— Миродил, саккизинчига обор ўни!— деб буюр-
ди шеригига.— Вақт кетяпти. Имилламанглар!..

Нимёруғ даҳлизга ўтиб, ўн беш қадамча юрганла-
ридан сўнг, Миродил биринчи очиқ эшик ёнида тўх-
таб:

— Киринг, ока,— деди.— Энди эрталабгача шўтта
маза қилиб ётасиз.

Даврон ноумид мунграйиб, тубсиз лаҳаддек қора-
йиб кўринаётган хонага киргани ҳамона, ортидан
оғир эшик тарақлаб ёпилди. Бирдан ҳаммаёқ қопқо-
ронғи бўлиб қолди. Хиёлдан сўнг, хона ичи секин
ёриша бошлади: кунчиқар тарафдаги девор юқориси-
га ўрнатилган панжарали тўйнуқдан хира ой нури
тушиб турар, эшик тепасида эса қалин симтўр билан
ўралган ношвотидеккина бир электрчироқ ҳасратвор
бўзариб, сўнаётган шамдек липилламоқда эди.

Торгина хонанинг ҳар иккала томонига биттадан
темир каравот қўйилган. Уртада энсиз йўлак. Кара-
вотлар устидаги ҳурпайтирилган ёстиқлари оҳори
чойшаблар нечундир жароҳат боғланган докадек кўз-

га совуқ кўринади. Димоққа эса рутубат арлақандай ёқимсиз бир ҳид уриларди.

Даврон дилтанглик билан бир неча бор у ё ёққа юрди. Сўнг ўртада серрайиб, боя яшириб сигаретини лабига қистирди, чўнтақларини тимлаб, гугурт йўқлигини билгач, беҳуд алфоз қара чўнқайиб ўтирди. Болалари уйда бетоқат кутишганлигини ўйлаб, баттар юраги сиқилди. Боз усти бениҳоя чеккиси келаётган эди, шартта сигаретни икки бўлиб, бир бўлагини асабий чайнай бошлади. Орадан ҳаял ўтмай, кўнгли айниётганлигини сезди, лекин негадир хумори ҳеч босилмаётган эди... Секин энгашиб, пойафзалини ечди-да, муздек тўшакка чўзилди. Шу аснода бирдан қайт қилгиси келиб, пешонасига совуқ тер кўпчиди, беҳол девор томон ўгирилиб, тахир тамакини тупурди. Ва, туйқус еру осмон чархпалакдек айланаркан, кўзи тиниб, хона бўйлаб гўё ёрқанотдек беором-беқўним учганча, ботбот хира ой нури тушиб турган панжарали тўйнуқка ўзини ураверди.

Даврон машинани хаёлчан елдириб бораркан, демак — саккизинчи хонанинг ўнг томонидаги каравот остини қараш керак, деб кўнглидан кечирди: аммо, «меҳмонхона»ни қандай топса бўларкин-а?..

* * *

Даврон рулни икки ёнида қоратоллар ўсган тор кўчага бурди, бир оздан сўнг, шарқираб оқаётган ариқча кўпригидан ўтиб, ланг очиқ темир дарвозадан ҳайҳотдек ҳовлига кирди. Кирдию... ёнверида кўраётганларига ишониб-ишонолмай, машинани тўхтатаркан, анграйиб қолди: рўпарасида йўл-йўл матодан иштон-кўйлак кийган уч... маймун ҳаммаёғи шалаббо бўлиб, қизил «Жигули»ни ювар; сал нарида эгнидаги кулранг кўйлагининг энглари шимариғлиқ, бошяланг, қўлида узун қамчи тутган бир йигит уларни кузатиб турар; кенг-мўл супага туташиб кетган танобий боғда тагин йўл-йўл иштон-кўйлакли бешта... маймун қувраган қовун палакларни қўпориб, ер ағдариб юрар; боғ ўртасидаги курсида оёқларини чалиштириб ўтирган гўлабирдек йигит, қамчи дастасиңи этиги қўнжигатарсиллатиб урган кўйи, сигарета чекмоқда эди.

Даврон қачонлардир тушига йўл-йўл матодан иштон-кўйлак кийган, абгору афтодаҳол маймунлар кир-

Зи и эслади, лекин қачонлигини аниқ эслаёл-
ри уш тортиб, машина моторини ўчирди, пастга
— эшикни ёнди.

— Ди шу пайтда қизил «Жигули»нинг орқа ойна-
ртаётган барзангидек маймун шерикларига
— нни кўрсатиб:

— Чу-чий! — деди. — Чу-чий — анавини қаранглар!
Узун қўлларида резин шланг тутган маймун эса
— ршайиб:

— Хў-хў — ҳозир болаймиз! — дея дабдурустан
Давронни нишонга олди. — Ий-я!..

Даврон шовуллаб отилаётган сувга аранг чап бе-
риб, суна этагидаги бинонинг чоғроқ пешайвонига
қочди. Айни шу чоғда қандалакдан каттароқ бир па-
лакмурда қовун тўп этиб оёғи остига тушиб ёрилди.

Енглари шимариғлиқ йигит бирдан қамчинни
асфальтга қарсиллатиб урди.

Маймунлар аянчли титраб-қақшаган кўйи, яна ёп-
масига ишга киришдилар.

Даврон ҳайрат ичра бирпас уларга тикилиб турди,
сўнг аллатовур кулимсираганча, ортига бурилиб, қия
очиқ эшикдан ичкари кирди. Ва беихтиёр панжара
ортидаги рақамлаштирилган илмақларга сергак ни-
гоҳ ташлади: ҳаммаси таниш... танишдек эди. Чап
томондаги столда эса турқи таровати чучмал бир
йигит хат ёзиб ўтирарди.

— Салом, — деди Даврон.

— Салом, — деди йигит.

— Кечирасиз, бу ер «Ҳушёрхона» эмасмиди? —
деб сўради Даврон.

— Ҳа, бир пайтлар «Ҳушёрхона» бўлган эди, —
деди йигит, бош ирғаб. — Ҳозир «Маймунхона»га ай-
лантирилган.

Дафъатан Даврон бир зум гангиб қолди, сўнг:

— Кечирасиз, каттаконларингиз борми? — деди.

— Бор, — деди йигит, даҳлиз томон ишора қи-
либ. — Унгдан биринчи эшикка кирасиз.

— Раҳмат...

Даврон даҳлизга ўтиб, бир муддат каттаконнинг
эшиги ёнида тараддудланиб тўхтади, сўнг чаққон ол-
динга қараб юрди. Чапдаги биринчи очиқ эшик сари
яқинлашаётиб, пештоқидаги рақамга разм соларкан,
юраги гурсиллаб ура кетди: 81.. Шартта нимёруғ хона-
га кирди, димоғида рутубат аралаш қандайдир ёқим-
сиз бир ҳидни туйган кўйи, тиз чўкиб, чап томондаги

каравот остини пайпаслади, девор тагида қотган кепакдек нимадир бармоқларига урилгани ҳамоно, таҳликага тушиб, бетоқат даҳлизга чиқаркан, бармоқларига қаради: ана, чайналган тамаки!.. Хўш, энди нима қилади?..

Даврон гангиган-гарангсиган алфозда рўмолчасини чиқариб, бармоқларини артганча, секин бориб, каттаконнинг залворли эшигини очди. Муҳташам хона тўридаги юмшоқ чарм курсида отюз, қиррабурун, буғдойранг, қошлари ўжар қайрилган, ўттиз ёшлардаги бир йигит телефон орқали ким биландир гаплашмоқда эди.

— Кечирасиз,— деб, Даврон ортига қайтмоқчи бўлди.

Аммо йигит хушҳол жилмайиб, Давронга самимият билан бош ирғади: марҳамат, кириб ўтира туринг.

Даврон аста эшикни ёпиб, кўрсатилган курсига омонатгина ўтирди. Кейин, кўнглида беқарор бир ваҳм аралаш алланечук хижолат ҳиссини туйганча, стол устидаги газетани ёнига тортди-да, сатрларга паришон кўз югуртира бошлади.

— ... Ҳа, ҳозир бизда ўнтакаси бор. Ҳали кечгача яна тутиб келишлари мумкин. Агар ўзингизникини таниёлсангиз, хизмат ҳақини тўлаб, олиб кетаверасиз... Ҳа, кечки еттигача... Бўпти, кутамиз!..— Йигит телефон дастагини жойига қўяркан, шодон ўрнидан туриб:— Э, Даврон ака!— дея столни айланиб ўтиб, қўл сиқишиб сўрашди.— Қайфиятингиз яхшими? Уйнаб-кулиб юрибсиз?..

Даврон жудаям танишдек кўринаётган бу йигитни қачон, қаерда кўрганлигини эслаёлмай, хижолатли кулимсираб:

— Шукр, раҳмат,— деди.— Мана, биз ҳам келдик.

— Нима, сиз ҳам маймун боқасизми, Даврон ака?— деди йигит ажабланиб.

Даврон, ҳамон бу йигитни қаерда кўрганлигини эшлашга уринаркан, бош чайқади:

— Йўқ, маймун боқмаймиз,— дея тагин шикаста кулимсиради.— Сизга нима десам экан... Бу ер ҳалигидақа «меҳмонхона» эди-ку, а?

— Тўғри, бир пайтлар шунақа эди, лекин ароқ-хўрликка қарши оммавий кураш бошланиб кетгандан кейин, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, умуман бизга «меҳмон» тушмай қўйди,— деди йигит.— Ҳозир биз

хайвонот боғларидан, хонадонлардан кўчага қочиб чиқаётган маймунларни тутаяпмиз. Ҳовлида кўрган бўлсангиз керак... То эгалари олиб кетгунига довр, биз уларни парваришлаб турамиз.

Даврон ҳайратангиз кифт учириб:

— Қизиқ!— деди.— Яқиндагина мени бу ёққа олиб келишди-ку?!

Йигит кулиб:

— Хаёлингиздадир-э, Даврон ака!— деди, тагин жойига ўтаркан, қалин муқовали дафтарни олдиға тортиб, бирин-бирин рўйхатни кўздан кечира бошлади.— Мана, кейинги олти ой ичида биттаям одам қайд қилинмаган. Бу рўйхатнинг ҳаммаси маймунларга, уларнинг эгаларига тегишли.— Йигит дафтарни нари суриб, саволчан тикилди.— Сиз... янглишаётган бўлсангиз керак, Даврон ака.

Даврон ҳасрат оҳангида:

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, дўстим,— деди қизариб.— Мен куни кеча ёки ўтган куни Бухорога бориб келгандекман...

Беихтиёр кўзлари каттариб, йигит тек қотди.

— ... Бухоро аэропорти ресторанида бир дўстим билан ичгандекман; Тошкент аэропортига келиб қўнганимиздан сўнг, такси бекатида одамларингиз мени тутиб, бу ёққа олиб келишгандек... Жуда ваҳимадаман, Сизга тўғриси айтсам, агар чиндан ҳам «меҳмонхона» нгизда тунаб кетганим рост бўлса, ишхонамга хат жўнатиб қўймасликларингизни илтимос қилиш мақсадида келган эдим... Биласиз, ҳозир замон нозик, ўзимиз янаям нозиклашиб кетдик. Кўряпсиз-ку, салла сўралганда, калланиям қўшиб тутқазаяпмиз.

Бир оз жимликдан сўнг, йигит дардкашлик билан:

— Бу яқин орада Бухорога борган-бормаганлигингизни билмайман,— деди.— Лекин ҳеч қачон сизни бу ёққа олиб келмаганларига кафиллик бероламан, Даврон ака. Ишонаверинг!.. Сиз, аслида йўғ-у, лекин рўй бериши мумкин аллақандай ваҳимали можароларни ўйлайвериб, жуда чарчаган бўлишингиз керак ёки шунақа туш кўргандирсиз.

Даврон сергак тортиб:

— Туш дейсизми?— деди.

— Ҳа,— деди йигит. Эҳтимол келажакда рўй берадиган можаролар олдиндан тушингизга киргандир.

— Одамнинг юрагига ғулғула солманг-э, дўстим!..

— Нега ажабланасиз?— Нимадир нашъа қилаётгандек, йигит кулиб ўрнидан турди.— Ҳар хил мўъжизалар, турли ваҳималар асрида яшаётганимизни унутманг-да!..

Даврон хиёл енгил тортганлигини ҳис этган кўйи, йигитга эргшиб, даҳлизга чиқди. Тағин чап қанотдаги очиқ эшикнинг сирли тарзда бўзрайиб кўринаётган рақамига нигоҳи тушиб, боя бармоқларига илашган тамаки юқи хаёлидан кечаркан:

— Сизга бир гапни айтиш ёдимдан чиқибди,— деди, оҳиста йигитнинг тирсагидан тутиб.— Мен анави очиқ хонанинг чап томонидаги каравотда ётганман. Ушанда сигарет тамакисини чайнаб тупурганим аниқ ёдимда. Ҳали сизнинг ёнингизга киришдан аввал каравот остини қараган эдим.

Йигит аллатовур жилмайиб:

— Нима, тамаки юқини кўрдингизми?— деб сўради.

— Кўрдим-да!

— Сиз кўрган нарса тамаки эмас, чайнаб ташланган барг бўлиши керак,— деди йигит, ташқарига йўл бошлаб.— Маймунлар сайр чоғида ҳовлидаги ҳар хил ўтлардан, барглардан яширинча юлиб киришади, кейин шўхлик қилиб, бир-бирларига чайнаб отишади.

Даврон хаёлчан бош ирғади: кимга ишониб керак — мавжуд далилларгами ёки манави хушфеъл йигитнинг гапларигами — билолмасди.

Пастак панжара ортида ўтирган навбатчи йигит, каттаконини кўриши билан, ирғиб ўрнидан турди.

Даврон тағин рақамлаштирилган илмакларга ўйчан нигоҳ ташлаб, пешайвонга чиқди.

Ҳамон маймунлар қизил «Жигули»ни ювмоқда эдилар.

Барзангидек маймун Давронни кўрган заҳоти қўлидаги ҳўл докани ўйнатиб:

— Ҳў-ҳў! — деди шерикларига.— Ча-чий!..

Ёнглари шимариғлиқ йигит яна қамчинни устмауст қарсиллатиб асфальтга урди.

Шу пайтда биқинига кўкимтир бўёқда қўшув аломати чизилган темируйли машина ҳовлига кириб, пешайвон рўпарасида тўхтади. Ундан қорапаранг, пакана бўйли шофер йигит тушди. У негадир Давронга жудаям танишдек туюлди.

— Яна учтасини тутиб келдик, хўжайин,— деди шофер йигит, каттакон қаршисида роз туриб.— Бит-

тасини вокзалдан ушладик, совуқ томонларнинг маймунига ўхшаяпти, устидаги юнг пўстини йиртилиб кетган.

— Дарров обкиринглар, — деди каттакон. — Қизлар ҳаммомда яхшилаб чўмилтиришсин, кийинтиришсин!

— Хўп бўлади, хўжайин! — Шофер йигит чаққон машинанинг орқа томонига ўтаркан, шангиллаб хитоб қилди. — Эй, Миродил, нега қараб турибсан?! Давай, эшикни оч!..

Бирдан Давроннинг юраги шув этиб кетди; шу аснода дилгаш манзаралар яна кўз ўнгида намоён бўлаётгандек туюлди. Ва, тезроқ жўнаб қолмаса, гўё ақлдан озадигандек, ботинан бетоқатланиб:

— Бўпти, менга рухсат, дўстим, — деб, каттаконга қўл узатди. — Сизни анча ташвишга қўйдим-да!..

— Ҳечқиси йўқ, Даврон ака, — деди каттакон, хушхол қўл сиқиб. — Самандарга мендан салом айтинг.

Ана шунда Даврон рўпарасидаги хушфеъл, камтарин, амалдор йигит билан қачон, қаерда танишганлигини аниқ эслаб, дув қизарди: ахир, Саиджон-ку бу — Самандарнинг ошнаси. Утган шанба Самандарникида улфат-базм чоғида танишган эдилар. Нега... нима учун бу қадар эсари бўлиб боряпти-а?!

— Албатта саломингизни айтаман, Саиджон! — деди Даврон, қўлини кўксига босиб. — Самандар билан ўтинглар, бир яйраб гурунглашайлик, Саиджон?

— Бўпти, ўтармиз, Даврон ака, — деди Саиджон хўшлашиб. — Хайр.

— Кўришгунча!..

Бир зумда ҳайхотдек ҳовлини қувнаб ирғишлаган маймунларнинг шодон қий-чуви тутиб кетган эди.

Негадир Даврон жониворлар тарафга қарамай, орқасидан ёв қуваётгандек, чаққон машинасига ўтириб, моторни ишлатдию, тагин бир бор Саиджонга хайр маъносида бош ирғаб, машинани орқага юргизганча, ланг очиқ дарвозадан кўчага чиқди-да, шитоб тезликни қўшиб, катта йўлга тушиб олди. Сўнг, асабий ғудраниб сўкинаркан, ўриндиққа бамайлихотир суяниб, аста пешонасини сийпалади: агар ҳеч қачон бу ерда тунамаган бўлса... қандай адашмасдан топиб келди?... Бухоро сафари... Аркдаги саргардонлик... Такси бекатидаги можаро... Кейин... Қизиқ, наҳотки шуларнинг ҳаммаси т у ш бўлса-я?!

Аллақачон шаҳарча ҳам, унинг шовуллаган да-
рахтзорлари ҳам ортда қолиб кетган эди.

Ногоҳ еру кўкни ларзага солиб, момақалди роқ
гумбурлади.

Даврон беқарор хаёллар қуршовида далани кесиб
ўтган катта йўлдан машинасини физиллатиб борарди,
осмонга хомуш назар ташлаб, ҳали-замон ёмғир шар-
рос қуяжагини тахмин қилди. Кейин, қулоқлари ости-
да Саиджоннинг гаплари оҳиста эшитилаётгандек
туюлиб, оташин энтиккан кўйи, бош чайқади: бу
қанақаси ахир, ҳеч ақл бовар қилмайди-ёв! Ёки чин-
дан ҳам келажақда рўй берадиган воқеалар тушида
аён бўлганмикан-а?.. Э, бунақада одамнинг юраги
ёрилиб кетади-ку!

Даврон узоқдан йўл бўйида тизилиб турган маши-
наларни кўриб, тезликни сусайтирди.

Йўлдан пастда — полиз чеккасида бир талай одам
уймалашиб, ниманидир ҳаяжон билан кузатмоқда
эди.

Беихтиёр Давроннинг хаёлидан, бирор машина ағ-
дарилган бўлса керак, деган фикр кечди. Аммо, усти-
га челақдек радио-карнай ҳамда аллақандай хартум
ўрнатилиб, ойналари қора парда билан тўсиб қўйил-
ган узун бир автобусни одамлар қуршовида кўргач,
таққа машинани тўхтатиб, пастга тушди. Одамлар
томон яқинлашаётиб, аллақандай бир кинони суратга
олишаётганлигини билдию, гудраниб тўхтади, ортига
бурилаётганида, карнайдан дўриллаган товуш та-
ралди:

— Внимание! — Бўйнига камера осган, серсоқол,
ўрта ёшлардаги бир киши автобусга ўрнатилган хар-
тумда ларзонланиб, ҳавога кўтарилди. — Всем! Всем!..
Снимаем. Дубл 18!..

Дўриллаган товуш сўнар-сўнмас, картошка полиз-
га туташ жарликдан аскарча қўйлак-шими титилиб
кетган, соч-соқоли ўсган, бошяланг, оёқяланг бир...
м а ҳ б у с жонҳоври қочиб чиқди. Унинг оёқларидаги,
қўлларидаги, юзларидаги жароҳатларидан қон оқмоқ-
да эди. У ҳаллослаб-ҳансираганча қочиб бораётиб, ду-
малаб тушар, тагин бетоқат туриб югурар, ёнверига
аянчли аланглаб, яширинмоқ учун пана жой излар
эди.

Хиёл фурсат ўтар-ўтмас, яна жарликнинг ҳар ер-
ҳар еридан бирин-бирин бешта искович ит билан беш
«немис аскари» отилиб чиқди. Итлар тинмай акиллар,

бўйнидаги ипни узгудек шиддат билан олға талпинар, елкасига автомат осиб олган «немис аскарлари» эса, бир-бирларига нималардир дея хахолаб кулар эдилар.

Уларга ўйчан тикиларкан, туйқус Давроннинг хаёлида ғаройиб бир манзара нурланди: ...нимдошгина кўрпа остида — ўзи, ёнида хотини — кулала бўлиб ётибди. Атрофда тишлари иршайган, йўлбарссифат ислар... Камарига тўппонча таққан беш-тўрт немис сипоҳиси бир-бирига аллатовур голибона қараб, мамнун хахолаб кулади... Ун беш қадамча наридаги жарлик бўйида эса йўл-йўл матодан юпун кўйлак-иштон кийган, м а й м у н б а ш а р а маҳбуслар!..

Даврон негадир тажанглик билан тўнғиллаб, қўл силтади. Изига қайтди. Ўриндиққа ўтириб, машинани юргизаркан, чирсиллаб ойнага урилаётган катта-катта ёмғир томчиларига хомуш нигоҳ ташлаб, тобора тезликни оширган кўйи, бугун ишга кечикканлиги учун бирор узрли баҳона топиш кераклигини кўнгилдан кечирди: хўш, энди ишхонадаги ясовулларга нима дейди — маймунхонага борган эдим, дейдими?.. Аммо ким ишонади бу гапга?!

Бирдан яна еру кўкни ларзага солиб момақалди-роқ гумбурлади. Ва шу баробари шаррос ёмғир қуя бошлади.

1986

ҚУЮН

Қўрқдинг — ўлдинг

— Сен кимга ақл ўргатмоқчисан, аблаҳ?!— даб-дурустан Эргаш бўш шишани чангаллаб, Низомга хезланди.— Ҳозир бошингни уриб ёраман!..

Бирдан юраги санчиб, Низом унинг қизариб кетган кўзларига зоҳирий совуққонлик аралаш тикиларкан, қачонлардир рўй берган бир... машъум воқеани эслади.

...Янги йил кечаси эди. Ҳаммаёқ жимжит... Мўйна телпагини бостириб, ғарч-ғурч қор босганча сирпанчиқ, кимсасиз, катта йўлни кесиб ўтаётган эди, «Чекишдан топилмайдими?», деган хирқироқ овозни эшитиб, бошини кўтарди, йўлакда бўйчан, аммо озгин уч йигитни кўрди; сархуш эди, кўнглидан шумлик кечмади, хотиржам уларга яқинлашиб, йигитларнинг хийла отиб олишганини сизди, лекин барибир бепарволик билан киссасидан «ВТ» қутисини чиқариб, марҳамат, деди. Бўйнига гитара осиб олган новчароғи биринчи бўлиб сигаретга қўл узатди. Кейин, Низом ўнг томонда қунишиб турган қоқчакаклисига қутини тутди, сўнг чап ёнига ўгирилаётганида... эзгилаб пуфланган тамаки қипиғи кўзларига чўғдек санчилиб, киприкларини чирт юмдию, кескин бошини орқага тортди. Шу баробарида жағи остига зарб еди — кўзларидан учқунлар сачраганча, тоғдан тош кўчаётгандек, гўё қалдираган бир шовқин оғушида тубсиз жарликка қулади...

Акбар ирғиб ўрнидан турди, Эргашнинг қўлидан шишани юлқиб, боғ тўрига ирғитди, сўнг шартта ишкомдаги мурғак барглардан узиб, оғзига солди-да:

— Жим ўтирмасаларингиз, иккаловингизниям уриб, дабдалангизни чиқараман!— дея ғарчиллатиб чайнай бошлади.— Можаронгни йиғиштир, Эргаш! Биласан-ку, мен тоғ боласиман, жаҳлим чиқса, ҳеч кимни аямайман.

— Мен ҳам тоғ боласиман! — деди Эргаш кўкрагига муштлаб. — Нимага у мени нодон дейди?

«Ғарни — ғар деса, йиғлармиш! — Низом титроғини аранг босиб, кўкси куйишгудек чуқур хўрсинди. Акбарнинг ғулабирдай бўй-бастига кўз қирини ташлаб, бир уришда қулатиш мумкинлигини чоғлади, тирноқлари кафтига ботгудек, қўлини қаттиқ мушт қилди. — Лекин... энди кеч — яккаланиб қоламан!...»

— Нима учун у мени ҳақоратлайди? — Эргаш баттар дарғазаб силтаниб, гандираклаб кетди. — Унинг ўша — тилла тишларини қоқиб оламан!..

Яна бирдан Низомнинг пароканда, беором хаёли ўтмишга оғди.

...Бир маҳал, суяклари қақшаб, боши зирқираган кўйи қоматини тиклади, оғзида қон таъминини туйди, милки жизиллаб, нимадир танглайига қадалди; тилини осилтириб туфлади, шилимшиқ, қипқизил тулугига қоришиб, бир тиши қор устига тушди; бармоқлари қалтираб, лабларини артди, сўнг ихранмасликка тиришиб, ўрнидан турди, туйқус қулоқлари шангиллаб, кўзлари тинди, нохос қўли ҳавода саланглаб, бутун гавдаси чайқалганча, уч-тўрт қадам олдинга юрди. Кейин тинка-мадори қуриб, юролмай қолди, бемажол чўнқаяётиб, дарахтга суянди, қайт қилгиси келаётганини сизди. Ва аъзойи бадани қалт-қалт титраб, қусиб юборди. Юзлари, лешонасига қайноқ тер кўпчиди. Салдан сўнг реза терлари қотиб, эти жунжикди. Қор билан қўлини ювиб, юзларига қор суртди, хиёл ҳушёр тортди. Аста ўрнидан кўзгалди, бошини ўшлаб кўрди; лўқ-лўқ оғрирди; телпаги йўқ, атрофга беҳол аланглади: назарига чалинмади...

Кейин, секин жилиб, овлоқ кўча томон бурилди, бир өз юриб, Фаррухнинг ижарахонасига етди, бирдам нафасини ростлагач, қийшайган дарвозадан торгина ҳовлига кирди. Ичкаридан хандон-хушхон бозорлар билан бирга магнитофондан кекса бир хонанданинг шикаста, дардкаш оҳангдаги дилгиргина қўшиғи таралмоқда эди. Рутубат аралаш пиёз, ароқ... ҳиди анқийган нимқоронғи даҳлизда пальтосини ечиб, қуюқ тамаки тутуни кезаётган чоғроқ хонага ўтди.

— О-о, келдингми, жўражон?! — Ширакайф Шариф калла Низомни қучоқлаб, сочларини баттар тўзғитди. — Анзират рўйхушлик бермадимми дейман, узоқ кетдинг-ку?

Анзират палов дамлаб, булар билан бирга Янги йил киришини байрам қилган, сўнг беҳаловатланавергач, ижарахоналари яқин бўлгани боис Низом элтиб қўйиш учун кетган эди. Қайтиб келаётганида эса...

— Келмасам бўларкан,— дея Низом столдаги тўла пиёлани гуппа кўтарди.— Онасини эмсин, ўлиб кетишимга сал қолди.

— Ий-я!— Қўққис анграйиб, Тўрақулнинг кўзлари бежоланди.— Оғзингдан дарча очишибди-ку?!

Фаррух унга синчков тикилиб, негадир:

— Йиқилдингми?— деб сўради.

Низом кутилмаган кўнгилсизлик тафсилотини иштиёқсиз ҳангома қилиб бергач:

— Улгудек гўлман-да!— деди койиниб.— Индамай ўтиб кетаверсам бўлмасмиди?

Шу пайт жимжит кўчада асабий чертилган гитара торлари телбавор ингради, орадан лаҳза ўтар-ўтмас, унга мастона қийқириқ уланди.

— Ҳойнаҳой ўшалар бўлса керак!— деди Низом тек қотиб.— Кўнглим сезяпти.

— Қаёқдан биласан?— дея Тўрақул жимликни бузди.— Балки улар эмасдир.

Шариф калла чаққон дераза ёнига бориб, ойнага пешонасини тиради:

— Ушалар бўлиши керак!— деди бетоқат ўгирилиб.— Иккитасини кўриб қолдим. Юринглар, чиқамиз!

— Шошманглар!— дея Фаррух Низомга юзланиб, қатъий таъкидлади.— Чиндан ҳам ўшалар бўлса, жанжални ўзинг бошлаб берасан... Қолганини биз давом эттирамиз. Кетдик!

Шариф калла билан Фаррух уйдан изма-из отилиб чиқди.

Низом дарвоза нишаблигидан пастга энаётиб, олдинда илдам бораётган Тўрақулга шипшиди:

— Шулар!

Фаррух билан Шариф калла аллақачон саёқ йиғитларнинг олдига ўтиб олган эди.

— Калла, шулар экан!— дея Тўрақул орқадан қичқирди.

Шариф шарт ўгирилиб, ҳалигиларни тўхтатди, нимадир деди.

Дафъатан йиғитлар довдираб талмовсирашди, сўра ура қочишга чоғланишди, лекин бунинг имкони йўқлигини англаб, чор-кочор гуж бўлиб олишди.

Низом етиб бориб, тўғри гитаралининг рўпарасида тўхтади-да:

— Мен сенга нима ёмонлик қилдим?— дея сўради.— Нега мени урдиларинг? Нима учун телпагимни олиб қочдинг-а?

Йигит қўрқувдан таҳликали жавдираб, телпак ўзиники эканлигини айтди:

— Агар сенга шу керак бўлса, олақолгин,— дея телпакни ечиб узатди.— Лекин биз сени кўрганимиз йўқ.

Низом телпакни қўлида осилтириб:

— Анави ерда урдиларинг-ку!— деди.— Ахир, мен...

— Ўб-бо, ўт бу ёққа!— Шариф тирсаги билан Низомни суриб ташладию, қарчигадай отилиб, саёқнинг қўлидан гитарани тортиб олди, ва зарб билан сим-ёғочга урди...

Низом шундан кейин ночор-ноилож тиш қўйдирган эди. Аммо тиш қўйдиргунига довур тагин кўп можаролар бўлиб ўтган эди.

Акбар сўкиб-саннаб, тагин Эргашни даврага қўшди.

Кайфи ошиб қолган Музаффар ҳамон кўз ёшларини тиёлмай, унсиз йиғламоқда эди. У димоғини шилқиллатиб:

— Менга қуйинг!— дея Дониёрнинг тиззасига шарп этказиб урди.— Мен куйиб кетганимдан ичман, аламларимни унутиш учун ичаман!— Музаффар тишларини гижирлатиб, Эргашга қадалиб тикилди.— Сиз менга отамни — шоир Ғолиб Давронни ҳозир эслатмаслигингиз керак эди. Ғолиб Даврон тириклигидаям рўшнолик кўрмаган... Низом сизга тўғри айтди, сиз бўлсангиз... Қуйинг, Дониёр, кўпроқ қуйинг!..

Ўтган куни муҳокамада Музаффарнинг кандидатлик диссертацияси ҳимояга полойиқ топилган эди.

Боя гуллар остини юмшатиб, боққа сув қуйиб бўлганларидан сўнг, кетиш олдидан «базми жамшид»га ўтирганларида, иттифоқо диссертациялар хусусида гап очилиб қолганида: «Ҳатто раҳматли отангизнинг руҳи покиниям юз-хотирга олишмади-я!— деди Эргаш гўё Музаффарга ачиниб.— Бечора Ғолиб Даврон мак-

таб яратган шоир бўлишига қарамай, дунёдан обрў-эътиборсиз ўтди-кетди...»

Музаффар хийла сархушланиб қолган эди, бехос:

— О-о, отагинам!— дея ҳўнграб юборди.— Бечорагина отам гўрида типпа-тик тургандир...

Сал нарироқдаги шийпончада номлари илмий ходимларнинг рўйхатларида тиркалиб юргувчи қиз-жувонлар ҳиринглашиб, узумхўрлик қилишмоқда эди. Улар ялт этиб бу ёққа қарашди.

— Эй, нодон экансиз-ку!— Низом ихтиёрсиз равишда Эргашни койиди.— Нима қиласиз, ҳадеб отасини эслатавериб?..

Ана шундан кейин жазаваси қўзиган Эргаш бўш шишани чайгаллаб, гувраниб ўрнидан турган эди.

Ғолиб Давроннинг мактаб яратган шоир эканлиги ҳақиқатга яқинроқ, аммо Эргашнинг нодонлиги эса айни ҳақиқатнинг ўзгинаси. Бироқ, тил учи эшитган дакки-дашноми унинг жазаваси қўзиши учун шунчаки бир баҳона эди холос. Унинг алам ва ғазаби замирида туганмас хусумат яширинганлиги Низомга ойдек равшан: яқинда академия журналида Москвадаги докторантурада таҳсил олаётган Шариф калланинг мақоласи эълон қилинган; унда ёш олимлар ва аспирантларнинг институт илмий тўпламида нашр этилган қатор мақолалари таҳлил этилган бўлиб, «Эргаш Эшхўжаев илмий жиҳатдан саёз ва мантиқсиз мақолаларнинг типик намунасини яратиб қўйди», деган аччиқ бир кесатиқли жумла ҳам бор эди. Низом эса мазкур журналнинг илмий котиби!.. Мана энди, ниҳоят мавриди келиб, Эргаш Эшхўжаев гўё ушбу мақолани уюштирган Низомдан бошлаб ўч олмоқчи...

— Тоғликларнинг қадаҳи: ёш ўлмалик, бало кўрмайлик!— деди Акбар пиёласини уриштириб.— Шунинг учун ичамиз, жўралар!

— Йўқ, шошманглар!— деди Дониёр.— Аҳиллик... аҳиллик учун!..

Низом ичмаётганига, бемаврид совуққонлик қилганига афсус чекиб, пиёласидаги боржом сувини сеппиб юборди: ё тавба, нима учун шунча ҳақоратга индамай чидади?!

Тинмай... ойлар, йиллар ўтгани сайин тобора равшанлашаётган олис хотирот фикру ёдини банд этди. Назарида, ўша — машъум можаро билан манави калтафаҳмнинг даҳанаки жанги ўртасида қандайдир кўз илгамас бир ўхшашлик бордек туюлмоқда эди.

...Эртаси чошгоҳга яқин Анзират кириб келганида Низом ҳамон тўшакда пастак, ҳаворанг шифтга тикилиб ётган эди.

— Э-э, келинг-э, келинжон!— дея Шариф калла унга курси сурди.— Хўжайинингиз бўйдоқликни соғиниб қолган эканлар. Мана, кенг каравотни тўлдириб ётибдилар ҳалиям.

Низом беихтиёр қоматини тикламоқчи бўлди, лекин жисму жонида бирдан турган аёвсиз зирқироқдан юзлари буришиб, ожизгина бир ингроқ тишлари орасидан ситилиб чиқди; бошини қайтиб ёстиққа қўйди.

Анзират безовталаниб:

— Ҳа, бирор ерингиз оғрияптими?— деб сўради ва ноҳос унинг энгаҳи ости моматалоқ бўлиб кетганлигини кўриб, беихтиёр кўзларига ёш қалқди.— Уришдингизми?

Низом иштиёқсиз кулимсираб:

— Йиқилиб тушдим,— деди.

— Вой ўлай!— дея Анзират жонсаракланиб, унинг қуруқшаган лабларини оҳиста очди.— Тишингиз қани? Синипти-ку?!

— Ютиб юбордим...

— Йўқ, ҳазиллашманг! Уришгансиз. Ким урди?— Анзират жавдираган кўйи, йигитларга тикилиб, тигроқ овозда сўради.— Уришдингизларми-а?

— Низомни роса эркалатворгансиз-да, Анзират,— деди Тўрақул унга чой узатиб.— Манг... Келинг, биз билан палов енг, боягина қиздирганман, ҳали совугани йўқ.

Муомала-муносабатлардан кўнгли сал таскин топгандек, Анзират овқатланганини айтиб:

— Бу кишига нима бўлди?— деди яна.— Уришмадингизларми ишқилиб?

— Кечқурун ташқарига чиққанида йиқилиб тушган эди,— деди Фаррух бепарво.— Узи тегманозик-да, ётибди энди. Агар хуморбостига бир пиёлагина отиб олса, тойдек иргиншлаб кетарди. Афсуски, йўқ-да!

Анзират чойдан ҳўнлаб, унинг энгаҳи остини силаб-сийпаларкан:

— Кечаси билан босинқираб чиқдим,— деди.— Тушимда сизларни бир гала ит талади.

— Валий экансиз, келинжон!— дея Шариф калла сермаъно қош учирди.— Бугун ёки эртага ўша—

сизнинг тушингизга кирган дайди итлар бизни таласа керак.

Анзират аллатовур бир таажжуб ичра чимирилиб, Низомга ўйчан термилди: нега? Нима учун ахир?!

Шу пайт бўсагада Фаррухнинг тоғаси — ТошМИ аспиранти Расул кўринар-кўринмас, хонада гулдирак-дек овози янгради:

— Ўзбек фани даҳоларига Янги йил табриги ва алангали саломлар!.. Ий-э, келин, сиз ҳам шу ердами-дингиз? — У тўқ этказиб, стол устига бир шиша ароқ қўйди-да, ликопчадаги қоғозли қантдан Анзиратга узата туриб: — Сизларга Алпомишдек паҳлавон ўғил, мустаҳкам соғлиқ тилайман, келин! — деди.

— Раҳмат! — деди Анзират.

— Илойим айтганингиз келсин, Расул ака! — деди Низом ётган кўйи. — Сизга яхши келин ато қилсин!..

Расул ҳамма билан қуюқ қол-ақвол сўрашгач, тун бўйи навбатчиликда турганлигини ҳикоя қилганча, шартта пишани қўлига олди-да, пиёлаларга тенг қуйиб чиқди, сўнг: — Гап бундай, даҳолар! — деди ва Низомни қўярда-қўймай, ўрнидан тургазиб, қўлига пиёлани тутқазди. — Мана шуни ичганимиздан кейин, газагини «Зарафшон»га бориб қиламиз.

— «Зарафшон»га бугун кириб бўлмас-ов, — деди Тўрақул маслаҳат оҳангида. — Байрам, одам кўп. Яхшиси — ғариббоп «Баҳор»га борганимиз маъқул.

— Йўқ! — дея Расул унинг сўзини кесди. — Бугун «Зарафшон»га ҳар қачонгидан ҳам осонроқ кирамиз. Кеча ярим тунда ресторан директорининг қизини ўзим операция қилганман...

— Ҳа-а, — деди Тўрақул, танглайини такилла-тиб. — Бойваччалигингиз бежиз эмас экан-да!..

Низом хушлар-хушламас пиёладагини сипқорғач, боши айлангандек, кўзи тиниб, хиёл фурсат тек қотди:

— Расул ака, агар сизларга малол келмаса, биз бормаймиз, — деб Анзиратга бир қараб қўйди. — Кўнглим сал айништи.

— Ий-э, Низомжон! — Расул тумшайиб, лабларини чўччайтирди. — Уялинг-э! Жиндай миянгиз лат егани учун кўрпа-тўшак қилиб ётиволмоқчимисиз? Кетмайди бунақаси... Биласизми, Эски йил ҳали кўчаларда судралиб юрибди. Яхшилаб кўриб қолишингиз керак. Қорбобо хиёбонлару ресторанларда совға улашайти. Бўлинг, совгадан қуруқ қолиб кетмайлик!..

Ахийри, ҳамма борадиган бўлиб, бирин-бирин йўлга тушдилар.

Осмон бўғиқ — буғланган ойнадек, изғирин шамол бўғотларга вишиллаб чирмашганча ҳуштак чалади, қалин қор оёқ остида нолавор гижирлайди.

Фаррух билан Расул олдинда қизгин гурунглашиб борар, ўртада Шариф калла, Тўрақул — иккаласи беварво одимлар эди.

Бир маҳал, кўча бошига яқинлашаётганларида, Фаррух ортига ўгирилиб:

— Низом, кечагилар эмасми анавилар?— деб сўради.

Муюлиш олдидаги майдончада сочлари саватдек, соқолли-соқолсиз ўн беш чоғли бўз йигит, беш-ўн ўсмирин бетоқат у ёқдан-бу ёққа юриниб, бир-бирига нималарнидир имо-ишора қилишмоқда эди. Узун бўйли йигитни Низом дарров таниб, таҳликали овозда:

— Ўшалар!— деди

— Ким?— дея анграйиб тўхтади Расул.— Кимлар? Мундай тушунтириб гапирсаларинг-чи, ахир?!

— Тўхтаманг!— Қатъий оҳангда буюрди Фаррух тоғасига.— Сиз тез-тез ўтиб кетаверинг. Боринг... Боринг энди!

Нохос ялпи, беором саросимали бир туйғу оёқларга тўш ура бошлади. Орқага қайтишнинг иложи йўқ эди, барибир улар қувиб етишлари ёки уйга қамаб, тошбўрон қилишлари, ёки эртага яна қўлга туширишлари мумкин эди.

— Биз ҳозир таёқ еймиз.— Низом хотиржам овозда шивирлаб, Анзиратнинг доғ босган ёноқлари, қандайдир аянчли безовталиқ изғиётган кўз қорачиқларига ҳасрат билан термилди.— Сен ўзингни аҳтиёт қил. Тезроқ катта йўлга чиқиб, бирорта йўловчи машинага ўтириб жўна!

— Нима учун таёқ ейсизлар ахир?!— дея Анзират унинг тирсагидан маҳкам қучиб олди.— Мен жуда қўрқиб кетяпман. Айтинг!..

— Кейин тушунтириб бераман, кейин.— Низом уни йўлка сари тортди.— Чаққонроқ юр!

Шу пайт Тўрақул ихтиёрсиз равишда секинлаб:

— Низом, ахир улар кўпчилик-ку, жўра!— деди.— Нима қиламиз?

Шариф калла унга кескин ўқрайди-да:

— Бари бир қайтиш йўқ!— дея янаям илдамроқ одимлади.— Орқада қолиб кетма!

Бирдан Анзират ҳаммасини тушуниб етгандек бўлди, шартга қўл силтаб:

— Шариф, қайтинг!— дея жонҳолатда қичқирди.— Қайтинг орқангизга!

Шариф калла шайтоний қаҳқаҳа уриб, бир байт шеър ўкиди:

Эр йигитга ўлим бор-у, хўрлик йўқ,
Кафан тўним тирик танга бичайми?..

У Фаррухга етиб, далда бермоқчидек кифтига мардона қоқди-да, шитоб олдинга ўтди.

Тобора қора-қура гавдалар даврасига яқинлашмоқда эдилар.

Қўққис Низом орқасида шипиллаб келаётган икки соқолли, бир бесоқол йигитни кўриб:

— Илтимос, жиндай сабр қилиб туринглар!— деди овози совуқданми, асабиятданми қалтираб.— Мен хотинимни бирор машинага ўтқазай. Ана кейин— майли.

— Бемалол, биз шошилаётганимиз йўқ,— деди йигитларнинг отюзли, новчароғи шерикларига кўзини қисиб.— Биз барибир улгураамиз!

— Ҳа-ҳа...

Худди шу пайтда Шариф калла еру кўкка ваҳшат солиб ўқирди, кимдир гурсиллаб қулади; у гоҳ жангари хўроздек сапчиб, омонсиз ёпирилаётгандек рақибларининг кўкрагига тепар, гоҳ урушқоқ қўчқордек отилиб, калла урмоқда эди.

— Вой, художон!— дея Анзират дабдурустан йиғлаб, қапшайган қорнини ушлади.— Мен ҳозир... Мен ҳозир ўлиб қоламан!

— Жим-э!— Низом ариқчадан сакраб, йўлга ўтди, рўпарадан ғизиллаб келаётган «Москвич»нинг олдига чиқиб, баравар иккала қўлини ёйди. Машина узоқдан сирғалиб яқинлашаркан, тўхтар-тўхтамас, шофер эшикни очиб, бўралаб сўқди. Унинг ғазабнок сўкинишига парво қилмай:

— Жон акажон, хотинимни нарироқчача оббориб қўйинг?— дея Низом зўрлаб, Анзиратни машинага киритди.— Ҳайданг, ака, ҳайданг!..

«Москвич» тойғаниб, олға жилди.

Қизиқ, боя эргашиб келаётган йигитлар кўзига чалинмади. Аммо дафъатан йўлакда қочиб бораётган Расулни ва ортидан қувлаётган бир неча рақибини

кўрди, негадир унинг қутулиб кетишига ишониб, дилида оний мубҳам севинч ҳиссини туйди; шу аснода Фаррухга кўзи тушди — у қорда думалаб, қўл-оёғини палапартиш силкитган кўйи бақриб, жон-жаҳди билан ўзини ҳимоя қилаётган эди. Бирдан титраб кетди, тишларини ғич қилиб, олатасир давра сари югурди, етай-етай деганда, нимадир чаккасидан юқорироғини жизиллатиб куйдиргандек бўлдию... ногоҳ еру осмонни чулғаган зим-зиё зимистонлик қаърига беун-беҳуш учди.

Кўзларини хиёл очар-очмас, улкан бир қуёш қамаштириб юборди, яна оҳиста юмаркан, ҳамон ларзонланиб учиб юрганини ҳис этди; сўнг олислардан таралаётгандек, Анзиратнинг овози қулоғига чалинди:

— Расул ака, жуда тез югурар экансиз, қарийб мен билан тенгма-тенг ТошМИга бордингиз-а?!

— Оперпунктдан милиционерларни олиб келиш учун сувилладим-да! Лекин барибир елкамга бир тросс едим, пальтомни тилиб юборибди...

Низом мисдек қизиб чатнаётган пешонасида майин, меҳрибон кафтни сизди, титроқ бармоқлар чаккасидан юқорироғини аста сийпалаши ҳамоно кўзларидан нурли ҳалқачалар сачрай бошлади; кейин, кўнгли лоҳасланиб, жимлик қўйнида яна муаллақ парвоз этди...

Ё тавба! Мен бу ифлоснинг ҳақоратларига нима учун чидадим? Сабил жоним шунчалик ширинми-а?!— Туйқус Низомнинг қулоқлари остида Шариф калланинг ўшандаги шайтоний қаҳқаҳа аралаш тажанг овози жаранглаб кетди:

Эр йигитга ўлим бор-у, хўрлик йўқ!..»

Низом ўшандан кейин умуман ичмай қўйган эди, шу дам бирдан ичгиси келиб кетди. Ўртадан пишани олиб, пиёласини тўлдирди.

— И-и, нима қиляпсиз, Низомжон?— Дониёр шоша-пиша пиёлага қўл чўзди.— Рудасиз-ку, ахир?!

— Ишингиз бўлмасин!— Низом унга беихтиёр жўмрайиб қаради-да, бир кўтаришда ароқни ютиб юборди. Сўнг газак қилмай, пиёлани тўнкариб, совуқ важоҳатда Эргашга юзланди.— Сен нега тўтти гап учун бунча жириллайверсан?

Эргаш ҳам бўзариб:

— Нима демоқчисан, муддаонгни айт!— деди.

— Қўйинглар энди,— дея Музаффар чайқалиб, беҳаловат қимирлаб қўйди.— Бирпас ўтирайлик.

Низом пиёлани ҳовучида чангаллаб, Эргашнинг пешонасидан уришни мўлжаллади.

— Яна қайтариб айтаман: сен нодонсан! Сен ифлоссан!— деди, лекин негадир урмади.

Кўзлари қонга тўлиб, Эргаш ирғиб ўрнидан турди.

— Ҳозир кекирдагингни узама!— дея гандирак-лаб, ён-верига қаранди.— Улдираман!..

Акбар шартта унинг йўлини тўсиб, елкаси оша яна Низомга ўдағайлади:

— Энди жим бўлинг лекин!.. Жаҳлимни чиқарма-эй, Эргаш!

— Чиқ бу ёққа, *аблаҳ!— Эргаш ўзидан Акбарни четлатишга уриниб, кескин юлқинди.— Чиқ, ташаша-миз!

Низом бирдан сапчиб, оёққа қалқди.

Дониёр жаҳл билан унинг қўлидан тортиб:

— Эсингизни еб қўйдингизми, Низом?!— деди.— Узингизни босинг-э!

Низом шийпончадан ҳамон шу томонга бақрайи-шиб турган қизларни кўрди, бирдан шаҳди сўниб:

— Ҳозир мастсан,— деди Эргашга ва овози аянч-ли титраб, ўзидан ижирғанди.— Яхшиликча жўна бу ердан!.. Сен ифлос билан эртага гаплашаман.

— Ҳақорат қилма, деяпман?!— Афти буришиб, Эргаш тиш қайради, сўнг Акбарга эланди.— Илтимос, мени қўйворинг, Акбар ака...

Дониёр елкасидан босиб, Низомни жойига ўтир-ғизди.

Акбар эркалагандек койиб, Эргашни нари судради. Улар кўздан узоқлашди.

— Нима қиласиз, Низом, ўшанга тенг бўлиб?— деди Дониёр кўнгилчан оҳангда.— Кўрмаяпсизми, у тап-тайёр ҳўкиз-ку!

Низом ҳамон ўзидан ижирғанмоқда эди, унинг алланечук сохта жонкуярлигига эътибор бермади, ҳат-то қиё боқмади ҳам.

Акбар яқинлашиб, жойига чўкаркан:

— Жўнатвордим-э, онасини эмсин!— деди чўнтаги-ни тимирскилаган кўйи.— Оламизми яна?

— Оламиз!— деди Музаффар кафтига тираниб.— Очинг-чи!

Низом бирдан ёлғизлигини ҳис этди, бетоқатланиб ўрнидан тураркан:

— Мен энди кетаман,— дея киссасидан битта беш сўмлик чиқариб ташлади.— Ўтирсангизлар, ўзларингиз ўтираверинглар. Менга бўлди.

— Майли, биз ҳам кетамиз,— деди Акбар илжа-ийиб.— Лекин, сиз бирпас шошилмай тулинг, анави махлуқ сал нарироққа даф бўлсин.

Низом унга нафратомуз чимирилиб қўл силтади, туйқус мияси ғувиллаб, бир лаҳза кўзи тинди. Тезроқ қаёқларгадир кетишни ўйлади. Ногоҳ Зиёда билан кинога бормоқчи бўлгани ёдига тушди, ботаётган қуёшнинг алдон нурларига чулганган узоқдаги оқиш деворга паришон тикиларкан, негадир бугун учрашувга бормасликни кўнглидан ўтказди. Сўнг институтнинг энг катта бўлимида кичик ходим бўлиб ишловчи Зайнаб, соясини судраган кўйи, кулимсираб келаётганини кўриб, пешонаси тиришди: у эридан ажралган, Низомга мойилроқдек эди.

— Низомжон ака, шаҳарга тушасизми?— деб сўради Зайнаб, уч-тўрт қадам нарида тўхтаб.— Бизлар-ниям обкетинг?

Акбар ялтоқланиб, уни «дастурхон»га таклиф этди. У эса гўё эшитмагандек, парво қилмади.

— Йўқ, шаҳарга тушмайман.— Низом жўрттага чайқалиб, нохуш тўнғиллади.— Хотиним уйда кутиб ётибди.

Шаҳло кўзларида совуқ бир аламли учқун ялт этиб, Зайнаб кескин ортига бурилди.

— Шошманг, Зайнаб!— дея Музаффар жойидан оғир қўзғалди.— Машинада бир кишилик жой бор...

Зайнаб тўхтамай, чаққон одимлаб кетди.

Дониёр ноннинг қолган-қутганини газетага ўраб, стол галадонига солди; пақир, гулқайчи, кетмонларни ишком чеккасидаги тахта қутига жойлаб, қопқоғини ёпди.

Низом дарахтларнинг қуюқ соясида турган «Жигули»сининг эшикларини очиб қўйиб, моторни ёқди.

Акбар олдинги ўриндиққа ўтириб, йигитларни шоширди, сўнг:

— Боя босиқлик қилганингиз яхши бўлди, Низом,— деди хушомадкорона гап бошлаб.— Мен сизни бешқача тасаввур этиб юрардим... Онасини эмсин, у кўрсавод билан эртага яккама-якка гаплашиб қўйма-сангиз, кейин жириллаб юради.

Ноумид — шайтон, Низом — илмий журналнинг котиби!.. Акбар эса институтнинг оддий ходими.

— Гаплашаман, хотирингиз жам бўлсин!— деди Низом қисқагина қилиб.

Унинг гап оҳангидаги қўрслик Акбарнинг дамини ичига тушириб юборди.

Ниҳоят, Музаффар орқа ўриндиққа ўрнашиб, эшикни қарсиллатиб беклагач:

— Ҳайданг!— деди.— Кетдик.

Низом аста машинани жилдирди. Тераклари бетиним шовуллаётган хиёбондан ўтиб, тор, тупроқ кўчага кирдилар. Қизлар, дала оралаган сўқмоқдан қатор тивилишганча, секин кетиб боришарди.

— Низомжон, сиз у билан бирор марта гижиллашганмидингиз?— деди Дониёр ўсмоқчилаб.— Мен сира тушунолмай қолдим, нимага бунча жиззакилик қилди у?

— Журналда чиққан ҳалиги мақоладан, домласига айтиб, номини олдириб ташлатмоқчи бўлганида, мен кўнмаган эдим.

— Э-э!— дея Акбар ортига ўтирилди.— Биз чидадик-ку, а, Дониёр?

— Улмаган бизнинг жонимиз...

— Бу ерда бошқа сабаб бўлса керак,— деди Музаффар суҳбатга аралашиб.

— Сабаб?.. Йўқ бошқа сабаби!

Низом ҳамон дилгаш, ҳамон хаёли паришон эди, билмай қолиб, беихтиёр серқатнов йўлга муюлишдан суқилиб кирди. Ва бирдан хатосини англаб, машинани таққа тўхтатди. Икки ёқдан ўқдек елиб келаётган машиналар бир-бирига урилиб кетаёзди.

— Сиз нима қиляпсиз, оғайним?! Ўзингизни қўлга олинг. Фалокат оёқ остида-я!— Ранг-қути сурпдек оқарган Акбар чуқур уҳ тортиб, эшикни очди.— Йўқ, шошманг, бунақаси менга тўғри келмайди. Мен тушман...

Тиззалари қалтираб, Низом машинани орқага юргизди.

— Сизлар ҳам тушинглар,— деди Дониёрга юзланиб.— Мен жуда... Ҳозир ҳушим ўзимда эмас.

— Мен ҳамми, Низом?— деди Музаффар.— Олиб кетмайсизми?

— Ҳа,— деди Низом юзларига хиёл қон югуриб.— Қўйинг, уволларингизга қолиб ўтирмайин. Тушинглар...

«Қўрқув — чегара, чегаранинг нарёғи — озодлик, бу тарафи — аросат! — Низом энди катта йўл чеккаси-дан машинани секин ҳайдаб бораркан, Дониёр билан Музаффарни тушириб қолдирганига ўкинди, тагин ўларни қайтармоқчи бўлди, аммо энди хаёлларини қизганди. — Мен ўша ифлосдан қўрқдим! — деб ўйлади кейин. — Қачонгача қўрқиб, аросатда яшаш мумкин, қачонгача?! — Туйқус аламзада юраги қаърида чўзилиб ётган бошқа бир ўжар... Низом сассиз-садо-сиз таскин берди: — Сен барибир устун чиқдинг. Куч — ҳўкизда ҳам, эшакда ҳам... бор. — Аслида бунга ором бермаётган, беором ўртаётган ана шу — юраги қаъридаги ўша Низом эди. — Йўқ, ўч олишим керак! — дея қатъий аҳд этди бу Низом. — Ўч оламан! Ўч оламан!...»

* * *

Анзират эшикни очиб, йўл бўшатаркан, унинг хо-муш, оқу қораси қоришиб кетгандек, киртайган кўзла-рига синчков тикилиб:

— Биров хафа қилдими, отажониси? — деди дафъа-тан безовталаниб. — Ё яна бошингиз оғридимми-а?

— Биз олим бўлишимиз мумкин, лекин одам бў-долмаймиз! — деди Низом надомат билан шангиллаб. — Бўлолмаймиз!..

— Иб-и, ичиб қўйибсиз-ку?! — дея Анзират ҳасрат билан бош чайқади. — Бу кеча энди ухлаёлмай, қийна-либ чиқасиз. Айтинг, қайси уйинг куйгур сизни хафа қилди?

— Ҳеч ким! — деди Низом хотинининг елкасини силаб. — Биров бизни хафа қилади, биз бировни... Ё қа-димми?

— Ёқмайди! — деди Анзират аламнок, бўғиқ овоз-да. — Сиз ичасиз, дарду азобини мен тортаман. Нима учун ичасиз-а? Қизилқумда сурув-сурув қўйларингиз ўтлаб юрибдими ёки юртингизда дангиллама иморат солиб қўйганингиз учунми? Нима учун ичасиз?!

Аччиқ хўрсиниқ бўғзига санчилиб, Низом хотини-га маҳзун термилган кўйи:

— Сен айтган нарсаларнинг биттасиям йўқлиги учун! — деди, сўнг гўё хандон-хушон қўшиб қўйди. — Биз — дунёга, дунё бизга омонат, охир-оқибат — яқун битта! Бўйинингни қисиб, фақиргина яшасанг, кўпроқ умр кўрасан.

— Кечдим шунақа умрдан!— Анзиратнинг лаблари, юз пайлари асабий титраб кетди.— Топганим тутганимга етмайди. Умрим изингизда саргардонлик билан ўтяпти. Биламан, ҳали ўлигимниям...

Низом йиглаётгандек кулимсираб:

— Сен билан биз ўлгунгача жасадни куйдириш расм бўлмасмикан?— деди.— Баҳонада дўзах азобидан ҳам қутулардик.

Анзират шоша-пиша ёқасини ушлади.

— Ўтинг, бемаза бўлманг кўп. Қўлингизни ювинг.

— Алпомиш қани?

— Ошхонада, овқатланыпти.

Уйлари икки хоналик бўлгани боис тангу тор ошхонадан емакхона ўрнида ҳам фойдаланар эдилар.

Низом тасмадек ингичка, тор даҳлиздан ўтиб, ошхона бўсағасига етди. Кўзлари катта-катта, юзлари дўмбоққина Алпомиш хонтахта қаршисида тиз чўкиб, ширгуруч емоқда эди.

— Ашалом, ота.— У катта темир қошиғини ялаб, одатдагидек арз қилишга тушди.— Яна онам уйишди-ла, ота.

— Онанг ҳали қараб турсин!— дея пўписа қилди Низом.

— Овқатимнинг гўшти қани деб хархаша қилавериб жонимга тегди.

— Бўлди, онажониси, бўлди!— дея Низом бурилиб, ҳаммомчага кириб кетди.— Эртага ҳаммасини оламиз, ҳаммаси бўлади...

«Яхшиямки «эрта» бор.— У қўлини юваётиб, қувурга жилдираб оқаётган оқавага тикилган кўйи беихтиёр хаёлга толди.— Балки, менинг қўрқоқлигиму... аросатда юришимга турмуш тарзим ҳам сабабдир. Уф-ф!...»

Низом хушлар-хушламас овқатланганидан сўнг, ётоқ бўлмага кирди. Ҳануз кўнгли ғаш эди. Зиёда билан учрашмаганига афсусланиб, тагин беоромлана бошлади.

— Валасapidча олиб бейинг, ота?— Велосивед минган Бўри қақида кино кўраётган Алпомиш югуриб келиб, Низомнинг қўлига ёнишди.— Уйда миниб юман, хайми?

— Майли, ўғлим,— деди Низом унинг сөчларини тўзитиб.— Американиям олиб берайми?

— Ҳа!— деди Алпомиш зорланиб.— Олиб бейинг, ота-а!..

Шу пайт Анзират чойнак билан пиёла олиб кирди, каравот остига қўяётиб:

— Бугун ўқув-ёзувингиз йўқми?— деб сўради.— Ишламайсизми?

— Нима эди?

— Болаларнинг иншосини келтирганман. Столин-гизда ўтириб, текширмоқчи эдим.

— Бемалол,— деди Низом кўксини сийпалаб.— Текширавер. Менинг юрагим яна санчяпти.

— Кўпроқ ичинг,— дея Анзират куюнчаклик билан кесатди.— Бош оғригингиз ҳам қолиб кетади.

— Борми, обкел?..

Анзират хафагазак чимирилиб, чиқиб кетди.

Алпомиш кино кўраётиб, ухлаб қолди; кейин, кў-рак эмаётгандек, ширингина тамшаниб, қиқирлаб кулди.

Низом ўғлини ечинтириб, каравотга ётқизаркан, дўмбоққина юзларидан ўпиб қўйди, сўнг телевизорни ўчириб, ўзи ҳам тўшакка чўзилди.

Нимқоронғи, жимжит хонага даҳлиздан заъфарон нур тушиб турар эди.

Низом кўзини юмиши билан яна кўнгли айниб, лў-қиллаётган бош оғриги зўрайди, энсасини каравот тахтасига тираб, кўзини очди: оппоқ, силлиқ шифт кулрангланиб кўринмоқда эди, киприк қоқмай тики-либ ётди; нимқоронғи бўшлиқда шарпадек бир сиймо, назарида, аразли кулимсираб кўринди: **З и ё д а!**..

Янги йил байрамидаги можародан кейин, баҳорда Анзиратнинг кўзи ёриган, ТошМИнинг туғруқхонаси-да ётар, ўша куни пешин маҳали Низом уларни олиб чиқиш учун шошилишч шпаллар устидан олиб-югуриб бораётган эди. ТошМИнинг орқа тарафидаги бузилган деворга яқинлашаркан, темирўл устида тўпланиб турган йигирма чоғли одамни кўриб, беихтиёр яқин-лашдию, юраги эзилиб кетди: барзангидек-барзангидек тўрт-беш эркакни роса калтаклашган, бургутбурунли-сининг лунжи ўпирилиб тушган, жағ суяги кўриниб турар; отюз, қоқчакаклисининг кўзлари моматалоқ-ланган; яна бирисининг қўл этлари титилиб, мажақ-ланган панжалари орасидан сизиб қон томар... эди.

«Бургутбурун» лахта қон тупуриб, атрофга бежо аланглаган кўйи:

— Улар қаёққа ғойиб бўлишди-я?— деди.

Худди ана шу пайтда серажин, офтобда қолиб тиришган олқинди совундек юзли бир кампирча Низомни кўрсатиб:

— Анави катак кўйлакли йигитдан сўрагин, — деди. — Буям ўшалар билан бирга эди чоғимда.

— Ме-мен... — дея Низом довдираб-дудуқланиб, орқага тисарилди. — Эсинг борми сен кампирнинг?! Тутуғруқхона...

Бирдан ярим майиб-мажруҳ барзангилар жон аччиғида ёпирилишди...

«Ҳар қандай тасодифнинг иккинчи қутби — заруратдир!» Фалсафанинг олтин қонуни бу.

Низом дазмолланган катак кўйлагини кийиб, айни ўша дақиқаларда ўша ердан ўтиши керак эди — ўтди! Тасодифан аламзада барзангиларга йўлиқди. Ва худди шу каби тасодиф шарофати билан омон қолди: дардан қайтаётган ҳамшаҳар, боз устига бир кўчада ижарада яшовчи қизлар — Тамара билан Зиёда Низомни кўриб қолган; кейин, талаба йигитлар ёрдамида ТошМИга элтишган, кейин Низом гоҳ ҳушига келиб, гоҳ ҳушидан кетиб ётганида, алаҳлаб, хотини ва ўғилчасини туғруқхонадан олиб чиқиш учун бораётганини англагач, Тамара саросар Анзиратнинг ёнига югурган, Зиёда эса бунинг қошида қолган...

Бироқ ҳамшаҳар қизларнинг ҳамшаҳар йигитга меҳрибонлиги тасодиф эмас эди...

Низом касалхонада икки ҳафтадан кўпроқ ётди.

Нимёруғ хонага ланг очиқ деразадан беором шовуллаётган акас дарахти гулларининг ҳиди гуркираб кириб, ачимсиқ дори-дармон исини қувиб чиқаради: одамнинг баҳри дили яйрайди. Ўрта йўлакнинг нариги бетигаги каравотда дарахтдан йиқилиб, қовургасини синдирган йигитча уйқусида аҳён-аҳён инграб қўяди. Бир маҳал, осойишта тун бағрини тилиб, бедор бойқуш қиюв-қиювлаганча шувиллаб учиб ўтди.

Зиёда паришон алфоз ўрнидан турди, оҳиста юриб, деразага яқинлашди, рафчага тирсақларини тираб, хиёл фурсат бепоён қоронғиликка жимгина тикилиб турди, сўнг секин келиб, курсига ўтираркан:

— Ҳаво шунақаям майин, шунақаям яхшики! — деди хушнуд жилмайган кўйи. — Низом ака, сиздан бир нарса сўрасам майлими?

— Бемалол. Билсам, жавоб бераман.

— Сиз олим одамсиз, айтинг-чи, муҳаббат нима ўзи?

Бирдан Низомнинг жисму жонини сеҳрли ҳаяжон чирмаб олди, қизнинг чақноқ қорачиқларига ҳасратли бир ўйчанлик билан термилиб:

— Сизларнинг тиббиёт тилида қандай таърифланишини билмайман...— деди овози титраброқ.— Лекин менинг англашимча, муҳаббат — илоҳий неъмат.

Камондек қошлари чимирилиб, Зиёда навозишли бош чайқади: тушунмадим. Тушунтириброқ гапиринг?

— Агар янаям соддароқ қилиб айтсам, муҳаббат — армон, унга эришиб бўлмайди, эришган заҳотингиз ўзининг илоҳийлигини йўқотади.

— Йў-ўқ, нега? Сиз.. сиз Анзират опамлани яхши кўрмайсизми ахир?!

— Анзират опангизни қачонлардир жонимдан ҳам ортиқ яхши кўрганман... Ошиқ-маъшуқ бўлиб юрган пайтларимиз бўлган. Энди ўғлимни шундай яхши кўраман. Менинг муҳаббатим парчаланиб-парчаланиб ўғил-қизларимга кўчади. Анзират опангиз эса бамисоли менинг қўлим ёки оёғимга айланиб қолади.

— Гапларингиз жудаям ғалати-ей, Низом ака! Одам кўрқиб кетади. Гапирманг!

— Э-э, қанақасиз ўзи, Зиёда!.. Очигини айтсам, ма-на, сиз — менинг армонимсиз. Мен сизга ҳеч қачон эришолмайман, ҳеч қачон!

Зиёда, илкис вужуди қалқиб:

— Вой, нега-а?!— деб юборди. Сўнг қизариб:— Айниманг, Низом ака!..— деди.— Майли, мен борай. Касаллардан хабар олишим керак, эртага ҳали имтиҳон ҳам бор.

— Кетманг, яна бирпас ўтиринг, Зиёда?

— Сиз чегарани бузаяпсиз-да!..

Низом кўксини гижимлаб, чуқур-чуқур нафас олди. Ўғли ёнида пишиллаб ухлаб ётар, ҳамон қўшни хонадан дафтар варақларининг ўқтин-ўқтин шитирлагани эшитилиб турар эди.

..Гавжум ресторан ранг-баранг чироқлар ёғдусидан хаёлий нурга чулганган. Сочлари мавж урган қизлар, жувонлар камалак тусда товланиб, телбавор таралаётган куй оҳангига мос, аъзои баданларини қилпанглатганча, мажнунсифат йигитларнинг жунунини қўзитиб, рақс тушишади.

— Юринг, биз ҳам танса тушамиз, Низом ака!
— Йўқ. Биласиз-ку, мен уяламан, Зиёдажон.
— Анави... телба оломонданми? Мен уялмай, сизни таклиф қиляпман-ку?!

— Сизникиям ўткинчи жазава. Барибир уяласиз. Зиёда сассизгина хўрсинди, майин мўй босган устки лаблари титраб, қадаҳидаги шампандан ҳўплади.

— Бугун эрталаб Тамарадан хат олдим: туғилган куним билан табриклабди, сизга салом айтибди. «Сенга ҳавасим келади, сен эркин қушсан, ҳадемай олима бўласан», деб ёзибди. Билмайдики, мен унга ҳавас қиламан... Ҳозир уч боласи бор, эри ўзига ўхшаган дўхтир. Мен бечора эса...— Кўзларида ёш ғилтиллаб, аста ютинди у.— Ҳаммасига сиз айбдорсиз, Низом ака. Йўқ, ўзим!.. Сизни йўлиқтирмаганимда, падарига лаънат шу олимлигини, домлаларимнинг зору таваллосига қарамай, жўнаворган бўлардим. Энди фақат сизга эртаю кеч мартаба тилайман.

— Мен ҳеч қачон амалдор бўлмайман,— деди Низом жиддият ва таажжуб билан.— Амалдорлигимдан сизга нима фойда, Зиёда?

— Сизга котибалик қилардим...

«Ў-ў, сен менга шу қадар содиқмисан-а?!— Аччиқ бир хўрсиниқ Низомнинг кўксини шилиб ўтди, кўзлари ачишди.— Мен... Мен сенга нолойиқман, Зиёда!..»

— Сиз жудаям яхшисиз, Зиёда!— Яна юраги живиллаб, Низом унинг чўғдек қўлини сиқди.— Ёмон бўлганингизда, аллақачон ҳаммасига эришар эдингиз.

Зиёда бир оз жим қолди, сўнг қадаҳини нари суриб:

— Кетдик, Низом ака!— дея қувлик билан қош учирди.— Туринг.

— Қаёққа?

— Сизларникига борамиз. Анзират опамлага, бугундан бошлаб, сизнинг чўрингизман, дейман. Фақат, уйингиздан жой беринг, дейман. Юринг!

Низом ҳаловатсиз кулимсираб:

— Подшоҳ тахтдан, хотин бахтдан тўймасмиш,— деди.— Анзират опангиз охириги бир бурда нонини баҳам кўриши мумкин, лекин...

— Қўйинг, барибир қўлимдан ёмонлик келмайди,— дея Зиёда эркаланиб, нозланди.— Мени кинога олиб боринг, Низом ака. «Панорама»да «Утган кунлар» қўйиларкан.

— Қачон?

- Йигирма олтинчида.
- Уҳ-ҳў, ҳали беш кун бор экан-ку!..

Чирқ этиб, даҳлиздаги чироқ ўчди.

Салдан сўнг қуюқ қоронғилик чекиниб, оқиш деворларга сингиб кетди, деразадан хонага осойишта, сутдек бир ойдинлик энди.

Узун, оппоқ тункўйлақда Анзират ичкарига кирди, аста каравотга яқинлашиб:

— Ҳалиям ухламадингизми? — деб сўради. — Нега бошингизни тахтага тираб ётибсиз?

Низом индамади, ҳалол тўшагида ҳариш ўйлар суриб ётганидан ижирганиб, ўглининг ҳар қандай гуноҳдан фориғ, покиза чеҳрасига бетланиб қарашга ботинолмай:

— Алпомишни олгин! — деди.

Анзират авайлабгина болани жойига элтиб ётқизди, сўнг:

— Бошингизни ёстиққа тўғри қўйиб ётинг, — деди. — Чой қўйиб берайми?

— Йўқ, — деди Низом алланечук хижолат ҳиссидан аламнок хўрсиниб. — Бошим оғрияпти.

— Мундай ётинг, уқалаб қўяман, — дея Анзират унинг ёнига ўтди. Низом элан-қаран қоматини кўтарди. — Пешонангиз қизиб кетибди. Нима қиласиз шу дардисарни ичиб-а?!

— Э-э, бир ўртоғимнинг туғилган куни экан, қўймади-да!

— Йиқитиб оғзингизга қўймагандир, ахир... — Анзират Низомнинг бошини кафтлари орасига олиб, ихлосу иштиёқ билан уқалай бошлади. Хиёл фурсат шу тахлит табиблик қилгач, одатдагидек, шивирлаб сўради: — Сал босилдими?

— Ҳа, — деди Низом боладек жилмайиб. Чиндан ҳам оғриқ тўхтагандек эди. — Анча...

— Энди ўраниб ётинг. — Анзират ёстиқни уриб ҳурпайтирди, пиёлага озроқ чой қўйиб узатди. — Манг, бир қултумгина ичинг, шу билан кўнглингиз айнишиям босилади.

Низом итоаткорлик билан чойдан ҳўплаб, дераза томон ўгирилиб ётди.

Ҳаял-замон ўтмай, хонага қандайдир эзгин бир жимлик ёпирилди.

Кўзи уйқуга илинар-илинмас, Низом бирдан сесканиб тушди, тагин тажангланиб, хаёли можароларга

оғди. «Бегуноҳ... бесабаб еган калтакларим мени қўрқоқ қилиб қўйдимикан-а?— деб ўйлади у тутақиб.— Уф-ф! Қачонгача?!— Туйқус қулоқлари остида Акбарнинг таҳқиरोмуз товуши жаранглаб кетгандек бўлди: «Онасини эмсин, у кўрсавод билан эртага яккама-якка гаплашиб қўймасангиз, кейин жириллаб юради». Низом тишларини гичирлатиб, бедор-беҳаловат бош тўлғади.— Жирилла-аб?!»

Йўқ! Эртага уни жирилламайдиган қилиб қўяди. Эрталаб...

...Эрталаб машинасига ўтирадию аввал Анзиратни мактабига шоду хуррам элтиб қўяди, сўнг Алпомишни боғчага олиб боради.

Ўғлини боғчада қолдиргач, ишга бормайди: безовта-бетоқат одамлар билан тирбанд почтага кириб, қишлоққа битта хат ёзиб ташлайди.

Сўнг, чошгоҳ маҳали шаҳар чеккасидаги санаторийнинг қўнғирранг темир дарвозаси ёндорига ўрнатилган телефондан Зиёдага қўнғироқ қилади.

«— ...Мен келдим».

«— Ҳозир тушаман, тўрам, ҳозир!»

«— Биратўласи кийиниб тушинг».

«— Киногами?..»

Оппоқ, михпошна туфлисини тўқиллатган кўйи чаққон одимлаганча, Зиёда хушвақт чиқиб, машинага ўтиради. Машина ичини ёқимли, элиттувчи уфор ҳиди тутиб кетади.

«— Ҳайданг тезроқ. Институтга боряпман, деб қочдим».

Низом индамай тезликни янаям оширади.

«— Қаёққа ҳайдаяпсиз, «Панорама» бу ёқда қолиб кетди-ку?!»

«— «Ўтган кунлар»ни эмас, ҳозир бугунги куннинг ташвишини кўрайлик, Зиёда. Ўзингиз Кумушбибидан ҳам, Зайнабдан ҳам — ҳаммасидан яхшисиз».

«— Тўхтанг. Тўхтатинг машинани!»

Низом машинани шарқираб оқиб ётган анҳор бўйдаги сершоҳ-сербутоқ гужум тагида тўхтатади. Салқин шабада ҳур-ҳур эсиб туради.

«— Ишхонангизда биров хафа қилдими, тўрам?»

«— Юрагинг сени қўллаб-қувватлаганда, кафтингга олиб, силаб-сийпаласанг, ўпиб эркаласанг; хиёнат қилганда, роса савалаб, бутун аламларингнинг хуморидан чиқсанг!..»

«— Аччигингиз келмасин-ку, Низом ака, Анзират онамлар сизни жуда эркалатворганлар, сиз худди боладек аразгўй бўлиб қолгансиз. Тупуринг унақа... ғаламисларнинг башарасига! Одамзод калтақдан ўлмайди, бошингизда бир эмас, бир неча бор синаб кўрдингиз-ку, ахир! Сизни бугун биров ҳақорат қилдими — ташом, вақтида яксон қилмасангиз, эрта елкангизга чиқиб топтайди. Қўрқиб яшаб яхши ўлиш — бахт эмас, тўрам, қадни тик тутиб, яхши яшаш — бахт!»

Низом индамай, кўзлари ярим юмуқ кўйда, суянчиққа ясланганча, ўйчан ётаверади. Зиёда эса тинмай, таскину мадад бераверади.

«— Лекин, тўрам, энди ёш эмассиз, дунёга, одамларга ҳушёрроқ қаранг. Умримиз ўзи шундоқ ҳам қисқа. Бировлар билан ёқалашиб умргузаронлик қилгандан кўра, ўзимизни карвон билиб, янаям фойдалироқ ишлар билан машғул бўлганимиз афзал эмасми?.. Кейин, қодаверса, сизни ранжитган ёки сиз боплаб ўч олмоқчи бўлаётган ўша аблаҳ ҳам эрта бир кун хатосини англаб етар, сиздан узр сўрар. Сўрамаса — ундан нари! Ўзингизни бечора одамчаларга тенг қилиб, нимага эришоласиз, қани айтинг-чи, нимага?! Гапларимни эшитдўлсизми, Низом ака?»

«— Ҳа, эшитяпман, Гапираверинг».

Зиёда жиғибийрон бўлиб сўрайди:

«— Бўлмаса, нега индамайсиз? Нима учун жимсиз, ахир?! Кўзингизни очинг мундай!»

..Низом уф тортиб ўрнидан туриб кетди.

Анзират сапчиб, ёстиқдан бош кўтарди:

— Кўнглингиз айниятими яна? — деб сўради мудроқ кўйда жонсараклиниб. — Тоғорачани олиб келайми?

— Йўқ! — деди Низом хотинига қарамай. — Балконга чиқиб чекмоқчиман.

Анзират эрининг гап оҳангидаги койишни пайқамандек:

— Балконга чиқманг, шамоллаб қоласиз, — деди. — Шу ерда чекаверинг, кулдон каравотнинг тагида.

Низом кимгадир қаҳру ғазабини сочмоқчидек, қосғини уюб, қоронғи даҳлиздан вазмин бораркан: «Эртага! — дея хотиржам дилидан ўтказди ва бирдан тўхтади. — Ҳўш, эртага нима бўлади?..»

ДОВОН

Давлат, тобора машинани елдириб бораркан, одам ҳеч қачон ўзлигига хиёнат қилмаслиги керак, деб ўйлади: одамнинг ўз виждонига тажовузкорлиги асло кечирилмайди. Қачон бўлмасин, барибир муносиб жазосини олади. Олмай иложи йўқ.

Ва у беихтиёр таажжубланди: нега, нима учун бу ҳақда дабдурустан ўйлаб қолди?.. Хаёлида ёлғизгина қизи Марҳамату рамағдажон қайнонаси дам-бадам чарх ураётган эди-ку?! Миясида яшин янглиғ чақнаб ўтган бу куйдиргувчи фикрнинг боиси не?.. Наҳотки жазо муҳаққақ онлари яқин қолган бўлса?!

Шу пайт, яқинлашган сари катталашганча, йўл чеккасида тўхтаб қолган оқ «Волга» кўринди. «Волга» ёнида эгнига кулранг пальто, бошига қўнғирранг телпак кийган зиёлинамо йигит, қўлларини чўнтакларига тикқан кўйи, тек қотиб турар, пойида эса кичкина бир кўк челақ кўзга чалинар эди.

Давлат, орқа ўриндиқда мудраётган хотинига кифти оша нигоҳ ташларкан, зиёлинамо йигитга озроқ бензин бериб ўтишни кўнглидан кечириб, секин тезликни сусайтира бошлади: майли, кимсасиз биёбонда қолиб кетмасин шу боёқшиш.

Атрофда ҳеч бир зоғ йўқ. Катта йўлнинг иккала томони ҳам сийрак дарахтзор. Изғирин шамолда шипшидам дарахтлар юлқиниб-чайқалиб ётибди. Дарахтзорлар адоги бўзранг адирларга туташиб кетган. Сарғиш-заъфарон қуёш, олисдан қуюқ туман нардасига чулғаниб олгандек хўмрайиб кўринаётган Бахмал тоғининг баланд тизмалари ортига ботиб боряпти.

Давлат «ГАЗ-24»га яқинлашаркан, ёши қирқлар чамасидаги зиёлинамо йигитнинг тўраларча кибрланиб турганини пайқадю, фикридан қайтиб, кескин тезликни оширди. Ва, шу баробари бехос дилида қўзғалган аллатовур безовталиқдан ҳаловатсизланиб, қачон-

лардир отаси айтган бир ўғитни эслади: ўғлим, кунми-тунми—аҳамияти йўқ, катта йўлларда юрганингда, илло-билло одамзодга машинангни тўхтата кўрма! Ноинсофлар Қорақум йўлида бир мусофирни чавақлаб, машинасини олиб қочишганмиш.

Унинг хаёлини тўзғитиб, хотини:

— Тўхтасангиз бўларди,— деди.— Кеч тушяпти, бечора йўлда қолиб кетмасин.

— Тўхтатмоқчи эдим,— деди Давлат, тагин тезликни сусайтириб.— Лекин у олифта лоақал қўлини киссасидан чиқармади-ку!

— Қўяверинг... Ҳалиям қайтайлик, савоб бўлади.

Хотинининг шу тобдаги савобталаблиги боиси Давлатга аён эди, шартта машинани тўхтатиб, шитоб орқага юргизди. «ГАЗ-24» ёнига етгач, моторни ўчириб, настга тушди:

— Салом,— деди.

Йигит савлат билан бош ирғаб, нимадир деди. Ув тортиб изғиётган шамол эса унинг овозини ямлаб кетди.

Давлат хушлар-хушламас юкxonани очди, бидонни олди, кўк челака қулдиради, индамай бензиндан қуя бошлади.

— Бўлди... бўлади,— деди йигит, челака ярим бўлаёзганда.— Манзил яқин... Буни ҳали бакка қуйиш тапшириям бор.

Беихтиёр Давлат ношукр кимсага ҳожатбарорлик қилгани учун дилида пушаймон ҳиссини туйиб, бидонни жойига қўйди, юкxonани қулфлади, сўнг йигит томон нохушроқ ўгирилиб:

— Ўзингиз юргизоласизми?— деб сўради.

— Ҳа, бир амаллармиз,— деди йигит, тагин боягидай бош ирғаб.— Бўпти!..

Давлат вазмин ўриндиққа ўтириб, машинани жойидан жилдирди.

Хиёлдан сўнг хотини:

— Бир оғиз раҳмат айтмади-я,— деди.

— Қўявер... У такаббур амалдор кўчада қолиб кетмаслигини биларкан-да!

— Унинг амалдорлигини сиз қандай билдингиз?

— «Волга» камида шу ернинг райком ёки райисполкомга тегишли бўлса керак, номеридан кўриниб турибди. Кейин, йигитнинг бошидаги ноёб телпакни ҳаммаям киёлмайди. Унинг гўддайиб турганини кўрдингми?

Аллақачон хотини яна хомуш тортган эди, индамади.

Давлат яйдоқ теваракка тикилган кўйи хаёлга толаркан, қачонлардир қулоғига чалиниб, хотирига муҳрланиб қолган оташин бир байтни эслади:

Такаббур аҳлига зинҳор салом-алик демай ўтгил,
Аларнинг бошида минг деу малъуннинг ҳавоси бордур.

Хў-ўш, биродари азиз, деб беихтиёр Давлат ўз-ўзини саволга тутди: ўзинг такаббур эмасмисан? Бундоқ дўшпини ёнбошга қўйиб ўйлаб кўр қани... Ўтган кун ишдан қайтганингдан сўнг, қишлоқдан хотининг саросималаниб қўнғироқ қилганини қизингдан эшитгач, жон талашиб ётган қайнонанг билан дийдорлашиб қолмоқ учун дарҳол йўлга тушдинг. Тунбўйи бедорбеқарор йўл босиб, тонгла қайнонанг ҳузурига кириб бординг... Аммо, атиги икки кўча наридаги азиз хонадонингга саросар бош суқиб, қариб-қартайиб қолган отанг билан, онагинанг билан ниҳояти юз кўришганингни демаса, бугун эрталаб негадир қизинг йиғлаб қўнғироқ қилганлигини баҳонаи боис билиб, мана тагин қуюндек елиб қайтасан. Бир қориндан талашиб тушган укаларинг, сингилларинг билан кўришолмаганинг — уларнинг ҳовлисига бир-бир киролмаганинг — майли, узрлидир, чиндан ҳам вақтинг тигиз... Аммо, марҳум тоғаннинг хонадонига қадамингни раво кўрмай кетаётганинг нимаси ахир?! Эртаю кеч дуои жонинг қайғусида юрган муштипар янганг эса, ҳамон дийдорингга илҳақ ўтиргандир... Лоақал касалванд холангни бирров кўрмадинг-а! Холанг билан эсон-омонлик сўрашмай кетаётганингни онанг боёқиш юзингга солломай, кўзларида милт-милт ёш билан, бечора Новвот амманг қалдирғочдай учиб юрган Роҳила қизини тупроққа бериб қўйганини айтган эдим сенга; отанг билан мулла Сатторни эргаштириб, йўлакай кириб чиқсанг яхши бўларди, болам, деди. Сен эсанг... жуда шошилич жўнаб кетаётганлигингни рўкач қилиб, онангни юпатмоқчи бўлдинг: фотиҳа қаримас, онажон... Сиз ўзингиз биз учун ҳам Новвот аммамга тасалли бериб қўйинг, биздан ўкинмасинлар, дединг. Э, нодон, сенинг таскининг ҳам, онанг беражак тасалли ҳам жону жаҳони зулматга эврилган Новвот амманнинг қайғусини заррача енгиллатолмас. Бироқ, биласан-ку, таомили шунақа: таъзияхонага қавму қарин-

дошлар ёғилиб-ёпирилиб боравериши керак. Сен эсанг... Хўй, нодон, талабалик йилларингни бир эсла. Уша кезлар қишлоққа атиги икки кунга келиб кетган пайтларингда ҳам барча қариндошларни кига бир-бир кирад эдинг-ку?! Йў-ўқ, улардан қай бирининг бир этак майиз, бировининг бир ҳовуч пул беражаги учун эмас, сени кўрганда уларнинг кўзлари яшнаб кетишини кўриш учун, айни кезде ўзингнинг ҳам баҳри дилинг яйраб кетиши учун борар эдинг.

Ёдингдами, никоҳ тўйингга таклиф қилиб борганинда, амманг юзларингдан, пешонангдан ўпаркан, кўзларидан ёш тирқираб, куёвлик тўнини кийган бўйларингга аммажонинг садқа бўлсин, болажоним! Худо хоҳласа, Қайсари Румдек амакигининг бурутини бундан кейин ҳам ҳеч бир болта чополмайди, деб, сени ёмон кўзу суқдан асрашини тангридан тилаб, қўярда-қўймай тегрангга исириқ тутатган эди...

Ҳа, энди сиз куласиз-да, биродар, улғайдингиз ахир! Аммо-лекин сизни ўз боласидек биладиган мотамзада аммажонингизга ҳамдардлик билдиrolмай, боз устига, бурутини ҳеч бир болта чополмас отангизни оқибатсизлигингиз туфайли қавму қариндошлар олдида уятли қилиб кетаётганингизни эса хаёлингизга ҳам келтиролмайсиз... Лекин ёдингдами, ўшанда аммангнинг бу қадар меҳрибонлигидан мутаассирланиб, беихтиёр кўзларинг жиққа ёшга тўлган эди. Чунки у пайтларда сен ҳозиргига нисбатан минг карра покизароқ, минг карра оқибатлироқ эдинг.

Кейин, ўзинг ўқиб тугаллаган институтда домла бўлиб қолганингдан сўнг, қишлоққа талабалик йилларингдагидек тез-тез эмас, озод ойларингда йилига бир, кўпи билан икки марта борадиган бўлдинг. Ва, бировларга тил ёриб айтмасанг ҳамки, кавушим кўчада қолган эмас, мен керак бўлсам, ўзлари марҳамат қилишин, деган бир заифона фикрни кўнглингдан кечириб, бора-бора қариндошлар истиқболига талпинмайдиган ётмеҳрга айланиб қолдинг.

Аммо, сен яхши биласан: меҳр — кўзда, кўз кўзга тушиб турса, меҳр тобланиб туради. Бироқ, сен яна шуни ҳам яхши биласанки, меҳрининсорлик учун х а с и н а д о р ҳ а қ тўламайди; таомилпарастлик — сенингча ва айни кезде, минг афсуски, хазинадорнинг ҳам фикрича — бефойда... ташвиш. Демак, яхши яшашнинг учун хазинадордан яхши ҳақ олишинг керак; яхши ҳақ олишинг учун эшакдек ишланнинг керак...

Мана, рамағдажон қайнонангнинг зору таваллола-
рига қарамай, хотининг билан жұнаб кетяпсан. Аммо,
қизингнинг йиғлаб құнғироқ қилгани рост эди, бу ҳам
сиз — эру хотин учун айни муддао бўлди: сен шартта
йўл тадоригини кўра бошладинг, икки ўт ўртасида
қолган хотининг эса, қаро қисматини чингсиб қарға-
ганча, онасини бағрига босиб, етим бўтадек бўзлай-
верди. Ахийри, қайнонанг ич-ичига ботиб кетган кўзла-
рида бир дунё аламу армон билан сенга мўлтираб,
майли, жұнай қолинг, болаларим, мен бугун-эрта ўла-
диганга ўхшамайман, деди ризолик тилаб. Мен сизни
ўғлим деганман, болам. Тепкилаб-тепкилаб ўзингиз
кўмарсиз, деб ўйлаган эдим. Агар дийдор қиёматга
қолса, мendan ризо бўлинг, болам?..

Сен тошбағир нималардир дея минғирлаб, кампир-
нинг қоқшоқ қўлларини юзларингга босдинг. Ушанда
айтган пойинтар-сойинтар гапларинг нечоғлик ҳавойи-
лигини ўйлаганинг сайин, ана, юзларинг ловуллаб бор-
япти.

Назирани катта духтирларга яхшилаб қаратинг,
ҳали ёшсизлар, ёлғизгина Марҳаматга ишониб, умрни
биздек беҳуда ўткаворманглар, эрта бир кун бизга
ўхшаб ёлғиз қизнинг доғи фироқида куйиб қоласиз-
лар, болам. Эрта мен ўтиб кетганимдан кейин бобон-
гизни¹ ёлғиз қолдирманглар. Энди иложи бўлса, қиш-
лоққа кўчиб келинглар, жон болам?..

Сен бетайин ваъдалар билан тўшакбанд қайнонанг-
ни ниҳоят юпатгандек бўлдинг. Сўнг, жон бераётган
жуфти ёнида туядек чўккан, кўзлари аламноқ ҳайрат-
дан донг қотган, мунглуғ қайнотангни бағрингга бо-
сиб, чархи кажрафторнинг палахмонидаги бамисоли
бир тош эканлигингдан бўғилиб-бўғриқиб хўшлаш-
динг.

Тўғри, биродар, сен катта бир институтнинг катта
домласан; хотинингга ҳам осон эмас — катта бир
корхонанинг бутун ҳисоб-китоби унинг зиммасида;
устига-устига, қизинг негадир бетоқат құнғироқ қил-
ди — алоқа узилиб қолмаса, сабабини билиб оларми-
динг... Эрталаб кирган духтир ошнанг эса, ҳаливери
қайнонангнинг дунёдан ризқу насибаси узилмаслигини
айтди, хуллас — тезроқ қайтишларингиз керак эди —
мана, қайтиб кетяпсизлар.

Аммо, қани сен ношукрнинг ўғил бўлганинг?

¹ Б о б о — қайнота (шева).

Қани сенинг одамгарчилигинг ахир?! Сен бугун хотинингни самолётда жўнатиб, ўзинг қолишинг керак эди. Қололсанг, бамайлихотир таъзияга кириб чиқардинг, касалманд холангнинг кўнглини олардинг, қавму қариндошлар билан дийдорлашардинг... Ана кейин, шу тобдаги каби кўксингга надомат ханжари қадалгандек чингсиб эмас, бир қадар хушҳол қайтар эдинг. Энди унутма: қариндошпарвару таомилпараст отананг, қайнона-қайнотанг шарофати билан қавму қариндошлар сен оқибатсизни ҳозирча танишар, тан олишар, лекин эрта бир кун,— илоё бу эрта бир кун чексизлик қадар чўзилсин,— бу табаррук қариялар ўтиб кетганларидан сўнг, сени улар тан олмайдилар. Оқибатсизлик қиларкансан, сенинг одамлигинг ҳам, олимлигинг ҳам улар учун бир пул. Ёдингда тут: оқибатсизлигинг, худбинлигинг — та к а б у р л и г и н г — замонасозлигинг жабрини тортмай иложинг йўқ!..

Давлат, куйишиб оғриётган кўксини аста сийпаларкан, боя шуурида яшин янглиг чақнаб, ёду хаёлини банд этган фикрнинг боисини теран англаб етгандек бўлди: ёпирай!.. Яшаш тарзининг ўзида хиёнаткорона бир нимадир мужассамдек экан, гўё қаттиқроқ тикилиб қараса, унинг шаклу шамойилини аниқтиник кўрадигандек!.. Давлат беҳаловат қимирлаб, маломатли кулимсираб қўйди: бир мусулмон виқор билан бош ирғагани учун, бир оғиз раҳмат айтмагани учун пешонасига та к а б у р деган муҳрни босдинг-қўйдинг. Аввал ўзингга боқсанг-чи!.. Худбинларча тинчингни ўйлаб, умринг ўткинчилигини хаёлингга келтирولмай, роҳат-фароғатингни қайгуриб, бутунлай такаббурлик қобигига ўраниб олган экансан-ку, тагин бировларга ногора қоқасан. Ахир, бир пайтлар сен жуда кўйди-пишди эдинг-ку! Такаббурфеъллигинг қачон, нимадан бошланган экан-а?

Мисоллар кўп, жуда кўп: ўшанда еттинчи синфда ўқирдинг, оғзи-бурнинг ола қонингга бўялиб, Луқмон сариқ билан муштлашаётган эдинг. Бир маҳал, муаллим Музаффаров келиб қолиб, чеккада томошабин бўлиб турган Олимчадан жанжалнинг сабабини суриштира бошлади. Олимча эса, кўзларини лўқ қилиб, э, айтиб бошим балога қолсинми, деди.

Сен буни кутмаган эдинг, худди биров орқангдан каллангга гурсиллатиб ургандек бўлди...

Биринчи курсдалик пайтингда пахтада рўй берган

бир воқеа ҳам ўла-ўлгунингча ёдиндан чиқмас: сен кўп пахта терардинг. Уша кунни тушгача тўқсон етти кило тердинг. Тушдан сўнг терган қирқ уч кило пахта-нинг қирқ килосини Маҳмуд жўрангга ўтказди-риб, уч килогинасини ўзингга ёздирдинг. Эртаси эрта-лаб кунлик нормани ошириб бажарган Маҳмудни саксон кило пахта тергани учун роса мақташди. Аммо, тушдан сўнг атиги уч кило терганинг учун доцент Шарипов сени курсдош йигитлар, қизлар олдида аччиқ-аччиқ гаплар билан ер комига тиқворди.

Мақтовлардан боши кўкка етган Маҳмуд жўранг эса ишшайиб тураверди...

Партия сафига қабул масаланг кўрилаётган эди, кутилмаганда Султон супурги сўз олиб, ишнинг пачавасини чиқарди: Давлат кўп жиҳатдан коммунистликка муносиб ўртоғимиз, аммо битта жиддий лекин бор, деди. Унинг бу гапин эшитиб, ҳамма ҳайрон бўлиб, тек қотди. Сен эсанг, негадир дабдуруст оғзинг очилиб, бақрайиб қолдинг. Султон супурги куйдирилган калладек иршайиб, сўзида давом этаркан, бирмабир фазилатларингни санаганча, карракдек очилиб қолган оғзингдан иштиёқ билан парча-парча муз тиқаверди: ўртоғимиз Давлат жуда ҳамиятли йигит, лекин жуда қизиққон... Давлат жуда истейдодли кадэ, аммо ўта мурасасиз... Давлат сержаҳл... Давлат қайсар... Давлат бетгачопар... Хуллас, менинг таклифим шуки, ўртоқлар, янаги қабул навбатигача ўртоғимиз Давлатнинг зиммасига ўз феълу атворини кескин ўзгартириш мажбуриятини партиявий наказ қилиб юклашимиз керак!..

Сен кандидатлик диссертациянгни ёқлашинг керак эди, сен амал поғоналаридан қуламай кўтарилишни истар эдинг...— мурасасизу сержаҳл эмаслигингни, қайсару бетгачопар эмаслигингни кўрсатиб қўйиш учун, Султон супургига жавобан лом-мим демадинг. Ва шу-шу ичингга киргандек туюлган парча-парча муз юрагингни музлатворган экан, ихтиёрсиз равишда такаббурлик қобиғига ўранавердинг... ўранавердинг... ўранавердинг.

Ногоҳ Давлатнинг кўзига дард чангалида аёвсиз азоб чекиб, ўлолмай ётган қайнонаси кўриниб кетгандек бўлди: қоқшоқ қўллари, кимгадир узатилгандек, ҳавода қалтирайди; қурқшаб қолган лаблари, алланима дейётгандек, аянчли титрайди; хира тортган нур-

сиз кўзлари, юрагини туганмас ғам-андуҳ кемираёт-
гандек, аламноқ жавдирайди: агар дийдор қиё-
матга қолса, мендан ризо бўлинг, бо-
лам?!

Давлатнинг кўзлари беихтиёр ачишиб, нимадир
бўғзига қадалгандек туюлди. Ёнбетдаги дарчани кат-
тароқ очиб, ғуруллаб кираётган совуқ ҳаводан ютоқиб-
ютоқиб нафас олди. Сўнг юзларини ғамгин сийпалаб,
манглайдаги ойна оша орқа ўриндиққа маҳзун нигоҳ
ташлади: хотини йўл маромига мос чайқалиб, хаёл
суряпти. Кўзлари юмуқ, лекин... уйғоқ. Билади: шу
тобда хотини ухлаёлмайди. Ухлаб бўларканми ахир.

Давлат тепадан бостириб келаётган қорамтир бу-
лутларга дилғашланиб тикиларкан, қорнимиз тўқ,
эғнимиз бут, аммо кўзимиз оч, кўнглимиз юпун, деб
ўйлади: жудаям!.. Нима учун бу қадар кўзимиз оч,
бу қадар кўнглимиз юпун?.. Уртадан меҳру оқибат
кўтарилиб боряпти... Атроф-теварагимизда рўй бераёт-
ган турфа каззоблигу риёкорликларни эшитиб, даҳ-
шатга тушмаймиз. Нега? Нима учун ахир?! Ёки эши-
тавериб, қулоқларимиз битиб, юрак-бағримиз тошга
айландими-ё?

Давлат хаёлчан бош чайқаб, даҳшат, деб ўйла-
ди: йўқ, бу тахлитда яшаб бўлмайди. Муштипар қай-
нона ўлолмай ётса-ю, қиз билан куёв қизининг йиғлаб
қўнғироқ қилганлигини сабаб билиб, шартта уйига
жўнаворса! Ношукр қиз, такаббур куёв... Айтмоқчи,
Марҳамат нима учун телефонда йиғладийкин-а? Уйда
қолаётганида кайфияти яхши эди-ку?!

Бирдан ўтган оқшом қизи билан хайрлашган ма-
ҳалидаги манзара Давлатнинг хотирида нурланиб,
қулоқлари остида қизининг овози аниқ-тиниқ эшитила-
ётгандек туюлди: адажон, мен сизга озроқ гўшт қову-
риб қўйдим, йўлда еб кетасиз. Кофе ҳам қайнатиб
қўйганман... Нега ўзинг мен билан бормоқчи эмассан,
қизим? Ахир, бувинг-а!.. Адажон, жон-жон деб борар-
дим-у, лекин эрта саҳнага менинг Гули бўлиб чиқи-
шимни биласиз-ку! Кўриққа қўшни мактаблардан ҳам
ўқувчилар, ўқитувчилар келиши керак. Мамочкамни
мен учун ўпиб қўйинг, бабушкамга кўп-кўп салом ай-
тинг. Яхши-и?..

Давлат, рул чамбарагини маҳкам сиқиб ушларкан,
тишларини гич қилиб, аламноқ ғудранди: тилгинанг-
ни часн чақмагур бабушка, мамушка дейди-я!.. Май-
ли, ишқилиб... Омонлик бўлса, уйга боргач, мактаб-

нинг каттаконлари билан гаплашиб, бирор ойга, иложини тополса, Янги йилгача Марҳаматни қишлоққа жўнатади. Бувиси билан бобосига дастёрлик қилиб юрсин... Жўнатиш керак, албатта жўнатиш керак!

Туйқус тариқдек-тариқдек бир неча дўл чирсиллаб, олд шишага урилди. Давлат, кўзлари ялт этиб, осмонга хавотирли назар ташлади: тобора қорамтир булутлар қуюқлашмоқда эди, еру кўк аллатовур кулранг тусга эврилган — наҳотки ёғса-я?!

Гўё унинг хавотирини тасдиқламоқчидек, тариқдай кичкина-кичкина дўллар шишага устма-уст чирсиллаб урилаверди. Шу баробари, бир гада чумчуқ устида донлаётган каби, машина томи бетиним даранглай бошлади.

— Сирча ёғяптими? — деди хотини, безовта қимирлаб.

— Ҳа, дўл ёғяпти, — деди Давлат. — Уйқунг келмаяптими?

— Э, уйқу қаёқда, миям чатнаб боряпти-ку!

Давлат севалаб ёгаётган дўл пардаси орасидан хираланиб кўринаётган йўл бўйларидаги файзсиз полизларда қувраб ётган қовунпалакларга хомуш тикиларкан, ҳазин энтикди.

Олисдан гавжум бир... шаҳарча кўзга соядек ғирашира чалиниб турарди.

— Печкасини ишлатиб қўйганмисиз?

— Халастойда турибди, — деди Давлат. — Ишлатайми?

— Йўқ, керак эмас, — деди хотини. — Дарчасини сал беklang, шамолнинг товуши ёқмаяпти.

Давлат дарчани ярим ёпиб қўйди.

Бир оздан сўнг, Назира ўйчанлик билан:

— Марҳамат нима учун йиғладийкин-а? — деди. — Кўрик-пўригига қарамай олиб келаверсангиз бўларкан, қолдириб кетардик.

— Борганимиздан кейин, ўқитувчилар билан гаплашиб, қишлоққа жўнатамиз, — деди Давлат, боя кўнглидан кечган фикрини баён этиб. — Янги йилгача қишлоқда ўқиб туради.

Бирдан қафасдек тўрт девор ичида ёлғиз қолади-гандек таҳликаланиб:

— Э худойим-эй! — деди Назира, овози қалтираб. — Кейин мен нима қиламан?

Давлат зўраки кулимсираб:

— Нима, эрта бир кун қизингни эрга берсанг, ку-

ёвнинг остонасига бориб ётиб олмоқчимисан?— деди.—
Вақтида қаторлаштириб туғиш керак эди.

Назира алам билан:

— Ҳалиям ичим тўла бола-ку, лекин иложим қанча?!— деди.

Жим бўлиб қолишди.

Хиёлдан сўнг, Давлат дилтанг жимликни бузиб:

— Ё келаси йил ҳисобидан отпускангни олиб,
ўзинг ҳам бирор ой қишлоқда яшаб турасанми?— деб
сўради.

— Сиз-чи?..— деди хотини.— Сизнинг иссиқ-сову-
гингиздан ким хабардор бўлиб туради?

— Ўлиб қолмасман ахир!

Нимадир ёдига тушгандек, беихтиёр Назира йи-
ламсираган кўйи:

— Бечора онагинам!..— деди.— Отам боёқишнинг
ҳоли не кечади энди?.. Мен нима қиламан-а?.. Э, ху-
дожон!.. Асли сизга тегмасам бўлар экан...

Бирдан Давлатнинг руҳиятига титроқ солиб,
хаёлидан ўтмиш можароларга ҳамда айни кез-
даги дилтанг вазиятга дохил бир ажабтовур дий-
диё кечди:

— Нима, менга текканингдан норозимисан?

— Агар сизни яхши кўрмаганимда, бир қа-
дам ҳам қишлоқдан жилмас эдим. Ишонинг шу
гапимга!

— Ношукрлик қилма!

— Э, ўқишни чиқарганиям садағаси кетай.
Сизга эргашиб, институтга кирмасам бўлар эди!..
Кўп орзу-ниятлар билан мени шу вояга етказган
ота-онам қариган чоғида дунёдан армон билан
ўтапти-ку!.. Хўп дея қолинг, қишлоққа қайтай-
лик, жон отажониси?

— Қизиқмисан, олимлик унвоним билан мак-
табда муаллимлик қиламанми энди?!

— Қандай кунларга қолдим-а?!

... Давлат хўрсиниб, аламонк бош чайқаб қўйди.
Индамади.

Аллақачон гавжум шаҳарча кўчасига кирган эди-
лар.

Ҳамон майда-майда дўл севалаб ёғмоқда эди.

Маҳобатли гиштин дарвозадан ўтаётганларида, хо-
тини бесаранжомланиб:

— Эҳтиёт бўлинг, олдинда мелиса турибди,— деди.

Давлат, йўлнинг ўртасида тек қотган милиционерни узоқдан кўрган заҳоти, кескин тезликни пасайтирган эди, оралиқ ўн-ўн беш қадам қолганда, тормоз берди. Лекин машина ўз салдами билан хийла сирпаниб тўхтаркан, бирдан юраги шув этиб кетди: ер сирпанчиқ бўпти-ку! Дўл ҳаливери ёғадиганга ўхшайди. Бунақада довондан қандоқ олиб ўтаркин-а?.. Кеч тушиб қолди. Қош қораймоқда.

Чап томондаги кенг майдонликда — қандайдир бир йирик корхона рўпарасида ўнтача катта автобус қатор тизилиб турарди. Олдиндаги автобуслар ҳашарчи сиёқидаги одамлар билан лик тўла; орқадаги автобуслар атрофида бошига униққан телпак, эгнига уринган пахталик камзул, оёғига кирза этик кийиб, қўлига ихчамгина бўғчасини осилтириб олган йиғитлар уймаллашиб юришибди. Улардан анча наридаги пасқам дўконлар ичида харидорлар гавжум. Дўконлар чироғи узоқдан заъфаронланиб кўринади.

Доирасифат кенг-мўл майдоннинг ўнг тарафида, катта йўлнинг фэйзсиз чорбоққа туташ бекатидан берироқда ГАИнинг ойнаванд, ҳаворанг уйчаси қўнқайган. Уйча олдидаги сарғиш «Жигули» ёнида уч-тўрт милиционер билан икки-уч киши совуқда қунишиб гурунглашапти.

Қорайиб кўринаётган уфқ сари ўрлаб кетган катта йўл бўйидаги адл тераклар изғирин шамолда бетиним чайқалганча, юракка алланечук гулув солиб шовуллайди.

— Тўхтаб тураверамизми,— деди хотини бетоқатланиб.— Сўраб кўринг, ўтиб кетайлик.

Давлат пастга тушди, «Жигули»си ортида ўн чоғли машина қатор тизилиб қолганлигини кўриб сайъи ҳаракати беҳудалигини англади — барибир милиционер йиғит рухсат бермаслигини ўйлаган кўйи, совуқда жунжикиб, секин яқинлашди-да, салом бериб:

— Ўртоқ сержант, илтимос, бизни ўтказворинг?— деди ўттиз ёшлардаги йиғитга хуштакаллуфлик билан эланиб.— Жуда шошилянимиз, ука.

Негадир сержант аразлаган одамдек қовогини уюб:

— Кўрмаяпсизми, колонна йўлга чиқяпти-ку?!— деди.

— Биз жуда узоққа кетаётган эдик-да, ука.

— Жиндай сабр қилинг,— деди сержант тўнғиллаб.— Ҳозир ҳаммангизни жўнатамиз.

Давлат, ночор тумшайиб, изига қайтди, ўриндиққа ўтириб, қарсиллатиб эшикни ёпди.

Эрининг авзойи нохушлигини пайқаб:

— Майли, сиқилманг,— деди хотини.— Ҳечқиси йўқ, бирпас кутармиз... Печкасин ишлатиб қўйинг, совуқ еяпман.

— Ҳаво совуқ,— деди Давлат.— Ер сирпанчиқ бўпти...

Хийла фурсатдан сўнг, автобусларнинг олдиндаги учтаси бирин-бирин йўлга тушди. Қолганлари эса, негадир жойидан жилмади.

Ахийри Давлатнинг тоқати тоқ бўлди, шитоб эшикни очиб:

— Илтимос, ука, бизни ўтказвора қолинг?!— деди сержантга.— Довон ошишимиз керак ахир. Қоронғида қолиб кетмайлик.

Сержант қошларини чимириб, нимагадир иккиланаётгандек, автобуслар томонга бир муддат қараб турди, сўнг кескин бош ирғаб:

— Бўпти, ҳайданг!— деди.— Тез!..

Давлат шартта машинасини жойидан қўзғаб, зумда қўнқайган ойнаванд уйча рўпарасига етган ҳам эдики, ногоҳ сарғиш «Жигули» ёнида гурунглашиб турган милиционерлардан бири — новча бўй, кенг елкали, поғони серюлдузлиси майдон томон ўгириларкан, бирдан кўрсаткич бармоғини найза қилиб, йўл чеккасини кўрсатди: тўхтат!

Унинг нима учун тўхтатмоқчи бўлаётганлиги боисини тушунолмай, дабдуруст Давлатнинг жаҳли қўзиди:

— Нима бало, қутурганми бу ит эмган!— деб, машинани йўл чеккасига бурди.

Хотини эса жонсаракланиб:

— Отажониси, буларга яхши муомала қилинг?— деди ялинчоқ оҳангда.— Бирор гуноҳ қилиб қўйдингиз шекилли. Қизишманг...

— Э, жаврамасанг-чи!..

Давлат гудраниб, машинадан тушди, ёвқур вожатда милиционерга яқинлаша бошлади.

Милиционер — хийла ўзига бино қўйган, юзи... рапидақовоқдек, қирқ ёшлардаги йигит — ўнг қўлини муқом билан чаккасига тегизволиб:

— Начальник... районний ГАИ — капитан Мама-тов!— деди.— Ҳужжатларингизни кўрсатинг?

Давлат баттар пешонаси тиришиб, унинг кўзларига

Ўқрайброқ тикилди, сўнг «Жигули» ёнида гаплашиб турган милиционерларга бир қараб олиб:

— Кечирасиз, қайси гуноҳим учун тўхтатдингиз мени?— деб сўради.

Капитан таҳқиромуз томоқ қириб:

— Проверка документов!— деди.

Унинг бу гапидан кейин, Давлат ўзини худди ничоқсиз бўғизлангандек ҳис этди ва чорасизлигини ноилож тан оларкан, бирдан қаҳру ғазаби кўзларига қон бўлиб урилди. Аммо... индамай элан-қаран шимининг орқа чўнтагидан ҳужжатни олиб узатди.

Капитан эса, лоақал ҳужжатларни очиб ҳам қарамай, бепарволик билан ёнига ўгирилиб:

— Абдулла!— деди.

Ўша заҳоти қоқчакак бир сержант:

— Эшитаман, ўртоқ начальник!— деб унинг олди-га югуриб келди.

— Протоколлаштир буни!— дея капитан унга ҳужжатларни узатди.— Колоннага суқилиб кирди.

— Хўп бўлади, ўртоқ начальник!..

Бейхтиёр Давлат яшин ургандек қотиб қолди, сўнг бирдан асабий титроқ билан:

— Ҳазиллашманг-э!— деди овози қалтираб.— Суқилиб кирганим йўқ, илтимос қилдим. Ана, йўлдан бошқа машиналар ҳам ўтяпти. Қаранг, автобуслар ҳалиям тўхтаб турибди-ку, ахир?!

Чиндан ҳам, майдон чеккасида автобуслар ҳамон қатор тизилиб турар, йўлдан эса машиналар елиб ўтмоқда эди.

Бошлиқ эринчоқлик билан:

— Колоннага суқилиб кирдингиз,— деб, тагин бегидек таҳқиромуз томоқ қирди, сўнг бир қўлини чўнтагига, иккинчисини қўйнига тикиб, виқор билан ойнаванд уйча ёнидаги шериклари томон юрди.

Сержант эса аллақачон «Жигули» ёнига қайтиб, бўйнига осиб олган чарм папкасини тизирскилаган кўйи, ҳужжатларни кўздан кечирмоқда эди. Давлат чаққон бориб, сержантнинг қўлидан ҳужжатларни юлқиб олди. Сержант бирдан хезляшиб:

— Беринг бу ёққа?!— деди.— Яхшиликча қайтариб беринг?!

Давлат совуққонлик билан ҳужжатларини чўнтагига солаётди:

— Ўпкангизни босинг,— деди, унинг қўлини силтаб ташлаб.— Энди буни сизга бериб қўядиган аҳмоқ йўқ.

Капитан даҳанаки тортишувни эшитиб, ортига ўгириларкан:

— Беринг!— деди пўписа уриб.— Ўзингизга ёмон бўлади!..

Давлат, тобора уларнинг бу бедодлигидан бўғилиб, аламига чидаёлмай, кескин оҳангда:

— Одаммисиз ўзи!— деди капитанга ўқрайиб.— Мен нима гуноҳ қилдим ахир?!

Капитан совуқ илжайди.

Хаворанг уйча ёнида — изғирин шамолдан панада турган икки милиционер ҳамда сёғига брезент этик, бошига мовут шляпа кийган ёши улурроқ икки киши уларга тарафқаршлик билан Давлатни гапбўрон қилиб, беҳуда қайсарликнинг оқибати яхшиликка олиб бормаслигини тушунтириб қўймоқчи бўлишди.

Давлат баттар тажангланиб, уларни жеркиб ташлади, сўнг жиғибийрон кепатада капитанга юзланиб:

— Ахир, сизга ўзбекчалаб тушунтирдим-ку!— деди тутақиб.— Йўлда турган сержантнингиз рухсат берганидан кейин ўтдим.

— Сержантнинг рухсат беришга ҳаққи йўқ,— деди капитан, тагин беписандлик билан томоқ қириб.— Ана, сиз суқилиб кирганингиз учун колонна тўхтаб қолди.

— Э, қизиқ экансиз-ку!— деди Давлат, совуқданми қалтираб.— Ишонмасангиз чақиртириб сўранг... Кўрмаяпсизми, йўлдан ҳалиям машиналар ўтиб боряпти-ку?!

Айни шу пайтда эскироқ бир «Газик»нинг ортидан таниш машина — йўлда бензини тугаб тўхтаб қолган «Волга» — секин ўтиб бормоқда эди. «Волга»ни физиллатиб бораётган қўнғирранг мўйна телнакли кишига нигоҳи тушгани ҳамано, капитан қўйнига тикқан қўлини шартта боягидек муқом билан чаккасига тегишиб олиб, букчайибгина бош ирғади. Кейин, шамолдан панада турган йиғитларга ҳокимона назар ташлаб:

— Шерали, боринглар!— деди.— Колонна нима учун тўхтаб қолганлигини суриштиринглар-чи!..

Дарҳол иккала милиционер йиғит майдон чеккасидаги автобуслар томон чаққон юриб кетди.

Озгин сержант эса гуноҳкорона мингирлаб:

— Мен нима қилай, ўртоқ начальник?— деб сўради.

— Ҳужжатини олиб, протокол туз!— деди капитан, тагин томоқ қириб.— Бермаса, номерини ечиб ол. Кетаверсин!..

Кутилмаган бу дардисар можаро ҳаливери тугамаслигини, агар номерини ечиб олишса, умуман бир қадам ҳам жиллолмаслигини ўйлаб, Давлат тобора тутанган, туйқус бир студенти шу ерли эканлигию унинг амалдорлиги ёдига тушиб, кўзлари чақнаб кетди. Ва, секин сержантнинг тирсагига туртиб:

— Амруллаевни танийсизми?— деб сўради.

— Бизда Тўра Тўраевичлар жуда кўп,— деди сержант чимирилиб.— Қайси бирини айтяпсиз?

Капитаннинг бирдан сергак тортганлигини кўриб:

— Тўра Тўраевич деяётганим йўқ,— деди Давлат ўктам овозда.— Амруллаевни сўраяпман. Амруллаев райисполкомда з а м п р е д м и а х и р ?

— Ҳа, зампред!— деди капитан, дабдурустдан ювошланиб.

Давлат негадир хижолатли кулимсираган кўйи:

— Фамилиям Шаропов... институт домласиман,— деди қизариб.— Амруллаев менинг сиртдан ўқувчи студентим бўлади...

Капитан мутеёна илжайиб, унинг сўзини бўлди:

— Яшанг-э, Шаропов ака-е! Тушундим... Энди сизга бир маслаҳат: бизга тўрт қаторгина тилхат ёзиб берасиз-да кетаверасиз!

Давлат ҳайратангиз кифт қисиб:

— Нима деб ёзиб бераман?— деди.

— Пахтамыз ёгин-сочин остида нобуд бўлаётганидан хабарингиз бор. Далага ҳашарчини қанча кўп жўнатсак, қанча тез жўнатсак, план бажарилиши учун шунча яхши,— деди капитан, яна томоқ қириб.— Шу... колоннага билмай суқилиб кириб қолдим, деб ёзиб берасиз. Вассалом!

Тагин бирдан Давлат жаҳлланиб:

— Бу қадар ноинсоф бўлманг-э!— деди.— Ахир, бу ҳақоратлагандан ҳам баттар-ку?! Ана, колоннангиз ҳалиям жойидан жилгани йўқ. Кейин, менга сержантнинг ўзи рухсат берган.

— Қизишманг, Шаропов ака, аввал жўнатсак ҳам, энди тилхат ёзиб бермагунингизча, сизни жўнатмаймиз,— деди капитан, муроса оҳангда.— Мен ўн олтинчи пленумдан кейин ўтганман бу ишга. Аввал мен ҳам райисполкомда эдим. Кейинги пайтларда бизда ҳамма ишлар қонуний ҳал қилиняпти. Биз қонун-қониданинг бузилишига йўл қўймаймиз. Қоидага хилоф равишда колоннага суқилиб киришингиз учун рухсат берган анави сержант ҳам ҳали биздан жазосини олади.

Давлат унинг сергўшт юзига, қизғин кўзларига ўйчан разм соларкан, бу тоифа одамлар бировларнинг бўғилиб азоб чекишидан бениҳоя яйраб завқланишларини кўнглидан кечирди; аммо, нима учун айнан ўзи унинг домига илиниб қолганлиги боисини тушунолмасди; агар тилхат ёзиб бермаса, ундан осонликча қутулдолмаслигини ҳам, анави кўнгилчан сержантнинг боши балодан чиқмаслигини ҳам ва, энг ёмони — бунақа... диёнатсиз амалдорлар ҳар қандай шароитда яшовчан бўлишларини ҳам кўксида зирқираган бир оғриқ билан ҳис этаркан:

— Майли, ёзиб бераман,— деб уф тортди.

— Ана бу бошқа гап, Шаропов ака!

— Лекин битта шартим бор!

— Қани, эшитайлик?

— Бизга яхшилик қилмоқчи бўлган анави сержантни коймайсиз?

Капитан, гўё юрагини кемириб ётган аллақандай бир қурт ниҳоят қонга тўйгандек, енгилгина ишшайиб:

— Об-бо, сиз-эй!..— деди, сўнг ёнида дилдираб турган сержантга буюрди.— Абдулла, дарров Шаропов акамизга битта қоғоз билан қалам бер!.. Шаропов ака, тилхатда исму шарифингизни, тураржойингизни аниқ кўрсатинг?!

— Сержантни коймасликка ваъда бермадингиз-ку!

— Ваъда... берамиз,— деди капитан бош ирғиб.— Майли, сиз учун ваъда берамиз, Шаропов ака.

Давлат барибир унинг ваъдаси ёлгон эканлигини фаҳмлаган кўйи, негадир ўзидан ижирганиб, бутун айбни зиммасига олишини кўнглидан кечирганча, хушлар-хушламас тилхат ёзаркан, қўққис қачонлардир рўй берган бир дилган воқеани эслаб, қайтар дунё бу, деб ўйлади: баттар бўл. Ҳали буям кам сенга!..

Ниҳоят, Давлат тилхатни ёзиб бўлгач:

— Мана, олинг,— деди, уни капитанга узатиб.

— Ана, олам гулистон, Шаропов ака!— деди капитан, тилхатга кўз югуртириб.— Энди сизга оқ йўл тилаймиз.

Унинг овозидаги тантанавор оҳангдан Давлат ўзини янаям ҳақоратлангандек ҳис этиб, беихтиёр:

— Минг лаънат-э!..— деди.

— Э, сўкманг-да, Шаропов ака,— деди капитан.— Биз сизга ёмонлик қилмадик-ку?!

— Сизни сўкастганим йўқ,— деб, Давлат унинг

кўзларига тик қаради.— Тўғриси, кимни сўкаётганим-ни ўзим ҳам билмайман.

Қизғиш кўзлари бежо жавдираб, капитан:

— Уртоқ Амруллаевга сиздан салом айтиб қўяйми?— деб сўради.

Давлат ҳафсаласиз қўл силтаб:

— Керак эмас,— деди, сўнг осмонга хавотирли назар ташлади: тобора қорамтир булутлар қуюқлашиб, ҳануз майда-майда дўл ёғмоқда эди.— Энди кетаверсам бўладими?

— Майли, Шаропов ака, хайр!..

Давлат ўриндиққа беҳуд ўтириб, қарсиллатиб эшикни ёпди, сўнг секин машинани жойидан жилдирди.

Зумда кенг майдонлик орқада қолди.

Икки чеккасида адл тераклар бетиним чайқалиб шовуллаётган катта йўлга тушганларидан кейин, хотини:

— Нега бунча узоқ кетдингиз?— деди.

— Лайлак ҳайдадим,— деди Давлат.

Хотини унинг киноясига эътибор бермай, куюнчаллик билан:

— Қурткангизни кийиб тушсангиз бўларкан, юзларингиз кўкариб кетибди,— деди.

— Ҳаво совуқ экан,— деди Давлат, ойна тозалатични ишлатиб.

Чиндан ҳам ҳаво совуқ эди, майдалаб ёғаётган дўл яхмалак бўлмоқда, йўл қорайиб кўринади.

Хотини тагин ўсмоқчилаб:

— Сиз уларга қанақадир хат ёзиб бердингиз-ку?— деди.

Мутлақо ҳақ бўла туриб, ҳақлигини исботлаёлмай, ноилож тилхат ёзиб бергани тобора Давлатга алам қилмоқда эди, хотинининг саволига жавобан ижирғаниб кулимсираган кўйи:

— Ҳаромхўрлар билан ҳамтовоқлашиб, адрес ташлаб келяпман,— деди.— Қалай, бошлабманми?

— Бошлабсиз,— деди хотини.— Бир пиёла чой қуийиб берсам ичасизми?

— Кейин... кейин ичамиз.

Назира жим қолди.

Давлат машинанинг кичкина чироқларини ёқаётиб, тун яримдан оққан маҳалда уйга кириб боражаклари мумкинлигини тахминларкан, негадир довондан ошиб ўтиш ташвиши кўнглига ваҳм солди, буғлаган ойнадек хираланиб кўринаётган осмонга безовта назар ташлаб, тезликни оширди. Кейин, бояги жирканч шарман-

далиқни кўз ўнгида гавдалантираркан, тилхат ёзаётган чоғида ҳис этган беадад бир хўрлик аламини жисму жонида қайтадан туяётгандек, беихтиёр тишларини гич қилиб гудранди: агар бировга айтсанг, ўла қолсам ишонмайди... Билъакс устингдан кулади. Аммо, ҳалигидақа диёнатсизлар бор жойда бундан баттар-роқлариям рўй бериши ҳеч гап эмас.

Ногоҳ хотирида ўтмиш бир можаро ёрқин нурланиб, Давлат қомил ишонч билан, ҳеч нарса изсиз кетмас экан, деб ўйлади: ўшанда бечора аёл қандай чидаган экан-а?!

Ҳа, ҳисобли дунё экан бу, деб Давлат беихтиёр ўз-ўзига маломат ёғдира бошлади: ўшанда ноҳақ азият чеккан аёлнинг тарафини ололмаган эдинг. Мана, энди сенинг ҳам арзу додингни тинглайдиган бирор-бир бандаи мўмин топилмади — қонингга қоврилиб тилхат ёздинг. Баттар бўл!..

Йўловчиларнинг паттасини текшириб, битта-битта самолётга чиқараётган Ҳасан найновнинг ёқасидан олиб, аввал жойнинг қонуний эгаси — манави титраб-қақшаётган аёлни; кейин, жой қолса, кўзларини биёбиё сузиб турган анави офатижон жувонни миндираган, дейишинг керак эди. Аммо, сен... кўрқоқлик қилдинг, урганчлик собиқ курсдош дўстингнинг ўғил тўйига боришинг керак эди, ўша тобда Ҳасан найновнинг гирибонидан тутсанг, самолётга миндирмай қўйишидан хавотирланиб, таҳликага тушдинг. Ва самолёт қаноти соясида мунграйиб можарони кузатавердинг.

Аёл эса саратон қуёшининг тиғида юзларидан шашқатор ёшдек тер оқизиб, жиғибийрон зорланаверди:

— Бу билетни беш кун бурун сотиб олганман. Ина, местасиям қизил сиёҳда ёзиб қўйилган. Эшитаётирмисан, Ҳасанбой, жой меники. Мени ўртама, илоё бола-чақангнинг роҳатини кўр, иним!

Аммо, Ҳасан найнов негадир аёлнинг зору таваллосига бепарво эди:

— Каллани қотирманг кўп, опабийи, — деди. — Иккаловингизгаям битта ўринга билет сотилипти. Янаги рейсда ўзим сизни жўнатвораман.

Аёл янаям ялиниб-ёлворди:

— Худо хайрингни берсин, иним Ҳасанбой, мени бундай хўрлама?!

Аёлнинг зор титраб эланишларига чидаёлмай, улуг сифат бир киши:

— Ноинсофлик қилма, Ҳасанбой!— деди.— Бу синг-лимизнинг билети местасиз экан. Опани ўтказиб юбор.

Ҳасан, у одамни калака қилгандек:

— Эса ўзингиз инсоф этиб, янаги рейсда уча қолинг,— деб кулди.

Бу гапдан сўнг, у кишининг ҳам уни ўчди.

Лоақал ана ўшанда сен можарога аралашсанг бўлар эди-ку?! Лекин... аралашолмадинг.

Бир маҳал, сузик кўзли жувон зипиллаб пиллапояга кўтариларкан, Ҳасан найновга навозишли жилмаяётиб, ногоҳ сенинг ёмон ўқрайиб турганингни кўрдию, лип этиб ўзини ичкарига урди.

Кейин, аёл бирдан жар солди:

— Билиб қўй, агар шу самолётда учмасам, тўғри Қизил майдонга бораман. У ерда меням танийдиган хоразмликларим бор. Агар уйингга ит қаматмасам, отимни бошқа қўяман!..

Дабдурустдан кўзлари бежо мўлтираб, Ҳасан найнов саросималаниб қолди, сўнг бетоқатлик билан:

— Овозингизни ўчиринг-э, опабийи!— деди.— Ҳозир сизни учириниш учун ўзим бир уннаб кўраман... Бўлди, кўп шанғилламанг. Учасиз... Шу самолётда учасиз дедимку-е!..

Аҳамият бердингми, боя капитан Маматов райижроқўм раисининг муовини Амруллаев номини эшитган заҳотиёқ қизғиш кўзлари аллатовур жавдираб, мутеларча безовталаниб қолган эди. Бунақаларнинг бари бир гўр: зўрга тушганда кифтини қисиб, ҳар балодан қутулиб қолишнинг чорасини излайди.

...Аммо, Ҳасан найнов ўшанда аёлга бир шарт қўйди: билетингизнинг менда қоладиган қисмига, посадчик Матжонов Ҳасанбойни ноҳақ ҳақорат қилдим, айб ўзимда, деб икки қаторгина тилхат ёзиб берасиз!

Аёл бирдан тумшайиб:

— Нима учун тилхат ёзиб берарканман,— деди.— Ёзмайман!

Ҳасан найнов беўхшов илжайиб:

— Эрта бир кун мабодо бошимга тухмат ёғдирсангиз, тилхатингизни қалқон қиламан,— деди.— Гап пу — тилхат ёзиб берсангиз учасиз!..

Аёл учиши керак эди.

Аёлнинг тилхат беришдан бошқа иложи йўқ эди.

Сен йўлбўйи бу ноҳақликдан бениҳоя эзилиб бординг. Ҳатто дўстингнинг ўғил тўйи ҳам у қадар кўнглингга татимади. Ҳали-ҳануз ўша ноҳақликни унутол-

ганинг йўқ эди. Мана, бугун ўзинг ўшандай бир адолатсизликка дучор бўлиб, калласига калтак еган итдек чингсиб кетяпсан. Аммо, сенинг ит каби чингсиётганингдан кимга фойдаю кимга зарар?!

Ёдингдами, Қайсари Румдек отанг бир куни титилиб кетган бир китобни кўрсатиб, мана бу ёдномада: жиноятни кўриш — жиноятга шерик бўлиш билан баробардир, деб ёзилган экан, сиз шу масалага қандай қарайсиз, деб сўради. Сен эсанг мужмал жавоб қилдинг. Бирдан пешонаси тиришиб, отанг: билиб қўйинг, полвон, замонасозлик ҳеч қайси замонда сифат саналган эмас, деди.

Биялпсанми, кейинги пайтларда отанг... Ахир, ота ўғилни кўрганда, севинчдан яйраб-яшнаб кетмаса — дунёда бундан ҳам ортиқроқ азоб борми ўғил учун?!

Йўқ, бу тахлитда яшаб бўлмайди — жиноятларга шерик бўлиб, такаббурларча яшаб бўлмайди.

Аллақачон кеч тушган, лекин атроф-теварак сутдек опойдин — кўкка ўрлаётган баркашдай ой ҳаммаёққа мўл-кўл нур сочмоқда эди. Сангзор дарёси бўйидаги пўпаноқ гужумлар изғирин шамолда бетиним чайқаб-юлқиниб шовулляпти. Ёйилиб оқаётган саёз сув бетида ой нури ҳовуч-ҳовуч кумуш тангалар янглиг ялтираб-жимирлайди. Машина чироқларининг заъфарон ёғдуси сармалаб бораётган йўл устига кумушранг нимадир тўшаб қўйилгандек — дўл ёға-ёға, яхмалак бўлиб қотиб қолган. Рўпарадаги тоғ қояси... тилсимли макондек хўмрайиб-қорайиб кўрннади.

Давлат сокин шилдираб-жимирлаб оқаётган сувга хаёлчан термиларкан, албатта Амруллаевга хат жўнатиб, анави бетовфиқнинг бошлаб таъзирини бердириш керак, деб ўйлади: умуман, уни мутлақо одамларнинг иши тушмайдиган бир соҳага ўтказдирворган маъқул. Ёнидаги озгин Абдулласиниям!.. Эрта бир кун унинг йўгон капитан Маматовдек бадкирдор бўлиб қолмаслигига ким кафил бўла олади?.. Энгельс ҳақ: агар оғир қўл меҳнати бунақаларнинг ақлини киргизиб қўймаса, бандаси уларга ҳар қандай қарорлар билан бас келолмайди!

Йўлга тушганларидан бери кўксини гижимлаб келаётган бедаво ғашлик хиёл тарқагандек туюлиб, Давлат ўзини анча енгил ҳис этди. Назарида, узоқ уйқудан мириқиб уйғонгандан сўнг, баҳри-дили алланечук бир шавққа тўлаётгандек эди, керишиб қўйди.

— Чарчадингиз-а? — деди хотини.

— Йўқ, аксинча!.. — деди Давлат.

Назира йўлнинг ўнг томонидаги қалин дарахтзорга ишора қилиб:

— Май байрами олдидан қишлоққа бораётганимизда, мана шу ерда ўтириб овқатланган эдик, — деди.

— Жуда оч қолдинг-а? — деди Давлат, кифти оша ортига бир қараб. — Йўлакай ўзинг қавзанавер. Тўхтамаймиз.

— Машинани секин ҳайдаб боряпсиз-ку?

— Кўрмаяпсанми, йўл сирпанчиқ-ку! — деди Давлат. — Довонга оз қолди. Ошиб ўтганимиздан кейин, озроқ чой ичарман. Ҳозир шошилмасак бўлмайди.

— Эҳтиёт бўлинг ишқилиб!..

Давлат хаёлчан бош ирғади: энди буёғига эҳтиёт бўлиш керак. Йўл анча хавfli, тобора тикка ўрлаб боряпти. Олдинда, муюлишдан ўтгандан сўнг, яна бир қиямалик бор. Кейин... қоя этагидаги овул бўйлаб бир оз юрилгач, довон бошланади. Дўл довонга ҳам ёққанмикан?.. Албатта ёққан бўлиши керак. Агар шамол учуриб кетган бўлса... Йўқ, шамол учуриб кетолмайди — довоннинг иккала томони ҳам баланд қоялар билан қуршалган — ўрама!.. Учинчи тезликда довонга кўтариладию, пастга энаётганда иккинчига олади. Аммо, тик ўрлаган довонга учинчи тезликда кўтарилиб бўлармикан?.. Бу ерда фақат эҳтиёткорликнинг ўзи, ҳушёрликнинг ўзи камлик қилар...

Муюлишга яқинлашаётганда, оғир бир юк машинаси моторининг зўриқиб гуруллаётган товуши эшитила бошлади, хиёлдан сўнг ўткир чироқ нурлари Давлатнинг кўзларини қамаштириб юборди.

Баҳайбат бир КамАЗ қиямаликдан ўкириб-чираниб кўтарилмоқда эди.

Давлат шартта чироқларни ўчуриб-ёқди. Назарида, юк машинаси тўғри устига ўрмалаб келаётгандек эди, бирдан юраги япроқдек титраб кетди. Юк машинасининг шоферини, йўлни эгаллаб келаётгани камлик қилгандек, лоақал чироқлар нурини хиралатмагани учун бўралаб сўкаркан, чаққонлик билан рулни қоя томон бурди. Бурдию... оппоқ «Жигули»сининг ёнбетини ҳайбатли қоя харсанглари тилмалаган каби ўзининг кифти, биқини, сони шилиниб кетган янглиғ жизиллаб оғригандек туюлди. Олдинда қия тушган йўл ялтираб-қорайиб кўринарди. Беихтиёр тезликни иккинчига олаётганда, орқа ғилдираклар тойганиб, машина бир

чайқалди, лекин негадир Давлат бунга аҳамият бермади — йўлни бутунлай эгаллаб олган ғаламис шофер нима учун олисни ёритувчи чироқларини ўчирмади, деб кўнглидан кечирмоқда эди: қизиқ, одамзод табиатидаги бу хил ёвузликнинг боиси не экан-а?!

— Қўрқдингиз-а? — деди хотини, равон йўлга тушганларидан сўнг. — Манг, бир қултгина чой ичинг.

— Йўқ... ичмайман, — деди Давлат.

— Илиққина экан, олаверинг. Яхши бўлади.

— Майли, бера қол...

Бирдан ногаҳоний нимадандир огоҳ қилмоқчидек, бир юк поезди орқада қолиб кетган дарёнинг чап қиргоғи бўйидаги темирйўлдан узоқ чинқирган кўйи, тарақлаб елиб ўтди. Кейин, яна ҳаммаёққа оғир сукунат ёпирилгандек бўлди.

Йўл четидаги қафтдек қишлоқ эртақлардаги сингари аллатовур ғаройиб бир гўшага ўхшаб кўринади. Четан тўсиқлар ортидаги лойсувоқ уйларнинг деразаларидан заъфарон ёғду таралаяпти, пастак томлардаги пичан ғарамлари ой нурига чулганган. Қишлоқча қапталидаги майдон ўртасида қўнқайган бензоколонканинг сутранг чироқлари липиллаб ёниб турарди.

Давлат бензоколонка атрофида бир талай машиналар қаторлашиб турганлигини кўриб, беихтиёр тааж-жубланди: бунча кўп булар! Нима бало, барининг бензини тугаб қоптими?..

Шу пайтда машиналар орасидан с а р ғ и ш камзулли бир киши жонҳоври югуриб чиқди-да, худди ёлворгандекми ёки ўдағайлагандекми — англашилмасиз бир жонсарақлик билан, нималардир деб бақирган кўйи, устма-уст қўл силкиди.

Дафъатан Давлат машинани тўхтатмоқчи бўлиб, тезликни пасайтирди.

— Тўхтаманг! — деди хотини. — Ким билади, қанақа одам у? Ҳайданг!..

Давлат яна бирдан тезликни оширди, машина ваҳшат билан ўкириб, тик кўтарилган довон сари шитоб ўрлай бошлади.

Довоннинг энг баланд нуқтаси осмонга туташган каби чақноқ юлдузларга тегиб тургандек эди. Рўпарага келиб қолган тўлиной йўлни, йўл ўртасидаги олабула, пастак девор-тўсиқни, икки томондаги ҳайбатли қояларни опойдин ёритмоқда эди. Йўл... кумушранг тусда совуқ ялтирайди, гилдирак излари эса хиёл қорайиб кўринади.

Қорамтир излардан машинани елдириб бораркан, шу тобда Давлатнинг жисму жонида сурурбахш бир туйғу ҳукмрон эди. Машина гуруллаб юқори ўрлаган сайин, ерда ғимирлаб юрган турфа нухалардан халос бўлаётгандек, тозараётгандек — руҳиятида самовий бир хуррамликни ҳис этмоқда эди.

Бир пайт негадир тезлик сусайиб, мотор қалтирай бошлади. Бирдан қулоқлари чинна битиб, Давлат кўкида муздек бир ваҳм сирғалаётганлигини сезаркан, шартта иккинчи тезликка олди. Машина зарб билан силтаниб, тагин шитоб олға интилди, салдан сўнг яна мотор товуши равонлашди.

— Хайрият,— деди хотини, хиёл хирқираган овоз билан.— Чиқиб олдинг-а?

— Ҳа,— деди Давлат энтикиб.— Чиқиб олдик.

— Кўкрагингизга туф-туф деб қўйинг...

Давлат ҳайратвор назар билан мўл-кўл ой нурига чулганган кумушранг тоғ ўркачларига, яшноқ юлдузлар чаманига бир муддат термулиб қолди: аллатовур сирли... сокин атроф-теварак бениҳоя гўзал эди.

Машина эниш сари ғизиллаб борарди.

Шу кезде Давлат боя сарғиш камзулли кишининг машиналар орасидан жонҳоври югуриб чиққанлигини ҳам, ундан сал аввал муюлишдаги нишаблиқдан энаётиб, иккинчи тезликка олганида, орқа ғилдираклар тойганганинию машина чайқалиб кетганлигини ҳам унутган эди.

Ҳамон машина ўз маромида эниш сари ғизиллаб борар, Давлат эса яшноқ юлдузлар чаманига маҳлиёланиб термилмоқда эди.

Бирдан машина пастга эниб, ўз салдами билан зувиллаб ела кетди.

Йўл сидирға оқиш-кўкимтир муз пардаси билан қопланган, негадир ғилдирак излари кўринмас эди.

Давлат, ногоҳ кўзлари шокосасидан отилиб чиққудек каттариб, беихтиёр тормоз босдию, машинанинг орқа тарафи ўртадаги ола-була девор томонга кескин бурилаётганлигини пайқаб, ўша заҳоти тормоздан оёғини олди-да, рул чамбарагини янаям сиқиб ушлади. Ва, кечикканлигини англаб, баттар даҳшатга тушди: энди на биринчи, на иккинчи тезликка уриб бўлади — тобора тезлик кўтарилиб борапти; тормоз ҳам бериб бўлмайди — машина ё ўртадаги девор-тўсиққа, ёки ўнг томондаги бетон ғўлачаларга гумбурлаб урилиб, жарга қулайди. Нима қилиш керак? Нима қилиш мумкин?!

Шу аснода, хотини овози титраб нимадир деди.

Давлат тишларини гич қилиб:

— Жим!— деди.— Жим!..

— Жудаям қўрқяпман,— дегандек бўлиб, хотини унинг кифтидан гичимлаб ушлади.— Юрагим ёрилиб кетади ҳозир!

— Қўрқма... қўрқмагин!— Хотинига тасалли бераётгандек, Давлат остки лабини қаттиқ тишлади.— Бирпас чида?!

— Марҳаматгинам етим қоладими, художон!— дегандек, Назиранинг тишлари орасидан ингроқ бир товуш ситилиб чиқди.— Менинг гуноҳим нима ахир?!

— Менинг-чи, менинг гуноҳим не ахир?!

...Музпарчин йўл кумушранг тасмадек эшилиб-буралиб, шиддат билан айланаётган филдираклар остидан гўё ажал ўқидек учиб ўтмоқда эди.

Туйқус Давлат машиналар орасидан боя югуриб чиққан сарғиш камзулли кишини эслади: унинг қўлида нимадир бор эди, демак — довон йўлини бекламоқчи бўлган-у, улгуролмаган экан. Аттанг... аттанг!..

Давлат юрагини беаёв куйиштираётган ўкинчу ваҳм исканжасида рўпарага қадалиб тикиларкан, ҳув пастда тўнтарилиб ётган бир... гилосранг «Жигули»ни кўрди. Кўрдию юзлари аянчли бужмайиб кетди, шуурида эса оташин бир фикр қасамёддек янграб, чарх ура бошлади: агар шу ердан ўтиб олсам!.. Ўтиб ололсам!..

Йўлакай ўз-ўзи билан қилган мунаққашаси пировардида Давлат кўп... нарсаларни янгитдан англаб етгандек бўлган эди, агар жаҳаннамдек туюлаётган бу манзил-макондан эсон-омон ўтиб ололса, фойдага қолажак умрининг то сўнгги нафасига довур асло ўзлигига хиёнат қилмай, бошқача... мутлақо бошқача яшамоқчи.

Ҳамон машина тик қиямаликдан ўқдек учиб борар, тепада эса тўлиной тубсиз осмоннинг туйнугидек оппоқ оқариб турар эди.

1986

ҚОР ЕҚҚАН КЕЧА

Ахийри бардоши тугаб, Равшан тутақиб сўкинди: тузлиғига тупурган нонкўр!..

Ва бирдан олдида қаланиб ётган қоғозларни дуч келган томонга ирғитгиси келди. Лекин бундай қилломади. Баттар дилтанганиб ўқийверди.

Асли бошдаёқ олмаслиги керак эди. Олдими, энди кўр бўлса ҳамки, ўқишга мажбур. Уқимаса бўлмайди — ваъдаланиб қўйган: эртага элтиб бериши керак. Кутади. Дунёда куттирган ёмон.

Узи... пойтахтлик ошнасига эргашиб, ўтган куни унинг дўстиникига бормаса бўлар экан. Бормаслик учун баҳонаси ҳам тайин эди: қўлида «Ваня тоға»га паттаси бор эди. Аммо, риоягарчилик қилди, қизиқувчанлиги эса ҳаммасидан ҳам ўтиб тушди: ошнасининг ажабтовур фикртовчи дўсти билан танишиб қўйгани ошиқиб, кетдик, деди.

Кейин, йўлбўйи ошнаси лаби-лабига тегмай, дўстини роса мақтаб борган эди.

Борганларидан сўнг, ажойиб фикрлар соҳиби — алақачон ёши қирқни оралаган, сочлари кумушранг Улуғ Иқболнинг ғарибона туриш-турмушини кўриб, беихтиёр таажжубланаркан, улуғлар ҳамиша фақирона яшаганлар, деб кўнглидан кечирди. Дилгир гурунғ асносида эса Улуғ Иқбол бир оз мақтанчоқдек, шу баробари анча билимдондек туюлди: аввал Политехника институтини, сўнгроқ Сценарийчилар олий курсини тамомлаган экан; битта сценарийси бўйича нима учундир тоғлар билан қуршалган кафтдеккина отаюртида эмас, чўлу биёбонларга сероб макон — қардошлар дёрида ғаройиб бир фильм яратилганлигини эшигиди, Равшан негадир ажабланган эди.

Ҳолбуки, асло таажжубланмаслиги керак экан.

Ушанда Улуғ Иқбол жиғибийрон ҳасрат қилиб, агар «Шарқ камалаги» сценарийи бирорта америка-

дик киночининг қўлига тушиб қолса, албатта уни су-
ратга олишдан аввал О қ у й қаршисида менга тилла-
дан ҳайкал ўрнатиши муқаррар, деганида, беихтиёр
Равшан хижолатангиз қизариб, ўзимизникилар уни
тушунишолмаётганидан айбдордек кулимсираб қўйган
эди. Шундоқ... тилла ҳайкалга даъвогар заковат эга-
сининг ўн йиллардан бери ижарахоналарда дарбадар
яшаб юрганлигини билгач, кўкси куйишиб оғриди...
Хайр-маъзур пайтида эса, унинг сценарийни ўқиб чи-
қиш тўғрисидаги таклифини рад этмай, бажонидил
«Шарқ камалаги»ни олган — гарчи, бирор-бир ёрдам
беролмаса ҳам, уч-тўрт калима қувончбахш гаплар ай-
тиб, ғарибнинг кўнглини кўтариш имконига эга бўл-
ганидан суюнган эди.

Аммо, мана сценарийни ўқиган сайин пушаймон
исканжасида ўртанаяпти: бекор борган экан. Боргани
ҳам гўрга!.. Эрта унга нима дейди — ёлғон билан рост-
нинг ўртасидаги гапни топиб гапирадими? Ахир, бу —
азоб-ку!..

Равшан тажанглик билан пешонасига кафтини бо-
сиб, вазмин бош чайқаркан, яна гўдраниб сўкинди.
Салдан сўнг бирдан уф тортиб, ўрнидан туриб кетаёз-
ди, лекин жойидан қўзғалмади, яна ночор-ноилж
ўқишда давом этаверди.

Агар шу тобда бўғилиб-тутақиб ўқиётган сатрлари
саҳнага кўчирилса, айнан қуйидагича манзара намоён
бўлиши керак эди.

Наврўз куни, туш маҳали...

Оппоқ соқоли кўксини қоплаган, кўйлак-иштони
оппоқ, бошига оппоқ сурп дўппи кийган нуроний бир
чол баланд пешайвон остонасида тўхтаб, пастда — оф-
тобрўядаги картда, нозу неъматларга тўкин дастурхон
теварагида хушҳол давра қуриб ўтирган неваралари,
келинлари, ўғилларига хомуш тикилиб қарайди.

Наврўз шодиёнаси эса қишлоқ этагидаги тоққа ту-
ташиб кетган ям-яшил адир тарафдан гоҳ сусайиб, гоҳ
зўрайиб эшитилаверади.

Чол бир-бир босиб, зорланаётгандек гичирлаётган
кўҳна зинапоядан пастга тушади. Карт рўпарасига
яқинлашаётиб, негадир ҳали-замон олис бир ёқларга
бош олиб кетадиган каби, яна болаларига мунграйиб
термилади.

Неваралар, келинлар, ўғиллар эса одоб-икром би-

лан, ота давра тўрисидаги жойини эгаллашни кутиш-
япти.

Ота қуёш тигида қизиб турган обтовани кўтариб, ҳайҳотдек ҳовлининг бир чеккасига ўтади. Чўнқаяди. Олдин оёқларини тиззагача, сўнг қўлларини тирсаккача обдан ювади, кейин юзларини ювиб, оғзини чаяди. Ниҳоят, ўрнидан туради-да, икки учига кашта тикилган узун сочиққа артинган кўйи, тагин вазмин зинапоядан кўтарилади. Уйга кириб кетади... Туйқус нимёруғ хонада нимадир ёдига тушгандек, шартта токчадан каттакон бир қайчини олиб, дам-бадам девордаги ойнага нигоҳ ташлаганча, ғарч-ғурч соқолини қия бошлайди.

Қайчининг ғарч-ғурч товушига қўшилиб-қоришиб, олисдан Наврўз шодиёнаси элас-элас таралаверади.

Ҳамон офтобрўядаги тўкин дастурхон теварагида неваралар, келинлар, ўғиллар одоб сақлаб, отани интизорлик билан кутишяпти.

Учоқда кул боса бошлаган бир ҳовуч чўғ кўринади. Аллақачон таом пишиб қолган. Қозон ёнида иккита гулдор чинни товоқ ялтиллаб кўринади. Қўлига капгир тутган кенжатой келин, кўзлари жавдираб, бот-бот ота кириб кетган уй эшигига илҳақ назар ташлайди: тезроқ қайнота уйдан чиқиб, тезроқ даврага қўшилса — палов сузмоқчи.

Бир маҳал, чол... соқоли ажи-бужи қилиб калта қирқилган чол шахдам зинапоядан тушиб, чаққон карт томон яқинлашадию, ажабтовур шодумонлик билан, анграйиб турган болаларига бир-бир қараб:

— Ахир, бугун байрам-ку, қароғларим!— дея қуёш тигида тобланиб турган дойрани қўлига олади.— Қани, биз ҳам бир яйрайлиг-э!..

Соқоли ғадир-будир қилиб қирқилган... чол, бами-соли қирчиллама чилдирмакашга ўхшаб, юз минг мақому юз минг усул билан гумбура-гумбур дойра чала бошлайди.

Бирдан хуш-хандон қийқиришиб, неваралар ўйинга тушишади. Кейин, соч-соқолига оқ оралаган алпқомат ўғиллар қийшанглашиб, бирин-бирин келинларни рақсга тортишади.

Кенжатой келин, бир қўлида капгир, иккинчисида баркашдек товоқ билан, зингиллаб бориб даврага қўшилади.

Раъшан тобора тутаяиб, бу тутуриқсизликни ўқиркан, кўз ўнгида аянчли бир беҳаёликни яққол тасав-

вур этиб, қаҳқос уриб кулиши керак эди. Кулса, эҳтимол тажанглиги тарқаб, хийла енгил тортармиди. Аммо кулолмади. Аксинча баттар ижирғанган каби афту андомини тириштириб, шитоб ўридан турди. Қафасдек торгина хонада у ёқдан-бу ёққа бетоқат юра бошлади: у н и н г нималардандир жиғибийрон нолиганига чиппа-чин ишонган экан-а! Ўшанда нодонларча ишонгани энди ўзига ёмон алам қилипти. Одам ҳам шу қадар гўл бўладими-я?! Алжираётганини билармикан У нонқўр? Ахир, қанақа имонсиз чол соқолини қирқади — бунинг учун у ақлу ҳушини еб қўйган тентак бўлиши керак-ку! Тавба, ғирт майнавозчиликнинг ўзгинаси-я! Соч-соқолига оқ оралаган ўғилларини-ку жин урган экан: отадан — ўғил, моховдан неварара... Аммо, келинларнинг кўкрак селкиллатиб, жилпанглаши нимаси? Уят қани, қани шарму ҳаё?! Йўқ, ҳеч қачон бундай бўлган эмас, бўлмайди ҳам.

У, биродар, сен қачон дунёнинг томошасифат ишлари устидан кулишни ўрганасан, деб Равшан ўз-ўзига маломат ёғдирди: ахир, бу... алмойи-жалмойи нарса ҳеч қачон саҳна юзини кўролмади, илло бирорта америкалик киночининг қўлига ҳам тушмайди... Ҳадеб жизғанагинг чиқаверганча, кул яхшилаб. Кулсанг-чи, биродар!..

Равшан ҳардамхаёллик билан стол қаршисида тўхтаб, қўлёманинг қолган қисмини ўқимай, гўё ҳеч нарса тушунолмагандек, элтиб беражагини кўнглидан ўтказаркан, сочилиб ётган варақларни йиғиштириб, кескин нари суриб қўйди... Агар У қизиқиб, ўқиб чиқдингизми жўро, деб сўраса, амаллаб бир баҳона тўқир. Аммо, у н и н г бу қадар паст тушиб, халқи устидан бўҳтон ёғдиришга ким, нима ундаётган экан?.. Салкам ўн беш йилдан бери дарбадар У. Айтишга осон, қисқа муҳлат эмас бу. Ана шу давр мобайнида У халқининг урфу одатини, халқи учун нима азизроғу нима беқадрлигини тамом унутаёзган, энг ёмони — заминидан узилган. Ана энди У жисман ўлиб қолмаслик учун — қорин ғамида алламбало тутуриқсизликларни э к з о т и к а ёрлиғига ўраб, арзон-гаров пулламоқчи.

Ногоҳ Равшан ниманидир англаб етгандек бўлди. Юраги зирқираб оғриди. Секин кўксини сийпалаётиб, бир лаҳза ташқарига қулоқ тутди: дайди шамол деразага бош уриб, оч бўридек ув тортмоқда эди... Баланд, қуббадор томлар узра чўзилиб кетган поёнсиз, қўрғошинранг бўшлиқларда қор тўзони чарх урар, қайлар-

дадир бир қарғанинг чўзиб-чўзиб қағиллаётгани эшитилар эди.

Бир маҳал, қор тўзони ичра бир қарға ларзонланиб кўринди. Кейин... қарға оппоқ қуюн орасида гўё елиб бораётган қопқора отга ўхшаб кетди. Равшан унга хаёлчан тикилган кўйи таажжубланаркан, беихтиёр совуқ ҳавода беғам-бепарво шаҳар кезишни истаб қолди. Айни чоғда кўндан бери олисдаги ота-юртини қўмсаётгани кўнглидан кечиби, жисму жонини ёқимли бир туйғу ишқолон-печакдек ўраб-чирмаб олаётганини ҳис этди. Назарида, торгина хона янаям торайиб бораётгандек эди... Хаёлчан алфоз кийинди-да, даҳлизга чиқиб, эшикни қулфлади. Сўнг калитни чўнтагига солиб, ҳар хил товушлару гангур-гунгур овозлар узуқ-юлуқ эшитилиб турган нимёруғ йўлакка ўтди, бошини қуйи солган кўйи, вазмин юриб кетди.

Кўчага чиқиши билан қор учқунлари пешонаси, юзларига урилиб, ихтиёрсиз жунжикаркан, тагин алланечук беқарорланаётганлигини пайқади — ҳамон дардисар қўлёзма билан боғлиқ эзгин хаёллардан қутулолмаган эди. Залворли кўча эшик ёнида ўйчан туриб қолди: нима қилади — чиндан ҳам ўқимай элтиб бераверадими?..

Равшан ойнадек ялтиллаб кўринаётган қорли йўлда физиллаб елаётган турфа машиналарга мувоҳам бир ҳайрат билан тикилганча, пальто ёқасини кўтараркан, барибир ўқимайман, деб яна дилида такрор қайд этди: бирор баҳона топилар ахир!..

Аммо, эрта белгиланган вақтдан ҳам анча олдинроқ Равшан унинг ижарахонасига кириб боради.

Бандан ожиз эмасми — шу тобда буни ҳатто хаёлига ҳам келтиролмапти.

Эрта уникига кириб борғунинга довор — яъни, ҳали-замон рўй бериб, мангу хотирида муҳрланиб қолажак тасодифий бир учрашув... дан сўнг, аллатовур гангиган-гарангиган сиёнда ётоқхонасига қайтади. Кейин, беаёв изтироблар исканжасидан қай тариқа қутуларини биллолмай, қўлёзманинг қолган қисминиям ўқиб тугатадию, бедор-беҳаловат тонг оттиради. Ана кейин кунбўйи унсиз чингсиб, намозгардан эртарақ унинг ижарахонаси томон беҳуд йўл олади.

Эшик очилиб, ёқаваланг кўйлақда Улуғ Иқбол кўринди. Дафъатан танимади шекилли, тили калимага айланмади.

Равшан хижолатангиз безовталиқ билан:

— Салом,— деди.— Мумкинми?

— Э, келинг, жўро!— деб, Улуғ Иқбол унинг қўлини сиқиб кўришди.— Мен сизга кўп қўнғироқ қилгон, лекин телефон жавоб бермагон-ку, жўро?

Равшан ҳамон кўнглидан кечаётган бешафқат саволларию юраги куйишиб оғриётганини сезиб турган эса-да, иштиёқсиз кулимсираб:

— Телефон ишламаяпти-да,— деди ёлғон гапириб.— Кайфиятингиз яхшими?..

Улар, кўнгилда пинҳон-у, лекин иккаласига ҳам аён бир ётсирашни бир-бирларига билдириб қўймаслик кўйида, гўё минг йиллик қадрдонлардек аҳвол сўрашдилар.

— Сал эртароқ келавердим,— деди сўнг Равшан, узр оҳангида.

— Э, қизиқмисиз, жўро!— деб, Улуғ Иқбол унинг қўлидан папкани олди.— Акун билиб қўйинг: бу унинг эшиги ҳамиша сиз учун очиқ, жўро. Қани, мархабо!..

Шу пайт ошхона бўсағасида қизил шарвар, эркакча қизил кўйлақ кийган, малласоч, қиррабурун, бўйчан, ёшгина бир жувон пайдо бўлиб:

— О-о, Владик, дўстингнинг папоғини кўряпсанми!— деди.— Бунчаям чиройли-я!..

Илкис Улуғ Иқбол жувонга ошкора надомат билан хўмрайиб қаради. Индамади.

Равшан эса, гўё гуноҳкордек, шартта папоғини пальтосининг енгига буклаб тиқаркан, бу ҳурилиқони ўтган гал келганида кўрмаганлигини эслаб, енгил бош ирғаган кўйи, салом берди.

— Салом,— деди жувон, хиёл тиз букиб.— Пожалуйста!..

Равшан унинг лўппи юзларига, чақноқ кўзларига... умуман жувонга қайтиб қарамасликни кўнглидан кечириб, қошларини чимириб турган мезбонга эргашди.

Кенг-мўл, шипшийдан хона ўртасидаги эскигина думалоқ стол атрофида ўттиз беш ёшлардаги — бири соқол қўйган, бири соқолсиз икки йигит сигарет бурқситганча, телевизор тузатмоқда эди. Хонада ачимсиқ тутун кезарди.

— Танишиб қўйинглар, қариялар!— деди Улуғ Иқбол, уларга Равшанни рўпара қилиб.— Менинг ажойиб дўстим...

«Қария»лар бирин-бирин қўл узатишиб, отларини айтишди.

Равшан ўша заҳотиёқ уларнинг отини унутиб, кирчилгина ёпинчигининг бир чеккаси куйган диванга омонат чўнқайиб ўтирди.

— Бугун кубок учун зўр ўйин бўлади,— деб, Улуғ Иқбол йигитларга ишора қилиб қўйди.— Булар телевизорни тузатгандан кейин, биргалашиб футбол томоша қиламиз.

Бемавруд келганига Равшан пинҳона афсусланмоқда эди, тезроқ чиқиб кетиш учун баҳона топилганига суюниб:

— Футболга қизиқмайман,— деди.— Яхшиси, футболгача жиндай гаплашиб олсак бўларди.

Негадир Улуғ Иқбол яна қошларини чимирди. Бир оз жимликдан сўнг:

— Яхши!— деди шитоб ўрнидан туриб.— Келинг, бу ёққа кирамиз.

Зах ҳиди анқийётган чоғроққина хона бамисоли эгаси ҳозиргина кўчиб келган ёки ҳадемай кўчиб кетадиган уйга ўхшарди. Девор бўйлаб ҳар хил бўғчалар, боғичланган катта-кичик қутилар қатор териб қўйилган эди. Тўрдаги бурчакда кўҳна ёзув столи, унинг ёнида устига қора пўстак ёпилган суянчиқли юмшоқ курси турарди.

Улуғ Иқбол чаққон курсига чўкиб:

— Мана бу усталчага ўтиринг,— деб, ўктам назар билан тикилиб сўради.— Уқидингизми?

— Уқидим,— деди Равшан.

— Маъқулми?..

Равшан энди мезбоннинг жавдираётганини кўриб, ўйлаб қўйган гапларининг бирортасини ҳам айтолмаслигини... илло айтмаслик кераклигини англаб, унсиз энтиқди.

— Маъқулми ишқилиб?— Улуғ Иқбол шундай деб, столга шарп-шарп уриб қўйди.— Биласизми, уч ой шу ердан ҳеч қаёққа чиқмай ёзганман буни. Уч ой қуёш кўрганим йўқ, жўро!..

— Ишонаман. Мен уч ойдан бери ўқиш баҳонасида шаҳар кезяпман, лекин бирор мартаям қуёш кўрмадим. Бу ернинг осмони ўзи шунақа, йиғлоқроқ экан.— Равшан кулди. Лекин тобора унинг хомушла-

наётганини пайқаб, жиддият билан: — Тасаввур қилинг! — деди. — Бизда шундай бир кино бор: тўрт томони баланд қоялар билан ўралган тоғ дарасининг бир чеккасида шоҳона безатилган ғор. Ғорнинг пешко-сида қўрбоши ўтирибди. Унинг чап ёнида инглиз корчалони, ўнг томонида собиқ Чор армиясининг офицери. Уртада ноз-неъматларга тўкин дастурхон. Пойгакда малай-мулозимлар. Аммо... калласи хумдек қўрбоши букчайиб, ҳафсала билан олма арча япти. Аҳамият бер-япсизми, қўрбоши олма арча япти.

Улуғ Иқбол бетоқат бош ирғаб:

— Хўш-хўш? — деди. — Фалсафаси зўр экан лекин. Кейин-чи?..

— Қўрбоши олмани тенг иккига бўлиб, бир бўлагини инглиз корчалонига, иккинчи бўлагини собиқ Чор армиясининг офицерига беради... Режиссёрнинг бу билан нима демоқчи бўлаётганлигини мен яхши тушунганман, — деди Равшан. — Лекин сиз айтинг-чи, ҳатто пашшасиниям мулозимларига қўритадиган қўрбошидек одамнинг бировларга малайлик қилишига ишонасизми?

— Кейин қўрбоши уларнинг икковиниям ўлдирадими ахир? — деб сўради Улуғ Иқбол.

— Йўқ, ўлдирмайди, — деди Равшан. — Қизил аскарлар дарани ишғол қилганларида, қўрбоши қўлга тушади. Инглиз корчалони қочиб кетади. Офицер эса, чақаётган ёнғоқлари пуч чиқиб, октябр ўйда бепарво тобланиб ётаверади... Мен қўрбошининг мутеларча малайлик қилганини кўриб, мутлақо ишонмаганман, — деди Равшан, ниҳоят муддаога кўчиб. — Худди шунингдек, сизнинг сценарийингизнинг ҳам айрим жойлари мени унчалик ишонтиролмади.

Улуғ Иқбол дув қизариб:

— Масалан, қайси жойлари? — деди. — Сиз... очиқроқ айтаверинг-да, жўро?!

— Масалан, чолнинг ғарчиллатиб соқолини қийиб ташлаши; бола-чақали келинларнинг жилпанглаб, қайнота олдида рақс тушиши; кейин, роҳат-фароғатда яшаётган чолнинг дабдурустан ота-юртдан чиқиб кетиши; вокзалда оқсоқол қарияларнинг чолни тантана билан кузатаётиб, бир-бирлари билан жангари йигитчалардек кураш тушишларига ишонмадим, — деди Равшан сал қизишиб. — Ишонтиролмагансиз... Бизда бир... ёзувчи бор. Унинг битта асарида чоллар жаназада ўтириб зерикишади-да, бир-бирларини памидор кўраги

билан кўракбўрон қилишади. Кейин, бир-бирлари билан жаназада кураш тушиб кетишади. Тушуняпсизми — жаназада кураш тушишади!

— Гирт нонкўрлик бу!— деди Улуғ Иқбол, асабий бош ирғаб.— Лекин сиз менинг сценарийимни сал ташунмапсиз, жўро, чол батамом соқолини қийиб ташламайди, андак калталайди. Келинларнинг рақс тушиши эса...— Дафъатан бу... беадабликни қандай изоҳларини билолмаётган каби у янаям қизариб, паришонлик билан сизга тугатди.— Биласизми, чол умрбўйи оғир меҳнат остида ҳалол кун кечирган. Мана энди кўп замонлардан бери пиру бадавлат бўлиб, роҳат-фароғатда яшайпти. Аммо-лекин ҳамшиша байрамлардагидек шоду хуррам яшаш унинг жонига тегиб кетган. Шунинг учун ҳам унинг қайларгадир бош олиб кетгиси, пировардида нималаргадир интилиб, нималаргадир зориқиб яшагиси келади. Мен сценарийимда шундай демоқчи бўлганман, жўро.

Равшан ажабланган кўйи бош чайқаб:

— Тўғриси, шоду хуррам яшаш ҳам одамзодни эзиб қўйиши мумкинлигини хаёлимга келтирмаган эканман,— деди.— Ана шу фикрингизни янаям бўрттирсангиз бўларкан.

— Мана бу бошқа гап, жўро!..— деб, Улуғ Иқбол шодон жилмайганча, тутун бурқситди.— Мен коммунизм қурилишига ишонаман. Коммунизм албатта қурилади. Одамлар коммунизмда бахтиёрликдан зерикиб қолишлари мумкин. Сиз билан биз бахтиёр одамларни бахтдан зериктирмаслик чоралари устида ҳозирдан бош қстиришимиз керак.

Равшан, кўнглида чиндан ҳам унинг ажабтовур фикрлашига иқрор бўлиб, ғалати кулимсираб қўйди.

— Биласизми, менинг қаҳрамоним шу кунларда ҳам ўзига хос коммунизмда яшайпти,— деди Улуғ Иқбол, жўшқинлик билан сўзида давом этиб.— У беғам-беташвиш рўзгузаронликдан ниҳоятда тўйиб кетган. Қийналади. Чунки, у — меҳнаткаш одам, ҳалол одам... Ёдингиздадир, қарийб бўм-бўш вагонга кириб, биринчи қаватда ётмайди, чираниб-чирмашиб бўлсаямки, иккинчи қаватга — ўзининг ўрнига чиқиб ётади.

Айнан мазкур лавҳалар сценарийда нафақат ишончсиз, аксинча жудаям кулгили чиққанлигини эслаб:

— Тушунолмаган эканман,— деди Равшан. Ҳақиқатан ҳам вагоннинг деярли бўм-бўшлигига қарамай,

чолнинг кўп азиятлар чекиб, икки марта йиқилиб тушса ҳам, барибир ўжарлик билан юқори қаватга чиқиб ётганлигини тўшунмаган... ҳануз тушунолмаётган эди у.— Аммо, ташвишу қайғуларга кўмилиб яшаётганлар, ҳатто бадбахтликдан ўз жонига қасд қилаётганлар бир четда қолиб, роҳат-фароғатдан тўйиб кетган чолни қаёқдан топганингизга ҳайронман,— деди Равшан беозор саволчан оҳангда.— Кейин, у ҳақда ясама кино яратишга сизни нима мажбур қилаётганлигини ҳам тушунолмаяман.

Улуғ Иқбол дафъатан нима деярини билолмай, сигаретни кулдонда эзгилаб ўчираркан:

— Унутманг!— деди, кино пайровида зўраки аския қилиб.— «Москва слезам не верит», жўро.

— Лекин яшаш керак!..

Бехос айтилган бу гапдан Улуғ Иқболнинг кўзлари қизариб, қошлари чимирилиб кетди.

Равшан эса узрнамо жилмайди.

Киёл сукутдан сўнг, Улуғ Иқбол қўлөзма солинган папкани кескин четга суриб қўяркан, ўйчан бош чайқаб, иштиёқсиз кулимсираган кўйи, Равшанга қўл узатди.

Равшан унинг қўлини сиқиб, вазмин ўрнидан турди.

— Юринг, у ёққа ўтамиз,— деб, Улуғ Иқбол қўшни хона сари шахдам йўл бошлади.— Келинг, жўро.

Думалоқ стол теварагида икки йигит ҳамон тамаки тутунига кўмилиб, мурватлари сочиб ташланган телевизорни тузатмоқда эди.

Равшан уларга паришон тикиларкан, негадир кириб келган пайтидагидан ҳам баттароқ ғашланаётганини ҳис этиб, тезроқ чиқиб жўнаш лозимлигини ўйлади: энди барибир суҳбат қовушмайди. Чунки!..

Шу пайтда ошхона томондан Улуғ Иқболнинг ялинчоқ сўзи эшитилди:

— Мила, ўн сўм бериб тургин, жонгинам?

Бейхтиёр Равшан бетоқатланиб, даҳлизга ўтди, пальтосини кийди, папғини қўлтигига қисиб, унинг чиқишини кутди.

— Э, жўро, кетобсизми?!— деди Улуғ Иқбол ётоқ бўлмадан чиқаркан, аллақачон унинг йўлга шайланганлигини кўриб.— Мен пастки қаватдаги қўшнимиздан битта қўлбола ароқ олиб чиқмоқчи эдим. Бирпас чақчақлашайлик.

— Раҳмат... Бошқа пайт гурунглашармиз, — деб, Равшан узрини айтди. — Андак зарур ишлар бор эди.

Шу тобда жувон ошхона эшигида пайдо бўлиб, қандайдир дилкашлик билан:

— Ой, кетяписизми?! — деб ёндорга суянди. — Осиёча қозон кабоб пишираётган эдим-а!

— Раҳмат! — деди Равшан қўлини кўксига босиб. — Насиб қилса, янаги сафар...

— На чора!..

Улуғ Иқбол тагин жувонга хўмрайibroқ қараб қўйгач, хайрлашмоқ учун Равшанга қўл чўзиб:

— Хай бедарак бўлиб кетманг, жўро, — деди. — Сизнинг телефон бузилгон. Ўзингиз қўнғироқ қилиб туринг?

— Майли. Хайр...

Эшик тарақлаб ёпилди.

Равшан рутубат ҳиди анқиётган нимқоронғи йўлакда зинапоядан хомуш тушиб бораркан, папоғини кийди; телефон бинойидек ишлаётганлигини ўйлаб, маҳзун энтикди: бу... урфу одатларни ҳам унутиб юборган ҳовари ота-юртдан олисда, бетайин ҳою ҳаваслар кўйида умрини беҳуда ўтказаётганлигини билармикан-а?..

* * *

Равшан эрка Улуғ Иқболникига беҳуд кириб боражagini ҳам, кириб борганидан сўнг, айнан юқоридagидек мужмал бир мулоқот бўлиб ўтажagini ҳам хаёлига келтиролмай, шаҳарнинг қадимий кўчаларидан биридаги мрамр гултувакларни оралаб, қор босганча одимларкан, ажабки ҳамон қўлёзмага дохил тўзгин хаёллар фикру ёдини тарк этмаган эди. Кўз ўнгида Улуғ Иқбол хира-хомуш гавдаланиб, куйинчаклик билан кўнглидан кечирди: бу одамнинг хотини, болалари бормикан-а? Отаси билан онаси-чи?..

Равшан унинг гарибу сўққабoшлигини андуҳ билан, ўзининг бағри бутунлигини эса туғанмас шукроналик билан ўйлади; шу баробари олисдаги ота-юртидаги меҳрибонларини бениҳоя соғинганлигини ҳис этаркан, нимадир чўққа дўниб кўксини куйдираётгандек, совуқ ҳаводан ютоқиб-ютоқиб нафас олди. Жисму жони оташин соғинч ҳисларига эврилиб, ажабтовур бир кайфиятда қаёққадир кетиб бораркан, гултувакларда сўлиб-тўнгиб ётган гулларни илғамас, кўчанинг

икки четидаги бири-биридан кўркам, бири-биридан ҳа-шаматли биноларни ҳам, ёнверидан шошқин ўтаётган одамларни ҳам кўриб-кўрмас эди.

Бир маҳал, қулоқлари остида от туёқларининг ду-пуригами-ей, шамолнинг аллатовур гувиллашигами ўхшаш товушлар эшитилаётгандек туюлди. Тўхтади. Чиндан ҳам аллақандай овозлар эшитилмоқда эди. Таажжубланиб, ёнверига алангларкан, кунботар та-рафдаги яланғоч дарахтзор орасида муҳташам бир... черковни кўрди... Бу ерга қандай келиб қолди — бил-майди. Хаворанг, сергумбаз, гумбазларига тилларанг, найзасимон туғлар қадалган маҳобатли черков ичка-рисидан бўғиқ гулдираётган овозлар таралмоқда эди: ҳу-у-ув! Оҳу-қо-ҳу-ув!..

Черковга кириб, нималар бўлаётганлигини билиш истагидан Равшан секин ўша томонга қараб юрди. Да-рахтлар оралаб, қорли йўлқадан бораркан, негадир иккиланди. Аммо, барибир қизиқувчанлиги устун чиқди.

Ойнаванд эшикдан ўтаётиб, Равшан анграйиб қол-ди: атроф тевааракда гимирлаб юрган одамлар кўзга аллақандай шарпа янглиғ кўринадилар; олдинроқ-да — аёлу эркак аралаш саф тортган жамоа; улар жўр бўлган кўйи, мотамсаро бир босиқлик билан мар-сия айтишяпти; ғаройиб меҳроб тараф эса беҳад-беҳи-соб шамлару чироқлар нуридан бениҳоя чароғон эди.

Сўнгсиз бир ҳайрат ва ботиний ҳаяжон ичра Рав-шан тагин ихтиёрсиз равишда олдинга жилди. Кўн-глида ҳамон бировлар койиб қўйиши эҳтимолидан гу-монсирамоқда эди, лекин бу маъвога ғайридинларнинг ҳам бамайдиҳотир киравериши мумкинлигини билмас-ди. Тараддудланиб тўхтади: устунлар!.. ажойиб гул-лар расми ўйиб ишланган, қулочга сиғмас устунлар; фаришталар суврати солинган баланд, ботиқ шифт; нақшинкор деворлар... Ҳаммасига сахийлик билан тилла суви югуртирилган, ҳаммаси тилларангда жав-дираб-жимирлаб, кўзни яшнатади. Беихтиёр одамнинг ичкари кирган сайин киргиси келаверади.

Ногоҳ биров орқадан нимадир деди.

Аммо, Равшан дурустроқ эшитолмади, шифтдаги зержозиб сувратларга, учиб юрган фаришталар расми-а ҳайратвор тикилмоқда эди.

Салдан сўнг кимдир аста тирсагига туртди.

Равшан, гўё бу ерда кескин ҳаракат ман этилган-ек, секин ўгирилиб, одмигина ёқабогич таққан ўрта

ёшлардаги олимнамо киши ёнида улуғворлик билан турган ўттиз ёшлардаги бир йигитни кўрди. Йигитнинг ранг-рўйи заҳилтоб, мошгуруч соқоли калта кузалган эди.

— Марҳамат айлаб, папоғингизни қўлингизга олсангиз? — деди йигит.

Равшан енгилгина бош ирғаб, папоғини қўлига оларкан, демак — бежавотир томоша қилиб чиқавериш мумкин экан-да, деб ўйлади: ўзимизнинг масжидларга бошқаларни ҳам киритишармикан-а?..

Равшан вазмин одимлаб, меҳроб томонга яқинлашди. Ёши ўтинқираган аёллар, ўроқдек букчайган кампирлар шамдонлардаги шамларни ўчириб-ёқиб, оҳиста пичирлаб юришарди. Ўртадаги аралаш-қуралаш жамоа мезана ёнидаги қора ридо кийган, ридосининг энглари ҳалвираган ёшгина поп жўрлигида марсия ўқир, меҳробнинг ўнг тарафида қатор тизилган ўн чоғли навқирон йигитлару қизлар эса марсиянинг ғамгин нақоратини авж пардада чўзиб куйламоқда эдилар. Юзлаб марсиягўйларнинг ҳазин, дилгир овозлари тиллойи гумбазларга урилиб, узоқ аксу садо берарди: во-хув-в!..

Равшан меҳроб чамбарагига туташ шамдонлардаги шамларни битта-битта ўчириб юрган озғингина кампир ёнига бориб:

— Кечирасиз мени, — деб, журъатсизгина шивирлаб сўради. — Айтолмайсизми, бугун қанақа кун?

Кампир илкис юзланиб, бир зум каловланган кўйи, синчков назар солгач:

— Улуғ жафокаш Екатерина куни, — деди. Сўнг чўқиниб нари жилди. — О, Тангрим, гуноҳкор бандаларингни ўзинг паноҳингга асрагайсан?!

Равшан яна кампирдан улуғ жафокаш Екатеринанинг кимлигини, нима ишлар қилганлигини сўрамоқчи бўлди, лекин сўраёлмади.

Тобора марсиягўйлик авж олмоқда эди.

Бир оздан сўнг, Равшан секин ортига қайтди.

Ташқарига чиқди.

Аллақачон оқшом чўккан, ҳамон эринчоқлик билан қор ёғар, йўлка бўйларидаги шамсимон чироқлар, сийрак туман орасидан кўринаётгандек, хаёлий нур таратмоқда эди.

Равшан папоғини кийиб, хушҳол одим отганча, катта кўчага ўтди, ёнверига разм солиб, гавжум кўчани таниш фаҳмлади. Ва, кўнглида адашмаслигига ишониб,

Йўлида давом этаркан, тагин қандай қилиб бу черковга рўпара келиб қолганлигини ўйлади: қизиқ!.. Аммо, ҳар қалай яхши бўлди: шу пайтга қадар кўрмаганларини кўрди, эшитмаганларини эшитди. Ахир, одамзоднинг кўрганиям бир давлат-ку!.. Шу асно у ибодатхонада бир талай ёш-ялангларни ҳам кўрганлигини ўйлаб, теран хаёлга толди: ажаб, дин яшовчанлигининг боиси нимада экан-а?..

Ногоҳ кимдир енгидан тортиди.

Гўё нохуш нимадир рўй берадигандек, Равшан сергак ўғириларкан, қаршисида шахло кўзлари шодон чақнаётган, юзлари лўппи, бошига оппоқ жун рўмол ўраб, эгнига қизил пальто кийган, ўрта бўйли, йигирма ёшлардаги дуркун бир қизни кўриб, беихтиёр таажжубланди: жудаям таниш туюлаётган бу қизни қачон, қаерда кўрган экан-а?

Қиз қувноқлик билан саломлашгани қўл чўзиб:

— Мени кечирасиз-да, оға,— деди.— Ҳув ўша ёқдан сизга эргашиб келяшман, сиз қарамадингиз.

Ногаҳоний ҳаяжонданми, ҳайратданми Равшан кулимсираб, аста қизнинг қўлини сиқаркан:

— Кўрмашман,— деди.

Қиз қўлини тортиб:

— Танимадингиз-а?— деб сўради.

Равшан хотирпаршонлигидан ўкиниб, бош чайқади:

— Кечирасиз...

— Улкан шоиримиз бор эди-ку, сочлари жингала, кўзлари катта-катта?..

Бундан бир ойча аввал Устункори қасрда катта маърака бўлиб ўтгани, ўшанда пойтахтнинг билим масканларида таҳсил олаётган бир талай талабаларга ҳам таклифнома тарқатишгани ёдига тушаркан, Равшан ихтиёрсиз қошларини чимирди: э, тавба!.. Нега шундай буюк бир шоиримизнинг отини билмайди-а? Нима, осмондан тушганми бу ўзи?!

— Эсладим,— деди сўнг.

Қиз тагин хушҳол жилмайиб:

— Ўша — ўлиб кетган улкан шоиримизнинг саксон йиллигида...— деди ва гапининг давомини ундан эшитишни истагандек, саволчан тикилган кўйи, бир ум жим қолди.

Қиз бу қадар ўзини эмин-эркин тутаётгани нашъа қилгандек, Равшан кулимсираб:

— ...улкан қасрда ёнма-ён ўтирган эдик,— деди.

Қиз шоён суюниб:

— Ина, эсладингиз!— деди.

— Яхшимисиз?..

Дарҳол қиз шаддотлик билан унинг сўзини бўлиб:

— Лекин сиз мени сенлаб гаплайверинг, оғабой!— деди.

Равшан кўнглида қизнинг сезгирлигига қойил қолди: негадир уни сизлаб гапиргиси келмаётган эди.

— Тўғри айтасан,— деб кулиб қўйди.— Яхшимисан?

— Дим яхшиман!— деди қиз.— Кечирасиз-да, оға, мен сизнинг отингизни эслаёлмаяпман. Менинг отим... Гулсина.

— Менинг отим...

Шартта қиз тагин унинг сўзини кесиб:

— Сиз — о г а б о й с и з!— деди.— Мен учун шуни-си қулайроқ.

— Майли, сен айтганча бўла қолсин,— деб, Равшан кулимсираган кўйи ундан сўради.— Хўш, энди нима қиламиз?

— Сиз бирор ёққа шошилмаяпсизми?— Гулсина шундай деб, ўн қадамча нарида ғуж бўлиб турган ёш-яланг йигитлар, қизлар томонга бир қараб олди.— Вақтингиз борми, оға?

Унинг муддаоси нелигини тушунолмаёй:

— Топармиз,— деди Равшан.

— Мени барга олиб кирсангиз-а?— деди Гулсина влангандек.— Ина, билет тайёр!

Равшан бехос кўксини совуқ нимадир аста ялаб ўтгандек сезиларсиз жунжикиб:

— Майли, кираверамиз,— деди иштиёқсизроқ оҳангда.

— Биласизми, оға, бу ерга қизларни йигитларсиз, йигитларни қизларсиз киргани қўйишмайди. Тартиби шунақа.

Равшаннинг бу гапга ишонгиси келди, лекин негадир ишнолмай, паришон бош ирғади: балки ростдир.

— Жуфт-жуфт бўлиб кириш керак,— деб, Гулсина оҳиста унинг бармоқларини ушлади.— Совуқ ебсиз. Қўлингиз муздай.

— Ҳаво совуқ,— деди Равшан.— Кўрмаяпсанми, қор ёғяпти-ку!

— Бар иссиқ,— деди Гулсина.— Қўшиқчиси — Максим Голубчик — зўр йигит. Ажойиб қўшиқлар айтади. Бугун Голубчикнинг навбати экан. Барга кириш

учун билет олиб, шерик ахтариб кетаётганимда, қаранг, сизни кўриб қолдим.

Равшан унинг шахло кўзларига суқ билан термилиб:

— Мени кўриб қолганинг яхши бўпти, юр, кирамиз!— деди.

— Шошилманг, оғабой, ҳали вақт бор,— деди Гулсина, ёш-яланглар томонга бир қараб олиб.— Бар тонггача ишлайди.

— Ий-э, тонггача ўтириш керакми?!— деди Равшан.

— Йўғ-э!— деди Гулсина навозишли кулиб.— Хоҳлаган пайтимизда туриб кетишимиз мумкин. Лекин Гўлубчик қўшиқ айта бошлагандан кейин, йигитлар билан қизлар рок музыкага танса туша бошлагандан кейин, туриб кетолмай қоласиз.

Ҳар хил ажнабий мусиқаю ўйинларга Равшаннинг негадир азалдан хуши йўқ эди. У кўпроқ ўзимизнинг мánзур ғазалларни ҳамда вазмин рақсларни ёқтирарди. Қизнинг алланечук ҳаяжонли тавсифидан сўнг, кўнглида шовқинсифат мусиқага майл уйғонишини истаб, бардан чиқиб кетиб қолмасликни ўйлади: буям бир ўзича байрам-да, кўнгилни кенг қил, биродар. Ҳали сенга аталган байрамлар кўп!..

Бир маҳал, ёш-яланг йигитлар, қизлар гувва эшик томон ёпирилишди.

— Юринг, оғабой,— деди Гулсина, унга паттани узатиб.— Манг, билетни сиз берасиз.

Эшикбон — кўзойнак таққан, енглари зардўзи костюм кийган, барзангидек бир одам — патталарни бир-ма-бир кўздан кечириб, ичкарига кирувчиларни жуфт-жуфт ўтказмоқда эди. Равшан қизни олдинга ўтказиб, паттани эшикбонга бергач, торгиниброқ даҳлизга кирди. Пальтоси билан папоғини ечиб, пештахта ортидаги дастёрга узатди. Сўнг, торгина даҳлиз деворидаги ой-на қаршисида ўзига пардоз бераётган Гулсинани кутиб туришни эп кўрмай, хаёлий бир тусда товланаётган ғўшадан овлоқроқ бир жойни эгаллашни хаёлидан кечириб, ичкарига ўтди.

Ишратхона хийла кенг эди. Шифтдаги ягона қандилдан рангин нурлар мўл-кўл ёғилиб турарди. Аллақачон кириб улгурган йигитлар, қизлар гуврашиб, саҳнага яқинроқ столларни банд қилишмоқда эди.

Равшан пойгак чеккасидаги стол ёнига бориб, хаёлчанлик билан юмшоқ курсига чўкди. Ёнверига кўз

югуртираркан, ҳамма столларнинг икки кишилик эканлигини кўриб ажабланди: зўр-ку, а?!

Гулсина доладек яшнаб, сочлари елкасида мавж урган кўйи, столга яқинлашаркан:

— Ну как?!— деди жилмайиб.

— Зўр!— деди Равшан.

Гулсина курсига ўтираётди:

— Сизга ёқдимиди, оғабой?— деб сўради.— Қаранг, яхши-а?!

— Менга сен ёқяпсан,— деди Равшан.

— Ай, ёмонсиз!— Гулсина истигноли қош чимириб, унинг ярим юмуқ муштига кафтини босди.— Вуй, мунча катта!..

Аллақачон ишратхона лиқ тўлган, эшикбон эшикка тамба урган эди. Орадан ҳаял-замон ўтмай, у ер-бу ердан шишаларнинг пақиллаб очилаётгани эшитила бошлади. Ҳаммаёқни хушбўй кабоб ҳиди тутиб кетди.

Негадир Равшан дилида ўзини хуррам-хушнуд ҳис этолмаётган эди. Қувватлироғидан жиндай ичгач, албатта яйраши мумкинлигидан умидворланиб, қўлига таомномани олди. Аммо унда ўткир ичимликлар қайд қилилмаганлигини кўриб, ҳафсаласи пир бўлгандек:

— Ҳеч бало йўқ-ку,— деди.— Коньяк берармикан сўрасак?

Гулсина энгил киноя аралаш жилмайганча, бош чайқаб:

— Ахир, ароқхўрликка қарши қарор чиққанига олти ой бўляпти-ку!— деди.— Агар официантдан яхши л а б сўрасангиз, балки топиб берар. Ана, келаётир.

Сочини силлиқ тараб, олоқ кўйлаги ёқасига капалакнусха қора бандак таққан дастёр йигит аравачасини ғилдиратиб яқинлашди. Ва хуштакаллуфлик билан:

— Марҳамат, нима буюрадилар?— деб, аввал Гулсинага, сўнг Равшанга қаради.— Ейимликдан грузинча кабоб бор. Ичимликдан ўзбек шампани, булғор мусалласи, қора қаҳва, апельсин шарбати...

— Илтимос, бизга ўрис ароғидан беролмайсизми, ошна?— деди Равшан унинг гапини бўлиб.— Агар бир шиша коньяк берсангиз, янаям яхши бўларди.

— Э, қизиқ экансиз-ку!— деди дастёр йигит.— Бизда ароқ ҳам, коньяк ҳам сотилмайди. Хўш, нима буюрадилар?

— Илтимос-да, ошна!— деди Равшан.— Бир шиша коньяк бера қолинг?

Бирдан дастёр йигит тоқати тоқ бўлган каби тумшайиб, аравачасини нари суриб кетмоқчи бўлди.

Равшан шартта уни тўхтатиб:

— Шошманг-э, ошна!— деди.— Майли, ҳозирча бизга боридан бераверинг қани?

Дастёр йигит индамай, аравачасидан икки тақсимча аччиқ-чучук, бир шиша сув, иккита санчқию темиртак пичоқ ҳамда бир ликопчада зарқоғозли шоколад, тагин бир шиша аллақандай шарбат олиб, стол устига териб қўйди. Сўнг Равшанга кўзларини лўқ қилиб:

— Яна нима буюрадилар?— деди.

Равшан пешонасини тириштириб:

— Шампань билан мусаллас қани?— деди.

— Фақат биттасини бераман,— деди дастёр йигит.— Ё шампанни, ёки мусалласни оласизлар. Қайси бирини берай?

— Ҳазиллашманг-э!— деди Равшан қизишиб.

Гулсина Равшанга маънодор бир нигоҳ ташлаб:

— Мен мусаллас ичолмайман,— деди дастёр йигитга.— Майли, шампаннингиздан бера қолинг?

— Ана, кўрдингизми?!— деди Равшан.— Менга шампан тўғри келмайди. Нима, чиқиб кетишимиз керакми энди?

— Бизда тартиб шундай, дўстлар: ё шампань, ё мусаллас — биттаси берилади,— деди йигит, мураса оҳангида.— Вардан маст бўлиб эмас, қўшиқ тинглаб, сархуш бўлиб чиқишингиз керак. Бугун Максим Голубчик қўшиқ айтади.

Гулсина ялинч аралаш араз билан:

— Биз меҳмонмиз, яхши йигит,— деди.— Илтимос, марҳаматингизни аяманг?— Сўнг, чиндан ҳам меҳмонлигини билдириб қўймоқчидек, ўзбекчалаб қўшиб қўйди.— Илоё яхшилигингда ялпашгайсан, беравер ахир!..

Дастёр йигит гўё мақтов эшитгандек жилмайиб:

— Аммо, огоҳлантириб қўяй, бошқа берилмайди!— дея ичимликларни бирин-бирин стол устига қўяётиб сўради:— Кабобдан нечта обкелай?

— Тўрт сих,— деди Равшан.

Дастёр йигит ҳайронсираб:

— Кўп-ку?!— деди.— Еёлмайсизлар!

Равшан кулиб:

— Жудаям ажойиб экан-ку бу йигит,— деди Гулсинага, сўнг дастёрга юзланиб, бош ирғади.— Майли, еёлмасак қолар, онкелаверинг, ошна.

Дастёр йигит индамай, сочлари сомонранг қиз билан ҳабашбашара бир йигит ўтирган стол томон аравачасини суриб кетди.

Равшан унинг ортидан хўмрайиб, атрофга разм соларкан, столлардаги қўша-қўша ичимликларни кўриб:

— Бу ердагиларнинг кўпчилиги ўзимизга ўхшаган меҳмон экан-ку,— деди.

— Лекин бизнинг меҳмонлигимиз ёлғон эмас-ку, оғабой,— деди Гулсина.

— Рост ҳам эмас-да!— деди Равшан.— Сен — студент...

— Сиз... малака оширувчи курсант,— деди Гулсина.— Уч ой бўлдим келганингизга?

— Ҳа, сал ошди.

Гулсина шампанга ишора қилиб:

— Очмайсизми?— деди.— Нега бунча шавқингиз паст, оғабой?..

Равшан, кайфиятидаги тушуниксиз беқарорликини теран ҳис этганча, уқувсизлигини билдирмасликка уриниб, шампань тиқинини бир амаллаб очди-да, бирин-бирин катта қадаҳларни тўлдирди, сўнг кичкина қадаҳларга мусаллас қуйди. Кейин, катта қадаҳлардан бирини Гулсинага узатиб:

— Сенинг соғлигинг ҳамда менинг байрамим учун!— деди.

Гулсина ажабтовур қош учириб:

— Байрам?!— деди.— Қанақа байрамни айтяпсиз, оғабой?

Равшан сирли кулиб:

— Кўнгилнинг яйрагани ҳам бир байрам-да!..— деди.

Гулсина хуррам табассум билан, тагин қош учириб:

— Ай, шумсиз!— деди.— Ичдик!..

— Шошма, уриштирайлик, ахир!

— Шампанни чўқиштиришмайди, оғабой.

Равшан дув қизариб, секин шампанни симираркан, инжиниб ўйлади: нима бало, бу қизнинг мияси сал... айниганроқми-ё?..

Кейин, нордон мусалласдан ҳам бир қулт ҳўлади,

ҳамон тезроқ сархушланиш умидида эди, газак қилмади. Шоколадни зарқоғозида ушатиб, чоғроқ бир бўлагини Гулсинага узатди.

— Ташаккур!— деди у, назокат билан қўл чўзиб.— Сездингизми, мусалласи яхши экан-а?

— Ҳа, ёмон эмас,— деди Равшан.— Ҳар қалай, йўқдан кўра бор-ку!..

Шу пайтда нимадир ноғорадек гумбурлаб акс-садо бердию, бирдан яшин чақнагандек саҳна томон ёришиб кетди. Ва, ҳаял-замон ўтмай, саҳнада кўкраги қўш киссали, оқимтир кўйлак, қора шим кийган, бўйчан, сочлари ўскин, қиррабурун — қиз боладек чиройли бир йигит пайдо бўлиши билан, ҳамма шинавандалар шодон қийқиришиб, чапак чалиб юборишди.

Ногаҳоний ҳаяжондан юз-кўзлари яшнаб:

— Ана, Максим Голубчик шу!— деди Гулсина.— Кўраётирмисиз?!

Равшан, чамаси йигирма беш ёшдаги навқирон йигитнинг самбитдек қоматига чимирилиб тикиларкан, ўзининг қаппайганроқ қорнидан уялиб, бадхоҳлик билан қўнглидан кечирди: шу... артистчага бунинг меҳри тушган бўлса керак. Энди, айланиб-ўргилиб томошасига келаверади.

— Яхши кўрасан-а, Гулсина?

Гулсина меровсираган каби киприкларини пирпиратиб:

— Қўшиқлариними?— деди.— У хароб зўр айтади ахир. Ҳозир ўзингиз эшитасиз.

Шу аснода яна шодон қийқириқлари баравж қарсақлар остида саҳнага бири-биридан гўзал, бири-биридан малоҳатли икки қиз ҳамда икки хушсурат йигит чиқиб, турфа чолғу асбоблари ёнида тавозе билан тек қотди.

Тобора қарсақвозлик авж олмоқда эди.

Максим Голубчик бир неча қадам олдинга юриб, барабар иккала қўлини юқори кўтарди.

Хиёлдан сўнг шинавандаларнинг ҳаяжони сал босилгандек бўлиб, шовқин тина бошлади.

Голубчик жарангдор овозда ҳаммани мароқли ҳардиқ чиқаришга ташриф буюргани билан қутлаб, марҳаматли мухлисларига ажойиб қўшиқлар ваъда қилди, сўнг машшоқ қизлару йигитлар томон ўгирилиб, хушҳол бош ирғади.

Бирдан ўйноқи куй янгради. Чироқлар сермавж

оҳанг авжига монанд тусланиб-товланиб, ишратхонани камалак нурга чулғайверди. Голубчик эса завқ-шавқ билан дилхуш бир қўшиқ бошлаб юборди.

Бейхтиёр Равшан унинг эҳтиросли овозидан таъсирланиб:

— Яхши айтар экан,— деди.

Гулсина мамнун қош учириб:

— Ҳали кўрасиз, янаям зўр айтади,— деди.— Чет эл қўшиқларини жуда бошлайди.

Аммо, салдан сўнг, шундай ажабтовур қўшиққа парвосиз, бирин-бирин қизлар, йигитлар ўринларидан туриб, рақс бошлаворишди.

Равшан тобора ғалаговур зўрайиб бораётганидан ҳафсаласи сўниб:

— Қўй, ҳаммасидан ўзинг яхшисан, Гулсина!— деди.— Ичамиз.

Гулсина қадаҳини узатаётиб:

— Тасқаралар қўшиқни расво қилишди-я!— деди ўкинч билан.— Озроқ қуйинг, оғабой. Сиз учун!..

Ичишди.

Ниҳоят, Равшан бир қадар ўзини хушвақт ҳис қилаётгандек бўлди. Бироқ, шуни ўйлагани ҳамано, барибир кўнглидаги алланечук беқарорликдан қануз қутулолмаётганлигини сизди. Ҳушёр тортиб, унсиз энтикаркан, Гулсинанинг хандон-хушон яйраб ўтирганига ҳам ҳаваси келди, ҳам таажжубланди: бу қиз нега бунчалик беғам-бепарво-я?! Ишонган тоғию ақидаси не бунинг — ўткинчи ёшлиғию ҳусни малоҳатими?.. Ўзининг бундоқ бир яшнаб ўтирмоғига раҳна солаётган нарса — нима у — ёшлари орасидаги фарқ тушунчасими ёки лаънати... андиша туйғусими? Ундоқ деса, йўлида тўғри кетавермай, қизга эргашиб, ишратхонага кирди-ку!.. Бу қиз аллақачон чакчакни қоққан... Қоққан бўлиши керак. Қоқмаган бўлса... Ишратхонага таклиф қилиши — шунчаки муносиброқ шерик тополмаганидан эмасдир.

Равшан тобора гашланаётгани боисини англагандек бўлиб, ўзидан ижирғанди: ҳар нима бўлганда ҳам, қизга эргашиб, ишратхонага кирмаслиги керак эди. Э, тавба, нима учун бир хонадонни обод қилгудек қиз бу кўйга тушиб қолган бўлсайкин-а?!

Шу пайт:

— Марҳамат, дўстлар,— деб, дастёр йигит чоғроқ бир баркашда столга тўрт сих кабоб қўйди. Узун сихларга сихланган серсуяк кабобдан димоққа гул этиб,

иштаҳа қўзғовчи хушбўй ҳид урилди.— Ҳамма нарса етарлими, дўстлар?

— Ташаккур!— деди Равшан.— Ароқ билан коньякдан бошқа ҳамма нарса бор.

Дастёр йигит тумшайиб:

— Яна бошладингиз-а!..— деб, кескин ортига бурилди.

Гулсина қиқирлаб кулди, сўнг:

— Ҳамма илтимос қилавериб, бечорани безор қилишган-да,— деди.— Боя унинг айтганига кўниб, кабобниям уч сих буюрсангиз бўларкан.

— Етмай қолгандан кўра, ортиб қолгани яхшироқ,— деди Равшан, сихдан бир туюр гўшт тортиб.

Гулсина қадаҳидаги мусалласни сипқориб:

— Янги йилни бу ерда байрам қиласизми?— деб сўради.

— Йўқ, уйга кетаман,— деди Равшан.

— Уйингизни соғингандирсиз-а?

— Жуда!..

Гулсина унсиз энтикиб, жим қолди.

Равшан унинг юз-кўзларида аллатовур ўйчанлик ифодаларини илғади.

Хиёл фурсатдан сўнг, Гулсина:

— Қишлоғим ёдимга тушса, худди шаҳардан айрилиб қолаётгандек бўламан,— деди.— Негадир уйга кетгим келмайди.

Беихтиёр Равшан унинг кўзларига синчков тикиларкан, бу қизнинг ҳасратли гап-сўзлари билан, анави чала-ярим таниши Улуғ Иқболнинг ажабтовур фикру зикри ўртасида қандайдир яқинлик борлигини ўйлади. Ва, шоир минг карра ҳақ экан, деб кўнглидан кечирди: а ж а б ҳ и к м а т о д а м ў л а р м и ш , у з и л г а ғ д а е р д а н о ё ғ и !..

Кейин, лаҳза сайин дилида қизга нисбатан, айни кезде ўзига нисбатан ҳам маломатли ҳислар жўш ураётганини сезиб, Равшан баттар бетоқатлана бошлади.

Гулсина эса, чиндан ҳам оёғи заминдан узилганлигини бошлаб кўрсатиб қўймоқчидек, рақс майдончаси томон ишора қилиб:

— Юринг, оғабой, биз ҳам бир ер тепайлик,— деди.

Голубчик, жазаваси қўзигандек, энди хорижий бир

¹ Абдулла Орипов шеърдан.

қўшиқни алланечук телбавор чайқалиб-терваниб куйламоқда эди. Турфа ранг нурлар аралаш-қуралаш порлаётган майдончада эса бир талай қизлар, йигитлар шўх-шодон рақс тушишмоқда эди.

Равшан хаёлчан бош чайқаб:

— Биз танса тушмаймиз,— деди.

— Вой, нега, оғабой?!— деди Гулсина, кўзлари қайратангиз чақнаб.— Нима учун биз тушмас эканмиз?

Равшан унинг бармоқларини оҳиста сиқиб:

— Мен танса тушишни билмайман,— деди.

Гулсина иргиб ўрнидан тураркан:

— Юринг, ўзим сизга ўргатаман,— дея нозланиб қўлидан тортди.— Кетдик!..

Равшан ночор-ноилож жойидан қўзғалиб, қорнини ичга тортган қўйи, унинг изидан эргашиди.

Гулсина оломон даврага яқинлашар-яқинлашмас, минг бир жилваю карашма билан рақс туша бошлади.

Равшан эса, шикаста кулимсираганча, қўлларини шалвиратиб бир оз рақс тушган бўлди, лекин тобора ўнғайсизланаверди, кейин шартта унинг белидан қуچارкан:

— Менга раҳминг келсин-э, Гулсина!— деб, янаям аянчли кулимсиради.— Мен жудаям уялиб кетяпман.

Унинг гапи нашъа қилгандек, Гулсина қиқирлаб кулди, сўнг:

— Манави тасқаралардан уяляпсизми?— деди.

— Ўзимдан,— деди Равшан.— Мен ахир танса тушишни билмайман.

Гулсина унинг қучоғида балиқдек биланглаганча:

— Бунақа танса учун махсус билимнинг кераги йўқ,— деди.— Бир жойда тек турмай, қўл-оёғингизни баравар қимирлатаверсангиз бўлгани. Тасаввур қилинг: сочилиб ётган бир хокандоз чўғ устига оёқяланг тушиб қолдингиз, тагин атроф-теварагингизда ини бузилган бир гала қовоқари ҳам гужғон ўйнапти; қимир этмай тураверсангиз — баттар оёғингиз куяди, қўлларингизни тинимсиз силкиб турмасангиз — арига таланасиз. Тушундингизми?

— Тушундим.— Равшан шундай деб, уни янаям маҳкамроқ бағрига босди.— Ўзинг ари бўлиб чақсанг ҳам, чўғ бўлиб куйдирсанг ҳам майли. Розиман. Менга мана шунақа танса ёқади.

— Ҳо-о, ёқмай қолсин!..

Равшаннинг яйраб-яшнаб рақс тушаётган ёш-яланг-

ларга ҳаваси келди. Шу баробари, қучоғида дуркунгина қиз навозишланиб тўлғанаётгани боисми, ўзини аллатовур хушҳол ҳис этаётгандек бўлди... Аммо, орадан ҳаял фурсат ўтар-ўтмас, дабдуруст ҳушёр тортиб, ҳазин энтикди: ёлғон, ҳамма найранларинг ёлғон, биродар. Хушнуд кўринишга беҳуда уринаяпсан. Ана, кўксинг жизиллаб куйишаяпти-ку! Нима учун шундайлигини биласанми?.. Аллақачон ўзингнинг ҳам оёгинг заминдан узилган. Узилган. Ҳа, тан олавер. Билъакс, аллабир илинжлар билан, манави мишиқига эргашиб, ишратхонага кирмас эдинг... Хўш, ақиданг нима? Қани, сценарийсида қайнота ноғорасига келинларни жилланглатиб ўйнатган Улуғ Иқболдан фарқингни айт — ундан бирор устунлик жиҳатинг борми, биродар?!.

Ниҳоят, Голубчик қўшиқни тугатди, куй ҳам тинди.

Равшан, миннатдор каби, Гулсинанинг елкасига қоқиб, олдинга ўтказди.

Изларига қайтиб, жойларига ўтирганларидан сўнг, Гулсина унинг шавқи сустлигига ишора қилиб:

— На бунча, оғабой?.. — деди.

— Э! — деди Равшан. — Кўрмаяпсанми, ҳаммаёқ байрам-ку?!

Гулсина мийиғида кулимсираб:

— Гапингиз рост бўлса, менга шампандан қуйинг, оғабой! — деди.

— Жоним билан!..

— Нега ўзингизга қуймаяпсиз?

Равшан пешонасини тириштириб:

— Негадир бу вино мени баттар ланж қияпти, — деб, қадаҳига озроқ мусаллас қуйди. — Сенинг бахтиёр ёшлигинг учун, Гулсина!

— Сизнинг бахтиёр келажагингиз учун, оғабой!

— Жуда қув экансан, қизгина, — деди Равшан қош учуриб. — Кўнгил овлашни биларкансан.

Гулсина қувлигига иқрор бўлгандек қиқирлаб кулди, сўнг шампанни сипқориб, бир бўлак шоколад оларкан:

— Болаларингиз нечта? — деб сўради.

— Бешта, — деди Равшан. — Уч ўғил, икки қизим бор.

Бирдан кўзлари каттариб:

— Вуй-й, қандай яхши! — деди Гулсина. — Болаларингиз ҳали ёшдир-а?

— Кенжатоё қизимиз келаси йил мактабга боради.

— Эрта уйланган экансиз-да,— деди Гулсина.—
Қизларингизни яхши кўрасизми?

Равшан аста бош ирғаб:

— Лекин бирор мартаям эркалатган эмасман,—
деди.

— Вой, нега-а?!— деди Гулсина.

— Қизларимнинг талтайиб кетишидан кўрқаман.

Бейхтиёр Гулсина хаёлга толди.

Орага дилтанг бир сукунат чўкди.

Атроф-теварақда эса тобора сархуш ёш-яланглар-
нинг шодон гурунги авжга чиқмоқда эди.

Равшан беозор оҳангда:

— Йигитинг йўқми, Гулсина?— деб сўради.

— Бор,— деб Гулсина бир зум саволчан тикилиб
турди, сўнг шоён маҳлиёлик билан йигитини таъриф-
лай бошлади.— Ўзимнинг ҳамюртим, университетнинг
фалсафа факультетида, тўртинчи курсда ўқийди. Кал-
ласи зўр ишлайди. Унинг фикрича, дунёдаги ҳамма
одамларнинг осойишта, фаровон яшамоғи учун, авва-
ло хонадонлар эшиги қулфу калитсиз бўлиши керак
эмиш. Ана шунда давлат чегаралари ўз-ўзидан барҳам
топиб, армияларнинг ҳам, мелисаю полисменларнинг
ҳам ҳеч кимга кераги бўлмай қолармиш. Жуда ақлли
йигит у. Олий стипендия олади.

Равшан тагин ўша оҳангда ўсмоқчилади:

— Йигитинг бунақа давраларни ёқтирмаса ке-
раг-а?

— Тўғри, ёқтирмайди,— Гулсина шундай деб, ал-
лақандай бир сирни ошкор қилишга чоғлангандек,
ғалати жилмайди.— Биласизми, у жудаям яхши йи-
гит: эртаю кеч ўқигани ўқиган. Университетни бити-
риб, аспирантурада қолмоқчи... Сизга тўғриси айт-
сам, менинг бунақа... ўйин-кулгиларга ўчлигимни
билишини истайман. Агар билиб қолса, мендан кўнгли
совиб қолиши мумкин.

Равшан бейхтиёр ўша — эртаю кеч тинмай муто-
лаа қилаётган ҳамюрт йигит ўрнида ўзини тасаввур
ётаркан, совуқ нимадир кўксига санчилгандек, қошлар-
ини чимириб, қизнинг қоп-қора, чақноқ кўзларига
қадалиб тикилди: даҳшат-ку бу!..

— Ўзимиз томонларда сен ўқиётган техникумдан
йўқми?

— Йигитимга эргашиб келаверганман-да!— деди
Гулсина, унинг нимага шама қилаётганлигини тушун-

гандек. — Бу ерда, билимингиз бўлса, ўқишга кириш осон экан.

— Ҳозир ўзимиздаям осон бўлиб кетган.

— Хабарим бор... Лекин биласизми, бу ерда студентларни ҳар хил ҳашарларга олиб чиқишмайди, фақат ўқитишади.

— Келажакда турмушинг қандай кечишини истайсан, Гулсина?..

— Албатта, яхши кечишини-да! — деди у. — Опам! Ун битта туққан. Шундан саккизимиз ҳаёт — беш қиз, уч ўғил. Опикам² шу йил ўзимиздаги Рус тили институтини тугатиб борди. Ҳозир бир боласи билан уйда ўтирибди.

Равшан бирдан:

— Э!.. — деб юборди. — Нима, эрсиз туғиб қўйганми?

Гулсина бош ирғаб:

— Боласи шунақаям чиройлики, кўрсангиз ҳавасингиз келади! — деди. — Лекин опам бечора жуда эрта қариди. Опам нима учун дунёга келганию нима учун ўтиб бораётганлигини ўзи ҳам билмаса керак — умр бўйи кир ювишу қозон қайнатиш билан овора... Аллақачон мен ўйлаб қўйганман: албатта менинг болам битта бўлади; кейин, эрим мендан қўрқиб туриши керак!

Равшан, беихтиёр қулоқлари шанғиллаб, атроф-теваракдан таралаётган шодон шовқину ўйноқи муסיқа оҳангларини эшитиб-эшитолмай, бир муддат анграйиб қолди: бу нега бундай ўйлайди-а?! Наҳотки опасининг шармандали қисмати кўзларини мошдай очиб қўйган бўлса-я?!

Равшан хаёлчанлик билан:

— Қўрқмаса-чи? — деб сўради.

Гулсина парвосиз қулимсираб:

— Қўрқмаса, ўзига қийин — кўча тўла эр! — деди. — Олажак юз-юз йигирма сўм маошим ўзимга етиб ортади. Кейин, алимент ҳам келиб туради. Тўғрими?..

Равшан, қўлидаги қадаҳни чилпарчин қилворгудек, маҳкам қисди: ҳаяжонланма, биродар!.. Асло жаҳлга эрк бермаслик керак. Ахир, бу қиз ишратхонага сени судраб киргани йўқ-ку?!

Ногоҳ Равшан ажабтовур бир воқеани эслади.

¹ О п а — она.

² О п и к а — опа (шева).

Ушанда — бундан олти йил муқаддам, олис вилотдан марказга энди ишга келган кезлари эди. Бир тутамли иш кунларидан сўнг, ҳувиллаб ётган ижарахонасига оёғи тортмай, одатича хотини, болаларини тобора қўмсаётганлигини ўйлаб, оқшом чўккунга довуруқ хомуш-хаёлчан алфоз шаҳар кезарди.

Бир куни ҳамқишлоқ жўраси нозикроқ бир... жойга меҳмонликка таклиф қилди.

Борди.

...Тун. Алламаҳал... Ўртада шоҳона дастурхон.

Ошнасининг... хуштори яйраб-яшнаб, дилкашлик билан меҳмоннавозлик қияпти.

Ошнаси алланимадан бениҳоя мамнун, бениҳоя хушнуд эди.

Мезбоннинг дугонаси — бўлажак олима — париваш Орзигул эса, торгина хонани завқ-шавққа тўлдириб, магнитофондан таралаётган ўйноқи бир мусиқага рақс тушмоқда.

Равшан аллақачон сархушланиб қолган эди. Париваш Орзигулнинг сочларини ёйиб, нозланиб-жилваланиб тушаётган қорин ўйин рақсига хуморланиб тикиларкан, беихтиёр Равшан ғалати бўлиб кетди. Кейин, негадир юраги увишар қадар унга раҳми келди, шу баробари, алам билан, нима учун бу ўзини бунча бозорга соляпти, деб ўйлади: бир йигитни султон қилгулик сиёқи бор-а! Бир хонадонни гуллантиши мумкин эди-я!.. Бордию шу тобда шунинг ўрнида менинг синглим ёки хотиним бўлса! Менинг ўрнимда кўзлари қонга тўлган бир барзангидек йигит... Ув-в!..

Бирдан Равшан ўртадаги палов тўла чинни товоқни даст кўтариб, ваҳшат солиб ўкирган кўйи, пойгакдаги тошойнага урди.

Кейин...

Йўқ, уёғини эсламаган маъқул.

...Равшан, нечундир овози хирқираб:

— Эринг сендан қўрқиб турса... Сен маза қилиб яшамоқчисан-да? — деб сўради Гулсинадан. — Шундайми?

— Ҳа-да, оғабой! — деди Гулсина бош ирғаб. — Бир мен эмас, ётоқхонамиздаги бошқа қизлар ҳам шундай ўйлашади... Айтмоқчи, сиз, ётоқхонада бир ўзим яшайман, деганмидингиз?

Равшан унинг кўзларига синчков тикилиб:

— Борасанми? — деди.

— ...

— Телевизори бор, телефониям бор...

— Майли, кўрамиз,— деди Гулсина.

Агар астойдил таклиф қилса, унинг бориши тайинлигини кўнглидан кечиранкан, Равшан яна гашланаётганини ҳис этиб, оҳиста уф тортди: муддаонг не ўзи, биродар? Нима учун бир бечоранинг туйғулари билан ўйнашмоқчи бўлясан ахир? Ўтир-да одамга ўхшаб!..

— Юзларингиз оқариб кетди-ку, оғабой?

Равшан, бехос ранг-рўйининг оқариши — сархушланаётганлигининг ёмон бир аломати эканлигини тусмоллаб, пинҳона безовталанаркан:

— Ўтиб кетар,— деди кифт қисиб.

Аммо, гашлик аралаш сархушликнинг изсиз-самарасиз ўтиб кетишига негадир ўзи ишонолмас эди.

Гулсина хаёлчан қулимсираб:

— Менинг жудаям меҳрибон, жудаям содда бир момом бор,— деди.— Момом ҳар икки гапининг бирида, опиканг тўккан обрўмизни сен кўтариб беришинг керак, отанг бахтиқатти¹ кўча-кўйда бош кўтариб юролмай, отиздан² бери келолмайдиган бўлиб қолди; биз сенинг тезроқ ўқишни тугатиб қайтишингни кутиб ётибмиз, дейди. Момом бечора билмайдикки, менинг сира қишлоққа қайтгим келмайди. Момом бошқача ўйлайди-да!..

Яна бирдан Равшаннинг қулоқлари шанғиллаб, кўз олдини туман янглиғ нимадир тўсгандек бўлди... Кейин, хаёлида юзларини тарам-тарам ажин қоплаган, куйинчак бир кампир гавдаланаркан, қизга эргашиб ишратхонага киргани учун ботинан койинганча, тагин қадаҳни маҳкам қисди: э тавба!.. Боёқиш момоси бошқача ўйлармиш, яъни бундай: элу юртни хонадонга чорлаб, катта тўй берса — гулдек неварасини гулга қўшиб, бахту тахтли қилса. Ана кейин гулдек неварасининг отаси — катта уруш йилларида емай едириб, киймай кийдириб, не бир уқубатлар чека-чека вояга етказган ёлғизгина суянчиги — ўғли ёруғ юз билан давраларга қўшилса!.. Аммо, эркатой неvara — мана-ви... офатижон жонивор эса бошқача ўйлайди: ҳаёт — бунга, бу — ҳаётга омонат; ўткинчи умрида давру даврон суриб қолиши керак; турмушга чиқиб олганидан сўнг, атиги битта боласи бўлади; шўрлик эр эса

¹ Бахтиқатти — бахтиқаро.

² Отиз — дала (шева).

қўрқиб-қалтираб туради!.. Агар ў — шўрликнинг ўрнида...

Равшан беихтиёр эр ўрнида ўзини хира-хомуш тасаввур этаркан, қўққис чаккасига тиг санчилгандек, пешонаси тиришиб кетди. Ва, таққиромуз бир бепарволик билан, қадаҳидаги мусалласни унинг юзига се-п и б ю б о р д и.

Гулсина чирт кўзларини юмиб, кескин бошини орқага тортди. Унинг жиққа ҳўл бўлган пешонасию лўпни ёноқларига тўзгин соч толалари чиппа ёпишган эди. Олудек лаблари узра бўйни сари оқиб тушаётган тахир шаробни сийраркан, кўзларида ёш ғилтиллаганча, таажжуб аралаш туганмас бир надомат билан мўлтираб, киприкларини пирпиратди: нима учун сепдинг ахир, ношукр?!

Равшан унинг аянчли жавдирашига жавобан, мана сенга, дегандек, бамайлихотир чўзилиб туриб, қўлининг орқаси билан оғзи-бурни аралаш тортиб юборди.

Туйқус қарс этган тарсаки товуши шодон ғалағовуру ўйноқи мусиқа оҳангларини босиб кетди.

Гулсина, зарб егани ҳамоно, ағдарилиб тушган эди.

Равшан, тобора қаҳру ғазаби жўш урган кўйи, шитоб у томонга яқинлашиб, айни чотига тепаётганида, шартта икки жуфт чайир қўл билакларидан маҳкам ғижимлаб, оёғини ердан уздию, зумда деворга қапиштирди. Кейин, кутилмаганда кимдир нақ киндиги устидан мушт солди. Бирдан кўзларидан учқунлар сачраши баробарида нимадир ичида чирсиллаб узилгандек, боши шилқ этиб осилди.

Аллақачон ишратхонага совуқ бир сукунат чўккан, ҳалигина дару дунёсини унутган каби мажнунвор куйлаётган Голубчик энди саҳнада серрайиб турар, ёпсига ҳаяжонланаётган сархуш ёш-яланглар эса борган сари атроф-теваракни ҳалқадек ўраб олмоқда эдилар.

Сочлари пахмайган, озгин бир йигит Равшанга ғазабнок ўқрайганча:

— Узр сўра! — деб, энгаҳига қоқсуяк муштини тиради. — Ҳозироқ қиздан узр сўра, ярамас!

Тагин кимдир биқинига беаёв нуқиб:

— Осмондан тушганмисан, аблаҳ?! — деди. — Бурнингдан ичак-чавоғингни суғуриб олмасимдан аввал қиздан кечирим сўра, зўравон!..

Гулсина тиззалаганча чўнқайиб, қизғиш шим кий-

ган бир қизнинг ёрдамида базўр жойидан турмоқда эди.

Равшан оғзи қурқшаб, аъзойи бадани дир-дир титраган кўйи, беҳол-бемажол деворга суяниб тураркан, негадир шишиб кетган тили калимага айланмас эди.

Дабдуруст ўзлари хўрланган-ҳақоратлангани каби гўзал навжувонлар тобора ёвузланиб, бир-бирларига гал бермай, бамисоли ҳайкалга дўнган Равшанни тинмай сўкиб-саннаб, йигитларни гиж-гижлай бошладилар:

— Кўзларининг қонга тўлиб кетганини қаранглар!

— Каллакесар босмачи-да!

— Аямай ўзини калтаклаш керак.

— Йигитлар, нега қараб турибсизлар?!

Шу пайтда Гулсина оғзидан, бурнидан сизиб-сирқиб оқаётган қонни тамшаниб ялаганча, беомон ташланмоққа чоғланаётган йигитларни оралаб, олдинга ўта-сола:

— Тегманглар? Акам бу менинг!— дея Равшанни бутун гавдаси билан тўсиб, изиллаб йиглаб юборди.— Узимнинг акам ахир!..

Беихтиёр Равшаннинг кўкси қалқиб, нимадир чағир тошдек бўғзига қадаларкан, кўзлари ачишиб оғриди.

Бир маҳал, қаёқдандир дастёр йигит қуюндек елиб келди-ю, шартта ҳаммани четга суриб, дарҳол Равшанни даҳлиз томон бошлади.

Даҳлизда кимдир гудраниб-тўнғиллаб, Равшаннинг бошига папоғини кийдирди, эғнига пальтосини ташлади. У шу тобда беҳуд-беҳуш одамдек ҳеч нимани ўйламас эди. Ёнида алланечук бетоқат термилиб турган дастёр йигитга қўйнидан бир даста пул чиқариб узатди. Кейин, дастёр йигит яна қуюндек ғойиб бўлар-бўлмас, ичкаридан янгроқ мусиқа эшитила бошлади... Равшан, қайт қилгиси келаётганлигидан пешонасини совуқ тер босиб, бўсағага етган пайтида, эшикбон зарб билан кетига тепди. Равшан мункиб кетди, лекин... йиқилмади.

Эшик тарақлаб ёпилди.

Жимжитлик. Кўча бўм-бўш. Кўча ўртасидаги шамсимон чироқлар бегиним липиллаб, хирагина нур таратмоқда.

* * *

Шамсимон чироқлар тинимсиз липиллаб, хирагина нур таратмоқда эди. Ҳамон бетўхтов ёғаётган қор эса,

бу нимтатир ойдинликни янаям бўрттириб кўрсатди.

Равшан ғарч-ғурч қор босиб, хаёлчан бораркан, дабуруст ишратхонадан чиқиб кетгани ўзига алам қилаётгандек, аччиқ кулимсираб, ўйчан бош ирғаб қўйди: ҳарқалай, чидаб ўтираверса бўларди. Ўтиролмади-да!.. Тўғри, тиг янглиғ нимадир чаккасига санчилгандек, нешонаси тиришиб кетганиям рост; кейин, қадаҳидаги мусалласни унинг юзига сепвормоқчи бўлганиям рост. Аммо... Гулсина сўзамол экан: сиз менинг гапларимга лаққа ишонманг-да, оғабой, деб қиқирлаб кулди. Қаранг, юзларингиз оқариб, қошларингиз чимирилиб кетди. Ахир, айтган гапларимнинг ярми ҳазил, ярми... ҳавас-ку! Қай бири ҳазилу қай бири ҳаваслигини ўзингиз билиб олаверинг, деди. Лекин ўйин-кулгига ўчлигимни яширмайман. Ҳар қанча ўйин-кулгига ўч бўлганим билан, барибир манави қақажонлардек кунда-шундаликка вақтим йўқ менинг. Эртадан-кечгача ўқиш билан бандман. Қишки сессияни ҳамхона қизлардан икки кун аввал топшириб, олдинроқ қутулиб олдим. Келаси йил техникумнинг қизил дипломи билан институтга имтиҳонсиз кирмоқчиман. Ничик, режаларим маъқулми сизга, оғабой?.. Эса туринг, мен Голубчининг ана шу қўшиғини дим яхши кўраман, танса тушамиз!..

Албатта Равшан, одатдагидек, рақсвозликка кўнмади. Гулсина зипиллаб рақс тушгани кетганидан сўнг, Равшан негадир баттар бетоқатланди: унинг момоси айтган армонли гап — опиканг тўккан обрўмизни сен кўтариб беришинг керак; отанг бечора кўча-кўйда бош кўтариб юролмайдиган бўлиб қолди, дегани қулоқлари остида такрор эшитилаётгандек туюлиб, ўзидан... ўзининг ҳарош ўйу хаёлларга борганидан беадад хижолат чека бошлади; боз устига, аллатовур тушуниксиз бир беқарорлик ҳам тобора исканжага олмоқда эди... Ахийри дастёр йигитни имлаб чақириб, хизмат ҳақини тўлади. Кейин, ҳардамхаёллик билан ўрнидан қўзғалиб, гавжум саҳна томон нигоҳ ташларкан, Гулсинанинг завқ-шавққа тўлиб рақс тушаётганини кўрди. Ва, бирдан валломатлиги тутиб, шартта қўйнидан битта йигирма бешталикни чиқарди-да, унинг мўъжазгина ҳамёнига солиб қўйди... Сўнг бир қадар енгил торгандек бўлиб, секин ишратхонадан чиққан эди.

Мана, ғарч-ғурч қор босиб, бот-бот узук-юлуқ гуд-

ранган кўйи, кўча ўртасига қўйилган мармар гултуваклар оралаб кетиб борапти.

Ҳамон майда-майда, муздай қор ёғмоқда эди. Қор учқунлари чироқларнинг хира ёруғида игнадай йилтираб кўринади.

Равшан жунжикиб, ёқасини кўтараркан, Гулсинанинг ярашиқли-ёқимли карашмаларини кўз ўнгида аниқ-тиниқ гавдалантириб, ҳазил-ҳузул гап-сўзларини ўйламоқда эди, бехос таҳликага тушиб, адашиб қолмасмиканман, деб кўнглидан кечирди: йўғ-э, бу кўча катта йўлга бориб туташади-ку!..

Равшан ногоҳ ўша — эрта оқшом маҳали оппоқ қуюн орасида елиб бораётгандек бўлиб кўзига кўриниб кетган қопқора отни негадир эсларкан, беихтиёр раҳматли мулла бобоси ёдига тушди. Ва, хаёлида ёлқинданган манзарадан мутаассирланиб, ҳавин энтикди. Ушанда айни саратоннинг туш пайти эди. Ювош саманни анҳорда чўмилтириб қайтаётганларида бобоси ривоятнамо бир воқеани ҳангома қилган эди: Бурҳон полвон деган одамни эшитгансан-а?.. Сендай ўспирин чоғимда Бурҳон полвонни мен ўз кўзим билан кўрганман. Филдай одам эди раҳматли. Унинг учқур бир қорабайир оти бўларди. Жонивор кўпкарига кирса, улоқни бегона қилмасди. Кўп ақли эди жонивор... Бурҳон полвон бир қаҳратон қиш кечаси олтинтепалик ошнасининг зиёфатидан чиқиб, қорабайирга минибди. Қишлоқ ошиб, қўрғондан айланиб ўтса, ҳовлисига эсон-омон етиб келадиган. Лекин ўша кеча гунпуллаб қор ёғаётган экан. Ҳаммаёқ оппоқ. Жонивор отнинг кўзи қарақибди. Бурҳон полвон совуқдан қунишиб, пинакка кетган бўлса керак, от қўрғондан айланаверибди... айланаверибди... айланаверибди... Эрталаб одамлар кўришсаки, қўрғон этагида Бурҳон полвон ҳам, жонивор от ҳам тарашадек қотиб ётганмиш.

...Равшан, хаёлида черковдаги дилгир марсиягўйлик билан қоришган ғаройиб манзаралару ишратхонадаги шодон рақсбозликлар гужғон ўйнаганча, аччиқ изғиринни сезиб-сезмай бораркан, кўнглида алланечук оташин бир ҳисни туйиб, беихтиёр уф тортди. Ва, майда-майда қор учқунларининг хира ёнаётган электрчироқ ёруғида игна янглиғ йилтирашини илк дафъа кўраётгандек, тубсиз осмонга бир назар ҳайратвор тикилиб қаради, сўнг катта йўлда такси ёллаяжagini ўйлаб, чаққон юриб кетди.

1986

УСТУН

Кимсан?... Үзлигиндан қил мени огоҳ?

Рауф Парфи

— Ойижон, эртага келинингизни олиб келайин? — деди Фармон мўлтираб. — Хўп дея қолинг?

Пошша кампир теварагида алланечук ёвқур назар билан тек қотган фарзандларига бир-бир қараркан, кўзлари жиққа ёшга тўлди: энди нима бўлади — осмондек кенг-у, лаҳаддек тор хонадон тўзғиб... пардай тўзғиб кетадими энди?! Кўзи очиқлигида, кўзи ўнгида-я?! Ахир, бунга қандай чидайди?! Ё, кўзларини чирт юмиб, ҳаммасига қўл силтаб, ҳайё-ҳуйт деганча ота юртига жўнаворсинмикан-а?.. Кейин, бечора қайнонасининг ҳоли не кечади? Йўқ-йўқ! Бошқа бир чора топмоқ керак. Токи, бир қориндан таллашиб тушган бу оға-инилар, бу опа-сингиллар тагин апоқ-чапоқ бўлиб кетсин. Аммо, қандай... Қани у чора?!

Фармон шу тобда бежиз кириб илтижо қилаётгани йўқ: туғишган жигаргўшаларининг бари — опаси, акаси, синглиси шу ерда, намозшом қоронғилигига чулғанаётган ойнакори айвонда. Опаси нима деб жавоб қилишини булар ҳам эшитиб қўйишсин! Майли, отаси тупроққа қўйилар кунда қилган зору таваллоси ҳисобга ўтмагандир. У куни юракларга қил сизмас оғир палла эди. Кейин... Еттинчи куни бир айтди, йигирманчи куни бир айтди. Ҳар гал зор-зор ёлворса ҳамки, на онаси, на опаси, на акасига — ҳеч кимга кор қилмади. Мана, эртага қирқ — катта маърака. Қани, нима дейишаркин?..

Пошша кампир ўғлининг жавдирраган нигоҳига дош беролмади: кўзёшларини артиб, бошини қуйи солди, тагин аччиқ бир хўрсиниқ кўксини шилиб ўтди.

Во ажаб!.. Бу қадрдон гўшанинг қувончбахшлиги, ҳамиша файзиёблиги раҳматли чоли — Тожи Давлат билан экан. Тўғри, буни аввал ҳам биларди. Биларди-ю, лекин, ҳеч қачон шу мотамсаро кунлардаги каби

якқол ҳис этмаган эди. Энди эса дилида оғриқ билан сезяпти. Чолини жойростонига топширганларидан бери кенг-мўл хонадон тангу тор бир маконга айланиб қолгандек эди. Шу боисдирким, ўзини қўярга жой тополмай, сўнгсиз алам ўтида ўртаниб бўзлагани бўзлаган. Чолининг сурункасига саккиз ой ажал билан жон талоша-талоша, охир-оқибат касалхонада, армон исканжасида узилганини ўйлаб бир куйса, болаларининг сарсону саргардон келажагини ўйлаб баттар куяди. Аммо, на илож — ўлганнинг ортидан кетмоқ кў-ўп душвор экан.

Дарвоқе, қаршисида бир оғизгина сўзига илҳақ ўтирган жигарбандига не десин? Икки ўт ўртасида куйиб кул бўлаётганини айтсинми ёки, васият — муқаддас, уни бузмоққа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, десинми? Унда... йил ўтмай булар ҳар ёққа тўзғиб кетмайдими? Мехру оқибат ўзгараётган шу замонда буларнинг тўзғиб кетмаслигига ким кафил бўла олади?

Фармон бетоқат қимирлади:

— Олиб келайми, ойи? — деди яна ёлвориб.

Пошша кампир ўғлига ўйчан нигоҳ ташлаб, пиёла-ни қўлига олди, қувраган лабларига яқинлаштирди-ю, ичмай, тагин аста жойига қўйди:

— Фармонжон, болам, ўргилай сендан! — дея хўрсинди. — Ўша куни, бизнинг гап-сўзларимизга парво қилмай, бошлаб келаверсанг бўлмасмиди ахир? Хотиннинг остонадан кўзида шашқатор ёши билан, адамадажонимлаб дод солиб кириб келса, ким унинг кўкрагидан итарар эди?!

— Мен барибир бунга қўймасдим, — деди Фармоннинг акаси Баҳром қош-қовоғини баттар уюб. — Ҳеч қачон қўймайман!

— Мен ҳам! — дея юзини терс ўгирди Барно. — Кириб бўпти! Мен бир кўрай-чи кирганини!

Синглиси Диловар эса индамай чой қуйиб узатди.

Фармон синглисига миннатдорона назар ташлаб, акаси билан опасининг гапини эшитмагандек, тагин онасига хокисоргина юзланди:

— Ойи, ўзингиз бир бечорани қувиб чиқарган эдингиз-ку?!

— Э, тавба! — Баҳром бирдан тутақиб кетди. — Ёсинг борми ўзи, а?!

— Эсини еб қўйган бу! — деди Барно чимирилиб. — Адам бечора бу эркатой учун куя-куя ажалларидан беш кун бурун кетдилар. Бу бўлса...

— Мамам тўғри иш қилган эдилар, Фармон ака,— дея Диловар хаёлчан гап қўшди.— Мен ҳам шундай қилган бўлардим. Сиз ҳам шундай қилишингиз керак эди.

Фармон дув қизариб, лабларини қаттиқ қимтиган кўйи, беҳаловат энсасини қашиди.

Ҳа, Пошша кампирнинг ўзи биттасини итдек қувиб чиқаргани рост. Отинг туморга тугилгур қўшни аёлни юзингда кўзинг борми демай, олиб келган тоғора-туғунини қўлига тутқазиб, ҳовлидан шармандаларча ҳайдаб юборган. Бу дунёнинг ишлари шунақа — томоша экан. Томоша!

Ўша кеча бу ҳовлида қиёмат-қойим бўлиб турган пайтда ногоҳ қўшниникидан карнай-сўрнайнинг шўхшан садоси таралди. Мотамзадалар бари нохос яшин ургандек қути ўчиб, жой-жойида қотди-қолди: бу не бедодлик — ҳали шу бўлдимиз қўни-қўшничиликнинг юз-хотири, оқибату одамгарчиликнинг қадри? Наҳот... наҳотки шу бўлса-я?! Ахир, бир маҳаллар — қимматчилик-қаҳатчилик замонларда қошу кўздек қўшнисининг ҳамиша иссиғи-совуғидан бохабар бўлиб турган Пошша ая эмасмиди? Бугун эгнига куёвлик сарупосини кийган йигитга кечагина Баҳрому Фармоннинг кўна-колаларини кийдириб қўйган жони сабил Пошша ая эмасмиди? Ё қудратингдан, қани ўзбекчилик, қани диёнат?! Кўз очиб кўрган тожи давлати уйининг тўри-ни тўлдириб, узлат сари юз буриб ётсаю, қўшни ҳовлида базми жамшид авжига чиқаверса... Пошша кампир қандай чидасин, ахир! Чидаёлмади.

Ноинсоф қўшнини инсофу тавфиққа чақириб, ҳеч-қурса карнайнинг унини ўчирсин, дея соч-соқолига оқ оралаган Баҳромини сарғайтириб эшигига жўнатди. Баҳроми баттар мулзаму музтар алфозда қайтиб, ўғли икки марта эмас, бир марта уйланармиш, шуининг учун келини билан ўғлини армонзада қилиб қўёлмасмишлар, деди. Сўнгра, то тонгга қадар яллачиларнинг «Оҳай бола»сига қўшилиб, Пошша кампирнинг фарёду фиғони кўкка ўрлагандан ўрлайверди.

Кейин... эрталаб ҳовлига тумонат одам тўпланган чоғи қўшни аёл пилдираган кўйи ҳўнграб келдию, Пошша кампирнинг этагини мутеларча юзига босиб, мотамдорликка изн сўради:

— Ғамхўримиздан айрилдик, аяжон! Амакимиз ўлгунларича биз ўлсак бўлмасмиди, аяжон! Бизни кечиринг, аяжон!

— Аянг ўлсин!— Пошша кампир аранг ўзини тутиб, ридоси этагини силтади.— Билиб қўй, қайтар дунё бу. Чиқ энди, ҳовлини бўшат!

— Аяжон, биз густоҳ қўшниларингизни кечиринг!— дея лабларига энган кўзёшларини ялаб, ув тортди аёл.— Иложимиз қанча, аяжон, амакимнинг мўндоқ бўлиб қолганларини биз кеч эшитдик, жуда кеч эшитдик, аяжон. Кечиринг бизни, аяжон?

— Бор, кўзга тушган хасдек турма бу ерда!— Пошша кампир кескин бурилиб, ўғли Баҳромга буюрди:— Бу... бу гумроҳни дарвозадан чиқариб қўй. Эриниям йўлатма! Отангнинг тобути ерда қолмас. Бўл, анграйма!..

...Ҳамон Фармон хижолат исканжасида бошини қуйи эгиб, мотамзада бир гамноклик билан ўтирарди.

«Хотинингнинг йўриғи бўлак эди, сенинг йўриғинг бўлак эди, болагинам. Ахир, сен бегона эмасдинг-ку!— дея кўнглидан ўтказди Пошша кампир унсизгина энтикиб.— Этни тирноқдан ажратиб бўлармиди, Фармонжон? Сен ўша куниёқ хотинингни етаклаб келганингда, балки опанг ҳам, аканг ҳам, қолаверса, мен ҳам тақдирга тан бериб, аламимизниям, нафратимизниям ичимизга ютармидик. Аммо энди кеч, ўғлим. Лекин сен... сен...»

Бехос қалтираётган бармоқларини хонтахта қиррасига тираб, Пошша кампир ўғлига қадалиб тикилдию:

— Менга қара!— деди таҳдидкор бир овозда.— Агар анави бетавфиқ имонсизларга салом берсанг ёки саломига алик олсанг, билиб қўй, у дунёю бу дунё берган оқ сутимга рози эмасман-а! Шундай мусибатли кунимда сенинг икки марта уйланганингни юзимга солиб берди-я ялоқхўр битлиқи! Ана, ишонмасанг, акангдан сўра!

— Билмай айтвордим, ойижон,— деди Фармон бўзариб.

— Вой! Нима, ёш боламисан билмай?— деб укасига ўқрайиб қаради Барно.— Бизни қон қақшатиб, то тонггача ногорабазм қилишганини ўзинг эшитгандинг-ку, ахир?!

Йўқ, жуда яхши билади Фармон. Алам ва ғазаби ҳам чексиз-чегарасиз. Аммо шугина гапни айтиш билан ўз мушкулени осонроқ ҳал қилишни истаган, яъни, онасининг: улар етти ёт бегона бўлгани билан, хотининг бизга бегона эмас эди-ку, деб юборишини кутган эди. Бироқ, бу гап чиқмади. Гарчи, отаси ке-

ре

кўнгил
Дилийи
қўшмачи

— Дил.

ноҳидан кечди.

— Йўқ, мен
ман. Ҳеч қачон!

— Ҳой, ношукр, қу
ровларнинг эшигида сарф
қизига оталик қилмоқчимис
кўчага чиқарадиган келиним
қа кетмайди!

44

...ди.
...нинг
...кни ки-
...н, ундан
...иб бўлмай-
...ига олиб, шу
...и тўнани теска-
...са, бу жигаргўша-
... бўлиб кетаркин-а?!
... қийин-қистоққа сола-
...ни уюб.— Ойим рухсат бер-
...аймиз.
...ўлини шоп қилиб:
...шмасангиз-чи! — деди.

— Нима-а?!— деди Баҳром укасига ўқрайиб.— Қани, шу ерга қадамини боссин-чи!.. Гап тамом!

— Баҳром ака, қўйинг, обкелаверсинлар,— деди Диловар маъюсгина.— Ахир, у бизга душман эмас-ку!

— Адам бекордан-бекорга ўлиб кетганлари йўқ!— деди Баҳром синглисига қўл силтаб.— Сен аралашмай ўтир, ўзинг ҳам бегуноҳ эмассан...

Нохос ранг-рўйи бўзариб, Диловар лол қотди: акаси ҳақ гапни айтяпти. Гарчи, отаси салкам етмишида дунёдан ўтган бўлса ҳам, Диловар бошқалар қатори, эҳтимолки, ҳаммадан кўпроқ, отасини бевақт кетган ҳисоблар ва бунда қисман ўзини айбдор ҳис этиб, гоҳ пинҳон, гоҳ ошкора ўртанар эди.

— Ака, сиз кеннойимга хўжайинлик қилинг,— дея Фармон аччиқ кесатди.— Дайдиб юрмасин...

Бирдан Баҳром ғазабнок бош чайқаб:

— Ўҳ-ҳ!— деди. Тишлари гижирлаб кетди.— Сен...

— Бас қилинглар, бас!— Пошша кампир гангур-гунгур овозлар эшитилаётган ҳовли томон безовта қараб қўяркан, тиззасига муштлади.— Акага шундай дегани уялмайсанми, Фармон?

— Кўрмаяпсизми?— деб гудранди Фармон.— Ўзлари-ку...

— Бас-э!

Бехос мунгайиб қолган Баҳромга Пошша кампирнинг раҳми келди, шунинг баробарида вужудида қандайдир куйдиргувчи бир хўрлик ҳиссини туйдию яна кўзларига ёш қуйилди: келинининг дайдиб юришида андаккина ўзининг ҳам айби йўқмикан? Бор... Бор! Бундан ташқари, йўқ, кетмасин, дейиши керак эди-ку, демади — риёкор келинига хушомадгўйлик қилгиси келмади. Беш кунлиги борми, тўрт кунлиги борми — қолган саноқли умрини чолининг ёди-хотири билан яшамоқчи эди, ўз ҳолига қўйишмаяпти. Танаси бошқа дард билмас экан-да, келиниям ҳайё-ҳуйтлаб жўнаворди. Энди Баҳромгина сездирмай, ёғида қовриляпти: келини ўша ёқдан туриб нағма кўрсатмоқчи эмиш.

Ҳа-я, бу можаро ҳам кутилмаганда рўй берган эди. Йигирма биринчи кунимиди, эртасимиди, Пошша кампир чошгоҳ маҳали қудаларини кузатиб қўйди, сўнг тагин дару дунёси ҳувиллаб, чолининг шинамгина ҳужрасига кирди. Диловарнинг эри Равшан юмшоқ курсига кўмилиб, китоб ўқиб ўтирган экан.

— Келинг, мама...— деди у ўрнидан бир қўзғалиб.

Дафъатан Пошша кампир нима учун кирганини унутиб, хона ўртасида бирдам серрайиб тўхтади, сўнг паришонхаёл бориб, стол ғаладонини тортди. Тортдию тилла занжирли олтин соатга нигоҳи тушди... Раҳматли чоли соатни куёви Равшаннинг туғилган кунига атаб қўйган эди — шу ёдига тушиб, ийиб кетди. Яқинда куёви қирқ ёшга тўлади. Чол ҳаёт бўлганида-ку, у кунни байрамга айлантириб юборармиди?.. Қайнотаси узилганидан бери куёви ҳам мотамдорлик қиляпти. Энди бу алфозда туғилган кунини ҳам нишонлаёлмайди. Куйган кўнгилга ўйин-кулги сиғармиди? Майли, боёқиш бир суюнсин.

— Равшан, болам... — Пошша кампир соатни кафтида авайлаб, куёвининг ёнига борди. — Манг, мана бу — сизга.

— Эҳ-эй, яхши-ку! — Равшан секин ўрнидан турди. — Лекин гап-сўз бўлмасин тагин, мама?

Пошша кампир анграйиб:

— Қанақа гап-сўз бўлади, болам? — деди. — Чўнтагингизга солиб қўяверинг.

— Яхши экан... — Равшан атай кулимсираб, соатни қўлига олди.

— Адангиз бўлганларида бундан каттароғиниям берардилар, — дея Пошша кампир кўзёшларини енги учига артди. — Бу соатни туғилган кунингизга ўзлари совға қилмоқчи эдилар. Яхши кунларда тақиб юринг, болам.

— Зўр эдилар папам...

Худди шу пайт ҳужрага Баҳромнинг хотини Назира кириб қолди. Равшаннинг қўлида ялтираб турган олтин соатни кўрдию:

— Нима у, ойижон? — деди. — Ву-уй, чиройлилигини! Икки минг бордиро-ов?

— Э, арзимас матаҳ, келинжон, — дея Пошша кампир эшик сари юрди. — Адангизнинг эски соатлари.

— Ха-а...

Келинининг чўзибгина «Ха-а» дегани боисини кампир сал кейинроқ билди.

Ҳаддан ташқари чарчаган эканми, Пошша кампир ўша кеча эртароқ уйқуга ётган эди. Туйқус ниманингдир қарсиллаганию кимнингдир чинқирганидан уйғониб кетди ва қоронғи тун қаърига қулоқ тутиб, эшиттаётганларига ишониб-ишонмай, донг қотди.

— Уринг, ўлдилинг! — Келини жиртлаб, Баҳромгинасини тун алламаҳалда бамисоли жодуга солиб ўртамоқда эди. — Тўйиб кетдим. Ортиқ чидаёлмайман!

— Учир-э! — деди Баҳром бўғилиб. — Учир!..

— Нимага ўчираман?! Учирмайман! Бу ҳовлида сочим супурги, қўлим косов бўлиб, учтагина боламдан бошқа нима орттирдим? Айтинг! Айтолмайсиз. Адангизнинг тани тупроққа қўшилмай туриб, аяжонингиз бор-будини арзанда куёвларию суюкли қизларига тарқатиб ётибди.

— Яхши қилибдилар! — деди Баҳром. — Ажаб қилибдилар.

Назира ув тортиб:

— Кетаман! — деди.

— Кет! — деди Баҳром тутақиб. — Кетиб ўл!

— Лекин билиб қўйинг! — деди келини йиғидан тўхтаб. — Бу мол-давлат қаердан келганини тегишли жойларга айтмасам, отимни бошқа қўяман.

«Вой шарманда! — Бирдан Пошша кампир вужуди ловиллаб, кўрпага ўраниб олди. — Ўзингдан чиққан балога — қайга борасан даъвога? Вой юзсиз-эй!..»

Бир маҳал, Пошша кампир димиқиб, секин бошини кўрпадан чиқарди. Ҳаммаёқ жимжит, хона қоп-қоронғи зулмат ичида эди. Пошша кампир шиша синиқлари устида ётиб қолгандек, тун бўйи лоақал мизғиёлмай, тўзғин ўй-хаёллар гирдобиди тўлганиб чиқди.

Эрталаб, ҳеч нарса бўлмагандек, Баҳром нонушта пайти гап орасида беозоргина оҳангда, хотини ойисиникига отланганини айтди. Пошша кампир тунги ғалвадан беҳабардек розилик билдириб:

— Жуда яхши ўйлабсизлар, — деди. — Келди-кетдидан келиним боёқиш анча чақилиб қолди. Майли, бориб беш-тўрт кун ўйнаб келсин.

...Мана, салкам йигирма кундирки, ҳамон келинидан дарак йўқ. Қачон келишиям номаълум.

Э-ҳа, бу ёғини ўйламаган экан-ку! Агар эртага келини кўринмаса, эл-юрт олдида маломатга қолмайди-ми?.. Эрдан чиққан билан, элдан чиқиб бўлмас, кечроқ одам юбориб, келинини олдиртириб келмаса... Албатта олдиртириб келиши керак!

Пошша кампирнинг тағин Баҳромга раҳми келди ва Фармонидан дилида ранжиди; хўмрайишиб ўтирган оға-иниларнинг бу қадар бир-бирига ётмеҳр бўлиб қолганидан пинҳона койиниб:

— Келинойинг дайдиб юргани йўқ, — деди қўрроқ оҳангда. — Бугун келмаса, эртага азон билан маъракага етиб келади.

— Илойим келсинлар!— деди Фармон.— Нодирам келсинми?

— Фармонжон, болам, аданг кечган бўлсалар, сенинг гуноҳингдан кечганлар, нега мени бунчалик қийнайсан, жон болам?!

— Ўзингизни қийнаманг, мама,— деди Диловар эланиб.— Бир чеккадан келиб, бир чеккадан кетар...

— Дилий!— дея Барно уни жеркиди.— Эсингни еб қўйдингми?

Фармон бу гапларга парво қилмай, ҳамон онасига мўлтираб тикилган қўйи:

— Ойижон, ахир адам Дилийнинг ҳам гуноҳини кечганлари йўқ эди-ку?!— деди овози қалтираб.— Кейин ҳаммасини унутиб юборган эдилар.

Диловар ялт этиб акасига қаради. Қарадию унинг нақадар аянчли аҳволга тушганини кўриб ачинди; ғазабини ичига ютди: чўкиб бораётган бечора хас-хашаккаям ёпишаркан, шу... аллазамонлар ўтиб кетган бир дилхираликни ўзига илинж билди-я?! Майли, зора нафи тегса!

— Ана, Дилий!— деб, Барно маънодор қош учириб қўйди.— Акажонинг сенга қандай меҳрибон-а!

Пошша кампир эса ўша — хотиротга айланган ўтмишни энди бутунлай миясидан ситиб чиқармоқчидек, аламнок бош чайқади. Аммо унутиб бўлармиди?..

Ўша бахти қаролиғ кунларда Диловарга, қайт бу йўлингдан, деб кўп айтишди, ҳатто ялиниб-ёлворишди ҳам. Сен бирор-бир гадони танла, биз султон қилиб сафга қўшайлик, лекин хотин қўйган у бетайин расомдан кечасан, кечмасанг — ўлдирамиз!.. Аммо оиланинг кенжаси, хонадон эркатрайи Диловар ўз сўзидан туриб олди: «Майли, ўлдирсангизлар — ўлдираверинглар...» Унинг саркашлиги ҳаммадан кўра кўпроқ гурурбардор Фармоннинг жаҳлини қўзитиб юборди. Сен ҳали адамни тириклайин гўрга тикмоқчимисан, деб роса калтаклади. Барибир, Диловар сўзидан қайтмади.

Ота у пайтларда олис бир вилоятда ишлар, ҳар ўн ўн беш кунда меҳмондек келиб кетар эди. Бир гал келганида қизининг муҳаббат можароси ҳақида қаёқдандир хабар толиб, чанги-дуди осмонга ўрлади. Ғазабига чидаёлмай, кўкрагига мушт уриб: «Рақибларим эголмаган қаддимни энди қизим букадимми?!— деб ўкирди.— Йў-ўқ! Қизинг хушторидан кечмаса, мен қизингдан кечаман. Ўзинг бир чорасини топ!..»

Кейин, Пошша кампир Диловарни ўқишга юбор-

май, уйга қамаб қўйди. Узукун ёнида ўтириб, гоҳо авраб, гоҳо йиғлаб панд-насиҳатлар қилди. Аммо, Диловар қулоқ солгиси ҳам келмади. Ахийри, кампир қизининг тақдирини ҳовлида эртаю кеч тиш қайраб юрган ўгли Фармоннинг ихтиёрига топшириб, аяма, бир нима бўлса — ўзим жавобини бераман, ишқилиб, отгинанг ўчгур жазманидан кечса — бўлгани, деди.

Орадан кунлар ўтди, ҳафталар ўтди.

Ота яна намозгар чоғи булутдек бўлиб кириб келдию, супа ўртасида тўхтаб, бетоқатлик билан Диловарни сўради. Емай-ичмай, озиб-тўзиб, аъзойи бадани моматалоқ бўлиб кетган эркатоини кўриб:

— Булар сени қийнаб қўйишибди-ку, она қизим! — деди. — Нима, ҳалиям қарорингдан қайтганинг йўқми?

— Адажон, ўзингиз ўлдириг мени! — дея Диловар отасининг оёқларига бош урди.

— Шу исноддан бизни ўзинг қутқарсанг бўлмай-дими, қизим?! Қўлингдаги нима у?

— Хат... — деди Диловар кафтини очиб. — Унинг хати. Ўқиб кўринг, адажон?

— Унинг хати? Қандай қилиб сенинг қўлингга тушади?! Қизиқ... бу ёққа бер-чи. Яхши... Бор энди, гуноҳинг, уволинг менинг бўйнимда. Бор, қизим...

Кейин, Пошша кампир бир чойнак чой, битта пиёла кўтариб, секин шинамгина ҳужрага кириб борди. Чоли бошини чангаллаб ўтирган экан.

— Ҳм-м, сенми? — дея Тожи Давлат стол устидаги хатни ғаладонга солиб, қулфлаб қўйди. — Утирма. Ҳозир бориб, қизингга айт: майли, мен... розиман.

— Адаси, ахир...

— Гапни кўпайтирма! Лекин, кейин бу ҳовлида пашшахўрда бўлиб юришмасин. Бор!

...Чолининг шамдек куйиб адо бўлгани рост. Рост! Баҳромгинаси тўғри айтади, раҳматли бекордан-бекорга эрта кетгани йўқ. Ҳаливери яшарди-ю, лекин бу бедаво кўргиликларни, бу бедаво хўрликларни номуси кўтаролмади — юрак-бағри эзилиб кетди. Ўзи... она эканки, ночор-ноилож чидаб келяпти.

Аммо қизиқ, Фармони нега бу қадар жоҳил? Хат-то шундай паллада меҳр-оқибатли синглисигаям шафқат қилмади-я! Ёки яккаланиш азоби, аламзадаликлар азоби шу кўйга солиб қўйдимикан?

— Фармон, болам, аданг Дилийнинг гуноҳидан кечган эдилар, — деди Пошша кампир сўзида ўйчан

давом этиб.— Агар гуноҳидан кечмаганларида, худди сени қувиб чиқарганларидек, қувиб юборардилар.

Фармон бирдан кўзлари қонга тўлиб:

— Бўлти!— деди.— Нодира бу ҳовлига келмайди. Ҳеч қачон! Лекин, мен бир қўчқор боқиб қўйибман, адам эсон-омон касалхонадан чиққан кунлари сўйиб, алга ош бераман, деб ният қилувдим. Бўлмади.— Фармон унсиз хўрсиниб, опаси, акаси ва синглисига бир-бир қараб қўйди.— Эртага бу ердаги маърака узоғи билан чошгоҳгача тугайди. Кейин мен ижарахонамга жўра-жамоатимни тўплаб, чой-нон бераман. Туш пайтига. Борасизларми?

Пошша кампир паришон бош чайқади.

Туйқус ранг-рўйи бўзариб кетган Баҳром:

— Йўқ!— деди қошларини қаҳрли чимириб.— Биз бормаймиз!

Фармон кўзларида ёш филтиллаб, Диловарга қадалиб тикилди: сен ҳам бормайсанми, Дилий?

— Мен бораман,— деди Диловар.— Биз борамиз.

— Ана, меҳрибон синглинг эри билан бора қолсин,— деди Барно укасига зарда билан.— Биз бормаймиз! Лекин сен билиб қўй: адам, т о б у т и м н и я м к ў т а р т и р м а й с и з л а р, деган эдилар. Мен ўшанда сенга айтолмаган эдим.

— Барно!— дея Пошша кампир бирдан ялинч аралаш таҳдидкор бир овозда қичқириб юборди ва ялт этиб Фармонга юзланган кўйи тасалли берди.— Кейин аданг гуноҳингдан кечган эдилар, ўғлим...

— Айтинг, буям энди ҳадеб ҳаддидан ошмасинда!— деди Барно тагин онасининг гапини бўлиб.— Тавба! Тожи Давлатнинг ўғли ижарахонасида отасига ош берармиш.

— Бормайсизларми? А-а, бормайсизларми?

— Йўқ, ўғлим,— деди Пошша кампир яна бош чайқаб.— Мен боролмайман.

Фармон, отаси қайтабошдан қазо қилгандек, бирдан ўкраганча, уйдан отилиб чиқиб кетди...

Ҳамма бундан ҳам даҳшатлироқ ниманидир кутгандек, бир муддат жим қолди. Ва, ҳаял-замон ўтмай, ҳовлидаги гангур-гунгур овозлар ҳам тинди, тарақлаб дарвоза ёпилди.

Пошша кампир саросимаданиб:

— Баҳром, бор, ўғлим,— дея эзгин жимликни бузди.— Уканг бир қор-қолни бошлаб қўймасин!

— Керак эмас,— деди Барно.— Бормасин!

— Опа-а!— деди Диловар.

— Сен жим ўтир!

Пошша кампир Барнога ҳасратли нигоҳ ташлаб, асабий пирпираётган лабларини қимтиди.

Баҳром хиёл фурсат каловланиб тургач, секин уйдан чиқди.

Пошша кампир дока рўмолининг учларига кўаларини артиб, ўрнидан туришга чоғланди.

Барно хонтахта қиррасига кўксини тираб:

— Қўйинг, ойижон, кўп сиқилаверманг,— деди.— Яхшиси, эрта отин аяга нима қўймоқчисиз, шуни айтинг. Мен тўрт метр қизил духоба обкелганман, шуни қўямизми-ё, ойижон?

Пошша кампир хаёли паришон алфозда фарзандларини муросага келтириш чораларини изламоқда эди, хомушлик билан:

— Билмасам,— дея кичкина баркашдаги қоп-қора шивирғони узум устига иккита юмшоққина нон қўйиб, баркашни қўлга олди ва аста жойидан қўзгалди.— Момонгдан бир хабар олай.

— Момоннинг ёнларида куёвингиз ўтирибди,— деди Диловар.— Мен момонни овқатлантирувдим, мам.

Пошша кампир индамади. Зинадан тушаётиб, ишком остидаги картда сабзи, пиёз тўғраб ўтирган ўн чоғли одамни кўрди. Кенг-мўл супада неваралари чопқиллаб, ўйнаб юришарди. Ҳовли этагидаги ошхона ёнида эса таниш ошпаз уч-тўрт йигит билан дошқозонларни ўрнатмоқда эди.

Пошша кампир эртага ҳовли оломонга бир тўлиб, кейин яна ҳувиллаб қолишини ўйлади. Юраги эзилиб кетди. Шундай кунда арзанда Назира келини бошқош бўлиб қаторида турмаса!.. Фармони кетди. Қайтиб келармикан? Келмаса!..

— Ойи, бизга яна қандай хизматлар бор?

Пошша кампир анграйиб, таванхона тарафга қаради: эшик олдида Барнонинг эри қўлларини қорни устида қовуштириб турарди.

Пошша кампир унга яқинлашиб, овозини хиёл пазайтирди:

— Тешажон, болам, ҳалироқ машинангизда гиз этиб келинникига бориб келсангиз? Баҳромнингиз сезмасин лекин, жон болам.

— Майлингиз,— деди Теша негадир хушламайроқ.— Келмаса-чи?

— Келмаганига қўйманг. Бу ҳовли-ҳарамига ўзи

бекалик қилсин. Мен гўримга орқалаб кетармидим...

Кўнгли сал таскинлангандек бўлиб, Пошша кампир гулзор оралаган сўқмоқдан қайнонасининг ҳужраси томон бораркан, туйқус Нодираниям беғалва келтиришнинг чорасини топгандек, бирдан суюниб кетди: тонготар пайтда... туш кўради. Тушида раҳматли чоли айтади: мен Нодираниям гуноҳидан кечган эдим-ку?! Тур, ойижониси, дейди чоли, бориб кенжа келинингни ўзинг опкел!.. Ана кейин... Барно билан Дилийни уйғотиб, бўзараётган тонг ёруғида бирга-бирга Нодирани бошлаб келадилар...

Пошша кампир бирдан... бу чоп-чоплар, бу даҳмаза маъракаларнинг бари — чолининг тирик юргани олдида кулгили, маънисиз бир ҳол эканини англади. Боёқиш бу хонадоннинг устунни бўлган экан... Энди ўзи устунлик хизматини зиммасига олиб, барча оғирлигу барча қийинчиликни мардона кўтармай иложи йўқ. Муқаддас васиятини бузиб гуноҳи азимга ботса ҳамки, жигаргўшаларини иноқлаштириб қўяди.

Пошша кампир руҳиятида беором бир титроқни ҳис этиб, ҳужра эшигини очдию беихтиёр тўхтаб қолди. Юзларини тилим-тилим ажин қоплаган қайнонаси дока чорсисининг учларини кифтларига елвагай ташлаган кўйи хонтахта қаршисида муштдек кичрайиб ўтирарди; сертомир, қоқсуяк қўлида бир чеккаси тишланган нақш олма, рўпарасида ўғлининг — Тожи Давлатнинг чорчўпга солинган ихчамгина сурати; аллақайёқдан топиб келинган эски бир шамдонда хирагина липиллаб битта шам ёниб турар эди. Равшан эса, сочлари мажнунона тўзғиган кўйи, оппоқ матога қайномосининг расмини чизмоқда эди.

— Бўлди! — Момо дик этиб ўрнидан турди-да, гарчиллатиб олмани тишлаб, илдам эшик сари юрди. — Келинжон, мен Тожингизни топиб келай...

Пошша кампир қўлидаги баркашни чаққон хонтахта устига қўяркан, изиллаб йиғлаган кўйи қайнонасини бағрига босди.

Қайнона-келини жимгина кузатиб турган Равшан эса беихтиёр хаёлга толди.

1984

НОМСИЗ КУИ

1

— ...мухолифларимизнинг миш-мишларига қараганда, аллақачон тузумимиз қартайиб қолганмиш...

Нозим беихтиёр руҳиятида ғалати бир ҳолни ҳис этди — гўё қалин муз устида завқ-шавқ билан яхма-лак учаётган эди, ногоҳ юпқа қатлам устига тушиб қолди; ана, муз даҳшатли қисирлаб, ҳарёгидан дарз кетди; ҳали-замон у тарс ёриладию, тубсиз уммон ўз қаърига ютиб юборади! — ва, нажот кутаётгандек, домланинг этсиз лабларига умидвор термилиб, тек қотди.

Домла — доцент Погарелова эса, истеҳзоли кулими-сираб:

— ...йўқ, ўртоқлар, — деди. — Аслида, бизнинг тузумимиз тажриба даврини бошдан кечиряпти.

Бирдан нимадир ичида чирт узилгандек, кифтлари шалвираб, Нозим:

— Э!.. — деб юборди. — Салкам етмиш йилдан бери-я?!

Унинг назарида, боягина ҳаммаёқ нурафшон — энг зарур нуқталарда маёқлар, атроф-теваракда байрамона чироқлар шодаси порлаб тургандек эди. Бехос ҳаммаси сўниб, қоп-қоронғи ялангликда ёлғиз қолгандек туюлди... Хоҳлаган томонига таваккал йўл солиши мумкин. Аммо, кўринмас манзилга ё етар, ё етолмас.

Вожаб, ноаниқлик ҳам шунчалар аниқ бўладими-а!.. Ана сенга сўзнинг қудрати, Нозимбой. Библиб қўй: сўз — оллоҳ, деганлари шу бўлса керак.

...Аллақачон кенг-мўл дарсхонанинг у ер-бу еридан йигитлару қизларнинг бетоқат тўнғиллаётгани эшитила бошлаган эди:

— Бари ёлгон!

— Токайгача?!

— Ҳаливери ўғрилар, каззоблар яшайверишарканда?!

Нозимнинг партадоши Наташа эса ирғиб жойидан турди-да, алам билан:

— Биз ҳозир айна тараққиёт босқичида эмасми-ми ахир?!— деб сўради.— Т а ж р и б а д а в р и н г и з нимаси — тушунтириброқ гапиринг бундай?

Доцент Погарелова, тобора қизариб-бўзарган кўйи, саволга савол билан жавоб бераркан, бармоғини би-гиз қилиб:

— Ҳар қандай тараққиёт ҳам тажриба самараси-ми ахир?!— деди.

Нозим беихтиёр ҳазин энтикиб, ручкани дафтар устига қўйди, сўнг хаёлчанлик билан бошини чангаллади: йўқ, одамни бунақа... доводиратади-ган маърузани ёзиб олмайди. Керак эмас. Яхши-си — Энгельснинг умидбахш рисоаларини, Лениннинг оташин асарларини ўқийвергани маъқул экан... Ахир, салкам икки авлоднинг умри тажриба йўлидагина поёнига етган бўлса... Даҳшат-ку!

— ...Хўш, айтинг-чи, сиз менинг шу фикримга қўшиласизми?

Наташа индамай, қошларини маънодор кериб қўйди.

Погарелова эса чимирилиб:

— Сиздан сўраяпман, Иванова, менинг фикримга қўшиласизми, йўқми?— деди.— Ё ҳа денг, ё йўқ денг!

— Умуман...

— Ҳа, дадилроқ!

— ...қўшилиш мумкин,— деди Наташа, истар-ис-тамас.

— Утиринг... Жим, ўртоқлар, жим!— Ниҳоят, ҳаяжонини хиёл босволиб, Погарелова яна маърузаси-да давом этди.— Ҳар қанча аччиқ бўлса ҳам, ҳақи-қатни ошкора айтишни ўрганмай туриб, биз мутлақо ҳеч нарсага эришолмаймиз, деб уқтирган эди доҳий-миз Ленин. Партиямиз эса, ҳар қачонгидан ҳам кў-ра бугун биздан ростгўйликни, нарса ва ҳодисаларни ўз номи билан аташни талаб қиляпти. Модомики, шундай экан...

Нозим, домланинг анча сийрак, кумушранг сочла-рига, алланечук сергак, йўқ... қандайдир маънос бо-қувчан нигоҳларига хомуш тикиларкан, эҳтимол юзинчи бор дилида беқарор бир пушаймон ҳиссини туюб, асли... бу ёқларга келмасам бўлар экан, деб ўй-лади: тавба, топган гапини қаранг — т а ж р и б а д а в р и эмиш! Мана, қарийб бир ярим ой деганда

эшитган янгилигининг ғарофати шу бўлдики, бутун тоат-ибодати чиппакка чиқаёзди. Эсиз давлатнинг сарфу харажатлари; эсиз бир ярим ой — эсиз умр. Ҳали олдинда тагин роппа-роса икки ярим ой бор. Муҳлат охиригача шунақа... бетайин янгиликдан яна биттасини эшитса... Ўзи асрасин-э!

Туйқус ўтмиш бир хотирот хаёлида аниқ-тиниқ ёлқинланаркан, негадир шу тобда ҳам ачишиб оғриётгандек, Нозим чап қулоғини аста қашиб қўйди.

Синфхона ойналарида ҳароратсиз қиш қуёшининг нурлари шуълаланмоқда. Улуғвор бир ҳайрат чўккан хонада рутубат ҳидига қоришиб, ғаройиб келажакка ташна болаларнинг илиқ нафаси кезяпти. Ўқитувчи Сафаров эса, шоён ҳаяжондан яшнаб, — айтаётган гапларига ҳаммадан кўра кўпроқ ўзи ишониб, — гўё яқуни муродбахш бир эртак сўйламоқда:

— Коммунизм шундай бир ажойиб жамиятки, болажонлар, унда биттаям текинхўр, биттаям муттаҳам бўлмайди; ҳамма нарса мўл-кўл бўлади; барча ёшу қари қурби етгунча ишлайди, ҳар ким хоҳлаганча ўйнаб-кулади — бир сўз билан айтганда: **ҳ а м м а б а х т и ё р я ш а й д и!**

Нозим шартта қўл кўтариб:

— Муаллим, коммунизм қачон қурилади ўзи? — деб сўради.

Ҳаяжонли таъриф-тавсифлардан бениҳоя мутаасирланаётган болалар ҳайрат ичра орзиқиб, жим ўтиришарди.

Нимадир нашъа қилгандек, Сафаров хушҳол кулимсираб:

— Коммунизм тақир ердан ўсиб чиқадиган жаннат дарахти ёки осмондан ёғадиган чалпак эмас, — деди. — Коммунизмни ҳаммамиз биргаликда бир тану бир жон бўлиб қуришимиз керак. Лекин шунини унутмангларки, бу машаққатнинг асосий оғирлиги кўпроқ сизлар — кечагина комсомол сафига қабул қилинган навқирон йигитлар, шаддот қизлар ҳамда бугун боғчада тарбияланаётган укаларингиз зиммасига тушади. Чунки, боя айтганимдек, коммунизм — чинакам адолатпарастлар, толмас ҳақиқатгўйлар, меҳнатсеварлар жамияти. Укаларингиз қонига битган адолат туйғуси, ҳақиқат туйғуси эндигина куртаклай бошлаган бўлса, сизларда аллақачон гулхандек ловуллаб турибди. Биз — ёши қирқни оралаган ўрта авлод ва-

киллари баъзан муттаҳамларга дуч келиб қолганда, мурасасозлик қилишимиз, бобой-момойларимиз эса қўл силтаб қўя қолишлари мумкин. Лекин сизлар ҳар бир хатти-ҳаракатларингиз, қиличдай кескир гап-сўзларингиз билан бизни мурасасозлик қилгани, кексаларимизнинг муттаҳамларга лоқайд қўл силтагани қўймасликларингиз керак. Тушунарлими?— Сафаров даммага бир-бир разм соларкан, секин бош ирғади.— Ҳа, нега жим бўлиб қолдингизлар?

Ўрта партада ўтирган Исмат калла, дўриллаган овоз билан:

— Муаллим, бизага тушунтиринг-да, коммунизм қурилишини нимадан бошлашимиз керак?— деб сўради.

Яна бир муддат бутун синф сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди.

Сафаров, юз-кўзлари меҳрибон бир табассумдан яшнаб:

— Йўқ, нимадан эмас, кимдан деб сўрашинг керак эди, Исматжон,— деди, у томон яқинлашаркан, дўқ-дўқ кўкрагига нуқиб.— Ўзимиздан!.. Билдингми — коммунизм қуришни ҳар ким энг аввало ўзидан бошлаши керак. Коммунизм қурилиши учун, мўл-кўлчиликдан ҳам кўра, кўпроқ янгича фикрлайдиган одамни тарбиялаб вояга етказиш — фидойи йигит-қизларни камол топтириш — энг муҳим масала!.. Ўтир, Исматжон... Болалар, ҳамиша ёдларингизда бўлсин, агар биз ҳозирданоқ ана шу муқаддас ишга астойдил киришсак, саксонинчи йилга бориб, албатта коммунизмда яшай бошлаймиз!

Ниҳоят —

Ёрилгин тош, ёрилгина,
Мен онамни кўрайина,
Дийдорига тўяйина...—

тош ёрилиб, Ойшагина онасининг дийдорига қонгандек, ҳамма анграйиб ўтирарди.

Нозим эса, ўқитувчи гапини тугатар-тугатмас, оғир бош чайқаб:

— Уҳ-ҳў!— дедию, танглайини такиллатди.

Сафаров ялт юзланиб:

— Қойил-э!..— деди.

Нозим дув қизариб, бошини қуйи эгди, пешонасини сийпалади.

Енида ўтирган Нурбиби эса, бесабр қимирсираб:

— Ахир, ҳали жуда узоқ экан-да, муаллим, — деди.

Шу аснода яна ҳар ер-ҳар ердан болаларнинг беозор гала-говури эшитила бошлади.

— Жим, болалар... Жим бўлинглар! — деди Сафаров бараварига иккала қўлини юқори кўтариб. — Салкам йигирма беш йил — одамни жудаям ваҳимага соладиган даражада узоқ давр эмас, ана-мана дегунча ўтиб кетади.

Ногоҳ орқа партадаги қизлардан яна бири орага гап қўшди:

— Йигирма беш йилгача ким бору ким йўқ!..

— Одам бунақа ноумид бўлмаслиги керак! — деди Сафаров чўрт кесиб. — Аммо... коммунизм қурилишини тезлаштириш мумкин.

Нозим тагин бетоқатлик билан:

— Қандай қилиб? — деб сўради.

— Бизага йўлини тушунтиринг-да, муаллим! — деди Исмат ҳам ғайрати жўш уриб. — Ўзимиз тезлаштираман.

— Гап бундоқ бўпти-да, азаматлар! — деди Сафаров, яна юз-кўзлари шодон табассумдан яшнаб. — Сизларга айтиб қўяй, йўли жуда осон! Бунинг учун энг аввало ўзимиздаги бору йўқ иллатлардан тезроқ қутулиб, тинмай адолат учун, ҳақиқат учун курашмоғимиз, одамларга фидойиларча яхшилик қилишимиз керак. Тушунапсизларми — фидойиларча!.. Кейин, болалар, ҳамиша кўнгилда эртанги порлоқ кунга сўнмас ишонч бўлиши шарт албатта. Агар ишонч бўлмаса...

Бештиёр Нозим энтикиб, ўзимдан бошлаганим бўлсин, деб дилига тугди: қайтиш йўқ. Асло!

Кейин...

...катта танаффус пайти, мактаб дўкони ёнидаги октябрда мижимоғриқ мусичадек қунишиб турган Худоёрга — Исматнинг укасига иккита қовоқ сомса, учта дафтар олиб берди. Унинг аллатовур гужанакланганини кўриб, хийла ўнғайсизланди.

Кейин...

...кечқурун журнал варақлаётиб, ўрта бетдаги рангли расмга нигоҳи тушдию, бехос... қароқчилар тўдасига дуч келиб қолгандек, донг қотди, амакиси ҳамда идорада ҳисобчи бўлиб ишловчи қўшни аёл — Рисолат сатанг, пахта териш машинаси олдида илжайганда гердайиб туришибди. Расм остига эса, колхоз раиси Фалончиев билан, хўжаликнинг илғор механизатори

Писмадончиева ўтган йилги баракали меҳнат самарасидан бениҳоя мамнун. Бу йилги мавсумда Писмадончиева юксак хирмонга юз эллик тоннадан кўпроқ «оқ олтин» териб тўкиш учун пухта ҳозирлик кўрмоқда, деб ёзиб қўйилган эди.

Нозим, ҳавойи мақтовни ўқиётиб, гудраниб сўкинди: бу қанақаси ахир, колхозда сираям терим машиналари ишлатилмайди-ку!.. Ола-а, Рисолат сатанг юз эллик тонна пахта терармиш... Агар у мойга беланиб далада юрса, ким унинг қайрилма қошларини мўйчинакда бежирим қилиб терадию, ким унинг пўрриқ юзларига упа-элик суриб қўяди. Рисолат сатанг... Йў-ўқ, бу сатанглару бунақа кўзбўямачи раислар билан ҳеч қачон коммунизм қуриб бўлмайди. Буларнинг томирини қуритиш керак!..

Нозим шартта бир варақ қоғоз олиб, бош муҳаррир номига битта хат ёзди.

Кейин...

...эрталаб мактабга бораётганида, йўлакай почтага кириб, почтачи Абдумаликдан конверт олди-да, журналдан адресни кўчириб ёзгач, қутига ташлади. Сўнг бирор ҳафта ўтар-ўтмас рўй беражак ажабтовур адолат тантаналарини кўз ўнгида айқаш-уйқаш тасаввур этган кўйи, чаққон чиқиб жўнади.

Пешин чоғи Нозим мактабдан шоду хуррам қайтди, лекин ҳовлига кираётиб, кунгай бетдаги айвонда чўзала тушганча, гангур-гунгур гурунглашиб чой ичаётган отаси ҳамда амакисини кўрдию, юраги шув этиб кетди. Ва, улар сари секин яқинлашаркан, негадир амакисига салом бермади.

— Ҳе, жиян!— деди амаки зўраки жилмайиб.— Уқишлар қалай?

Нозим индамади.

— Яхши ўқийди бу, амакиси. Ҳамма баҳоси «5»!— деди отаси.

— Биладан, айниқса ёзувдан саводи зўр бунинг,— деб амаки қўл чўзди.— Яқинроқ ке қани, жиян, кўришиб қўяйлик бир.

Нозимнинг оёғи тортмади.

Отаси эса, алланимадир сезгандек, таажжубланиб:

— Ий-э, дарров амакинг билан қўллашмайсанми, ўғлим!— деди дашном оҳангида.— Бу қанақа беадаблик?!

Нозим отасига бир мўлтираб қараб, хушлар-хушламас амакисига қўл узатди.

Бирдан амаки қоқшоқ чангалида бармоқларини омбурдек гижимлаб, кескин пастга босди. Қўққис бандидан узилган шохдек гурсиллаб, кийиз устига чўк тушди.

— Буни нега ёздинг, даюс?!— Амаки, қўли қалт-қалт титраб, ён чўнтагидан икки букланган конверт чиқарди.— Хонавайрон қилмоқчимисан мени, аҳмоқ?! Нодон!.. Ким ўргатди сенга буни — отангми, онангми муаллимингми — ким?! Гапир ахир!

Дабдурустдан отаси жонсаракланиб:

— Ҳа, тинчликми?— деди.— Нима қипти?

Ука акани саннаб-сенсираб:

— Ана, ўғлингни ҳунарини кўриб қўй!— деб, конвертни иргитди-ю, Нозимнинг қулоғини бураб ушлади.— Ўғлинг журналга: колхозимизда биттаям терим машинаси ишлатилмайди... Биз коммунизм қурмоқчимиз, сизлар бўлсангизлар кўзбўямачиларни мақта-япсизлар, деб ёзипти. Ол, ўқиб кўр.

— Қўйвор боланинг қулоғини!— деди ота ўшқириб.— Ҳаддингдан ошма кўп. Тўғри ёзипти.

— А-а?!— деди амаки, беихтиёр қўли бўшашиб.

— Тўғри-ку, ахир!— деди ота.— Наридан-бериси билан минг гектар қалта-култа ерга пахта экасан. Салкам икки минг колхозчинг, яна шунча ҳашарчинг бор... Терим машинасини ишлатиш учун сенда шароит ҳам, имконият ҳам йўқ-ку! Ёлгонми-ё?

Ранги-рўйи янаям бўзариб, амаки:

— Ўғлингга ўзинг ўргатиб қўйган экансан-да, ака?— деди.— Шундайми... бўйнингга олавер, а?

— Топдинг,— деди ота аччиқ кулимсираб.— Амакинг босар-тусарини билмай қолди, кўзини ёр босиб кетди. Боплаб «Муштум»га ур, деб ўзим ўргатиб қўйганман. Кўнглинг жойига тушдимми энди?.. Эсинг борида этагингни ёпиб юр!

Амакиси, ростми шу гаплар, дегандек Нозимга саволчан ўқрайиб қаради: гапир, кўрнамак!

Нозим кўзларида сўнгсиз бир ғазаб учқунланиб:

— Яна ёзаман,— деди овози қалтираб.— Одамларнинг хатини йўлда ушлаб қоладиган почтачи Абдумаликниям қўшиб ёзаман.

Отаси бирдан ўшқириб юборди:

— Ўчир-э!..

Нозим сесканиб тушди, сўнг папкасини қўлтиғига қисиб, ачишиб оғриётган чап қулоғини ишқаган кўйи, уйга кириб кетди.

Ҳамон Нозим доцент Погарелованинг шафқатсиз ҳукм янглиғ янграган бояғи гаплари таъсиридан қутулолмаган эди. Унга қандайдир нохуш-нописанд тикиларкан, нечундир кўкси куйишиб, Исмати — коммунизм қурилишини тезлаштириш учун жонини ҳам аямай, аскарлик бурчини ўтаётиб, Узоқ Шарқдаги чегара қисмларидан бирида жувонмарг бўлган жўрасини хотирлади; кейин, салкам йигирма беш йиллик муҳлатни жуда узоқ билиб, самарали курашнинг осси йўли — янғича бунёдкор кадрларни тезроқ кўпайтириш иштиёқида, мактабни битирар-битирмас, шартта турмушга чиқворган Нурбибини эслаб, мийиғида кулиб қўйди... Ва шу баробарида амакиси ҳамда почтачи Абдумалик ҳам кўз ўнгидан яна ясов тортиб ўтди. Амакиси ҳозир пенсияда. Қишлоқ оқсоқоли. Асло тўю маъракалар унинг кенгашисиз ўтмайди. Абдумалик эса катта район почта маҳкамасига кўтарилиб кетган.

Нозим аламноқ хўрсиниб, барибир ўша даврлар яхши экан, деб ўйлади: кўнгилда эртанги куннинг янаям яхшироқ бўлишига оташин бир умид бор эди. Боёқиш Сафаров ҳамма тобора бахтиёр яшайдиган замона яқинлашаётганлигини жўшиб-тошиб такрорлашдан тинмасди... Манави аёл эса... Йў-ўқ, художўйлар у дунёнинг жаннатига ишониб, ҳар куни беш вақт намоз чоғида туганмас эътиқод билан саждага бош қўйишгандек, барча кексаю ёшни албатта келажакка ишонтирмоқ керак. Токи ҳамма кун сайин тозариб, ёниб-орзиқиб яшасин!

Нозим хаёлчан алфоз дераза томон юзланиб, ҳануз эзиб ёғаётган ёмғир томчилари ойнада иланг-биланг суриниб оқаётганини кўрди-ю, дабдуруст жунжиккандек бўлди — назарида, хотини шашқатор ёш юваётган юзларини муздай ойнага босиб, мўлтираб тургандек эди: Алишер мактабдан қайтганмикан?.. Онасига озор бериб юрган бўлса... Қўнғироқ қилиш керак...

Бир маҳал, танаффус бошланиб, ҳамма баравар гувранганча, даҳлизга ёпирилди.

Нозим хаёлпарিশон ўрнидан турди, элан-қаран дафтар-китобини йигиштириб, секин эшик томон юрди.

Наташа йўлни тўсиб:

— Қочвормоқчимисан? — деб кулди. — Нима, онахоннинг лекцияси ёқмадимми?

— Кейин айтаман... Майлими?

— Менда «Милтиқли киши»га иккита билет бор. Борайлик?

— Кўраммиз...

Сўнг, хайр маъносида бош ирғаб, дарсхонадан чиқди.

Даҳлиз гавжум эди. Суқротдек тепакал йигитлар, Клеопатрадек гўзал жувонлар ҳар ер-ҳар ерда уч-тўрттаси гуж бўлиб, ўзаро қизгин мунозаралашганча, сигарет бурқситишарди.

Нозим гилам-пояндоздан вазмин одимлаган кўйи, ётоқхона томон йўл оларкан, шароит зўр, деб ўйлади: ҳамма нарса бор, ҳамма нарса етарли. Аммо, энг зарури — одамнинг дил кўзини очиб юборадиган нима дир етишмайди-я!.. Эҳтимол, очилгани шудир. Йўғ-э!..

Нозим бу ҳақда ҳали кўп ўйлайди. Бироқ, ҳарчанд ўйламасин, юпанолмайди. Агар юпанса — яшашнинг қизиғи қолмайдигандек туюлаверади...

...Лифтда иккинчи қаватга тушиб, нимёруғ даҳлиз ўртасидаги шинамгина хонасига етди. Эшикни очди. Ичкарига кираётиб, чироқ тугмасини босди: бирдан чоғроқ хона ёришиб кетди, лекин ҳамон нимадир кўнглига соя солиб тургандек эди.

Китоблар қалашиб ётган стол чеккасида суякранг телефон мунғайиб кўринади. Аввал «8»ни, сўнг пошилмай зарур рақамларни терди, дарров алоқа улана қолди. Каравотда чалқанча ётиб, интиқ кута бошлади. Ғалати жимжитлик асносида ёмғир томчиларининг дераза ойнасига бир маромда шитирлаб урилаётгани, шу баробари дам-бадам дастакдан «қу-уқ, қу-уқ»лаб таралаётган товуш эшитиларди.

Ниҳоят, хотинининг овози қулоғига чалинди:

— Лаббай...

— Салом!..— деди Нозим энтикиб.

— Ассалом. Яхшимисиз?..

— Ўзларингиз тинчмисизлар? Болалар?..

— Алишерингиз сизни соғиниб, жуда ичкиб юрибди... Байрамда келасизми?

— Э, ҳали йигирма кун бор-ку байрамга.

— Ҳозирдан билет олиб қўймасангиз, кейин тополмайсиз-да...

— Қишлоқдан хат-хабар борми?

— Кунора телефонда гаплашиб турибмиз. Ҳаммалари соғ-саломат. Сизга салом айтишади,— деб хсти-ни тагин сўради.— Байрамда келасизми ахир? Ойби-йим¹ ҳам сизни жуда соғинганмишлар.

¹ Ойбиби — қайнона (шева).

— Борарман...

Сўзлашиб бўлгач, шифтга ўйчан тикилиб ётди. Негадир кўнгли янаям ғашланаётгандек эди. Руҳиятидаги бу тушуниксиз шўришни соғинч дардига йўйин деса, унсиз чингситаётган оғриқ сал бошқача... Беҳаловат тўлганиб қўйди. Сўнг отасининг алланечук қаҳрчан юз-кўзи назарига чалингандек бўлиб, хаёлан отасига мурожаат этди:

Ота, бир донишманд айтган экан, кунларининг қандай ўтаётганлигини билмаётганлар бахтиёрдирлар, деб. Агар шу рост бўлса...

Бу ёққа отланаётганимда, катта бир мўъжизага дуч келарман, деб ўйлаган эдим. Аммо, англашимча, ҳамма мўъжиза ўзимизнинг ота-юртда шекилли. Бу ерда... нимасини айтай, одам жуда кўп экан. Ернинг остию усти — ҳаммаёқ одам. Ғиж-ғиж!..

Айтмоқчи, ота, кадр-қимматнинг шакли-шамойили қанақа бўлади, ранги-чи — сиз шу ҳақда сира ўйлаб кўрганмисиз?..

Қўққис нимадир ёдига тушгандек, Нозим ирғиб ўрнидан турди, дераза рўпарасига ўтиб, ташқарига тикилган қўйи, тек қотди: ёмғир тинган, бир-бирига уланиб кетган паст-баланд томлар устида энди қор тўзони ўйнар, аллақерда бир жуфт қарга чўзиб-чўзиб қағилламоқда эди. Вақт айни туш маҳали бўлишига қарамай, атроф-теварак худди қош қораяр пайтидагидек кулрангланиб кўринади.

Тор хона янаям тораяётгандек, Нозим сиқилаётганини сизди: гўё нимагадир илҳақ, кимгадир муштоқдек эди. Шу ердаги катта бир институтда ишлайдиган ошнаси Мансур билан учрашишни ўйлади: бирор қаҳвахонада андак ўтириб ҳасратлашса, дилғашлик ўтиб кетар. Кейин, ўтган гал «иши» масаласида муж-малроқ маслаҳатлашишган эди, энди аниқ бир қарорга келинар балки...

Нозим секин телефонни ёнига тортиди.

2

— Мансур...

— Э, Нозим!.. — Мансур жилмайиб ўрнидан турди. — Қалайсиз?

— Сўраманг, жўра.

— Э, бўшашманг-да! — У уринганроқ бир юмшоқ курсига ишора қилди. — Ўтиринг.

— Шаҳриниҳанинг ҳавоси одамни жуда эзиб юбо-

раркан. Сизга балли-е, Мансур.

— Ун беш йилдан бери иш баҳона шу ердамиз ахир.

Торгина кабинетнинг деворларига беш-олтита эски-туски шкаф қатор тақаб қўйилган эди. Уларда саргайган газета-журналлар, ҳар хил папкалар қалашиб ётарди.

Нозим ошнасининг ҳорғин кўзларига синчков тикилиб:

— Энди сизни у ёққа элтиб эксалар ҳам, кўкаришингиз даргумон,—деди.

— Эҳтимол...— деди Мансур пешонаси тиришиб.— Ўзингиздан гапиринг, стажировка қалай ўтяпти?

— Биласизми, бу ерда вақтнинг қадри йўқ экан, кейин... назаримда, одамнинг ҳам!

Мансур ғалати ишшайган кўйи, соатига қараб:

— Меҳмонлигингиз учун шундай туюлса керак,— деди.— «Иш»ингизни нима қилдингиз, Нозим, олиб келдингизми?

— Ана, сумкада!..

— Мен сизбоп бир оппонент...— Мансур гапини тугатмай, чаққон телефон дастагини олиб, рақам терди.— Салом, қария!.. Ярим соатда етиб келоласанми?.. Ну-у!.. Бўпти, айт.— У қоғозга нималарнидир тезгина ёзиб, дўсти билан хайрлашгач, Нозимга юзланиб:— Кечқурун еттиларда мана шу адресга боришингиз керак,— деди.— Сизни бир йигит кутиб олади. У институтнинг умидли, истеъдодли олимларидан.

— Оти ким?

— Искандар оқсоқол.

— Э!..— деди Нозим.— Ўзбекми?

— Йўқ,— деди Мансур.— Ўрис. Ўзимиз томонга тўрт-беш марта бориб, шунақа лақаб орттириб қайтган. Урфу-одатларимизни, расм-русмларимизни яхши билади. Жуда зукко йигит.

— Мансур, ўзимиз бирор ерда бирпас чақчақлаш-сак бўларди, жўра.

— Афсу!..— У кифтларини қисиб, тагин соатига қаради.— Ярим соатдан кейин жўнавораман. Дарсга етиб боришим керак.

Нозим кулиб:

— Бирор кечки мактабда ўзбек тилидан ўқитувлик ҳам қиялпсизми дейман?— деди.

Мансур илкис унга саволчан тикилди:

— Тошкентда ўзбек мактабларидан борми ишқилиб?

Нозим бош ирғади.

Негадир Мансур кинояли кулимсиради, сўнг:

— Инглизчани ўрганипман,— деди ярим ҳазил, ярим жиддий оҳангда.— Илмни қўйиб, таржима билан шуғулланмоқчиман. Қалай, зўрми?

Нозим индамади.

Мансур яна соатига бетоқат нигоҳ ташлаб:

— Демак, гап шу!— деди.— Эрта шу пайтларда учрашамиз. Келишдикми?

Нозим, кўкси бир қалқиб, жойидан турди:

— Бўпти, хайр!..

Ҳовлига чиқиши билан, беихтиёр аччиқ аёздан жунжикаркан, кўзлари жимирлаб кетди: ҳаммаёқ оппоқ. Ҳамон бўралаб қор ёғяпти. Совуқ шамол шипшийдам дарахтлар оралаб ув тортади.

Нозим шалайим кепатада юриб, бир тавақаси қийшайиб ётган катта дарвозадан кўчага чиқди. Ғизиллаб елаётган турфа машиналарни, ғарч-ғурч қор босганча дилдираб кетиб бораётган одамлар оқимини кўриб, ўзини баттар ғарибу сўққабош ҳис этаркан, сумкадаги «иши»дан ҳам нечундир кўнгли совугандек бўлиб, ўша — н о т а н и ш — Искандар оқсоқолникига бориш шартмикан, деб ўйлади: борган билан бирор нима ўзгарармиди?

3

Эшик очилиб, Нозим рўпарада қаппайган қорни устидан пешбанд таққан, чап қўлида узун пичоқ тутган, кенг елкали, каттакон юзларини қизғиш соқол қоплаган, кўм-кўккина кўзлари кулиб боқувчан, ўттиз беш ёшлардаги йигитни кўриб, бир қадар ийманиб саломлашаркан, чиндан ҳам... улфатлашиб қолсак керак, деб кўнглидан ўтказди.

Мезбон йигит хушҳол жилмайган кўйи, дўриллаган овоз билан:

— Сиз... Нозимсиз-а?— деди.— Тўғри топдимми?

— Шундай...

— Мен — Александр Донскойман. Лекин сиз мени Искандар оқсоқол деб аташингиз мумкин... Бухорода, Самарқандда бўлганимда, ўзбек биродарлар менга шунақа от қўйишган... Қани, марҳамат.— У йўл бўшатиб, бўсаға ёнидаги шиппақларга ишора қилди.— Манавилардан тузукроғини оёққа илиб олдинг.

Даҳлизнинг пайрахапарчин поли ялтирар, деворларда бўш жой кўринмас, кийим-кечаклар осиглиқ

турган илгичлар юқорисидаги узун жавонларда саргайиб кетган газета бойламлари, кўхна журналлару китоблар териб қўйилган; ошкона тарафдан хушхўр бир таомнинг ҳиди гупуриб анқимоқда эди.

Нозим сумкани қаерга қўярини билолмай, мезбоннинг қўлига тутқазди. Сўнг пальтосини ечиб, илгичга осди.

— Юринг,— деди Исқандар йўл бошлаб.

Даҳлиздан кенгина хонага ўтишди. Хона бениҳоя озода, кўркам эди.

Деворларни бутунлай эгаллаган жавонлардаги бири-биридан ноёб китобларга Нозим ҳавас билан кўз югуртириб:

— Китобларингиз кўп экан,— деди.

— Жуда!..— деди Исқандар сумкани диван ёнига қўяётиб.— Буларнинг кўпчилигини марҳум отам тўплаган. Анави хонадаям анча бор. Кўришингиз мумкин.— У қўшни хонага кириб, чироқни ёқиб чиқди.— Онам холаминикига кетган. Уйда ўзимман. Ҳозир бир дўстим келиши керак. Оти — Лёша. Ажойиб йигит... Тошкентлик бир дўстимнинг ҳам ошнасини кутяпман, меҳмонхонадан қўнғироқ қилди. «Волга» олмоқчи эмиш... Марҳамат, ўтиринг.— Исқандар думалоқ стол тўрисидаги курсини суриб қўйди, сўнг ўзи ҳам ўтирди.— Мансур менга сен тўғрингда кўп яхши гаплар айтган.— Беихтиёр сенсираб гапира бошлагани учунми, унинг юзлари дув қизарди.— Бу ҳақда кейин... Бухоро, Самарқанд тинчми? Минораи Калон омонми?

Нозим афсуснамо бош чайқаб:

— Минораи Калоннинг пештоқи сал нураган,— деди.

Бирдан кўзлари каттариб:

— У-у, даҳшат!— деди Исқандар.— Вамбери ўзининг ҳалигидақа саёҳатномасида — биласан-а, у асли можорлардан, лекин инглизлар ҳукуматининг айғоқчиси бўлган!— Урта Осиё халқларини тамомила таслим қилиш учун, аввало уларнинг руҳиятини янчиш керак. Бунинг учун улардаги осмонўпар миноралар, кунгурадор масжид, мадрасаларни бузиб ташлаш зарур, деб ёзган... Кўрдингми, в а қ т — шафқатсиз!

Нозим унинг куюнчақлигидан таъсирланаркан, ўзи учун муҳим ниманидир кашф этгандек бўлди. Ва, минг йилларни олдиндан кўролган қадим кўкси тоғ бобокалонларга мансублигидан дилида беқиёс ифтихор ҳиссини туйди. Шунинг баробарида минора пеш-

тоқи сал нураганлигини энди алам билан ўйлаб, юраги шилиниб кетгандек ачишиб оғриди.

— Усталар бордир, таъмирлашса кераг-а?

— Албатта!..

Бир муддат давом этган ўйчан жимликдан сўнг, Искандар жиддий тортиб:

— «Ишинг»ни бугун менда қолдириб кетасан, ҳафтанинг охирида Мансурга қўнғироқ қилиб, фикримни айтаман, — деди. — Розимисан шунга, қария?

— Бўпти. — Нозим шартта сумкадан папкани олиб, ички бетига телефон номерини ёзди. — Илтимос, ўзимга қўнғироқ қиласан?!

— Хафа бўлиш йўқ!

— Асло!..

— Келишдик. — У ўрнидан туриб, папкани жавондаги китоблар устига қўйди, сўнг стол чеккасидан пичоқни олиб: — Мен энди ошхонага кетдим, қария, — деди. — Палов пиширяпман. Юртингга борганимда палов дамлашни ўрганиб қайтганман. Ўзбекча палов билан бир меҳмон қилай. Роса соғингандирсан-а?..

Беихтиёр ота-юрти, қадрдон гўшалар ёди ўртаб, Нозим маҳзун энтикди. Хоёнада ёлғиз қолгач, ҳаял ўтмай, яна зерикаётганини сезиб, жўнаворгиси келди. Ҳардамхаёллик билан жойидан қўзғалди. Китоблар устида ғарибона қўнқайиб ётган папкасига паришон тикиларкан, тўғри қиялпманми шунини қолдириб, деб ўйлади: майли, ўқиб кўраверсин-чи.

Кейин, жавонларга бир-бир кўз югуртираётиб, дабдурустан анг-танг бўлиб қолди — китобларнинг деярли ҳаммаси камёб нашрлар эди: Кант... Конфуций... Фрейд... Геродот... Секин Геродотнинг қалин муқовали, қонранг «Тарих»ини олиб, тенг ўртасини очди. Ва, ости қизил қалам билан чизиб қўйилган сатрларни тобора теран бир ҳайратга тушиб, ўқий бошлади: *Жайхун билан Сир дарёлари оралиғида яшовчи массагетлар темирни ҳам, кумушни ҳам ишлатмайдилар. Аммо, олтин билан мисга жуда бойдирлар...*

Ҳали-замон шайтон йўлдан оздириб қўядигандек, Нозим дарҳол китобни ёпиб, аста жойига қўйди. Сўнг секин нари жилаётиб, шундоқ рўпарасида оғзини катта очганча, бақрайиб турган илонга нигоҳи тушгани ҳамано бир сесканди. Кейин, мийиғида кулимсираб, қойил мақомида бош чайқади: узун, иланг-биланг, кулранг чўпнинг учига калласифат айриси манглайига бир жуфт кўзмунчоқ бошлаб қадаб қўйил-

ган экан — худди тирик илоннинг ўзи!.. Нозим уни қўлига олиб, томоша қилди... Хонада бу хил қўлбола тимсоҳ... оҳу... чағалай... анчагина эди. Дераза ёнидаги кўҳна бир қувачада эса йўғон-йўғон қамишлардан устамонлик билан ясалган ўнтача най кўриниб турарди.

Нозим вазмин юриб, қўшни хонага ўтди. Бу хонада китобларнинг янаям кўплигини, уларнинг ҳам бири-биридан нодир асарлар эканлигини кўриб, бир зум ўртада анграйиб қолди: шуларнинг ҳаммасини анави йигит ўқиб чиққанмикан-а? Агар ўқиган бўлса!..

Зайтунранг жавонларнинг ҳар ер-ҳар ерига ранг-баранг мунчоқлардан, турфа тугмалардан зеб бериб ишланган бирталай безанчоқлар батартиб илиб қўйилган эди. Уй тўрида поялари қуббали, устига сергул сўзана ёпилган каравот; дераза ёнида маҳобатли стол... Стол устида чиройли чорчўпга солинган чоғроқ катталикдаги сурат, қоғозлар, қаламлар... сурат беихтиёр киши эътиборини ўзига жалб этарди. Стол чеккасидаги гулдонда эса бир даста қовжироқ қиёқгул.

Нозим оҳиста яқинлашиб, улугсифат кишининг хийла ўйчан, хиёл гамгин суратига хаёлчан термиларкан, ногоҳ бадастур... бадавлат хонада ҳасратли бир ғусса кезаётгандек туюлиб кетди; назарида, қовжироқ қиёқгуллар бу ғуссани янаям бўрттириб намоён қилаётгандек эди. Секин изига қайтди.

Шу пайтда мезбон бир қўлида хумчойнак, иккинчисида пиёла кўтариб, хонага кирди:

— Зерикмаяпсанми, қария? — деди.

Ҳануз шуурида эзгин хаёллар изғимоқда эди, Нозим столга тирсақлаб:

— Саволим бачканароқ туюлса кечирасан, — деди. — Эртангнинг бугунингдан янаям яхшироқ келишига ишонасанми?

У чой шописаётиб, хахолаб кулди:

— Қарияпсан, дўстгинам!

— Афсуски!..

— Тушунаман, сен бир замонлар бугунингдан кўп яхшилиқлар кутгансан, лекин мана, эришганинг — надомат бўлиб турибди. Гўё!.. Менга қара, ҳамма нарсадан қўлинг, кўнглинг совугандекми, қария?

Нозим, нимадандир ҳадиксираётгандек, унга саволчан қадалиб тураверди. Индамади.

— Лениннинг «Давлат ва революция»сини ўқигансан-а?

— Ўқиганман.

— «Давлат бўлар экан, озодлик бўлмайди. Озодлик бўлган вақтда, давлат бўлмайди». Эсладингми?

— Ёдимда.

— Сен, мен — ҳаммамиз ўспирин кезларимизда бугунимиздан кутган яхшиликларга эрта бир кун тўла эришмоқ учун, ленинизм таълимоти бўйича, аввало маъмурий идорачилик усулидан қутулолмоғимиз лозим. Тўғрими?..

Нозим сассиз-садосиз хўрсиниб, ўшанда бизни... Сафаровлар боплаб лақиллатган экан, деб ўйлади: кўр — тутганини, кар — эшитганини қўймаганидек, йлашиқ хаёлларга чувалашиб юраверибмиз. Яшанг-э, Нозимбой!..

— Биласанми, кун сайин гаштлуроқ яшамоқ, яъни тобора яшармоқ учун, одатдаги хизмату китобхонликдан ташқари, бирор эрмак билан шуғулланиш керак. Шахсан мен шундай қиламан: нимадандир сиқилсам, кўриб турганингдек, ҳар хил безанчоқлар ясайман... Яқинда шаҳар чеккасидан ўн қутича асалариси билан бир боғ-ҳовлича сотиб олдим. Болалар онаси билан боғ-ҳовлида. Бир қиз, бир ўғилчам бор. Ҳозир оғайничалиш уста боғ-ҳовлидаги иситиш қувурларини янгилаяпти... Энди асаларичилик билан ҳам шуғулланаман, баҳоли қудрат боғбонлик қиламан; хуллас — қўл қовуштириб ётиб, бекор ўйлашга вақт қолдирмайман. Бекорчи ўй — ўпқон, қария!

Нозим совуб қолган чойдан хўпларкан, тўзгин фикру ёди не боис кейинги кунларда кўнгли бу қадар...лигини англаб етиш хаёли билан банд эди: аҳти-мол, жигаргўшаларини қўмсаётгани учундир. Ёки, чиндан ҳам, нохуш маърузалардан безиб, адоқсиз ўйлар исканжасида бесамар чингсиётгани учунмикан-а?

Ногоҳ эшик қўнғироғи узоқ жиринглади.

— Лёша келди!— деб Исқандар даҳлизга чиқди. Ҳаял ўтмай, эшик очилди.— Нега бунча кечикдинг, қария?

— Йўлакай ароқ олмоқчи эдим,— деди Лёша нолиниб.— Жин урсин, навбатим етганда, соат етти бўлиб қолди.

— Ҳечқиси йўқ, битта булғори вином бор.

— Қор чапароста ёғяпти. Уввв, сову-уқ!— деди Лёша.— Биттагина ароғинг бўлганда эди...

Нозим лоақал бирор шиша ичимлик олмай, сўппа-йиб кириб келаверганидан койинди: ўла-а, қишлоқи! Ҳримга бало борми. Олиш керак эди.

Мезбон хушқол жилмайган кўйи, хонага ошнасини бошлаб кириб:

— Танишинглар, Нозим,— деди.— Менинг дўстим, манхўр пайвандчи — Лёша!

Нозим, юзлари чўзинчоқ, ўттиз ёшлардаги озгин йигитга қўлини чўзиб, отини айтди.

Озгин йигит тавозели кулимсираб, енгилгина бош ирғаганча, унинг қўлини сиқиб:

— Танишганимдан хурсандман,— деди.— Мен сизларнинг ўлкаларда бўлганман: Газлида, Ашхабодда... Газ қувурлари ётқизганмиз. Одамларингиз ажойиб — меҳмондўст! А, биз...— У курсига чўкиб, ялт дўстига юзланди.— Паловинг пишдимиз, Саня?

— Аллақачон...— деди мезбон.— Лекин тагин бир меҳмон бор.

— Узоқ кутамизми меҳмонни?

— Ай-да, кепқолар,— деб у ортига бурилди.

— Саня, винони унутма!..

Даҳлиздан унинг нимадир деганча хахолаб кулгани эшитилди. Хиёлдан сўнг каттакон биллур бодяда шарқона аччиқ-чучук ҳамда оззи сурғучланган узунчоқ бир шишани столга келтириб қўйди.

Шарта Лёша винони қўлига олиб, сурғичига димоғини босди:

— Аҳ-ҳ!..— деди.— Бир пайтлар ўзимиздаям тикини шунақа сурғучланган винолар бўларди-я!

Айни шу чоқда тагин эшик қўнғироғи жиринглади.

— Ана, меҳмонни кутиб ол, Саня!..

Искандар шитоб даҳлизга ўтди. Эшикни очди.

Меҳмоннинг қувноқ шангиллагани баралла қулоққа чалинди:

— О-о, салом, Искандар оқсоқол — окагинам!..

— Саломалейкум, Турсун!— деди мезбон.— Қалай, Анвар сўпи яхши юриптими?

— Отдек... Сенга бир дунё салом айтди. Ана, ик-китагина қовун ҳам бериб юборди.

— Ташаккур!.. Қани, марҳамат... Уйда меҳмонларим бор.

— И-и, айтмайсанми шунга, окагинам?!

Мезбонга эргашиб, хонага қомати барваста, думалоқ юзли, бугдойранг бир йигит алланечук жилмайибгина кирди-да, бир-бир қўл олишиб кўришди.

Танишдилар.

Кейин...

...ўртага чинни товоқда гумбаз қилиб сузилган налов келтирилди.

Таомдан олдин танишув шарафига, меҳмондўст мезбон шарафига пайдар-пай қадаҳ кўтарилди.

Жомсўз навбати Нозимга етганда, овози хиёл титраниб:

— Ёмон азоб бўлди: айниқса умримнинг кейинги бир ярим ойи бир-бирига икки томчи сувдек ўхшаб ўтди-кетди,— деди.— Бугун янги танишлар, янги дўстлар орттирдим. Мана шу кун ҳаётимда... ҳаммамизнинг ҳаётимизда унутилмас кунлардан бири бўлиб қолсин, оғайнилар!..

...Паловхўрлик асносида беқарор оби ҳавою бетаъин нарху наво ҳақида; бир замонлар лоақал қирчанги эшак ва шалақ валасапед минолмай ўтган фақирларнинг қалбан бадавлат бўлгани тўғрисида; бугунгиларнинг эса, агар рухсат берилса, айримлар ҳатто шахсий самолётсозлик заводи қуришга қурби етиши мумкинлигию, лекин негадир маънан қашшоқлашиб бораётганлиги хусусида ҳам ҳайрат, ҳам надомат билан гурунглашдилар.

Кейин, суҳбат мавзуй «Чайковский» концерт залида бош чангаллаб ўтирган тож даъвогарларидан қай бири қолиб чиқиши масаласига кўчганда, бирдан Турсун ҳаяжонланиб:

— Ҳали кўрасизлар, Гаспаров Карповни янчиб ташлайди!— деди.— Чунки Гаспаров ёш ҳам жуда ўткир экан.

— Шахматни боксга ўхшатапсан шекилли, Турсун,— деб кулди мезбон.— Карпов тажрибали шахматчи. У албатта енгади.

— Кўрамиз, Искандар оқсоқол — окагинам!

— Нимасини кўрасиз — ҳаммаси кўриниб турган савдо-ку!— деди Лёша қизишиб.— Сиз хоҳлайсизми, йўқми — бари бир тож Карповники бўлади!..

Нозим баҳсга аралашмай, хомуш ўтирарди — иш-таҳа билан ейилган палов олисдаги жигаргўшаларини янаям ёдига солиб, дилтанг қилиб қўйган эди. Ахийри, сездирмай жўнаворгиси келди: бирпас совуқ ҳавода тиниқиб, хаёлчан кезса!.. Аммо, ноқулай.

Бир маҳал, мезбон беҳуда баҳсга бамаъни якун ясамоқчидек, сизларга ўзим бир куй чалиб берай, деб сопол кувачадаги узун-узун найлардан бирини олиб, тешикларини кафти билан уч-тўрт бор сийирди. Сўнг, кўзларини чирт юмиб, оҳиста чала бошлади.

Аввалига Нозим лоқайд тинглайверди. Хиёл фурсат ўтар-ўтмас, оҳанграбо куй титраб-титраб, авжга

чиқавергач, ажиб бир туйғудан аъзойи бадани жимирлашаётгандек бўлаверди, — найнинг маъюс нола-си жудаям дилкаш, жудаям қадрдон эди, — гўё Искандар аллакимнингдир эмас, айнан унинггина мискин ҳасратини оҳанг тили билан ифодалаётгандек эди.

Ана, бир аёл... онаси-онагинаси! Дам-бадам интизор йўл қараб, кўрна қавияпти. Қўли ишда-ю, хаёлида йироқдаги жигарпораси қуюн янглиғ чарх ураётгандек. Онагинаси...

Ана, довонга туташиб кетган сўнгсиз саҳронинг ўртасидан бир йигит — Ўзи... ўзи! — оппоқ отни елдириб боряпти. Отнинг оппоқ ёли оқ байроқдек ҳилпирайди. Бир пайт довонга етай-етай деганда, от қанот чиқариб, бир кишнадию кўкка парвоз қилди. Ва бирдан еру осмонни сирли-сеҳрли бир наво тугиб кетди.

Ана...

Нозим, юрагига нурдек оқиб кираётган мусиқадан мутаассирланган кўйи, кўзлари жимирлаб Искандарга ҳавасланиб тикилди: мана сенга эрмак, Нозимбой! Қандай яхши... Лекин куй шарофати билан яратган хаёлий олаmidан айро тушгани... Аттанг!..

Туйқус, айна авжига чиққанда, куй тинди.

Искандар энди кўзларида чақноқ бир табассум жилоланиб, найни жавондаги китоблар устига қўйди.

Оҳанграбо куй садоси ҳамон мунаввар хона ичра майин янграётгандек ҳамма жим эди.

Ниҳоят, Лёша жимликни бузиб:

— Саня, яна битта чалгин, илтимос? — деди. — Қорақум ёдимга тушиб кетди. Туяни йўрттириб, қудуқдан сув олгани борганимда, кўпинча қўйчивон чолнинг бир қизи мени кулиб қарши оларди. У қизнинг узун сочларига ғалати-ғалати сочпопуклар тақилган бўларди... Тагин бир чалгин, ошна?

Искандар кулимсираб, бош чайқади:

— Бас, қария...

Негадир Турсун миқ этмай ўтирарди.

— Сизга ёқдими? — деб сўради Нозим ундан. — Яхши-а?

— Қўйинг-э, нимаси яхши-е! — деди у ўзбекча-лаб. — Бетаъсир-ку, окагинам?!

Нозим ундан ранжиб, ихтиёрсиз қошларини чимирди: сен машинфурушнинг хаёлингда «Волга» қайғусидан бўлак нимаям бўларди шу тобда!..

Кейин, Искандарга юзланиб:

— Яша, дўстим!— деди.— Кўнгилларни бир яйратдинг. Маза қилдик.

— Ола-а!— деди Исқандар, хахолаб кулиб.— Сен ҳам боладинг-ку, қария.

— Йўқ, чалган куйинг жудаям... шарқона, жудаям яхши, дўстим. Номи нима?

— Номи?.. Номи йўқ.

— Э, нега йўқ?

— Йўқ-да...

Нозим бир зум ўйга толди: қизиқ-ку, шундай ажойиб куйнинг номи бўлмаса! Ҳаёт қадар бешафқат, ҳаёт қадар мушфиқ бу куйда бир дунё севинч, бир дунё ҳасрат мужассам-у, лекин... Ажаб!

— Ҳар йили куз пайти балиқ тутгани кўл бўйларига борганимда битта йўғонроқ қамиш кесиб қайтаман. Кейин, бекорчиликда ўтириб, най ясайман,— деди Исқандар, навосозлигини изоҳлаб.— Баъзан бирдан ўзимча чалавераман. Бир бор чалган куйимни иккинчи марта чалишга ҳеч уриниб кўрмаганман.

Нозим таажжубланиб:

— Нима, ҳозиргина чалган куйингни энди бизга такрорлаб беролмайсанми?— деб сўради.

— Билмадимо-ов...

— Бўпти, кўп ўзингни тарозига солаверма!— деди Лёша.— Ушанга ўшатиброқ бўлсаям майли, чалақол, эшитайлик?

Исқандар ночор найни олди.

Нозим эса дабдурустдан безовталанди: агар у бирор бошқачароқ куй чалса, хотирида муҳрланиб қолган ном сиз куйнинг дилрабо оҳанглари тўзғиб, кўнгли яна ҳувиллаб қоладигандек туюла бошлаган эди; бехос ҳаммани ҳайратга солиб, шарт ўрнидан турди-да, Турсундан:

— Сиз кетмайсизми?— деб сўради.

— Қоламан мен,— деди у.— Биз оқагинамга боғовлисини сотган жуҳудникига эрталаб машина кўргани борамиз.

— Саломат бўлинг!..— Нозим у билан хайрлашгач, Лёшанинг кифтига дўстона қоқиб қўйди, сўнг мезбонга юзланиб:— Узр, мен кетишим керак, дўстим,— деди.

— Ҳали барвақт-ку, қария.

— Ётоқхонага боргунимча кеч бўлиб қолади.

Исқандар даҳлизга кузатиб чиқди, бўсағада хўшлашаётиб, яна:

— Ҳафтанинг охирида, куннинг иккинчи ярмида балки учрашармиз,— деб қўлини маҳкам сиқди.— Бўлти, қария!

— Ҳозирча!..

Нимёруғ йўлкадан кўчага чиқиши билан, бирдан шамол аралаш аёвсиз совуқ сурон кўтариб, Нозимни ўз домига тортгандек бўлди. Қаердадир бир дераза қарсиллаб ёпилди, ойна чил-чил синди. Дарахтлар аянчли юлқиниб гувиллар, қор тўзони эса кўз очиргани қўймас эди.

Нозим сумкасини қўлтиғига қисиб, шахдам бораркан,— аллақачон бугунги ажабтовур маърузани бутунлай унутгандек; энди шуурининг теран қатламларида ўқитувчи Сафаровнинг унутилмас сабоқлари яна шамдек шуълалана бошлаган,— номсиз кўйнинг сурурбахш оҳанглари эса оҳиста қулоқларида янграётгандек эди. Икки уй оралиғидаги бостирма остидан ўтаётиб, кўройдинда бир-бирига ишқолонпечакдек чирмашган қиз билан йигитни кўрдию, қачонлардир эшитган бир ҳикматни эслаб, йў-ўқ, кулли ёвмин баттар эмас, деб ўйлади: ёшини яшар-яшамас келажакдан умидини узиб қўя қолган ноумидлар учун кун кундан баттар бўлса бордир, лекин... Бу шафқатсиз ҳаётда кишини эртанги улуг ишларга астойдил руҳлантириб тургувчи муаллим Сафаровлар ҳамisha керак... жудаям керак экан.

Нозим, хиёлдан сўнг, турфа дўконлар билан қуршалган кенг майдон ўртасидаги бекатда, қор тўзони ичра у ёқдан-бу ёққа юриб автобус кутаркан, одамнинг умрида унутилмас кун бўлса, шунча бўлар-да, дея шукроналик аралаш бир ҳадик билан кўнглидан кечирди: лекин ҳафта охиридагиси қандай кечаркин-а?

* * *

Искандар оқсоқол ҳафтанинг охирида эмас, эртага... эртагаёқ оқшом пайти қўнғироқ қилиб, гуруллаган бир завқ-шавқ билан ҳайрату ҳаяжонини изҳор этади.

Аммо, ҳозирча буни Нозим билмайди.

1986

МУНДАРИЖА

Қисса

Чигириқ	6
Ҳикоялар	
Байрам	138
Хавотир	151
Қуюн	173
Довон	195
Қор ёққан кеча	219
Устун	251
Номсиз куй	267

На узбекском языке

НОРТУХТА ҚИЛИЧЕВ

САМОСУД

Повесть и рассказы

Тақрибчи Тоҳир Малик

Редактор *Рауф Парфи*. Рассом *И. Кириакиди*. Расмлар редактори *А. Мамажонов*. Техн. редактор *Т. Смирнова*. Корректор *Ш. Муҳиддинова*.

ИБ 3758

Восмақонага берилди 03.02.88. Восмига рухсат этилди 02.06.88. Р—14673. Формати 84×108¹/₃₂. Восмақона қоғози № 2. Мактаб гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма л. 15,12. Шартли кр.-оттиск 15,54. Нашр л. 16,33. Тиражи 60000. Заказ № 1103. Ваҳоси 55 т. Рафур Гулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-босмақонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21.

Қиличев, Нортўхта.

Чигириқ: Қисса ва ҳикоялар.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.—288 б.

Ёзувчи Нортўхта Қиличевнинг аввал нашр этилган «Еронгул», «Ошпоқ тонг», «Мўъжиза» китоблари ўқувчилар тарафидан қизғин кутиб олинган эди. Муаллифнинг ушбу тўпламига қисса ва янги ҳикоялари ҳамланди. Асарларнинг асосий мавзуи — замондош ёшларимизнинг маънавий оламини бадий акс эттиришдир.

Муаллиф турфа манзара ҳамда руҳиятнинг рангини ҳолатлари орқали чуқур ўйлатади, ижтимоий-фалсафий хулосалар кашф этади ва энг муҳими — виждоний сергакликка чорлайди.

Қиличев Н. Самосуд: Повесть и рассказы.